

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИВ АКАДЕМИЯСИНИНГ АХБОРОТНОМАСИ

2010 йилдан нашр этила бошлаган

Йилда тўрт марта чиқади

2020 йил, 3(46)-сон

## Бош муҳаррир

**Матлюбов Баходир Аҳмедович**, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси бошлиғи.

## Масъул муҳаррир

**Мухамедов Ўткирбек Хазратқулович**, ИИВ Академияси бошлиғининг ўринбосари, юридик фанлар доктори, профессор.

## Масъул котиб

**Раззоқов Сардор Абдижабборович**, ИИВ Академияси таҳририят-ноширлик бўлими бошлиғи.

## Таҳрир хайъат аъзолари

**Зиёдуллаев Музаффар Зиёдуллаевич**, ИИВ Академияси бошлиғининг биринчи ўринбосари, юридик фанлар доктори;

**Абдурасулова Қумриниса Раимқуловна**, ИИВ Академияси криминология кафедраси бошлиғи, юридик фанлар доктори, профессор;

**Кабулов Рустам**, ИИВ Академияси жиноят ва жиноят-ижроия ҳуқуқи кафедраси профессори, юридик фанлар доктори;

**Мамадалиев Шавкатбек Олмасбаевич**, ИИВ Академияси олий ўқув юртидан кейинги таълим факультети бошлиғи, фалсафа фанлари доктори, профессор;

**Азизов Нигмон Пардаевич**, ИИВ Академияси давлат-ҳуқуқий фанлар кафедраси бошлиғи, юридик фанлар доктори, доцент;

**Сантбаев Тимур Ренатович**, ИИВ Академияси тезкор-кидирув фаолияти кафедраси профессори, юридик фанлар доктори;

**Турсунов Ахтам Саломович**, ИИВ Академияси ҳуқуқбузарликлар профилактикаси кафедраси бошлиғи, юридик фанлар доктори, профессор;

**Пулатов Бахтиёр Халилович**, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси академиясининг профессори, юридик фанлар доктори;

**Джоробекова Арзигул Мамаюнусовна**, Қирғизистон Республикаси ИИВ Академияси бошлиғининг ўринбосари, юридик фанлар доктори, профессор.

## Ушбу сон муҳаррирлари

С. А. Раззоқов, И. В. Солохина, В. Г. Кан,  
И. И. Хувайтов, Б. Я. Джаббаров, А. М. Курганов  
Дизайнер ва саҳифаловчи М. Р. Ўринов

## Таъсисчи

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси

Ахборотнома Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2009 йил 18 июнда қайд этилган. Оммавий ахборот воситаси давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома № 0568.

Ахборотнома Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий агтестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган (ОАК Раёсатининг 2013 йил 30 декабрдаги 201/3-сон қарори).

## Таҳририят манзили:

100197, Тошкент шаҳри, Интизор кўчаси, 68.  
Тел.: 71-265-23-56, 71-265-23-59.  
<http://akadmvd.uz/category/vestnik-akademii>  
e-mail: [axbakad@inbox.uz](mailto:axbakad@inbox.uz)

Оригинал-макет Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг таҳририят-ноширлик бўлимида тайёрланди.

Мақолалар ҳар қандай усулда тўлиқ ёки қисман кўчириб босилганида «Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ахборотномаси»дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Таҳририят хатлар муаллифлари билан ёзишмайди. Қўлёзмаларга тақриз берилмайди ва улар қайтарилмайди.

Бичими 60×84 1/8. Нашр табағи 22,0. Офсет усулида босилди. Адади 300 нусха. «Better Print» МЧЖ босмаҳонасида чоп этилди. Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Уста Ширин 1-тор кўчаси, 254-уй.

Баҳоси келишилган нархда.  
Босишга рухсат этилди 26.09.2020.

Буюртма №

ISSN 2181-4872

© Ўзбекистон Республикаси  
ИИВ Академияси, 2020.

# ВЕСТНИК АКАДЕМИИ МВД РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Издается с 2010 года

Выходит четыре раза в год

**2020 год, №3(46)**

## Главный редактор

**Матлюбов Баходир Ахмедович**, начальник Академии МВД Республики Узбекистан

## Ответственный редактор

**Мухамедов Уткирбек Хазраткулович**, заместитель начальника Академии МВД Республики Узбекистан, доктор юридических наук, профессор

## Ответственный секретарь

**Раззаков Сардор Абдижаборович**, начальник редакционно-издательского отдела Академии МВД

## Редакционная коллегия

**Зиёдуллаев Музаффар Зиёдуллаевич**, первый заместитель начальника Академии МВД Республики Узбекистан, доктор юридических наук, доцент;

**Абдурасулова Кумриниса Раимкуловна**, начальник кафедры криминологии Академии МВД, доктор юридических наук, профессор;

**Кабулов Рустам**, профессор кафедры уголовного и уголовно-исполнительного права Академии МВД, доктор юридических наук;

**Мамадалиев Шавкатбек Олмасбаевич**, начальник факультета послевузовского образования Академии МВД, доктор юридических наук, профессор;

**Азизов Нигмон Пардаевич**, начальник кафедры государственно-правовых дисциплин Академии МВД, доктор юридических наук, доцент;

**Сайтбаев Тимур Ренатович**, профессор кафедры оперативно-розыскной деятельности Академии МВД, доктор юридических наук;

**Турсунов Ахтам Саломович**, начальник кафедры профилактики правонарушений Академии МВД, доктор юридических наук, профессор;

**Пулатов Бахтиёр Халилович**, профессор Академии Генеральной прокуратуры Республики Узбекистан, доктор юридических наук;

**Джоробекова Арзигул Мамаюнусовна**, заместитель начальника Академии МВД Кыргызской Республики, доктор юридических наук, профессор.

## Редакторы номера

С. А. Раззаков, И. В. Солохина, В. Г. Кан,  
И. И. Хувайтов, Б. Я. Джаббаров, А. М. Курганов.

Дизайн и верстка М. Р. Уринов

## Учредитель

Академия МВД Республики Узбекистан

Вестник зарегистрирован Узбекским агентством по печати и информации 18 июня 2009 г. Свидетельство о регистрации средства массовой информации № 0568.

Вестник включен в перечень научных изданий, рекомендованных Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан для публикации основных научных результатов диссертаций (Решение Президиума ВАК №201/3 от 30 декабря 2013 г.).

## Адрес редакции

100197, г. Ташкент, ул. Интизор, 68.  
Тел.: 71-265-23-56, 71-265-23-59.  
<http://akadmvd.uz/category/vestnik-akademii>  
e-mail: [axbakad@inbox.uz](mailto:axbakad@inbox.uz)

Оригинал-макет подготовлен в редакционно-издательском отделе Академии МВД Республики Узбекистан.

При перепечатке или воспроизведении любым способом полностью или частично ссылка на вестник «Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ахборотномаси» обязательна.

Редакция не вступает в переписку с авторами писем, рукописи не рецензируются и не возвращаются.

Формат 60×84 1/8. Уч.-изд.л. 22,0. Печать офсетная. Тираж 300 экз. Отпечатано в ООО «Better Print», г. Ташкент, ул. Уста Ширин, проезд 1, д. 254.

Цена договорная.

Подписано в печать 26.09.2020.

Заказ № ISSN 2181-4872

© Академия МВД Республики Узбекистан, 2020.

---

---

## МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ

### УЧИНЧИ РЕНЕССАНС ПОЙДЕВОРИНИ ЯРАТИШ САРИ

#### ПО ПУТИ СОЗДАНИЯ ФУНДАМЕНТА ТРЕТЬЕГО РЕНЕССАНСА

<i>Турсунов А. С.</i> Ички ишлар органлари тизимида фундаментал ва амалиётга йўналтирилган илмий тадқиқотлар самарадорлигини ошириш.....	5
<i>Мамадалиев Ш. О.</i> Диссертациялар сифатини ошириш бўйича айрим мулоҳазалар.....	8
<i>Абдурасулова Қ. Р.</i> Юридик фанлар бўйича илмий тадқиқотларнинг ҳолати ва муаллифлик ҳуқуқларининг муҳофазаси ҳақида.....	12
<i>Кабулов Р.</i> Критерии качества научных исследований.....	18

### ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ

#### ПРАВОВОЕ ГОСУДАРСТВО И ГРАЖДАНСКОЕ ОБЩЕСТВО

<i>Муҳамедов Ў. Х, Худойбердиев А. Қ.</i> Қонун ижодкорлиги ва ижтимоий фикр уйғунлиги.....	21
<i>Тураев А. П.</i> Ҳуқуқий жараёнлар самарадорлиги ва уларнинг ўзига хос жиҳатлари.....	26
<i>Инагамова. М. М.</i> Ўзбекистонда оила, никоҳ муносабатларининг ташкилий-ҳуқуқий жиҳатлари.....	32
<i>Раджабова М. А.</i> Абу Юсуфнинг «Китобул-хирож» рисоласида далилларни тўплаш ёки исботлаш масалалари.....	38
<i>Раҳманов А. А.</i> Ислом ҳуқуқида олди-сотди қоидалари. Рибо (судхўрлик) ҳамда қарзмажбурияти.....	44
<i>Абдусаттаров Т. С.</i> Интеллектуал мулк соҳасида қонунчиликни такомиллаштириш.....	50
<i>Дехканов Н. Б.</i> Сиёсий PR ва оммавий ахборот коммуникацияларининг жамият таракқиётидаги ўрни.....	54
<i>Тургунова Н. Т.</i> «Барқарор таракқиёт» тушунчасининг ижтимоий-сиёсий моҳияти.....	59
<i>Холиқов А. А.</i> Ўзбекистонда давлат тилининг қўлланишига оид баъзи масалалар.....	64

### КОНСТИТУЦИЯВИЙ ВА МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ

#### КОНСТИТУЦИОННОЕ И АДМИНИСТРАТИВНОЕ ПРАВО

<i>Атаев Ш. Қ.</i> Тадбиркорлик фаолиятини маъмурий-ҳуқуқий тартибга солиш усулларининг ўзига хос жиҳатлари.....	69
<i>Саидов Б. А.</i> Ички ишлар органлари ходимларининг фаолиятини баҳолаш мезонларини такомиллаштириш.....	77
<i>Маҳмудходжаева У. М.</i> Ички ишлар (полиция) органларида ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш бўйича хорижий тажриба.....	83
<i>Файзиев О. Р.</i> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси — ҳар бир шахснинг давлат ташкилотлари ва мансабдор шахсларга мурожаат қилиш ҳуқуқи амалга ошишининг кафолати.....	89

---

---

**ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИ, КРИМИНОЛОГИЯ ВА  
ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ**

**УГОЛОВНОЕ ПРАВО, КРИМИНОЛОГИЯ И  
ПРОФИЛАКТИКА ПРАВОНАРУШЕНИЙ**

<i>Абдурахимов М. Х.</i> Жиноятларнинг олдини олиш ва уларни фoш этишда геном бўйича давлат рўйхатига олишнинг роли.....	96
<i>Хўжақулов С. Б.</i> Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича давлат стратегиясининг мазмун-моҳияти.....	104
<i>Аманов А. А.</i> Ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматларининг фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлигини ташкил этиш.....	109
<i>Жумаев Ф. Ф.</i> Маиший турмуш соҳасидаги жиноятлардан жабрланган шахсларнинг виктимологик тавсифи.....	117

**ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИ, КРИМИНАЛИСТИКА ВА  
ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ФАОЛИЯТИ**

**УГОЛОВНЫЙ ПРОЦЕСС, КРИМИНАЛИСТИКА И  
ОПЕРАТИВНО-РОЗЫСКНОЕ ПРАВО**

<i>Каримова Д. Э.</i> Социальная значимость взаимодействия органов досудебного производства в раскрытии и расследовании преступлений.....	122
<i>Джураев Ф. Э.</i> Понятие, цели и задачи личного сыска в оперативно-розыскной деятельности органов внутренних дел.....	129
<i>Бекмуродов Н. Н.</i> Ички ишлар органлари тезкор бўлинмаларини ахборот билан таъминлашнинг назарий жиҳатлари.....	136

**ТАЪЛИМ, ТАРБИЯ ВА ХИЗМАТ ФАОЛИЯТИ ПСИХОЛОГИЯСИ**

**ОБРАЗОВАНИЕ, ВОСПИТАНИЕ И ПСИХОЛОГИЯ  
СЛУЖЕБНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ**

<i>Ходжаева Н. И.</i> Криминалистическая характеристика преступлений, связанных с торговлей людьми.....	140
<i>Воронина Н. В.</i> Оказание первичной доврачебной неотложной помощи сотрудниками органов внутренних дел: правовые основы, ответственность, формирование компетенции.....	145
<i>Аташайхов А. А.</i> Ички ишлар органлари фаолиятида жисмоний куч ишлатишнинг хусусиятлари.....	152
<i>Джураев И. Б.</i> Олий таълимни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқишда прокурор назоратининг ўрни.....	160
<i>Жўраев М. Ў.</i> Ички ишлар органлари бошқарув тизимида инновацион лойиҳаларни жорий этиш.....	166
<i>Саидов М. Р.</i> Терроризм ва экстремизмга қарши курашда замонавий таълимнинг ўрни.....	171
<i>Ковеев Р. Р.</i> Коммуникативная функция общения в профессиональной деятельности следователя органов внутренних дел.....	176

А. С. Турсунов\*

**ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ТИЗИМИДА ФУНДАМЕНТАЛ ВА  
АМАЛИЁТГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТЛАР  
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ**

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 2016 йилнинг 30 декабрь куни мамлакатнинг етакчи илм-фан намоёндалари билан учрашувда мамлакат ва жамиятнинг замон талаблари даражасида ривожланишини илм-фансиз тасаввур қилиш қийинлиги, илм-фан тараққиётида фундаментал тадқиқотлар алоҳида аҳамият касб этиши, айнан улар орқали янги билимлар ўзлаштирилиши ва назариялар шакллантирилиши, келгуси амалий тадқиқотлар ва инновацион ишланмалар учун мустаҳкам асос яратилишини таъкидлаб ўтди [1].

Мазкур учрашув мамлакат илм-фан тараққиёти учун туб бурилиш ясади. 2019 йил 29 октябрь куни «Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилинди.

Мамлакатда илм-фанни ривожлантиришга йўналтирилган ислохотлар шуқуҳи ички ишлар органлари фаолияти соҳасини ҳам четлаб ўтмади. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 августдаги «Ички ишлар органлари ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3216-сон қарорида *«ички ишлар органлари фаолиятида, биринчи навбатда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, тезкор-қидирув фаолияти ва жинойтларни тергов қилиш соҳасида мавжуд бўлган муаммолар бўйича фундаментал ва амалиётга йўналтирилган илмий тадқиқотлар ўтказилиши самарадорлигини ошириш»* кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан бири сифатида келтирилиб, уни амалга ошириш Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва тизимдаги таълим муассасаларининг энг муҳим вазифаси деб белгиланди.

Демак, Ички ишлар вазирлиги тизимида, хусусан, вазирлик Академиясида илмий тадқиқот олиб боришда ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, тезкор-қидирув фаолияти ва жинойтларни тергов қилиш соҳаларига эътибор қаратиш устувор аҳамият касб этади. Шу билан бирга, тадқиқот олиб борилганда фундаментал ва амалиётга йўналтирилган илмий тадқиқотлар ўтказилиши талаб этилади.

Мазкур вазифанинг ижросини самарали ташкил этиш учун фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) ва фан доктори (Doctor of Science) диссертацияси мавзуларини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратиш талаб этилади. Бу борада кўп йиллик илмий ва амалий тажрибага эга олимлар ва амалиётчи ходимларнинг маслаҳатларини олиш мавзунинг тўғри ва аниқ танланишида муҳим роль ўйнайди.

---

\*Турсунов Ахтам Саломович, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси ҳуқуқбузарликлар профилактикаси кафедраси бошлиғи, юридик фанлар доктори, профессор.



---

---

Фундаментал тадқиқотлар табиат, жамият ва инсоннинг тузилиши, шаклланиши ва ривожланишига оид асосий қонуниятлар ҳақида янги билимлар олиш, улар ўртасидаги ўзаро алоқадорлик, шунингдек муайян фаолият натижасида яратилган объектларни ўрганишга йўналтирилган назарий ва (ёки) тажрибага йўналтирилган фаолият ҳисобланади.

Амалий тадқиқотлар эса амалий мақсадларга эришиш ва аниқ масалаларни ҳал этиш учун асосан янги билимлар ва фундаментал тадқиқотлар натижаларини қўллашга йўналтирилган фаолият ҳисобланади.

Фундаментал тадқиқотларни фан доктори (Doctor of Science), амалий тадқиқотларни эса фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси доирасида олиб бориш тавсия этилади.

*Диссертация мавзусини танлашда* амалга оширилган муҳокамалар тадқиқот ишининг объекти, предмети, мақсад ва вазифаларини белгилаш ва аниқлаштиришга ҳам қатта ёрдам беради. Аммо ушбу жараённинг энг аввалида тадқиқотчидан уни қизиқтираётган мавзулар ва фан соҳасида кимлар масаланинг қайси жиҳатлари бўйича илмий тадқиқот олиб борганлиги билан яқиндан танишиб чиқиши талаб этилади.

Одатда, тадқиқотчи илмий раҳбар ёки консультантни эмас, балки, аксинча, етакчи олим унинг илмий раҳбарлиги ёки консультантлигида илмий иш олиб борадиган тадқиқотчиларни танлайди. Бунда тадқиқотчининг зехни, тегишли фан соҳасидаги илмий ва амалий тажрибаси, илмий тадқиқот олиб боришга лаёқати кабиларга эътибор берилади. Пировардида, ушбу ҳолат муайян даражадаги илмий мактабларнинг яратилишига ҳам ўз ҳиссасини қўшади. Бу эса, ўз навбатида, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан қўйилаётган мамлакатдаги «юқори салоҳиятга эга, жаҳон миқёсида эътироф этилган олимлар... ўз мактабларини яратиши, шоғирдлар тарбиялаши лозим» [1] деган талабнинг бажарилишини ҳам таъминлайди.

Тадқиқот — ижодий жараён. Ушбу жараёнда илмий раҳбар ёки консультант тадқиқотчини илҳомлантиради ва тўғри йўлга бошқариб туради, унга тадқиқотнинг методологияси ва методлари ҳамда уларни қўллаш бўйича ўз билим ва кўникмаларини улашади.

Навбатдаги муҳим вазифа — *тадқиқотнинг муфассал режасини ишлаб чиқиш*. Пухта ишланган режа ишни тўғри ташкил этиш, кам вақт ва куч сарфлаб, кўзланган натижага эришишни таъминлайди. Акс ҳолда айрим тадқиқотчилар сингари ёзиб тугатилди деб ҳисобланган диссертациянинг режасини қайта кўриб чиқиш, мавзуга мослаштириш, мантиқий кетма-кетликда тизимлаштириш каби масалалар билан боғлиқ қийинчиликлар юзага келади.

Такрор таъкидлашга тўғри келса ҳам айтиш жоизки, «илмий тадқиқот — ижодий жараён», уни муайян бир қолипга солиб бўлмайди, айнан шунинг учун ҳам «Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида»ги қонунда «илмий ижод ва ахборот эркинлиги», «самарадорлик ва ижодий рақобат» илм-фан ва илмий фаолият соҳасининг асосий принциплари сифатида белгилаб қўйилган. Аммо бу тадқиқот жараёнида умумилмий қоидаларга амал қилишни талаб этади.

Бу борада илмий этика тадқиқотчининг илмий маданиятини ифодалайди. Бу унинг тадқиқот ишидаги фикрларида, юзага келтирган илмий мунозара (полемика)сида, илгари сураётган ғоя, таклиф ва тавсияларида намоён бўлади.

Тадқиқотчида илмий этикани ривожлантиришга илмий раҳбар ва консультантлар масъул ҳисобланади.

Диссертацияда тадқиқотчи ўз фикр ва қарашларини, илмий хулоса ва тавсияларини муайян фактлар билан, яъни олимларнинг илмий хулосалари, амалиёт материаллари,

---

---

статистик маълумотлар, эмпирик сўров натижалари ва мутахассисларнинг фикр-мулоҳазалари кабилар билан асослаши талаб этилади. Бу эса тадқиқот ишининг илмий савиясини белгилаб беради.

Диссертацияда илгари сурилаётган таклифлар шартли равишда уч таркибий қисмга, яъни илмий хулосалар, амалий тавсиялар ва қонунчиликка оид таклифларга бўлинади.

*Илмий хулосалар* — назарий қоидаларни, муайян тушунчаларга нисбатан ишлаб чиқилган илмий таърифларни; *амалий тавсиялар* — амалиёт органлари фаолиятини тўғри ташкил этишни назарда тутувчи, кўрсатиб берувчи тавсияларни; *қонунчиликка таклифлар* эса ишининг норматив-ҳуқуқий янгиллиги, яъни муайян норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ёки мавжудларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни ифодалайди.

Мухтасар қилиб айтганда, бугун мамлакатимизда илм-фанга давлат раҳбари ва ҳукумат даражасида эътибор берилаётган бир пайтда барча илмий жамоалар чуқур масъулиятни ҳис қилган ҳолда мамлакатимиз илм-фанининг халқаро миқёсдаги рақобатбардошлигини таъминлашга ўз ҳиссасини қўшмоғи лозим.

Шу билан бирга, келгусида ички ишлар органлари тизимида фундаментал ва амалиётга йўналтирилган илмий тадқиқотлар самарадорлигини ошириш учун, *биринчидан*, диссертация мавзуларини амалиёт органларининг буюртмаси асосида шакллантириш; *иккинчидан*, Академия ҳузуридаги Илмий кенгаш ва унинг ҳузуридаги Илмий семинарнинг фаол аъзоларини рағбатлантириб бориш; *учинчидан*, диссертациялар сифатини ошириш учун илмий раҳбарлар (консультантлар), тегишли кафедралар, шунингдек диссертация муҳокамалари ва ҳимоясида бириктирилган тақризчи ва оппонентлар масъулиятини ошириш; *тўртинчидан*, диссертация тайёрлаш бўйича тасдиқланган шахсий иш режасини муддатидан олдин бажарган ва диссертация ҳимоясини амалга оширган тадқиқотчи ва унинг илмий раҳбари (консультанти)ни қонун ҳужжатларида белгиланган асосларда рағбатлантириш; *бешинчидан*, Академияда иқтидорли ёшларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишларни янада жонлантириш, мавжуд илмий мактаблар салоҳиятини мустаҳкамлаш ҳамда уларни инновацион ривожлантириш чораларини кўриш талаб этилади.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Президент илм-фан вакиллари билан учрашди. — URL: <https://www.gazeta.uz/uz/2016/12/31/ilm-fan>.

## ДИССЕРТАЦИЯЛАР СИФАТИНИ ОШИРИШ БЎЙИЧА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

«Диссертация» сўзи «тадқиқ этиш», «таҳлил қилиш» маъноларини англатади. Диссертациянинг моҳиятини муайян муаммонинг ечимига оид илмий асосланган янги фикр, янги илм ва янги ғоя ташкил этади. Диссертация қонуният излаш орқали жамиятга фойда келтиришга хизмат қиладиган тадқиқотдир. Ушбу таърифларга асосланиб, қуйидагиларни таъкидлаш жоиз:

— диссертацияда тадқиқот мавзусига оид илмий фикрлар таҳлили асосида илмий жамоатчилик муҳокамасига янги фикр, янги ғоя ҳавола этилиши лозим;

— диссертация предметига оид фундаментал аҳамиятга эга бўлган илмий ишларга (монография, илмий мақолалар ва бошқа) креатив (танқидий) муносабат билдирилиши шарт;

— диссертация гуманистик хусусиятга эга бўлиб, албатта, жамиятга фойда келтириши ва келажакни башорат қила олиши керак.

Хўш, бугун ижтимоий-гуманитар фанлар йўналишида тайёрланаётган диссертациялар мазкур мезонларга қай даражада жавоб беради?

Авваламбор, олимларимизнинг машаққатли меҳнати ва фидойилигини эътироф этган ҳолда айтиш керакки, бугун диссертациялар савиясини юксалтириш, уларни илм-фаннинг ҳаракатлантирувчи кучига айлантириш ҳар қачонгидан ҳам долзарб вазифага айланди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг «таракқиётнинг тамал тоши ҳам, мамлакатни қудратли, миллатни буюк қиладиган куч ҳам бу — илм-фан, таълим ва тарбиядир» [1], деган сўзлари Ўзбекистон олимларини ижодий сафарбарликка чорлайди. Бундан кўринадики, янги Ўзбекистон шароитида илм-фанга жуда катта умид ва ишонч билан қаралмоқда.

Ўзбекистон олимлари олдида ушбу ишончни оқлаш, «учинчи ренессанс пойдеворини яратиш»дек улкан тарихий вазифа турибди. Шу боис илм-фанни ривожлантириш омилларидан бири бўлган диссертацияларга танқидий баҳо бериб, камчиликларини аниқлаш ва уларни бартараф этиш, буюк кашфиётлар қилишга барча имкониятларимизни сафарбар этишимиз шарт.

Ҳозир тайёрланаётган диссертацияларнинг аксариятида қуйидаги тизимли камчиликлар кузатилмоқда:

биринчидан, диссертация мавзусини танлашда илм-фан ва амалиёт эҳтиёжларига етарли эътибор қаратилмаяпти. Тўғри, фан ибтидосида тадқиқот мавзуси олимларнинг нарсаси-ҳодисаларни ўрганишга қизиқиши билан белгиланган. Ана шу қизиқиш ва интилиш натижасида буюк кашфиётлар қилинган. Масалан, буғ двигателининг яратилишига «оддий қизиқиш» сабаб бўлган бўлса, пароход (1806 й.), паровоз (1814 й.), буғ двигатели самолёт (1885 й.) яратилишига амалиёт эҳтиёжи сабаб бўлган. Олимларнинг «оддий қизиқиши» туфайли яратилган фотоаппаратнинг амалиётга жорий этилишига 113 йил, цементдан фойдаланишга 88 йил керак бўлган.

---

\*Мамадалиев Шавкатбек Олмасбаевич, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси олий ўқув юртидан кейинги таълим факультети бошлиғи, фалсафа фанлари доктори, профессор.



---

---

Бундай мисолларни фан тарихидан кўплаб келтириш мумкин. Аммо бугун фан ишлаб чиқариш кучига айланган экан, биз — олимлар илмий тадқиқот мавзуларини белгилашда биринчи навбатда илм-фан ва амалиёт эҳтиёжларини инобатга олишимиз керак. Илм-фан эҳтиёжлари деганда фандаги ноаниқликларга аниқлик киритиш, ўрганилмаган нарсаларни ўрганиш, эскирган билимларни янгилаш, илмий тадқиқот методларини такомиллаштириш назарда тутилади.

Фан эҳтиёжларини англаш учун эса фанни чуқур ўрганиш талаб қилинади. Шу сабабдан фанда диссертантга илмий раҳбар ёки илмий маслаҳатчи белгиланиши назарда тутилган.

Амалиёт эҳтиёжлари деганда ишлаб чиқаришни юксалтириш, халқ фаровонлиги ва тинчлигини таъминлаш билан боғлиқ муаммоларга илмий ечим топиш назарда тутилади. Фан тарихида ҳам амалиёт эҳтиёжларига алоҳида эътибор қаратилгани боис, ишлаб чиқариш воситалари ривожлантирилган, вабо, ўлат каби касалликларга даво топилиб, инсон умрини узайтиришга эришилган. Чунончи, милодий йиллар бошида ўртача умр кўриш 35 ёш бўлса, ҳозир бу кўрсаткич 70–75 ёшни ташкил этади.

Диссертация мавзуларини танлашда илм-фан ва амалиёт эҳтиёжларини инобатга олиш талаби тадқиқотчинини тўғри илм-фан йўлига бошлайди, уни адашиб қолиш, депсиниш ҳолатларидан сақлайди. Бу ўринда олимларнинг «мавзуни тўғри танлаш муваффақиятнинг ярмидир», «мавзу яхши ўйланса, сўзлар ўзи оқаверади» деган хикматли сўзларини келтириш мумкин.

*Иккинчидан*, диссертацияни ёзиш билан боғлиқ қатор камчиликлар кузатилмоқда. Аксарият диссертацияларда мавзуга оид фундаментал асарлардан етарли фойдаланилмапти, бу борада «фикримга мос келса фойдаланаман» ёки «ихтиёр ўзимда», деган ёндашувлар устувор бўлиб қолмоқда. Айтиш жоизки, тадқиқотчи диссертация мавзусини танлашга ҳақли, аммо тадқиқот ишига оид илмий асарларни ўрганмасликка ҳаққи йўқ. Ҳар бир тадқиқотчи дунёда ўз мавзусига оид қандай ишлар амалга оширилганлигини тўлиқ билиши шарт. Бу талабга риоя этилмаса, такрорлаш, баёнчилик, шарҳлаш, кўчирмачилик каби ноилмий иллатлардан қутулиб бўлмайди. Фан эса ривожланмайди. Такрорлаш, баёнчилик, кўчирмачилик — мавзуга оид асарларни билмаслик ёки улардан фойдалана олмаслик натижасидир. Дунёдаги тадқиқот мавзусига оид асарларни ўрганиш талаби тадқиқотчидан хорижий тилларни, айниқса инглиз тилини билишни талаб қилади. Демак, диссертантнинг кўп тилли бўлиши объектив заруратдир.

Диссертациядаги камчиликларнинг аксарияти тадқиқотчиларнинг илмий тадқиқот ўтказиш методларини билмаслигидан келиб чиқмоқда. Шу боис диссертация ёзишда «андоза олиш», «қолипга солиш», «бир хилликка интилиш» оммавий тус оляпти. Агар бу жараён давом этса, фанда илмий кашфиёт қилиб бўлмайди. Бугун фанда илмий кашфиёт қилмоқчи бўлган ҳар бир тадқиқотчи илмий тадқиқот ўтказиш методларини билиши ва улардан фойдаланиш салоҳиятига эга бўлиши зарур. Фан методларини яхши ўзлаштирган тадқиқотчи қолип, андоза изламайди, ишни кимгадир ёқиши учун ёзмайди. У мустақил фикрлайди, мавжуд фикрларга объектив муносабат билдиради, энг асосийси, янги билим, янги қонуниятлар излайди.

Дарҳақиқат, фан методлари — қонуният излаш куролидир. Фан методларини билмаган тадқиқотчи жангда ўз мағлубиятини кутиб турган куролсиз аскар кабидир. Шу боис докторант, мустақил изланувчиларга илмий тадқиқот ўтказиш методологияси фанини чуқур ўргатиш талаб этилади. Афсуски, мавжуд амалиётда ёш тадқиқотчиларга илм сирлари, яъни фан методологиясини ўргатмай туриб, улардан илмий янгиликлар

---

---

яратиш талаб қилинган. Бу ҳолат сузиш ўргатилмаган болани дарёга ташлаш билан баробардир.

*Учинчидан*, диссертацияларда учраётган камчиликлардан яна бири илмий фактлардан фойдаланмасликдир. Маълумки, ҳар қандай фан фактлар асосига қурилади. Фактлар — фаннинг бошқа билиш соҳаларидан ажратиб турувчи хусусияти. Бу борада энг ачинарли нарса илмий факт деган иборанинг илмий муомаладан чиқиб қолаётганлигидир. Илмий фактлардан узоқлашиш ёки улардан фойдаланмаслик делитантизм, популизм каби фанни емирувчи иллатларни оммалаштиради. Шу сабабли фундаментал тадқиқот деганда илмий фактлар асосига қурилган илмий иш назарда тутилади. Авторитар ёки кўпчилик томонидан эътироф этилган фикрлар фактлар ўрнини босолмайди. Фанда фактлар ҳақиқатни ёлғонга, ёлғонни эса ҳақиқатга айлантириши мумкин. Бу илмий билимлар нисбийлиги, билиш жараёнининг чексизлигини англатади. Бу жараён тадқиқотчилардан ҳар бир нарсага ижодий ва танқидий ёндашишни талаб этади.

Диссертацияда тадқиқотчининг эришган натижалари илмий фактлар билан асосланганлиги шарт. Диссертантни ҳимоя қиладиган, олимлар ишончини қозонадиган нарса — илмий факт.

*Тўртинчидан*, диссертацияларда кузатилаётган камчиликлардан бири статистик маълумот ва социологик сўровлардан рационал (оқилона) фойдаланмасликдир. Аксарият диссертацияларда статистик маълумотлар ва социологик сўровлар номигагина ўтказилаётганига кўз юмиб бўлмайди. Авваламбор, айтиш жоизки, статистик ва социологик сўров натижаларига илмий фактлар етишмаганида мурожаат қилинади. Чунки статистик ва ижтимоий сўров натижалари тадқиқот ишидаги ноаниқликларга аниқлик киритади. Статистик ва социологик сўров натижалари муаммога илмий ечим бўлмаса-да, илмий хулосалар чиқаришда амалий аҳамият касб этади.

Шу ўринда айтиш жоизки, айрим тадқиқот ишларида статистик ва социологик сўров натижалари илмий факт ёки ҳақиқат мезони сифатида талқин этилмоқда. Статистика ва социологик сўров натижалари ҳақиқатнинг мезони эмас, балки уни излаш воситасидир. Бинобарин, тадқиқотчи илмий хулоса чиқаришда статистик ва социологик сўров натижаларига эмас, балки илмий фактларга асосланиши зарур. Шунинг учун лозимки, диссертация билмаган нарсаларни билиш, билимларни яратишга қаратилган изланиш жараёни экан, ҳар бир диссертацияда статистик ва социологик сўров натижаларига эҳтиёж бўлиши табиийдир.

*Бешинчидан*, диссертацияларда илмий баҳс-мунозара ва илмий этикет масалаларига ҳам жиддий эътибор қаратиш долзарб масала бўлиб турибди. Айрим диссертацияларда илмий баҳс-мунозара кимнингдир фикрига қўшилиш ёки қўшилмаслик, «ким ҳақ ёки ноҳақ» маъноларида талқин этилмоқда. Бу илмийликка зид ёндашувдир. Илмий полемика тадқиқот мавзусига оид фикрларни ўрганиш асосида янги фикр билдиришни талаб этади. Мавжуд фикрлар асосида янги фикр билдириш, уни илмий асослаш илмий полемика талабидир. Илмий баҳс-мунозара олимларни бўлишга эмас, аксинча, бирлаштиришга хизмат қиладир.

Илмий баҳс-мунозарасиз диссертация сафсатабозлик ёки сўз ўйинига айланади. Илмий полемикада ҳақиқат кўпчилик томонидан эътироф этилган фикр билан эмас, илмий фактлар орқали асосланганлиги. Шу боис тадқиқотчи полемикада умум эътироф этган фикрларни ўзгартириш ёки асосли равишда инкор этишдан қўрқмаслиги керак.

---

---

Илмий этикет деганда тадқиқот жараёнида тегишли қонунлардан ташқари ахлоқ-одоб нормалари ҳамда учинчи шахс ҳуқуқларига амал қилиш тушунилади. Бу ўринда шуни назарда тутиш керакки, диссертация ёзиш — душман қидириш эмас, балки ҳақиқат излаш жараёнидир. Аммо айрим тадқиқотчилар танқид қилувчилар (камчиликларни рўй-рост айтадиганлар)ни душман, мақтовчиларни эса дўст деб билиш ҳолларига йўл қўйишмоқда. Ваҳоланки, диссертация муҳокамасида қанча танқидий фикр билдирилса, шунча фойдали. Қолаверса, диссертацияни ўқиган шахсгина танқидий фикр билдириши мумкин. Бироқ, айтиш жоизки, тадқиқотчи танқидий фикрларга нисбатан келишувчанлик, муроса қилиш позициясида ҳам турмаслиги керак. Акс ҳолда илмийликка путур етади. Тадқиқотчи танқидий фикрларни қабул қилиш ёки қабул қилмаслик ҳуқуқига эга, лекин у ўз позициясини далил ва фактлар орқали билдириши шарт. Диссертация қанча кўп ўқилса, қанча кўп муҳокама қилинса, шунча фойдалидир.

Кўчирмакашлик (плагиат), фойдаланилган фикрнинг эгасига иқтибос келтирмаслик, илмий жиҳатдан исботланган қоидалар (аксиомалар)ни бошқа шакл ва иборалар билан исботлашга ҳаракат қилиш ҳам илмий этикетга зид ҳаракатлардир.

*Олтинчидан*, диссертация муҳокамасида иштирок этувчи шахсларнинг масъулияти ва мажбурияти билан боғлиқ камчиликлар ҳам диссертациялар сифатига салбий таъсир кўрсатмоқда. Шу боис тадқиқотчиларнинг илмий раҳбар ва маслаҳатчилари, шунингдек тадқиқотчилар бириктирилган кафедра бошлиқлари ва тақризчиларнинг масъулиятини кучайтириш талаб этилади. Ҳозир «хафа бўлмасин», «бир жойда ишлаймиз-ку», «бечора одам», «юқори лавозимда ишлайди», «душман орттириб нима қиламан», «илмий раҳбари хафа бўлади» каби тушунчалар билан тақриз бераётганлар сони ортиб бормоқда. Бу тенденция билан келишиб бўлмайди. Бундай фикрлаш фаннинг юксалишига эмас, балки таназулига сабаб бўлишини бир сония бўлса-да унутмаслик керак. Қолаверса, бундай сохталик тадқиқотга, жамият ва давлат манфаатларига хизмат қилмайди.

Юқорида келтирилган камчиликларни тизимли равишда бартараф этиш учун тадқиқотчилардан кучли ирода ва тинимсиз изланиш, диссертация муҳокамасида иштирок этувчи мутахассислардан эса юксак масъулият ва қатъият талаб этилади. Бусиз Учинчи ренессанс пойдеворини яратиб бўлмайди.

### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи. — URL: <http://uza.uz/oz/posts/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-ituv-30-09-2020>

## ЮРИДИК ФАНЛАР БЎЙИЧА ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТЛАРНИНГ ҲОЛАТИ ВА МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚЛАРИНИНГ МУҲОФАЗАСИ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикасида фан-техника салоҳиятини янада ривожлантириш ҳозирги куннинг долзарб муаммоларидандир. Бу эса илмий тадқиқот йўналишларини тўғри белгилаш, уларни амалга ошириш савияси, сифати ва самарадорлигини назарда тутади. Ўзбекистон Республикасининг «Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида»ги, «Таълим тўғрисида»ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида»ги фармони илмий тадқиқот фаолияти самарадорлигини ошириш, ижтимоий ва иқтисодий ривожланиш ва мамлакатни демократик янгилашда фаннинг ролини янада кучайтиришга хизмат қилмоқда.

Мустақиллик йилларида юридик фанларнинг ривожини учун ҳам қулай шарт-шароитлар яратилди, 1991–2010 йилларда юридик фанлар бўйича 100га яқин докторлик, 450га яқин номзодлик диссертациялари ҳимоя қилинган бўлса, 2013–2019 йилларда 110 та (54 DSc, 56 PhD) диссертация ҳимоя қилинган. 2019 йилда жами 52 та шундан, 22 та DSc ва 30 та PhD диссертациялари ҳимоя қилинган. Ҳозир юридик фанлар бўйича 14 та ихтисосликдан ҳимоялар ўтказилмоқда.

Олиб борилган тадқиқотларнинг 200дан ортиқ натижалари амалиётга татбиқ этилган бўлиб, улар куйидагиларга хизмат қилган:

### **Давлат ва ҳуқуқ назарияси, давлат бошқаруви йўналишида:**

— оила институтини мустаҳкамлашга қаратилган қонунчилик базасини ривожлантириш;

— вояга етмаган болалар таъминоти учун алимент тўлаш ва ундириш тартиби механизмни такомиллаштириш;

— оила ва жамиятда хотин-қизлар ҳуқуқлари, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, айрим руҳий тушкун ҳолатдаги аёлларни ижтимоий-психологик ҳимоя қилиш;

— ҳокимлар фаолиятдан аҳолининг бевосита хабардор бўлиши ҳамда ҳудудга тегишли масалаларни ҳамкорликда ҳал этишнинг янги шакллари жорий этиш;

— янги иш ўринлари яратиш ҳамда аҳолини иш билан таъминлаш борасидаги ишларнинг самарадорлигини ошириш;

— халқ билан бевосита мулоқот жараёнида аниқланган камчиликларни бартараф этиш;

— ҳудуд раҳбарлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш, маҳаллий ижро ҳокимияти органларига қилинаётган мурожаатлар билан ишлаш сифатини яхшилаш ва ҳоказо.

**Фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш йўналишида:**

\**Абдурасулова Қумринисо Раимкуловна, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси криминалогия кафедраси бошлиғи, юридик фанлар доктори, профессор.*

---

---

— суғурта товони суғурта ҳодисаси натижасида кўрилган зарар учун тўлов эканлиги ва бу тўловни тўлаш мажбурияти суғурталовчининг зиммасида бўлишини таъминлаш, шунингдек амалиётда «суғурта товони» ўрнига «суғурта бадали» тушунчаси ишлатилиши каби хатоликни бартараф этиш;

— корхоналар томонидан йўловчиларга суғурта ҳодисаси натижасида етказилган зарарнинг, яъни суғурта товонининг ўз вақтида тўланишини кафолатлаш;

— суғурталовчи ташкилотларнинг ташувчи корхоналарга суғурта хизмати кўрсатиш бўйича мажбурияти лозим даражада бажарилишини таъминлаш;

— суғурта шартномаси амалда бўлган вақтда содир этилган, лекин суғурта шартномасининг муддати тугаган ҳолларда ҳам ушбу ҳодиса натижасида етказилган зарарнинг тўланишини таъминлаш;

— суғурталовчи ташкилотлар суғурта товонини тўлашни асоссиз рад этишининг олдини олиш;

— ташувчи транспорт корхоналарининг хизмат кўрсатиш сифатини оширишга, ташиш хизматидан фойдаланиш жараёнида йўловчиларга етказилган зарарнинг ўз вақтида қоплаш кабилар.

### **Суд-ҳуқук соҳасидаги ислоҳотларни чуқурлаштириш йўналишида:**

— Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси Махсус қисмининг тегишли моддалари диспозициясини шакллантириш;

— жиноят қонунининг бошқа ҳуқук тармоқлари билан алоқадорлигини таъминлаш, шу жумладан зарар етказган шахсга нисбатан регресс ҳуқуқини мустаҳкамлаш;

— экстремизмга қарши кураш соҳасидаги атама ва тушунчаларнинг жиноят қонунчилигида бир хилда қўлланилиши, шунингдек Жиноят кодекси нормаларининг ўзаро ва ҳуқуқнинг бошқа тармоқлари норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари ўртасидаги номувофиқликларни бартараф қилиш;

— шахснинг табиий эҳтиёжлари ва турмуш даражасини инобатга олган ҳолда унга нисбатан озодликдан маҳрум этишга муқобил жазоларни қўллаш;

— Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексидаги айрим жиноятларни декриминализация қилиш (жиноятлар сафидан чиқариш);

— ички ишлар органлари ходимлари томонидан жисмоний куч ишлатиш, махсус восита ва ўқотар қурол қўллаш тартибини белгилаш ҳамда ушбу моддаларни қўллаш амалиётидаги куч ва зарар етказиб ушлаш билан боғлиқ муаммоларни бартараф этиш;

— жисмоний куч ишлатилиши, махсус воситалар ёки ўқотар қуролнинг қўлланилиши юзага келган вазиятга, шахс хатти-ҳаракатларининг хусусияти ва хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши зарурлигини мустаҳкамлаш;

— ички ишлар органлари ходимларига ўзи ёки фуқароларнинг ҳаётига бевосита таҳдид қилаётган хавф мавжуд бўлганида ёхуд террорчилик ҳаракатларини содир этмоқчи бўлган шахсларни зарарсизлантиришда ўқотар қуролини огоҳлантиришсиз қўллаш ҳуқуқини бериш;

— жиноят содир этилганлигини исбот қилишда қонун талаблари бузилишининг олдини олиш;

— тергов ҳаракатлари натижаларини қайд этишда қонун талабларига риоя қилинишини таъминлаш;

— далилларни тўплаш ва мустаҳкамлашда рухсат берилмаган усуллар қўлланилишининг олдини олиш;

— суд-тергов фаолиятида фуқаролар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг кафолатланишини кучайтириш;



---

---

— Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг янги таҳрирдаги лойиҳасига юқори босқич судларида суд қарорларини қайта кўриб чиқиш ҳуқуқини рўёбга чиқариш қафолатларини кучайтиришга қаратилган нормаларни киритиш;

— кассация инстанцияси суди ваколатларини ЖПКнинг алоҳида моддасида мустаҳкамлаш, иш бўйича узил-кесил қарор қабул қилиш муддатлари асоссиз чўзилишини бартараф этиш ҳамда кассация инстанцияси судининг ролини кучайтириш;

— жинойт ишлари бўйича суд қарорларининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текширишнинг самарали механизмини яратиш;

— маҳкумларнинг таълим олиш, касб эгаллаш ҳуқуқини таъминлаш;

— озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаётган шахсларнинг психологик ёрдам олиш ҳуқуқини таъминлаш;

— маҳкумларнинг меҳнат қилиш, меҳнатига яраша ҳақ олиш ҳуқуқларини таъминлаш ва шу кабилар.

### **Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси йўналишида:**

— озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаб бўлган аёллар устидан ўрнатилган маъмурий назорат муддатини қонунда аниқ белгилаш;

— озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаб бўлган аёллар устидан маъмурий назорат ўрнатиш тартибига риоя этиш ва уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;

— маиший зўравонликдан жабр кўрган шахсларни реабилитация қилиш ва мослаштириш марказларини ташкил қилиш;

— оиладаги зўравонлик билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар профилактикасини такомиллаштириш;

— оила-турмуш доирасида содир этиладиган қасддан одам ўлдириш, қасддан баданга турли даражада шикаст етказиш, қийнаш билан боғлиқ жинойтларнинг олдини олиш;

— оилаларда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, хотин-қизлар ва вояга етмаган болалар томонидан содир этилаётган жинойтларнинг олдини олиш.

### **Халқаро-ҳуқуқий муносабатларни ривожлантириш йўналишида:**

— жинойт қонунчилиги нормаларини халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқлаштириш орқали уларни такомиллаштириш;

— халқаро ҳуқуқ нормаларини Жинойт ва Жинойт-процессуал кодексларга имплементация қилиш;

— туризмни ривожлантиришда ривожланган хорижий давлатлар қонунчилиги ва амалиётини жорий қилиш ва ҳоказо.

Амалда жорий этилган мазкур натижалар Ўзбекистон Республикасининг ФК, ФПК, МЖтК, ЖК, ЖПКларини такомиллаштириш орқали фуқароларнинг жинойт, жинойт-процессуал қонун ҳужжатлари билан ҳимоя қилинадиган ҳуқуқ ва эркинлари ҳамда қонуний манфаатлари муҳофаза қилинишини кучайтиришга хизмат қилган. Амалга оширилган тадқиқотлар мамлакатимиз кодекслари, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш, қонунни қўллаш амалиётини яхшилаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш самарадорлигини оширишга ҳисса қўшган.

Фикримизча, келажакда юридик фанда:

- 1) судлар мустақиллигини янада такомиллаштиришнинг ҳуқуқий асослари;
- 2) жамоатчилик назоратининг конституциявий ва бошқа ҳуқуқий жиҳатлари;
- 3) фуқаролик жамияти институтларининг ҳуқуқий жиҳатлари;
- 4) адвокатура институти, адвокатлар ваколатларининг қафолатлари;

- 
- 
- 5) инсон, аёл, бола ҳуқуқларининг таъминланиши;  
6) суд ишларига аралашганлик ёки судга босим ўтказганлик учун жавобгарликни кучайтириш;  
7) интеллектуал мулк объектларининг фуқаровий, халқаро хусусий, жиноят-ҳуқуқий муҳофаза қилиниши;  
8) коррупцияга қарши курашнинг ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий ва бошқа жиҳатларига бағишланган бинар тадқиқотлар олиб борилиши мақсадга мувофиқ.

Шунингдек, 12.00.07 — «Суд ҳокимияти. Прокурор назорати. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини ташкил этиш. Адвокатура» ихтисослиги бўйича илмий тадқиқотлар кучайтирилиши лозим, чунки 2019 йилда ушбу мутахассислик бўйича бирорта ҳам диссертация ҳимоя қилинмаган.

Бундан ташқари, диссертация ишларининг савияси, илмий ва амалий аҳамиятини янада ошириш мақсадида бу тоифадаги ишларга қўйилган талаблар йилдан-йилга кучайтирилмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг талабларига кўра ижтимоий-гуманитар фанлар бўйича фан доктори (DSc) илмий даражаси учун талабгорларнинг диссертация натижалари бўйича монографияси ҳамда ўнта (шу жумладан хорижда битта) илмий мақоласи чоп этилган бўлиши; фалсафа доктори (PhD) илмий даражасига талабгорлар эса ихтисослик ҳамда чет тили бўйича малакавий имтиҳон топшириши ҳамда ОАК томонидан белгиланган илмий журналларда диссертациясининг асосий натижаларини акс эттирадиган камида учта (шу жумладан хорижда битта) илмий мақоласи чоп этилган бўлиши шарт. Ушбу мақолаларда тадқиқотчи диссертациясининг мазмуни акс этган, тадқиқот объекти, мавжуд муаммо аниқ кўрсатилган, бошқа муаллифларнинг ушбу муаммога доир фикрларини ўрганиш орқали диссертантнинг нуқтаи назари асосланган, муаммонинг ечимига оид таклифлар билдирилган бўлиши зарур. Ҳозир фан доктори илмий даражасига талабгорларнинг ўртача 20 дан ортик, фалсафа доктори талабгорларининг ўртача 10 дан ортик мақолалари нуфузли илмий журналларда нашр этилмоқда, «Web of Science» ёки «Scopus» тизимига кирувчи журналларда чоп этилган мақолалар сони ҳам ортиб бормоқда.

Диссертация тадқиқотини баҳолаш мезонларига мувофиқ, чоп этилган ишларнинг илмий даражаси, ҳажми ва сонига бир қанча талаблар қўйилган. Уларга кўра, илмий мақолаларда:

— диссертациянинг назарий ва методологик моҳияти очиқ берилган, тадқиқ этилаётган муаммога оид замонавий концептуал қарашлар таҳлил қилинган бўлиши, муаллиф уларни қиёсий ўрганиш асосида таклиф этилаётган концепцияни миллий ҳуқуқ тизимида қўллаш мақсадга мувофиқлиги ҳақида фикр билдириши;

— мавжуд вазият ҳолисона ва чуқур таҳлил қилиниши, тадқиқот ўтказилаётган соҳада истиқболдаги талаблар асосида ҳал этилиши лозим бўлган масалаларнинг назарий, методологик ва амалий ечими бўйича таклифлар берилиши;

— келажакда ривожланиш истиқболига эга бўлган концептуал қарашлар ва нуқтаи назарлар, шунингдек амалий тавсиялар баён қилинган бўлиши;

— диссертациянинг ҳар бир боби бўйича муҳим қоидалар, шунингдек, агар ўтказилган бўлса, социологик тадқиқот натижалари ўз аксини топган бўлиши лозим.

---

---

Ҳозирги вақтда PhD ёки DSc илмий даражаси талабгорларига уларнинг илмий ишлари юқоридаги талаблар асосида чоп этилганидан кейин диссертация ишларини химоя қилишларига рухсат берилмоқда.

Олимлар ижодий фаолиятининг илмий асар ёки ўқув адабиётлари шаклидаги натижалари муаллифлик ҳуқуқи томонидан муҳофаза қилинади, яъни муаллифнинг асарга бўлган шахсий ва мулкӣ ҳуқуқлари кўриқланади, уни бузганларга нисбатан ҳуқуқий таъсир чоралари қўлланилади. Масалан, кўчирмачилик (плагиат) ҳолатлари аниқланса, уни баҳолашнинг қандай мезонлари мавжуд, деган савол туғилиши табиӣ.

Айни вақтда муаллиф бошқа тилдаги дарсликни чала ўзлаштириб, ўз номидан чоп этса, ёки бир неча дарсликлардан «чўқиб-чўқиб» ўзича дарслик яратса, муаллифлик ҳуқуқи бузилган ҳисобланади.

Қонунда муайян асардан муаллифнинг исм-шарифини кўрсатган ҳолда эркин фойдаланишга рухсат берилар экан, қуйидагилар шарт қилиб қўйилган: 1) асар муаллифининг исми-шарифи кўрсатилиши; 2) бундай фойдаланиш цитата олинаётган ёки такрорланаётган асардан нормал фойдаланишга зарар етказмаслиги (яъни келгусида ўқувчилар асар оригинали ўрнига асар такрорланган манбалардан фойдаланишга ўтиб кетишига олиб келмаслиги) лозим; 3) парча келтирилаётган ёхуд такрорланаётган асар муаллифнинг қонуний манфаатларини камситмаслиги (масалан, дастлабки манбадаги ғоя ўзлаштирилиб, ўзиники сифатида берилмаслиги) керак; 4) нашр учун кўзланган мақсадга мос ҳажмдан ошмаслиги керак.

Мазкур шартларнинг барчаси бир вақтнинг ўзида мавжуд бўлиши талаб этилади. Улардан бирортасига риоя қилмаслик, гарчи қолган шартларга қатъий риоя қилинган бўлса ҳам, ҳуқуққа хилоф ҳисобланади ва фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликка тортиш учун асос бўлади.

Юқорида муаллифлик ҳуқуқи асар шаклини кўриқлаши, аммо мазмун кўриқланмаслиги тўғрисида сўз юритилган эди. Бироқ бу шартлар билвосита асар мазмунини кўриқлаш учун ҳам асос бўла олади. Масалан, муайян асардаги ғояни ўзиники қилиб олган плагиаторга нисбатан ғоянинг ҳақиқий муаллифи юқоридаги асарларнинг бир нечаси (масалан, асосий ғоя муаллифининг исм-шарифини, ғоя олинган манбани кўрсатмаслик ва ҳ.к.) бўйича уларга риоя қилмаганлик учун жавобгарликка тортиш масаласини қўйиши мумкин.

Бироқ «ғоя ўғрилиги», мазмун кўчирмачилигига қарши курашнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш муаммолари ҳам мавжуд. Ушбу муаммони муаллифлик ҳуқуқи доирасида тўлиқ ҳал этиб бўлмайди, чунки бита ғояни турлича тузилган гаплар орқали ўнлаб шаклларда ифодалаш мумкин.

Шу боис ҳам янги ғоянинг ўзи муайян ҳуқуқий муҳофаза остида бўлиши лозим. Бироқ ғояни, агар у ихтиро даражасида бўлмаса, ҳуқуқий муҳофазага олиш қийин. Эҳтимол, Ўзбекистон Республикаси ФКда ғоянинг ўзини алоҳида, муаллифлик ҳуқуқидаги асар шаклидан мустақил равишда ҳуқуқий муҳофаза остига олиш тўғрисида махсус модда киритиш ва бу ҳақда махсус қонун қабул қилиш мақсадга мувофиқ бўлар... Асосийси, ижтимоий жиҳатдан ҳар қандай ғоя муайян маънода

---

---

ўз муаллифига тегишли эканлигининг таъминланишидир. Бошқалар эса ундан ғоя муаллифи билан келишган ҳолда фойдаланмоғи лозим.

Юридик фанлар учун долзарб масалалардан яна бири — асарда илгари сурилган ғоялардан амалиётда фойдаланиш. Шунини очиқ эътироф этиш лозимки, бу масала ҳам муаллифлик ҳуқуқи доирасидан ташқарида ётади. Тўғри, Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 1056-моддасига асосан муаллиф ўз асаридан ҳар қандай шаклда ва ҳар қандай усулда фойдаланишда мутлақ ҳуқуқларга эга.

Бироқ муаллифлик ҳуқуқи асардан фойдаланиш, уни тасарруф этиш, мутлақ ҳуқуқлар мазмунига кирувчи ваколатларни рўёбга чиқаришни шундай тартибга соладики, ғояни амалга ошириш ушбу тартибга солиш мазмуни билан қамраб олинмайди. Ҳатто ФКнинг 1056-моддаси 7-қисмида бунга алоҳида урғу берилиб, писанда қилиб қўйилади: «Асарнинг мазмунини ташкил этувчи қоидаларни (кашфиётларни, бошқа техникавий, иқтисодий, ташкилий ва шу каби ечимларни) амалий қўллаш асардан муаллифлик ҳуқуқи маъносида фойдаланганликни англатмайди».

Демак, бу ўринда илмий рисола негизда ётган ғоялардан муаллиф рухсатсиз хоҳлаганча фойдаланиш мумкин, деган хулоса келиб чиқиши табиий. Аслида ҳам шундай. Аммо ушбу ҳолат қанчалик мақсадга мувофиқ, бозор тизимига қай даражада мос, деган савол туғилиши мумкин. Ахир, тадқиқотчи бутун илмий салоҳияти ва диққат-эътиборини муайян муаммони ҳал қилишга сарфлайди, бу борада узок йиллар илмий изланади, ўрганади, амалиётни умумлаштиради ва ниҳоят, уларнинг якуни сифатида илмий монография, мақолалар тайёрлайди.

Шу ўринда илмий асарлардаги ғояларни ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилиш таклиф этилар экан, айна бир ғоя шу вақтнинг ўзида ёки олдинма-кетин бир неча олимлар томонидан мустақил равишда ишлаб чиқилиши мумкинлигини ҳам истисно этиб бўлмайди. Бундай вазиятда устуворлик ғояни муайян илмий асар тарзида биринчи бўлиб эълон қилган, оммавий маърузада баён этган шахсга берилмоғи лозим. Албатта, асар оғзаки шаклда ҳам мавжуд бўлиши мумкин, бироқ у иложи борича ёзма ёки бошқа моддий шаклларда (масалан, электрон файл, аудио-ёки видеотасма кўринишларида) мустаҳкамлаб қўйилиши муаллифнинг ўз асарига нисбатан шахсий ва мулкый ҳуқуқлари муҳофаза қилинишини таъминлашини унутмаслик лозим.

Хулоса қилиб айтганда, илмий асарлар шакли ва мазмунини ҳуқуқий муҳофаза қилувчи қонунчилик тизимини яратиш интеллектуал мулк ҳуқуқи олдида турган муҳим вазифадир.

## **КРИТЕРИИ КАЧЕСТВА НАУЧНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ**

Современный уровень развития общественных процессов предъявляет самые высокие требования к ученым, которые должны обладать глубокими теоретическими и историческими знаниями, изучать зарубежный опыт, понимать современные требования, уметь выявлять тенденции развития общества, юридической науки и практики, формировать конкретные рекомендации по совершенствованию законодательства. Вместе с тем, справедливости ради, следует отметить, что не все ученые-юристы в полной мере соответствуют требованиям, предъявляемым к ним, а подготавливаемые соискателями диссертационные работы, как показывает их анализ, не всегда выдерживают критику в процессе их обсуждения.

Так, в отдельных диссертациях искажается степень изученности проблемы. При обосновании актуальности темы часто не указывается, по какому плану (в соответствии с каким планом) выполняется диссертация, не обосновывается и не представляется соответствующим образом задача, которая подлежит выполнению в результате научных исследований. Нередко название темы работы повторяется в определении цели исследований, не конкретизируются показатели эффективности диссертации.

Структурный элемент диссертации «Объект и предмет исследования» также представляется с отступлениями от требований. Например, в работах часто предмет исследования не соответствует его объекту, или он определяется неверно. Не всегда правильно оформляется достоверность и объективность получаемых результатов исследований. В выводах отсутствуют результаты оценки их экономической, политической, правовой эффективности и внедрения в практику.

Не всегда результаты исследований, особенно теоретические, публикуются в журналах, рекомендуемых Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан. В отдельных случаях неправильно оформляется документация о внедрении результатов исследований, а также графики, рисунки, таблицы и др.

Присутствие вышеуказанных недостатков в диссертационных работах существенно снижает их качество и значимость. Некачественно подготовленные работы отрицательно влияют на процесс науки, тормозят развитие научных исследований, снижают авторитет творческой деятельности ученых, препятствуют выявлению наиболее важных закономерностей, которые могли бы оптимально преобразить состояние общественного развития, создают благоприятные условия для формирования ретроградных течений, отбрасывающих назад научную мысль и трансформирующих живую истину в формальную догму.

В постановлении Президиума ВАК при КМ Республики Узбекистан «Об утверждении положения о порядке присуждения ученых степеней» от 31 мая 2017 г. указано, что диссертация — это специальная форма высшего научного произведения, имеющая квалификационный характер, подготовленная соискателем для публичной защиты и получения научной степени. В этой связи полагаем, что должны быть сформулированы четкие, однозначные и конкретные критерии качества диссертационного исследования. На наш взгляд, они могут быть следующими.

---

\* *Рустам Кабулов, профессор кафедры уголовного права, доктор юридических наук.*



---

---

Первый критерий — выбор и формулирование названия темы диссертационного исследования. Формулировка названия темы должна отражать характер исследования, выполняемого в диссертации, с новизной, позволяющей отнести её к классу теоретических, методологических, прикладных научных исследований или разработок. С учетом этого название темы диссертационной работы целесообразно формулировать на основе паспорта специальности, где указывается формула специальности, характеризуется содержание и объекты исследования по данной специальности, а также область исследований, включающая развернутое описание структурных элементов специальности и их содержание.

Второй критерий — актуальность исследования. Тема диссертации должна быть актуальной и связана с основными приоритетными направлениями научно-исследовательских работ государства.

Применительно к диссертации понятие «актуальность» имеет одну особенность. Диссертация, как уже указывалось, является квалификационной работой, и то, как ее автор умеет выбрать тему, насколько правильно он эту тему понимает, раскрывает, обобщает, оценивает и формулирует в соответствии с точкой зрения своевременности и социальной значимости, характеризует его научную зрелость и профессиональную подготовленность. Освещение вопроса об актуальности диссертационного исследования должно быть немногословным: достаточно в пределах одной-двух страниц показать главное — суть проблемной ситуации, из чего и будет видна ее актуальность.

Актуальность темы исследования должна обосновываться директивными документами, планами развития юридической науки и практики деятельности правоохранительных органов, прогнозами изменений преступности и т.д.

Третий критерий — в диссертации должна содержаться совокупность новых научных результатов и положений, выдвигаемых для публичной защиты. Как научное произведение, она должна иметь внутреннее единство и свидетельствовать о личном вкладе ее автора в науку.

Новые решения и предложения должны быть строго аргументированы и критически оценены соискателем в сравнении с известными решениями. Их репрезентативность, результаты социологических исследований не должны вызывать ни малейшего сомнения. В диссертациях, имеющих прикладное значение, приводятся сведения о практическом использовании полученных автором научных результатов, а в диссертациях, имеющих теоретическое значение, — рекомендации по использованию научных выводов. Одновременно полученные выводы должны свидетельствовать о наличии той или иной тенденции развития, включая пути устранения кризисных либо неблагоприятных тенденций в развитии общества.

Четвертый критерий — диссертация должна давать научную информацию в наиболее полном виде, обязательно раскрывая результаты и ход изыскания и детально описывая методику исследования. Полнота научной информации находит свое отражение и в том, чтобы воспроизводить наиболее детализированный фактический материал, включающий подробно обоснованный всесторонними исследованиями объект исследования, в соответствии с правильно избранной целью научной работы, включая выполнение всех поставленных задач.

Основой содержания диссертации должен быть оригинальный материал, включающий описание новых фактов, явлений и закономерностей, а также обобщение ранее известных сведений со своих научных позиций или в совершенно ином аспекте. В этой связи такой материал может содержать дискуссионные вопросы, связанные

---

---

с пересмотром существующих взглядов и представлений. Содержание диссертации должно отвечать требованиям оригинальности, уникальности и неповторимости приводимых положений.

Пятый критерий — форма изложения содержания диссертации, которая должна характеризоваться высокой степенью абстрагирования, активным применением категориального аппарата и средств логического мышления, а также аргументированностью суждений и точностью приводимых данных. Ориентируясь на читателей, профессиональная подготовка которых является наиболее высокой, диссертант может включать в текст весь имеющийся в его распоряжении знаковый аппарат, т.е. все то, что составляет «язык науки», который понятен специалистам. Языковое и стилистическое оформление материала должно определяться особенностями научного стиля речи, главной чертой которого является объективность, вытекающая из специфики научного познания.

Шестой критерий — теоретическая и практическая значимость диссертационного исследования. С позиций теории и практики диссертационная работа должна быть значимой для общества. Благодаря исследованию общественность должна получить для себя наиболее четкие и конкретные представления о будущем развитии общества, изменениях, которые ожидают его в последующем развитии.

Таким образом, исследование должно быть полезным, удовлетворять определенный общественный интерес, предотвращать негативные явления, создавать благоприятные условия для общественного прогресса и прежде всего служить интересам человека. Диссертация, лишенная такой значимости, не может быть оценена положительно.

Седьмой критерий — апробация результатов исследования. Основные научные результаты диссертационной работы должны быть апробированы на заседаниях кафедр, проблемных и методических советах, конференциях и опубликованы в научных печатных изданиях. Причем все они должны строго соответствовать тематике диссертации. Одновременно диссертация должна иметь солидные научные выкладки, которые подтверждены актами внедрения непосредственно на практике.

В заключение необходимо подчеркнуть, что использование указанных выше критериев, на наш взгляд, позволит дать объективную оценку диссертационной работы, что укрепит гарантии ее допуска к публичной защите. В то же время мы не претендуем на исключительность приводимого выше перечня критериев оценки качества диссертации, так как могут быть предложены и более подробные варианты оценки научных работ. Вместе с тем учет вышеуказанного перечня в оценке качества диссертационной работы в перспективе непременно создаст условия для расширения количества критериев оценки качества научного исследования.

Ў. Х. Муҳамедов\*, А. Қ. Худойбердиев\*\*

## ҚОНУН ИЖОДҚОРЛИГИ ВА ИЖТИМОЙ ФИҚР УЙҒУНЛИГИ

**Аннотация.** Мақолада қонун ижодкорлиги фаолиятини социологик таъминлаш билан боғлиқ долзарб масалалар, шунингдек қонун ижодкорлиги жараёнида ижтимоий фикрни ҳисобга олишнинг ҳуқуқий жиҳатлари кўриб чиқилган.

**Таянч сўзлар:** ҳуқуқ ижодкорлиги, қонун ижодкорлиги, жамоатчилик фикри, социология, социологик таъминлаш.

## ГАРМОНИЯ ЗАКОНОТВОРЧЕСТВА И ОБЩЕСТВЕННОГО МНЕНИЯ

**Аннотация.** В статье рассматриваются актуальные вопросы, связанные с социологическим обеспечением законотворческой деятельности, а также правовые аспекты учета общественного мнения в законотворческом процессе

**Ключевые слова:** правотворчество, законотворчество, общественное мнение, социология, социологическое обеспечение.

## HARMONY OF LAWMAKING PROCESS AND SOCIAL OPINION

**Annotation.** The article discusses topical issues related to the sociological support of legislative activity, as well as legal aspects of taking into account public opinion in the legislative process.

**Keywords:** legal creativity, lawmaking, public opinion, sociology, sociological support.

Мамлакатимиз қонунчилик амалиётида халқнинг бевосита иштироки ва бу жараёни социологик таъминлаш ҳамда ижтимоий фикрнинг қонун ижодкорлиги жараёнига таъсирини аниқлаш мамлакатимиз миқёсидаги долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Қонун ижодкорлигини социологик таъминлашни амалий тадқиқотларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Социологик ёндашувда ҳуқуқ мустақил ва алоҳида ҳодиса эмас, балки ижтимоий ҳаёт билан белгиланадиган, ижтимоий турмуш тарзининг қонуниятларини ўзида ифодаладиган, давлатдан нисбий мустақил ҳодиса сифатида юзага чиқади. Ҳуқуқ ижтимоий тизимнинг таркибий ва унга бўйсунадиган қисми бўлиб, бир қатор функцияларни бажаради [1, 21-б.].

Социолог олим Ҳ. Б. Саитходжаевнинг таъкидлашича, «социология фани амалиётда ўтказиладиган эмпирик социологик тадқиқотлар билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, айнан шу тадқиқотлар мазкур фаннинг жамият ҳаётидаги ўрнини белгилаб

---

\**Муҳамедов Ўткирбек Ҳазратқулович, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси бошлигининг ўринбосари, юридик фанлар доктори, профессор.*

\*\**Худойбердиев Ахрор Қосималиевич, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси давлат-ҳуқуқий фанлар кафедраси доценти, юридик фанлар номзоди, доцент.*

---

---

беради. Эмпирик социологик тадқиқотларни ўтказиш ўзига хос мураккаб жараён бўлиб, тадқиқотчидан маълум бир вақт ҳамда билим ва кўникмаларни, амалий тажрибаларни талаб қилади. Эмпирик социологик тадқиқотларни ўтказиш жараёни кетма-кетликда бажариладиган бир нечта таркибий қисм ва йўналишларни қамраб олади. Авваламбор, пухта ишлаб чиқилган социологик тадқиқот ўтказиш дастури, социологик тадқиқотлар жараёнида қўлланиладиган усуллар, улар ёрдамида олинган эмпирик маълумотларни таҳлил қилиш, умумлаштириш, зарур амалий таклифлар, тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат бўлиб, яъни социал фактларни излаш, тасниф қилиш, тўплаш муҳим аҳамиятга эгадир» [8, 247-б.].

Ҳозирги вақтда жамоатчиликнинг давлат ҳокимияти органлари билан ҳамкорлиги, давлат ҳаётининг муҳим соҳаларидаги иштироки катта аҳамиятга эга бўлиб, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида жамоатчилик фикрининг роли ошиб бормоқда. Буни ривожланган Ғарб давлатлари ҳаёти мисолида яққол кўриш мумкин. Жумладан, ижтимоий фикрнинг давлат ва жамият ҳаётидаги муҳим ўрни ҳақида у «жамиятнинг умумий манфаатлари йўлидаги ижобий ҳаракатдир» [11, 12-б.] деган хулоса қарор топган.

Шунингдек, Шарқда ҳам азал-азалдан фикрлар хилма-хиллигига катта эътибор берилган. Бунинг исботини ҳаётимиздан кенг ўрин олган ўзбек халқ мақоллари мисолида ҳам кўриш мумкин. «Кўпдан кўп фикр чиқади», «Маслаҳатли тўй тарқамас», «Етти ўлчаб, бир кес» кабилар ана шулар жумласидандир. Бу мақоллар замирида ўзаро фикрлашиб иш кўриш, бунда жамоатчилик фикрини ҳисобга олиш кераклиги таъкидланган. Хусусан, Низомулмулк жамоатчилик фикрининг қонунлар ижросини таъминлашда тутган ўрни ҳақида куйидаги фикрларни айтиб ўтган: «Зарурат бўлмаса, олий мажлисда ҳеч нарса ёзилмайди. Фармоннинг ҳурмати ва куч-қуввати шундай бўлиши керакки, ижро этилмагунича уни ҳеч ким қўлидан қўймасин» [5, 77-б.].

Назаримизда, бу фикрларда (гарчи у қадим замонлардаги сиёсат оламига тегишли бўлса-да) қонунларнинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни, узоқ муддат («яъни ижро этилмагунича») амал қилиши учун ушбу қонунлар (иктибосдаги «Фармон») яратилишида ижтимоий фикрни инобатга олиш лозимлиги (шундагина уларни «ҳеч ким қўлидан қўймаслиги») таъкидланган. Кўриниб турибдики, ўша даврларда подшо амрига бўлган муносабатлар ўрганилган ва ижроси назорат қилинган.

Демак, ижтимоий фикр фуқаролар ташаббускорлиги, ижтимоий фаоллиги, жумладан уларнинг қонунчилик соҳасидаги муаммоларга муносабатининг *инъикосидир*. Бунинг аҳамиятини Ўзбекистон Республикаси Президентининг куйидаги фикрларида ҳам кўриш мумкин. «Шуни яхши уқиб олишимиз керакки, жамиятимиз тузилмаларида мувозанатни сақлайдиган кучли оммавий, жамоат бирлашмалари бўлмас экан, давлат ҳокимиятининг барча бўғинларида ўзбошимчалик, волонтаризм, авторитар тафаккур ва бошқарув аппаратининг коррупцияси сингари иллатлар пайдо бўлмаслигига жиддий кафолат ҳам бўлмайди» [2, 121-б.].

Юқоридагилар жамоат бирлашмалари орқали омманинг фикрини (жамоатчилик фикрини) билиш, ундан давлат аҳамиятига молик муҳим масалаларни ҳал қилишда фойдаланиш зарурлигини яна бир бор кўрсатиб беради.

Шу ўринда «Қонуний савол туғилиши табиий: ижтимоий фикр жамият ривожига сезиларли таъсир кўрсатиши мумкинми? Ижтимоий фикрнинг ўзи доимий ҳаракатда,

---

---

ўзининг регулятив функциясини кучайтириб боради, жамият ривожланишига қараб турли ўзгаришлар ва эҳтиёжлар таъсири остида ривожланиб бориши мумкин» [3, 58-б.]

Шу билан бирга, назаримизда, қонунчилик жараёнида ижтимоий фикрни инobatга олиш қонунчилик механизмининг яхшиланиши ва тайёрланаётган қонунларнинг такомиллашувига, умум эътироф этган халқаро нормаларга мослашувига хизмат қилади. Акс ҳолда «ҳуқуқ халқ манфаатларига эмас, аксинча, амалдаги ҳокимиятни ушлаб турган кучларнинг манфаатларига хизмат қилиши» [7, 27-б.] мумкин.

Қонун ижодкорлари ҳам худди социологлар каби баъзан жамоатчилик фикри (ижтимоий ахлоқ) ҳақида сўз юритадилар. Шундай тушунча бор экан, у ҳақда турли фикрлар ҳам мавжуд бўлади — у маълум даражада амалдаги қонунчилик таъсирига берилган бўлади, деб тахмин қилишга асос бор. Қонунда белгиланган санкциялар ана шулар жумласидандир. Шунга қарамай, қонун ижодкорларининг ўзи ҳам ижтимоий фикр бошқа омиллар таъсирида шаклланишини англайдилар. Кўпинча янги қонун тақдим этилаётганида ижтимоий фикр инobatга олинади [6, 27-б.], — деб таъкидлайди Швеция Олий судининг судьяси Стефан Магнуссон.

Ижтимоий фикрни ҳисобга олиш қонунчиликнинг асосий принципларидан бири бўлган демократизм принципи билан узвийдир. Қонунчилик жараёнида ижтимоий фикрни ҳисобга олиш, аслида, қуйидагиларни акс эттиради:

- ҳуқуқ ижодкорлиги субъектларининг мустақиллиги;
- норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқиш ва қабул қилишда фуқароларнинг бевосита иштирок этиши;
- норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилишда жамоатчилик фикрига таяниш;
- ошкоралик.

Мазкур элементлар айни вақтда аҳоли барча қатламлари манфаатларининг қонун ҳужжатларида акс этиши ва амалга оширилишини таъминлаш учун шароит ва ҳуқуқий кафолатлар яратади, умумдавлат ҳамда маҳаллий миқёсдаги вазифаларнинг бажарилишида ҳуқуқий ҳужжатлар самарадорлигини оширади.

Шу билан бирга, қонунчилик жараёнида ижтимоий фикрни ҳисобга олиш халқ ҳокимиятчилигини амалга ошириш механизмининг муҳим қисми ҳисобланади ва бу жараёнда демократизмни изчил таъминлашга хизмат қилади. Бу эса давлат даражасидаги ҳамда маҳаллий миқёсдаги масалаларни ҳуқуқий ҳал қилишда ижтимоий фикрдан фойдаланишда ўз аксини топади. Ҳуқуқ ижодкорлиги жараёнида ижтимоий фикрни ҳисобга олиш унинг барча босқичларида, яъни ҳуқуқий актлар қабул қилиш ташаббуси билан чиқиш, норматив ҳужжатлар лойиҳаларини муҳокама қилиш, уларни мувофиқлаштириш ва қабул қилиш босқичларида амалга оширилиши керак.

Фуқароларнинг фаоллиги ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини муҳокама қилишда айниқса яққол намоён бўлади. Уларни муҳокама қилишни таъминлаш учун ҳужжатлар лойиҳалари матбуотда эълон қилинади, шу мақсадда бошқа оммавий ахборот воситалари (радио, телевидение, интернет)дан фойдаланилади, қонун



---

---

лойихаси манфаатдор корхона, ташкилот ва муассасаларга меҳнат жамоалари йиғилишларида муҳокама қилиш учун юборилади ва ҳ.к.

Юридик адабиётларда берилган таърифга кўра, ижтимоий фикр — оммавий онг ҳолати бўлиб, ижтимоий ҳодисаларга, турли гуруҳ ва бирлашмаларнинг фаолиятига, иқтисодий ва бошқа муаммоларга муносабатда намоён бўлади [10, 323-б.].

Назаримизда, қонунчилик соҳасидаги муаммолар ҳам шулар жумласига киради ва қонун чиқарувчи ўз фаолиятида қонун ҳужжатларига нисбатан шаклланган жамоатчилик фикрини ҳисобга олиши фойдадан холи бўлмайди.

Чунки ижтимоий фикр — ижтимоий психологиянинг таркибий қисмларидан бири бўлиб, шахсга, гуруҳларга, жамоага, уларнинг йўналиши, одатлари, анъаналари, манфаатлари шаклланишига таъсир этади. Ижтимоий фикр интеллектуал, эмоционал ва иродавий таркибий қисмларни, турли мушоҳадаларни ўз ичига олади ва одамларнинг ўз эҳтиёжларига дахлдор масалалар ва ҳодисаларга муносабатини ифодалайди. Бу муносабат баҳолаш, истак, маъқуллаш, танқидий қараш, талаб ва бошқа кўринишларда намоён бўлиши мумкин. Ижтимоий фикр ижтимоий ҳодисалар, турмуш, меҳнат шароитларини муҳокама қилиш давомида юзага келади [10, 323-б.].

Аммо жамоат ташкилотларининг ҳуқуқ ижодкорлигини, ўз аъзолари ўртасидаги муносабатларни тартибга солишини корпоратив нормалар чиқариш фаолияти билан чалкаштирмаслик керак [4, 277-б.].

Бинобарин, фуқароларнинг ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқиш ва қабул қилишда бевосита иштирок этиши норма ижодкорлиги жараёнининг демократизмидан далолат бериб, қуйидагиларга имкон яратади:

— фуқароларнинг хоҳиш-иродаси ва манфаатларини, қонун ҳужжати лойиҳасини ўзгартириш ҳамда яхшилаш борасидаги фикрларини умумлаштириш ва ҳисобга олиш;

— норматив актлар лойиҳаларини ифодалашда турли заиф томонлар, хатоларни аниқлаш, уларнинг олдини олиш ва бартараф этиш ҳамда ҳар томонлама асосланган самарали ҳуқуқий актлар қабул қилиш;

— ижтимоий ривожланишга тўсқинлик қилаётган, эскирган актларни ўзгартириш ёки бекор қилиш масаласини ўз вақтида кун тартибига кўйиш;

— зудлик билан ҳуқуқий тартибга солишни талаб қиладиган ижтимоий эҳтиёжларни аниқлаш;

— янги ва такомиллашган қарорлар ишлаб чиқиш;

— жамоатчилик вакилларининг сиёсий фаоллигини оширишга, уларнинг ҳуқуқий актлар кўрсатмаларини яхшироқ англашларига, уларга риоя қилишлари ва ҳуқуқий нормалар талабларини бажаришларига кўмаклашиш ва ҳ.к.

Қонунчилик жараёнининг бу демократизми ўз-ўзидан рўй бермайди, бунга ижтимоий фикрни ҳисобга олиш орқали эришилади. У янада кўпроқ самара бериши учун эса, фикримизча, қуйидагиларни амалга ошириш зарур:

— қонун чиқарувчининг жамоатчилик билан алоқаларини янада ривожлантириш;

— тўғридан-тўғри демократиянинг турли шаклларида самарали фойдаланиш;

— ҳуқуқий актлар лойиҳаларини жамоатчилик орасида, меҳнат жамоаларида, аҳоли яшаш жойларида муҳокама қилиш;

---

---

— матбуотда ҳуқуқий актлар ва уларга шарҳлар эълон қилиш, шунингдек уларнинг лойиҳаларини муҳокама қилиш, зарур таклифлар беришни сўраб аҳолига муурожаат қилиш амалиётини кенг жорий этиш.

С. Л. Юнусова ижтимоий фикр жамиятни демократлаштириш шароитида давлат фаолияти ва ҳуқуқ-тартиботга, меҳнаткашлар оммасининг ташаббусини кенг ёйишга ва янги инсон шахсини шакллантиришга ижобий таъсир кўрсатишини таъкидлайди [9, 3-б.].

Бу фикрга қўшилган ҳолда жамиятни демократлаштириш ва қонунчилик жараёнида ижтимоий фикрдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш учун қуйидагиларни амалга ошириш лозим деб ҳисоблаймиз:

— ижтимоий фикрни ўрганиш методикасини такомиллаштириш;

— фуқароларнинг қонун ҳужжатлари лойиҳалари тўғрисидаги таклиф ва фикрларига кўпроқ эътибор бериш, қонун ҳужжатлари ишлаб чиқишда уларни ўз вақтида кўриш, умумлаштириш ва махсус ҳисобини юритиш;

— аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш. Бу кенг жамоатчиликнинг ҳуқуқ ижодкорлигида масаланинг моҳиятини билган ҳолда иштирок этишини таъминлашга хизмат қилади;

— ижтимоий фикр натижаларидан ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқишда фойдаланишнинг юридик кафолат ва имкониятларини кенгайтириш.

## Фойдаланилган адабиётлар

1. *Дубовицкий В.Н.* Социология права: предмет, методология и методы. — Минск: Право и экономика, 2010.

2. *Каримов И. А.* Ҳозирги босқичда демократик ислохотларни чуқурлаштиришнинг муҳим вазибалари // Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. Т. 5. — Т.: Ўзбекистон, 1997.

3. *Каххаров А.* Общественное мнение: динамика развития // Ўзбекистонда жамоатчилик фикрини ўрганиш ва шакллантиришнинг долзарб муаммолари: Илмий-амалий семинар материаллари. — Т.: «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази, 2003.

4. *Лазарев В.В.* Теория государства и права: Учебник / В. В. Лазарев, С. В. Липень, А. Х. Саидов. — М.: Изд-во Рос. экон. акад., 2007.

5. *Низомулмулк.* Сиёсатнома ёки сияр ул-мулк. — Т.: Адолат, 1997.

6. Оценка законов и эффективности их принятия: Материалы международного семинара (16–17 декабря 2002 года). — Рязань–Москва, 2002.

7. *Рузметов Х.И.* Қонун ижодкорлиги жараёнида ҳуқуқий фан ютуқларидан фойдаланиш тўғрисида // Ҳуқуқ — Право — Law. — 2003. — № 4.

8. *Саитходжаев Ҳ.Б.* Социология. — Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2017.

9. *Юнусова С.Л.* Роль общественного мнения в совершенствовании законодательства: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. — Т., 1993.

10. Юридический словарь / Авт. сост. А. Ф. Никитин. — М.: Олма-пресс образование, 2005.

11. *Berneys E. L.* The Later Years. Public Relations Insights. 1956–1986. — Rhinebeck: Free Press, 1986.

## ҲУҚУҚИЙ ЖАРАЁНЛАР САМАРАДОРЛИГИ ВА УЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

**Аннотация.** Мақолада «ҳуқуқни амалга ошириш», «ҳуқуқ нормаси», «қонун ижодкорлиги», «ҳуқуқий тартибга солишнинг самарадорлиги» каби тушунча ва жараёнларнинг юридик мазмуни ва хусусиятлари ёритилган, шунингдек қонунчилик социологиясини ривожлантиришнинг долзарб ва истикболли йўналишлари таҳлил қилинган. Муаллиф ҳуқуқни амалга ошириш самарадорлигига таъсир қилувчи ижобий ва салбий омилларга алоҳида эътибор қаратган.

**Таянч сўзлар:** ҳуқуқ, ҳуқуқий жараёнлар, ҳуқуқни амалга ошириш, қонун ижодкорлиги, ҳуқуқий тартибга солиш, ҳуқуқий норма, ҳуқуқни амалга ошириш самарадорлиги, қонунчилик социологияси.

### ЭФФЕКТИВНОСТЬ ПРАВОВЫХ ПРОЦЕССОВ И ИХ ОСОБЕННОСТИ

**Аннотация.** В статье раскрывается юридическое содержание и особенности таких правовых понятий и процессов, как реализация права, норма права, законотворчество, эффективность правового регулирования, а также анализируются актуальные и перспективные направления развития социологии законодательства. Особое внимание автор уделяет научному анализу положительных и отрицательных факторов, влияющих на эффективность реализации права.

**Ключевые слова:** право, правовые процессы, реализация права, законотворчество, правовое регулирование, правовая норма, эффективность реализации права, социология законодательства.

### EFFICIENCY OF LEGAL PROCESSES AND THEIR FEATURES

**Annotation.** The article reveals the legal content of the concept of legal processes, in particular the implementation of law, the rule of law, lawmaking, the effectiveness of legal regulation, as well as their features, the point of view of scientists on the content of these concepts, as well as current and promising directions of development of the sociology of legislation. In addition, the author scientifically analyzed the positive and negative factors affecting the effectiveness of the implementation of the law.

**Keywords:** law, legal norm, legal processes, realization of law, lawmaking, legal regulation, efficiency of realization of law, sociology of legislation.

Ҳуқуқий жараёнлар, яъни ҳуқуқий нормалар, қонун ижодкорлиги, ҳуқуқий тартибга солиш, ҳуқуқни амалга ошириш самарадорлиги замонавий юриспруденциянинг асосий назарий ва амалий муаммоларидан ҳисобланади. Зеро, ҳуқуқий жараёнлар самарадорлигини баҳолаш орқали улар шахс, жамият ва давлат манфаатларига нечоғлик фойда келтираётганини аниқлаш ва натижада мамлакат ҳуқуқий тизимида ҳолис баҳо бериш ҳамда уни ривожлантириш учун зарур чора-тадбирлар белгилаш имконига эга бўламиз.

Ҳуқуқшунослик назариясида тадқиқотчилар томонидан ҳуқуқ ва ҳуқуқий тартибга солишнинг, қонун ижодкорлигининг, ҳуқуқни амалга оширишнинг самарадорлиги, турлари каби масалалар тадқиқ этилган ва бу жараён давом этмоқда.

Шу ўринда илмий асарлар ва ўқув адабиётларида учрайдиган «самарадорлик» сўзининг мазмун-моҳиятига тўхталиб ўтсак. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида «самарадорлик» сўзи самарали, фойдали бўлиш, фойдалилик маъноларини

---

\*Тураев Акмал Панжиевич, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси давлат-ҳуқуқий фанлар кафедрасининг катта ўқитувчиси.

---

---

англантиши баён қилинган [7]. «Самарадорлик» атамасини биз кўпинча, моддий ишлаб чиқариш соҳасига татбиқ этамиз, масалан, «ишлаб чиқариш самарадорлиги», «янги технологиялар самарадорлиги» каби. Бунда самарадорлик мазмунига имкон қадар кам харажат сарфлаб, кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқариш, фойда олиш нуқтаи назаридан ёндашилади. «Самарадорлик» тушунчасини ҳуқуқшуносликда ҳам турли йўналишларда қўллаш мумкин, масалан, ҳуқуқий тартибга солиш самарадорлиги, қонунчилик самарадорлиги, ҳуқуқ нормалари самарадорлиги [1, 202–203-б.], ҳуқуқни амалга ошириш самарадорлиги ва ҳоказо.

«Ҳуқуқий ҳодисаларнинг самарадорлиги» тушунчасига оид энг кўп тарқалган қарашлардан бирига кўра, «самарадорлик» — маълум бир ҳуқуқий ҳодисанинг мақсадлари билан натижаси ўртасидаги нисбат [5, 265-б.], [6, 36–37-б.], [7], [8], [9]. Қуйида мазкур тушунчаларнинг ҳар бирига алоҳида тўхталиб ўтамиз.

Юридик адабиётларда «ҳуқуқ самарадорлиги» ва «ҳуқуқий норма самарадорлиги» тушунчалари учрайди. Ушбу тушунчаларни мазмунан синоним категориялар сифатида талқин қилиш мумкин.

Ҳуқуқ самарадорлиги масалалари бир қатор ҳуқуқшунос олимлар томонидан ўрганилган [10, 463-б.]. Таҳлиллар асосида айтиш жоизки, ҳуқуқ самарадорлиги хусусида олимлар ўртасида яқдиллик кузатилмайди. Шу боис уларнинг қарашларини икки гуруҳга ажратиш мумкин: биринчи гуруҳга мансуб олимлар ҳуқуқ самарадорлиги деганда унинг тўғрилиги, асосланганлиги, мақсадга мувофиқлиги ва ҳаётийлигини тушунишади. Олимларнинг иккинчи гуруҳи эса «ҳуқуқ самарадорлиги» тушунчасини ҳуқуқ нормаларининг натижадорлиги, белгиланган мақсадга эришиш билан боғлиқлиги сифатида талқин этадилар. Дарҳақиқат, самарадорлик доимо натижа билан ёнма-ён юради. Самарадорлик деганда маълум бир фаолиятнинг натижа беришини назарда тутамиз. «Ҳуқуқнинг самарадорлиги» ҳуқуқ амал қилишининг натижасини, ҳуқуқнинг жамиятдаги ижтимоий-ҳуқуқий муаммоларни ҳал қилиш имкониятини англатади.

Шу тариқа ҳуқуқ самарадорлиги — ҳуқуқ нормасини қабул қилишдан кўзланган мақсад билан ижтимоий муносабатларни тартибга солишдаги натижанинг ўзаро нисбати, деган ҳулосага келиш мумкин.

Таъкидлаш жоизки, ҳуқуқ самарадорлигини ўрганиш юзасидан муайян тажриба тўпланган бўлиб, унинг муҳим бир йўналиши сифатида экспериментал анализ (тажрибавий таҳлил) усуллари тизимини эътироф этиш мумкин. Масалан, шундай методлардан бири параллел экспериментга мисол тариқасида икки корхона олиниб, уларнинг бирида янги норма, қоида тариқасида маҳсулот сифатини оширишнинг янги бир усули қўлланилиши, бошқасида эса қўлланилмаслиги, тажриба охирида унинг натижалари солиштирилишини келтириш мумкин [1, 206–207-б.]. Ушбу таққослаш асосида янги норманинг корхона фаолиятини ривожлантиришга қанчалик самарали таъсир этганига баҳо берилади.

Шундай қилиб, «ҳуқуқий норманинг олдиндан белгиланган самарадорлиги» тушунчасидан воз кечиш керак. Бундан ташқари, норманинг самарадор ёки самарасизлигини аввалдан билиб бўлмайди. Бу фақат уни амалда қўллаш натижасида аён бўлади. Айтайлик, уюшган жиноятчиликка қарши кураш тўғрисида қонун қабул қилинди (у билан янги жиноий жазо чоралари жорий этилди, амалдагилари кучайтирилди ва ҳоказо). Натижада, маълум вақт ўтгач, уюшган жиноятчилик камайди, қонун нормаси туфайли кўзланган мақсадга эришилди. Агар жиноятчилик камаймаса, қонун самарали бўлмайди, уни қабул қилишдан кўзланган мақсадга эришилмайди.

---

---

Лекин ҳуқуқий нормаларнинг самарадорлиги фақат уларнинг мазмунига эмас, балки бошқа кўплаб ҳуқуқий бўлмаган омилларга ҳам боғлиқ. Масалан, уюшган жиноятчиликка қарши кураш тўғрисидаги қонуннинг мазмуни ёмон бўлмаслиги мумкин, аммо жиноятчиликка қарши кураш тизими керакли куч ва воситалар билан таъминланмаганлиги ёки ходимларнинг малакаси етарли даражада эмаслиги, уларнинг масъулиятсизлиги каби ҳолатлар ушбу қонунни қабул қилишдан кўзланган мақсадга эришиш имконини бермайди, бунга тўсқинлик қилади, яъни қонуннинг самарасизлигига олиб келади. Шунинг учун ҳуқуқий норманинг самарадорлигини аниқлаш жуда қийин вазифа бўлиб, уни социологик тадқиқотлар, хусусан қонунчилик социологияси ёрдамида бажариш мумкин. Бу ўринда гап қонунчилик социологияси (фан, таълим сифатида) ривожланиши, қонунчилик соҳасида социологик ўрганишлар ва тадқиқотлар ўтказадиган институтлар, марказлар вужудга келтирилиши, ҳуқуқий билим ва маълумотга эга социолог ходимлар тайёрланиши хусусида бормоқда.

Афсуски, ҳозирга қадар мамлакатимизда қонунчилик социологияси эътибордан четда қолиб, анча суст ўрганилмоқда. Қонунлар ижроси бўйича социологик тадқиқотлар деярли ўтказилмайди, бу борада мутахассислар йўқ, уларни тайёрлайдиган муассаса ва марказлар ташкил этилмаган.

Қонунчилик социологиясини ривожлантириш учун унинг қуйидаги долзарб ҳамда истиқболли йўналиш ва мавзулари бўйича тадқиқотлар олиб борилиши мақсадга мувофиқ:

- қонунни қўллаш вақтидаги ижтимоий муҳит;
- қонунни қўллаш, амалга оширишга эҳтиёж ва зарурат мавжудлиги;
- қонун қўлланилунига қадар мавжуд бўлган ҳуқуқий тартибга солиш ҳолати;
- қонун қўлланилиши натижасида эришилган ҳуқуқий тартиб ҳолати ва даражаси;
- қўлланилаётган қонун ва ҳуқуқий нормаларнинг бошқа ижтимоий регуляторлар (ахлоқ қоидалари, урф-одат, корпоратив нормалар, диний меъёрлар, маданият, эстетика қоидалари ва маънавий мезонлар) билан ўзаро алоқаси ва таъсири, ҳаракат йўналиши ва ўзаро таъсири ҳамда «ҳамкорлиги» даражаси;
- ижтимоий ҳаётга қонун воситасида аралашининг меъёри ва чегараси;
- қонунларни қўллаш жараёнларига (унинг барча босқичларида) таъсир этувчи ижтимоий омиллар;
- қонун амал қилишининг (қўлланишининг) социологик механизми;
- қонун нормаларининг ҳуқуқ субъектлари феъл-атворидага айланиш технологияси;
- қонуннинг ижтимоий самарадорлиги ва ҳ.к. [11, 15–16-б.].

*Шундай қилиб, ҳуқуқий нормалар самарадорлигини баҳолаш орқали унинг инсонлар хулқ-атвори, жамият ҳаёти ва ижтимоий муносабатларга таъсирини билиш мумкин. Бу эса норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга замон талабидан келиб чиқиб ўз вақтида тегишли ўзгариш ва қўшимчалар кириб бориш имконини беради.*

Ҳуқуқшунослик назарияси ва амалиётида қонун ижодкорлиги ва ҳуқуқий тартибга солиш самарадорлиги масалалари ҳам долзарбдир. Зеро, жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий ва маънавий тараққиёти инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолатли ҳимояланиши, мамлакатнинг халқаро миқёсдаги интеграцияси кўп жиҳатдан қонун ижодкорлиги ва ҳуқуқий тартибга солиш самарадорлиги билан чамбарчас боғлиқдир. Лекин, шунга қарамай, мамлакатимиз ҳуқуқшунослигида мазкур масалалар эътибордан четда қолмоқда.



---

---

Қонун ижодкорлиги ва ҳуқуқий тартибга солиш самарадорлиги мазмунан бир-бирини тақозо этувчи, тўлдирувчи ҳуқуқий жараёнлардир. Аммо бу улар айнан бир хил мазмунга эга дегани эмас, улар ўртасида муайян тафовутлар ҳам бор. Қуйида мазкур категорияларнинг ўзаро боғлиқ ва фарқли жиҳатлари таҳлил қилинади.

Қонун ижодкорлигининг самарадорлиги деганда унинг амалдаги натижаси билан кўзланган мақсад ўртасидаги боғлиқлик тушунилади [4]. Ҳуқуқий тартибга солиш самарадорлиги эса ҳуқуқий тартибга солиш олдида турган мақсад билан унинг натижаси ўртасидаги нисбатдир [1, 208-б.].

Ҳуқуқшунос М. Ю. Осипов ҳар қандай қонун ҳужжатининг самарадорлиги ушбу қонун ҳужжати билан ҳуқуқий тартибга солиш тизимида киритилган ўзгартишлар самарадорлигига тенг деб ҳисоблайди. Олим ушбу эквивалентлик гипотезаси қуйидаги ҳолатларга асосланишини эътироф этади:

*биринчидан*, қонун ижодкорлиги ҳужжати билан ҳуқуқий тартибга солиш тизимида муайян ўзгартишлар киритилади ва шу орқали ҳуқуқ нормалари ўзгартирилиб, ижтимоий муносабатлар ҳуқуқий тартибга солинади;

*иккинчидан*, қонун ижодкорлигининг самарадорлигини баҳолаш учун аввал қонун ижодкорлигининг таъсирини баҳолаш, сўнгра уни қонун ижодкорлиги натижасида эришилиши мумкин бўлган максимал самара билан таққослаш керак;

*учинчидан*, қонун ижодкорлиги ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш тизимида муайян ўзгаришлар келтириб чиқаргани сабабли, унинг таъсирини баҳолаш учун қонун ижодкорлиги томонидан ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш тизимида киритилган ўзгартишлар таъсирини ҳам баҳолаш керак.

Хўш, ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишдаги ўзгаришлар таъсирини қандай баҳолаймиз? Бунинг учун, энг аввало, ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш тизимида ўзгартиш ва қўшимчалар киритилишининг сабабларини аниқлаш керак. Фикримизча, бунга ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишнинг амалдаги тизими самарасиз эканлиги сабабчидир. Шундай қилиб, қонун ижодкорлигининг ижобий натижаси ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш самарадорлигининг ошишида намоён бўлади [3, 3-б.].

Ушбу мулоҳазалар асосида қонун ижодкорлиги самарадорлиги билан ҳуқуқий тартибга солиш самарадорлиги — ўзаро боғлиқ ҳуқуқий жараёнлар, деган хулосага келишимиз мумкин.

Юқорида қонун ижодкорлигининг самарадорлиги ҳуқуқий тартибга солиш самарадорлиги динамикаси билан ўзаро боғлиқлигини кўриб чиқдик. Энди **ҳуқуқни амалга ошириш самарадорлигининг юридик талқинига** кенгроқ тўхталиб ўтамиз.

*Замонавий фан-техника тараққиёти инсон томонидан яратилган воситаларнинг самарадорлигини баҳолашга имкон бермоқда. Саноат ишлаб чиқаришидаги кўплаб тушунча ва категориялар аста-секин ижтимоий ҳаётга сингиб, айнан ҳуқуқ соҳасига татбиқ этилмоқда. Ҳозирги вақтда тадқиқотчилар олдида ҳуқуқни амалга ошириш самарадорлигини баҳолаш, унинг мезонларини ишлаб чиқиш масаласи турибди.*

Ҳуқуқни амалга ошириш самарадорлиги нимадан иборатлигини баҳолаш учун биринчи навбатда ҳуқуқни амалга оширишнинг моҳиятини кўриб чиқиш керак. Ҳуқуқни амалга ошириш деганда ҳуқуқ субъектларининг ҳуқуқ

---

---

нормалари талабларини амалиётга жорий этишга қаратилган ҳаракати (ёки ҳаракатсизлиги) тушунилади [2, 355-б.]. Бироқ инсон фаолиятининг энг муҳим элементи мақсадга эришишдир, у эса шахснинг муайян фаолияти орқали амалга ошади. Шу сабабли, ҳуқуқни амалга ошириш самарадорлиги тўғрисида мулоҳаза юритишдан аввал ҳуқуқни амалга оширишдан кўзланган мақсадни аниқлаштириб олиш жоиз.

Фикримизча, мақсад — ҳуқуқ субъектларининг қонуний манфаатларини қондириш. Хўш, ҳуқуқ субъектларининг қонуний манфаатлари нима ва улар ҳуқуқ субъектларининг бошқа манфаатларидан нимаси билан фарқ қилади? Назаримизда, қонуний манфаатлар ҳуқуқ субъектларининг қонунга хилоф бўлмаган манфаатлари бўлиб, ҳуқуқни амалга оширмай туриб уларни татбиқ этиб бўлмайди.

Шундай қилиб, ҳуқуқни амалга ошириш самарадорлиги ҳуқуқ субъектларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда мустаҳкамланган қонуний ҳуқуқ ва манфаатларининг ҳеч қандай монеликсиз, тўлиқ амалга оширилиши кўламини англатади. Яъни, бунда самарадорлик инсон ҳуқуқларининг қай даражада рўёбга чиқаётганлигини баҳоловчи мезондир.

Жамиятда ҳуқуқни амалга ошириш самарадорлигига бир қатор омиллар таъсир этади. Аммо ушбу омилларни кўриб чиқишдан аввал «ҳуқуқни амалга ошириш самарадорлигига таъсир қилувчи омил» тушунчасини аниқлаб олиш керак. Фикримизча, ушбу тушунча ҳуқуқни амалга ошириш самарадорлигининг ошиши ёки пасайишига олиб келадиган ҳуқуқий воқеликнинг ўзига хос ҳолати ёки ҳодисасини англатади. Демак, ҳуқуқни амалга ошириш самарадорлигига таъсир этувчи барча омилларни иккита қатга гуруҳга, яъни самарадорликка ижобий ва салбий таъсир кўрсатадиган омилларга бўлиш мумкин.

Ҳуқуқни амалга ошириш самарадорлигига таъсир этувчи *ижобий* омилларга қуйидагилар киради:

— амалдаги ҳуқуқ нормаларининг ҳуқуқ субъектлари қонуний манфаатларига мувофиқлиги;

— амалдаги ҳуқуқ нормаларининг ҳуқуқ субъектлари ҳуқуқий онгига мувофиқлиги;

— ҳуқуқни амалга ошириш натижасида зарар етказилмаганлиги ёки зарарнинг минимал даражада эканлиги;

— қонунларнинг ҳуқуқ субъектлари умумий манфаатларини ҳисобга олган ҳолда қабул қилиниши;

— ҳуқуқ нормаларида унинг талаблари ҳуқуқ субъектлари томонидан амалга оширилишининг реал имкониятлари ҳисобга олинганлиги.

Ҳуқуқни амалга ошириш самарадорлигини пасайтирувчи *салбий* омилларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

— амалдаги ҳуқуқ нормалари ҳуқуқ субъектларининг қонуний манфаатларига мос келмаслиги;

— *амалдаги ҳуқуқ нормалари ҳуқуқ субъектларининг ҳуқуқий онгига мос келмаслиги;*

— ҳуқуқ субъектининг ҳуқуқий нормаларни мавжуд ҳуқуқий талабларни амалга ошириш имкониятини ҳисобга олмасдан қабул қилиши;

---

---

— ҳуқуқни амалга оширишни қийинлаштирадиган маъмурий тартиб-таомиллар мавжудлиги;

— қонун нормаларининг қонуности ҳужжатлари билан чеклаб қўйилганлиги ва ҳоказо.

Шундай қилиб, ушбу омилларни чуқур таҳлил қилиш мавжуд муаммолар ҳақида зарур тасаввурга эга бўлиш ҳамда керакли чораларни ўз вақтида белгилаш имконини беради. Бу эса, ўз навбатида, ҳуқуқни амалга ошириш самарадорлигини таъминлашга замин яратади.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, биз таҳлил қилган ҳуқуқий жараёнларнинг ўзаро боғлиқлиги қуйидаги концепцияга асосланади. Ҳуқуқ ёзма шаклда қонунчилик ҳужжатларида ўз аксини топади, қонунлар эса қонун ижодкорлиги жараёнининг маҳсулидир. Қонунда мустаҳкамланган нормалар ҳуқуқий тартибга солиш асосида субъектлар хулқ-атвориға таъсир қилади. Ушбу таъсир асосида ҳуқуқ субъектлари тегишли нормаларни амалга оширади.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. *Ахмедшоева М.А.* Давлат ва ҳуқуқ ривожининг ҳозирги замон тенденциялари. — Т: ТДЮУ, 2016.

2. *Лазарев В.В.* Понятие реализации права, ее формы и методы обеспечения // *Общая теория государства и права.* — Нижний Новгород, 1995.

3. *Осинов М.Ю.* О методике определения эффективности правовых процессов // *Правоведение.* — 2011. — № 3.

4. *Сырых В.М.* Изучение эффективности норм права // *Общая теория государства и права. Академический курс в 3-х т. Т. 3.* — М., 2007.

5. *Сырых В.М.* Логические основания общей теории государства и права. В 3-х т. Т. 2. — М., 2004.

6. *Кудрявцев В.И.* Эффективность правовых норм / В. И. Кудрявцев, И. С. Самощенко, В. Н. Никитинский. В. В. Глазырин. — М., 1980.

7. *Лапаева В.В.* Эффективность действия права. Проблемы общей теории права и государства: Учебник для вузов / Под общ. ред. академика РАН, д.ю.н., проф. В.С. Нерсесянца. — М.: Норма, 2004.

8. *Гаврилов О.А.* Математические методы и модели в социально-правовом исследовании. — М., 1984.

9. *Спектор Е.И.* Проблемы реализации закона о государственном регулировании деятельности по организации и проведению азартных игр. Да здравствует подполье? // *Адвокат.* — 2007. — № 2.

10. *Одилқориев Х. Т.* Конституция ва қонун устуворлиги — тараққиётимиз гарови, адолатли жамият мезони // *Конституция — тинчлик ва тараққиёт қафолати: Илмий мақолалар тўплами.* — Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2020.

11. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. — URL:<https://ziyouz.uz/durdona-toplamlar/uzbek-tilining-izohli-lugati/>.

## ЎЗБЕКИСТОНДА ОИЛА, НИКОҲ МУНОСАБАТЛАРИНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ

**Аннотация.** Мақолада мамлакатимизда оила, никоҳ муносабатларида ажримларнинг кўпайишига сабаб бўлаётган иктисодий-ижтимоий, психологик, маънавий-ахлоқий ва тарихий-диний ҳамда бошқа бир қатор омиллар таҳлил қилинган. Эрта никоҳлар ва эрта ҳомиладорлик натижасида юзага келаётган салбий оқибатларни бартараф этишнинг ташкилий-ҳуқуқий масалалари ёритилган.

**Таянч сўзлар:** никоҳ, оила институти, ажрим, оиладаги психологик муҳит, бепуштлиқ, эрта никоҳ, эрта ҳомиладорлик.

### ОРГАНИЗАЦИОННО-ПРАВОВЫЕ АСПЕКТЫ СЕМЕЙНО-БРАЧНЫХ ОТНОШЕНИЙ В УЗБЕКИСТАНЕ

**Аннотация.** В статье проанализирован ряд социально-экономических, духовно-нравственных и исторически-религиозных факторов, послуживших причиной увеличения числа разводов в семейно-брачных отношениях в нашей стране. Раскрыты организационно-правовые вопросы устранения отрицательных последствий, возникающих в результате ранних браков и ранней беременности.

**Ключевые слова:** брак, институт семьи, развод, психологическая обстановка в семье, бесплодие, ранний брак, ранняя беременность.

### ORGANIZATIONAL AND LEGAL ASPECTS OF FAMILY AND MARRIAGE RELATIONS IN UZBEKISTAN

**Annotation.** The article analyzes a number of socio-economic, spiritual-moral and historical-religious factors that have caused the dynamics of the growth of divorce in family and marriage relations in our country. In addition, the organizational and legal issues of eliminating the negative consequences arising from early marriage and early pregnancy are disclosed.

**Keywords:** marriage, family institution, divorce, psychological situation in the family, infertility, early marriage, early pregnancy.

Ҳозирги кунда нафақат мамлакатимиз, балки жаҳондаги барча демократик давлатларда оилани мустаҳкамлаш, хотин-қизлар, болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, жисмонан ва маънан соғлом авлодни тарбиялаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу боис Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 1993 йил 20 сентябрда бўлиб ўтган йиғилишида 15 майни Халқаро оила куни сифатида нишонлашга қарор қилинган. Ушбу қарордан кўзланган асосий мақсад — инсон ўз умрини ўтказадиган, орзу-умидлар, бахту саодати ва тинчлигини таъминлайдиган маскан бўлмиш оиланинг мустаҳкам бўлишини таъминлашдир. Жаҳон мамлакатларида бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам 1994 йилдан бошлаб бу кун байрам сифатида нишонланади.

Ўзбек халқи оилани муқаддас даргоҳ сифатида улуғлаб, ёт таъсирлардан асраб-авайлаб келган. Шарқона тарбия ҳақида гап кетганида эса ўзбек оилалари

\* *Инагамова Мафура Мухтархоновна, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси давлат-ҳуқуқий фанлар кафедрасининг катта ўқитувчиси, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD).*

---

---

доимо ўрناق қилиб кўрсатилган. Бироқ ҳозирги кунда айрим оилалардаги катталарнинг маънавиятсизлиги, ўзини кўз-кўз қилишга уриниши, ёш оилалар турмушига асоссиз аралашувлари, бепуштлиқ, ногирон фарзандлар дунёга келиши ва бошқа бир қатор сабабларга кўра жуда кўп оилалар барбод бўлмоқда, аёллар кўчада қолиб, фарзандлар онасиз, кўп ҳолларда отасиз вояга етмоқда. Ушбу омилларни инобатга олиб, бугун мамлакатимизда оила ва оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш, ажримлар, ноқонуний никоҳлар ва эрта туғуруқларнинг олдини олиш муҳим вазифалардан бири сифатида белгиланган.

Демак, Ўзбекистонда давлат сиёсатининг асосий йўналиши оила, унинг бахту саодати ва фаровонлигини таъминлашга асосланган. Эндиликда оила нафақат эзгуликлар маскани, балки муҳим ижтимоий институт сифатида ҳам тан олинмоқда. Умуман, оила давлат пойдеворининг кичик бир бўлаги саналиб, унинг аҳволи жамиятдаги барча ислохотларнинг барометри ҳисобланади.

Ўзбекистон Президентининг таъбири билан айтганда, «оила — муқаддас деган азалий ва эзгу ғоя қадрсизланиб, минг йиллик миллий қадриятларимиз завоқ топар экан, бу каби оғриқли ҳолатларни камайтириб бўлмайди. Бунинг учун маҳалла катта ижтимоий куч сифатида майдонга чиқиши керак. Чунки фаоллар, кўпни кўрган оқсоқоллар, тажрибали нурунийларимиз, агар истаса, жамоатчилик билан биргаликда ҳар қандай муаммони ҳал қилишга, хато қилган ёшларни тўғри йўлга солишга қодир» [4].

Мамлакатимизда оилани мустаҳкамлаш, ажримларнинг олдини олиш ҳамда аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Оила кодекси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги фаолиятини тартибга солиш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида»ги ҳамда «Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ва бошқа бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ана шулар жўмласидандир.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, 1624 штат бирлигидан иборат туман (шаҳар) маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлимларига эга бўлган «Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги» ташкил этилди.

Бироқ оила институтининг бугунги энг катта муаммоларидан бири ажримлардир. Ажрим — эр-хотин ўртасидаги никоҳнинг расман бекор қилиниши. Фикримизча, Ўзбекистонда ажрашишлар динамикасининг ўсишига: *иқтисодий* (моддий ҳолат танглиги, турмуш шароитининг ёмонлиги), *ижтимоий* (ичкиликбозлик ва гиёҳвандлик моддаларига ружу қўйиш, бепуштлиқ, эрта никоҳ қуриш ва эрта ҳомиладорлик), *психологик* (оиладаги оғир руҳий муҳит, доимий жанжаллар, оилавий муносабатларга бировларнинг аралашуви), *маънавий-ахлоқий* (жамиятда оила институти аҳамиятининг пасайиши, сурункали хиёнатлар ёки никоҳдан ташқари алоқалар, эр ёки хотиннинг узоқ вақт давомида бошқа давлатларда алоҳида яшаши), *тарихий-диний* (ажрашиш жараёнининг шариат бўйича эрнинг



---

---

«талок» сўзини уч марта такрорлаши билан тугатилиши) омиллар мавжудлиги ҳамда оилавий анъана ва қадриятлар, авлодлар ўртасидаги алоқалар ҳамда бошқа ижтимоий муносабатларнинг йўқолиб бораётгани сабаб бўлмоқда.

Юртимизда оилавий ажримларнинг сабабларини аниқлаш учун доимий равишда ижтимоий сўровлар ўтказиб борилади. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ижтимоий тадқиқотлар институти БМТ фонди билан ҳамкорликда аҳоли орасида сўров модулларидан бири никоҳ тугатилишининг сабабларига бағишланган тўртта тадқиқот ўтказди. Натижада республикамиздаги ажрашишларнинг асосий сабабларини оиланинг моддий аҳволи қониқарли эмаслиги ҳамда маиший масалаларда келиб чиқадиган турли жанжалли ҳолатлар (26 %), эр-хотин характери ва қизиқишларининг ўзаро мос келмаслиги (19,3 %), ичкиликбозлик ва наркотик моддаларни истеъмол қилиш (16 %), хиёнат ҳамда ота-оналар билан ўзаро муносабатлардаги нохуш ҳолатлар (10 %) ташкил этиши аниқланган [8].

Айни шу масалада «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан ўтказилган тадқиқот натижасида оиланинг барбод бўлишига ёшларнинг оилавий ҳаётга тайёр эмаслиги (34,5 %), моддий етишмовчиликлар (26,2 %), эр-хотин қизиқиши ва дунёқарашининг бир-бирига тўғри келмаслиги (10,6 %), уларнинг бир-бирларига бефарқлиги (19,5 %), ичкиликбозлик ва гиёҳвандлик (3,3 %) сабаб бўлиши аниқланди [9].

Ўтказилган ҳар икки тадқиқот натижаларига кўра, эр-хотиннинг оилавий ҳаётга тайёр эмаслиги ва моддий етишмовчиликлар асосий сабаблар эканлиги маълум бўлди.

Шунингдек, вилоятларда ўтказилган аниқ мақсадли сўровлар ҳудуднинг хусусиятини, аҳолининг менталитетини ва тарихий-маданий анъаналарини ҳисобга олган ҳолда ўша вилоятнинг ҳозирги ҳолатини, шунингдек оилавий ажрашишларнинг салбий ижтимоий оқибатларини аниқлаш имконини беради. Ана шу мақсадда Сирдарё, Самарқанд ва Наманган вилоятларида оилавий ажрашишларнинг сабаб ва оқибатларини кенг ҳамда батафсил ўрганиш мақсадида ажрашиб кетган ёки ажрашиш арафасида турган оилалар ўртасида социологик сўровлар ўтказилган.

Ўрганишлар натижасида ажрашишларга уй-жой (23 %), саломатлик (21 %), моддий ёрдамга муҳтожлик (17 %), иш билан таъминлаш (14 %), тадбиркорлик ва кредит ажратиш (8 %), коммунал соҳа (4 %) билан боғлиқ муаммолар сабаб бўлганлиги аниқланди. Оилалардаги ижтимоий-маънавий муҳитнинг нотинчлиги ва ажрашишларнинг асосий сабабларини эр-хотин ўртасида ҳамжиҳатлик йўқлиги, сурункали жанжаллар (25,6 %), бепуштлик (20 %), ота-оналарнинг ёш оилалар ҳаётига доимий аралашуви (12 %), ичкиликбозлик (11 %) ташкил этиши [2], шунингдек, ажрашишларнинг асосий сабабларидан бири Самарқанд вилоятида — эр ёки хотиннинг хиёнати (12 %), Наманган вилоятида эса эр-хотин ўртасидаги доимий жанжал ва ишончсизлик (43 %) [7, 33-б.] эканлиги маълум бўлди.

Мазкур сўровлар натижасида Сирдарё вилоятида, Самарқанд ва Наманган вилоятларидагидан фарқли равишда, ажримларга кўпинча бепуштлик, моддий қийинчиликлар, эр-хотиндан бирининг оғир ёки сурункали касалликка чалингани, ичкиликбозликка ружу қўйгани сабаб бўлаётгани ҳақида хулоса чиқариш мумкин.

---

---

Сўнги йилларда ажрим масаласи жамиятимиздаги энг долзарб муаммолардан бири бўлиб қолди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази тақдим этган маълумотларга кўра, беш йил (2015–2019 йиллар) давомида юртимизда ажримлар 34,5 % га ошган. Ҳар йили республика бўйича ажрашган оилалар сони 100 мингга кўпаймоқда [5].

Мазкур муаммо юзасидан Давлат статистика қўмитасининг берган маълумотларига кўра, никоҳ ва ажрашишлар кўрсаткичи 2017 йилда тегишлича 306,2 минг ва 31,9 мингни, 2018 йилда 311,3 минг ва 32,3 мингни, 2019 йилнинг ўзида никоҳлар 296 минг 460 тани ташкил этган [6].

Оқоридаги статистик таҳлилдан кўриниб турибдики, оилавий ажрашишлар динамикаси жиноятчилик, ҳуқуқбузарлик, суицид ҳолатлари ҳамда болалар уйи тарбияланувчиларининг сони ошиб кетишига олиб келмоқда. Бундан ташқари, тўлиқсиз оилаларда тарбияланган ёшлар тўлиқ оилада тарбияланган ёшларга қараганда кўпроқ ажрашиши аниқланган. Бинобарин, фарзанд тарбиялаётган ота-она ҳар бир ҳаракати — оила бошқарувини тўғри ташкил этиши, юриш-туриши, муомаласи, бошқалар билан муносабатида фарзандларига намуна бўлиши лозим, чунки болалар табиатан ниҳоятда тақлидчи ва кузатувчан бўлишади. Шунинг учун ҳам ҳар бир оилада намунали одатлар, ўзаро ҳурматга асосланган муносабат барқарор бўлиши зарур.

Яна бир муҳим масала — мамлакатимизда оилалар мустаҳкамлигини сақлаш, ажримларнинг олдини олишда эрта никоҳга йўл қўймаслик. Президент Ш. М. Мирзиёев «...оилавий ажримлар, ёшлар саломатлиги, эрта туғуруқлар, маънавий-ахлоқий тарбия билан боғлиқ муаммолар мавжуд»лигига алоҳида эътибор бергани бежиз эмас.

Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилотининг статистик маълумотларида таъкидланишича, ривожланаётган давлатларда ҳар йили тахминан 16 миллион нафар 15–19 ёшдаги қиз она бўлган, уларнинг 2,5 миллионини 16 ёшдан кичик қизлар ташкил қилган. Ҳомиладорлик ва туғуруқ вақтидаги қийинчиликлар дунё бўйича 15–19 ёшдаги қизларнинг ўлимига ҳам сабаб бўлмоқда.

Ўзбекистонда 2018 йилда жами 750 минг туғуруққа 133та эрта туғуруқ ҳолати тўғри келган. 2019 йил статистикасида эса бу кўрсаткичлар тегишлича 650 минг ва 105 тани ташкил этган. Бунда эрта она бўлганлар деганда 17 ёшгача фарзанд кўрганлар назарда тутилган [10]. Ушбу салбий ҳолатларнинг аксариятида қизларга нисбатан алдов, тазйиқ ва зўравонлик содир этилган.

Шу сабабли ҳар йили бутун дунё бўйлаб «Хотин-қизларга нисбатан зўравонликка қарши 16 кун» шиори остида тадбир ўтказилади. У аёлларга нисбатан зўравонлик инсон ҳуқуқларига зид ҳаракат эканини ифодаловчи фикр билан расмий боғланган икки сана ўртасида бўлиб ўтади: 25 ноябрь — Халқаро хотин-қизларга нисбатан зўравонликни бартараф этиш кунида бошланиб, 10 декабрь — Халқаро инсон ҳуқуқлари кунида якунига етади. Ўзбекистонда ушбу тадбир 2011 йилдан буён «Уйдаги осойишталикдан дунёдаги тинчлик сари» шиори остида муваффақиятли ўтказилмоқда [3].

Бироқ, афсуски, ўтказилган социологик тадқиқотлар оилалар билан ишлашга масъул бўлган аксарият маҳалла фаоллари бундан беҳабар эканлигини кўрсатмоқда. Оилавий ажрим ва эрта никоҳларга қарши курашишда, албатта, маҳалла институти алоҳида ўрин тутаяди. Хусусан, маҳаллаларда 18 мингдан зиёд ходим фаолият

---

---

кўрсатиб келаётган бўлса-да, уларнинг иши самарали ташкил этилмаган. Оилаларда ижтимоий-маънавий муҳитга салбий таъсир этувчи ҳолатларнинг олдини олиш тизими йўлга қўйилмаган. Оқибатда айрим маҳаллаларда нотинч оилалар, ҳуқуқбузарликлар кўпайган. Шунингдек, хотин-қизлар ва вояга етмаганлар орасида ўз жонига суиқасд қилиш ҳолатлари учраётгани ҳам жуда ачинарли ҳолдир [4].

Юқорида келтириб ўтилган статистик маълумотларга асосланиб хулоса қилсак, ҳозир мамлакатимизда эрта никоҳ ва туғуруқ ҳолатлари билан боғлиқ муаммолар мавжуд. Ушбу ҳолатларнинг олдини олиш ва уларга қарши курашишда, албатта, ички ишлар органлари, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг вилоят, туман бўлимлари ҳамда бошқа бир қатор нодавлат ва нотижорат ташкилотлар томонидан амалга оширилиши лозим бўлган кўплаб вазифалар мавжуд.

Жумладан, *биринчидан*, оилаларда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлиги ва осойишталикни таъминлаш, аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилишда маҳалланинг ролини ошириш; *иккинчидан*, оилаларда ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш бўйича таъсирчан тизимни шакллантириш мақсадида профилактика инспектори кўриб чиқадиган маъмурий ҳуқуқбузарликларга оид ишлар сонини кўпайтириш; *учинчидан*, оилаларда аҳиллик ва ўзаро меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлаш, ёш авлодда ватанпарварлик, меҳнатсеварлик туйғуларини кучайтиришда кексалар тажрибасидан фойдаланиш механизмини жорий этишда маҳалланинг ролини ошириш; *тўртинчидан*, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қошидаги Яраштириш комиссиялари тўғрисидаги низомнинг янги таҳририни ишлаб чиқиш, бунда уларнинг фаолиятини таъминлаш ва мониторинг қилиш мақсадида маҳаллий маблағлар ҳисобидан ҳақ тўлаган ҳолда психолог, репродуктив саломатлик бўйича мутахассис-услугиётчи ҳамда ҳуқуқшунослардан иборат комиссия тузиш; *бешинчидан*, ажрашиш ҳақидаги ишларни судда кўриб чиқиш жараёнида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қошидаги Яраштириш комиссиясининг оилани сақлаб қолиш имконсизлиги ҳақидаги хулосасини судга тақдим этиш амалиётини мажбурий тартибда жорий қилиш; *олтинчидан*, бепуштлик сабабли ажрашиш ҳақидаги аризаларни кўриб чиқиш жараёнида фуқаролик ҳолатини ёзиш далолатномалари органларига тиббий хулоса тақдим этиш ва тегишли муолажадан ўтиш амалиётини жорий қилиш; *еттинчидан*, ҳудудий профилактика инспекторлари томонидан ажрим ёқасида турган оилалар билан профилактик суҳбатлар ўтказиш жараёнига оила психологларини жалб этиш ана шу вазифалардан айримларидир.

Бинобарин, ҳар бир ажрим, эрта никоҳ ва эрта туғуруқ оқибатида бир ёш тақдир барбод бўлаётганлигини ҳис этган ҳолда мазкур муаммонинг ечимини топиш куннинг долзарб масаласи эканлигини унутмаслигимиз лозим. Чунки оилада тинчлик-хотиржамлик бўлиши, оила аъзолари орасида меҳр-оқибат мавжудлиги, ота-она ва фарзандларнинг ўзаро самимий муносабатлари кичик жамият ҳисобланган оиланинг ички тартиб-қоидаларидир.

Оилапарвар мутафаккирлардан бири Фитратнинг таъкидлашича, «ҳар бир оиланинг саодати ва иззати шу халқнинг ички интизоми ва тотувлигига боғлиқ. Агарда ҳар қайси мамлакат аҳолиси ахлоқсизлик, жоҳиллик билан оилавий муносабатларни заифлаштириб, интизомсизликка йўл қўйса, бу миллатнинг саодати ва ҳаёти шубҳа остида қолади» [1, 136-б.].

---

---

## ФҲЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. *Абдурауф Фитрат*. Оила ёки оила бошқариш тартиблари. — Т., 2000. — 136 б.
2. *Нурилло Насриев*. Аёлнинг дарди жамиятники ҳамдир...: Республика ишчи гуруҳи фаолиятига чизгилар. — URL: [http://old.uza.uz/oz/society/ayelning-dardi-zhamiyatniki-amdir--19-06-2020?sphrase\\_id=11314730](http://old.uza.uz/oz/society/ayelning-dardi-zhamiyatniki-amdir--19-06-2020?sphrase_id=11314730)
3. Дунё миқёсида ҳар уч аёлдан бири зўравонлик қурбони бўлмоқда. — URL: <https://kun.uz/54611111>
4. Маҳалла тизимини такомиллаштириш, маҳаллаларда тинчлик ва осойишталикни таъминлаш масалалари: Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигидаги видеоселектор мажлисидаги нутқ. 2020 йил 12 февраль.
5. Оила муаммоси — замон талаби. — URL: <http://ijtimoiy-fikr.uz/uz/yangiliklar/>
6. Президент Ш.Мирзиёев ажримлар сони ортаётганига бепарво раҳбарларни танқид қилди. — URL: <https://www.gazeta.uz/uz/2019/12/29/divorce/>
7. *Ташмухамедова Д.* Ўзбекистонда замонавий оила (ижтимоий тадқиқотлар натижалари бўйича): Илмий-услубий қўлланма / Д. Ташмухамедова, Д. Каримова, Б. Мавлонов. — Т., 2019.
8. Ўзбекистон Республикасида мустаҳкам оила ва репродуктив саломатликни шакллантириш омиллари: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ижтимоий тадқиқотлар институтининг ҳисоботи. — Т., 2019. — 138 б.
9. Ўзбекистонда замонавий намунали оила модели: Ўзбекистон вилоятларидаги 800 та оилада ўтказилган социологик сўровлар натижалари бўйича таҳлилий маълумот (Жамоат фикри сўрови натижалари бўйича ахборот-таҳлилий маъруза) // Оила ва жамият: маънавий ва ахлоқий дунё. — Т.: «Ижтимоий фикр» маркази, 2019.
10. Финляндия мўъжизаси: ёш аёллар қандай қилиб «тахтни эгаллашгани» ҳақида. — URL: <https://kun.uz/71877634>.

## АБУ ЮСУФНИНГ «КИТОБУЛ-ХИРОЖ» РИСОЛАСИДА ДАЛИЛЛАРНИ ТЎПЛАШ ЁКИ ИСБОТЛАШ МАСАЛАЛАРИ

**Аннотация.** Мақолада Ҳанафий мазхабининг асосчиларидан бири, таникли факих Абу Юсуфнинг жиноят-процессуал ва жиноят-ижроия ҳуқуқларига, аниқроғи, унинг фундаментал асари бўлмиш «Китобул-хирож» рисоласидаги далилларни тўплаш ва исботлаш масалаларига оид қарашлари тадқиқ этилган.

**Таянч сўзлар:** ханафийлик мазхаби, Абу Юсуф, «Китобул-хирож», қози, қозилик маҳкамаси, жиноят, жиноят процесси, далиллар, исботлаш, айбсизлик презумпцияси, қамок жойлари, маҳкум, қийноқ, ижтимоий адолат.

### ВОПРОСЫ СБОРА ДОКАЗАТЕЛЬСТВ ИЛИ ДОКАЗЫВАНИЯ В ТРАКТАТЕ АБУ ЮСУФА «КИТАБ АЛЬ-ХАРАДЖ»

**Аннотация.** В статье исследуются воззрения одного из основоположников ханафитской правовой школы, видного исламского законоведа Абу Юсуфа по основополагающим вопросам уголовно-процессуального и уголовного права, а именно – сбора доказательств и доказывания, изложенных в его фундаментальном труде «Китаб аль-Харадж».

**Ключевые слова:** ханафитская правовая школа, Абу Юсуф, «Китаб аль-Харадж», суд, судья, уголовный процесс, уголовное право, доказательства, доказывание, презумпция невиновности, тюрьма, пытки, социальная справедливость.

### ISSUES OF COLLECTING EVIDENCES OR PROOVES IN THE TRACT «KITAB AL-KHARAJ» BY ABU YUSUF

**Annotation.** The article examines the views of one of the founders of Hanafi legal school, a prominent Islamic lawyer Abu Yusuf, on the fundamental issues of criminal procedure and criminal law, namely, the collection of evidence and proof set forth in his fundamental work «Kitab al-Kharaj».

**Keywords:** Hanafi law school, Abu Yusuf, Kitab al-Kharaj, court, judge, criminal procedure, criminal law, evidence, proof, presumption of innocence, prison, torture, social justice.

Миллий давлатчилигимизнинг тарихий-ҳуқуқий асосларини ташкил этувчи асарларни келажак авлодга етказиш ҳозирги давр олимлари, илмий жамоатчилигининг ҳар доимгидан ҳам муҳим вазифаси ҳисобланади. XIII аср давомида ҳуқуқий соҳаларда қўлланиб келган ислом таълимотининг муҳим қисми ҳисобланмиш шариат ёки ислом ҳуқуқига оид ноёб манбалар XX асрда чуқур ўрганилмагани боис, тарихий жараёнларни баҳолашда тушунмовчиликлар, баъзан эса хато ва камчиликларга ҳам йўл қўйилаётгани сир эмас.

Шу боис Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёев қайд этганидек, «буюк тарихда ҳеч нарса изсиз кетмайди. У халқларнинг қонида, тарихий хотирасида сақланади ва амалий ишларида намоён бўлади. Шунинг учун ҳам у қудратлидир. Тарихий меросни асраб-авайлаш, ўрганиш ва авлодлардан-авлодларга қолдириш давлатимиз сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан биридир» [1].

---

\**Раджабова Мавжуда Абдуллаевна, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси жиноят процесси кафедрасининг профессори, юридик фанлар доктори.*



---

---

Ҳанафий мазҳабининг асосчиси Абу Ҳанифанинг шогирдларидан бўлган Абу Юсуфнинг (731–804) «Китобул-хирож» асари (бундан буён қисқача «Хирож» деб юритилади), фикримизча, ислом ҳуқуқига доир дастлабки манба сифатида миллий ҳуқуқ тизимимизни тарихий жиҳатдан таҳлил қилишда алоҳида аҳамиятга эга.

Маълумки, Абу Юсуф — ҳанафий мазҳабини илмий-назарий ва амалий жиҳатдан ишлаб чиқишга улкан ҳисса қўшган олимлардан бири. У дастлаб аббосий халифалар — Маҳдий, Ҳодий (775–785) даврида Бағдод қозиси бўлиб ишлаган. Кейинчалик халифа Ҳорун ар-Рашид (786–809) даврида эса «қози ул-қуззот» (қозилар қозиси ёки қозикалон) лавозимини эгаллаб, халифаликдаги барча қозиларни тайинлаш ҳамда улар устидан тушган шикоятларни ҳал қилиш ваколатига эга бўлган қозилик тузилмасининг энг юқори лавозимига раҳбар этиб тайинланган [2, 43-б.].

Абу Юсуф: *биринчидан*, ҳанафий мазҳабининг қонун-қоидаларини ишлаб чиқишда бевосита иштирок этган; *иккинчидан*, давлат сиёсатини ўша давр талаблари даражасида йўналтириш бўйича давлат раҳбарлари, яъни халифаларга йўл-йўриқ кўрсатишда ислом таълимотига таянган, айниқса давлат бошқаруви, ижро ҳокимиятини ташкил этишда адолат устуворлигига эътибор қаратган; *учинчидан*, ҳокимият тармоқларида қозилик маҳкамасининг ташкилий-ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланишида айнан ҳанафий мазҳаби қонун-қоидалари янада барқарор ўрин эгаллаши учун бор куч-ғайратини сарфлаган.

Ибн Халдун (1332–1406) фикрича, ҳанафий мазҳабининг кўпроқ ёйилишига Абу Юсуфнинг халифа Ҳорун ар-Рашид даврида қози ул-қузот лавозимида узоқ муддат фаолият юритгани сабаб бўлган. Умуман, Абу Ҳанифа (р.а.)нинг катта шогирдларидан 14 нафари қози ул-қузот ва оддий қози бўлганларидан бу мазҳаб кенг тарқалган. Бизгача етиб келган манбаларда Абу Юсуф томонидан ёзилган «Ёдгорликлар ёки Осор китоби» (Китобул-осор); «Абу Ҳанифа ва Абу Лайло орасидаги ихтилофлар» (Ихтилофу Абу Ҳанифа ва ибн Лайло); «Хирож» (Ал-Харож); «Авзойнинг ас-Сияр китобига раддиялар» (Ар-Радду ала сиярул Авзой) [2, 43-б.] асарлари қайд этилган.

«Хирож» асари билан танишиб, юридик масалаларга оид жиҳатларни таҳлил қилиш асносида мазкур ҳуқуққа оид манба халифа Ҳорун ар-Рашиднинг таклифига, аниқроғи, топшириғига биноан, Абу Юсуф томонидан ёзилганига ҳеч шубҳасиз ишонч ҳосил қиламиз (Абу Юсуфнинг «Хирож» асари Ўзбекистон Халқаро ислом академиясининг манбалар хазинаси бўлимидаги янги адабиётлар фондида 5130-рақами остида сақланади. Бу нусха Миср Араб Республикаси Ал-Азҳар университетининг профессори доктор Муҳаммад Иброҳим Ал-Банно томонидан тадқиқ этилиб, нашрга тайёрланган) [3].

Манба ички тузилиши жиҳатидан 37 та бобга ажратилган. Боблар, ўз навбатида, фасл ёки мавзуларга бўлинган. Масалан, биринчи бобда — «Урушдан тушган ўлжаларни тақсимлаш», иккинчи бобда — «файъ ўлжаси ва ер солиғи», кейинги бобларда — «савдони бошқариш ишлари», «савдо ерларидан солиқ йиғишда бажарилиши лозим бўлган ишлар (6-боб)», «давлат ерлари (қатоий)», «сулҳ тузиш (9-боб), «хирож солиғи олинадиган ҳудудларда ушр солиғи олинадиган ерларни белгилаш» (11-боб), «закот (15-боб), «хирож йиғувчилар» (18-боб), «ерига ишлов берилмаган хурмозорларни ижарага бериш» (20-боб), «сувдан фойдаланиш» (21–22-боблар), «яйловлар» (23-боб), «...насонийлар ва бошқа зимийларнинг мавқеи» (25-боб), «ушр» (29-боб), «черков, синагога ва хочлар» (30-боб) ҳамда бошқа масалалар тартибга солинган.

Китоб «Буни Абу Юсуф мўминлар амири Ҳорун ар-Рашид учун ёзди» деб бошланган. Асарда давлат бошқарувида ижро ҳокимиятининг нуфузи ва ўрнига оид ҳуқуқий масалалар чуқур таҳлил қилинган, ўша давр амалиётида йўл қўйилган хато

---

---

ва камчиликларни бартараф этиш мақсадида жамиятни шариат асосида хавфсиз ва барқарор ривожлантириш йўл-йўриқлари баён этилган.

«Хирож» китобида ҳуқуққа оид жуда кўп масалалар муҳокама қилинган. Муаллиф ҳар бир боб аввалида ҳукмдорга «Бу нарса ҳақида сўраган эдинг!» ёки «Фалон масалага илгари халифалар қандай ечим топган, деб сўрагансан» дея мурожаат этиб, унинг саволларига жавоб излаётганини кўрсатган.

Абу Юсуф ҳар қандай масала ёки муаммони ислом ҳуқуқининг (фикҳ) асосий манбалари — Куръони карим ёки Пайғамбар (с.а.в.)нинг суннатлари ёхуд дастлабки тўрт халифа ёинки улардан кейинги энг нуфузли халифалар томонидан қўлланилган шариат қоидалари асосида ҳал қилиб, мамлакатда ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш йўл-йўриқларини кўрсатган. У ўз хулоса ва таклифларини баён қилишда ўша даврдаги ҳуқуққа оид саволларга аниқ ва лўнда жавоб бера олган.

Эътиборли жиҳати шундаки, асарнинг «Ахлоқсиз, ўғрилиқ билан шуғулланган кимсалар ва жиноятларга бериладиган жазолар ҳақидаги фасл» деб номланган 33-бобида жиноят ва жазо, қозилиқ маҳкамаси, қозиларнинг ижтимоий ҳимояси ва улар фаолиятида назоратни амалга оширишга оид ҳуқуқий муаммолар ўша давр амалиётида учраган хато ва камчиликлар мисолида чуқур ўрганилган. Бунда ҳам ислом ҳуқуқининг асосий тўрт манбаини — Куръони карим оятлари, Пайғамбар (с.а.в.)нинг суннати, яъни ҳадислар, ижмоъ қилинган масалалар ҳамда қиёсни — қўллашга эътибор қаратилган.

Таҳлилларга қараганда, мазкур бобда жами 160 дан зиёд ҳадисга оид ривоятлар далил сифатида кўрсатилиб, муаллиф улардан ҳуқуққа оид фикр-мулоҳазалари, хулоса, таклиф ва тавсияларини асослашда фойдаланган. Мазкур боб яна қатор мавзуларга бўлингани ҳуқуқий масалаларни тизимли баён этишда ёрдам берган.

Мисол сифатида қасос ва арш, қасддан қилинганга ўхшаш қотиллик дияси; қасддан қилинмаган ва қасддан қилинганга ўхшаш қотиллик ўртасидаги фарқ; ҳуқуматул адл (мутахассис фикри); эркак ва аёлларнинг қасддан бир-бирига шикаст етказиши; шикаст етказиш турлари; ўлдирилган кишининг вояга етмаган ва вояга етган фарзандларининг ҳуқуқи; жавобгарлик турлари, зино учун белгиланган ҳад (жазо); маҳсун (уйланган) ва маҳсуна (турмушга чиққан) шахсга қўлланадиган ҳад; маст қилувчи ичимлик ичган кишига белгиланган ҳад; таъзир; балоғатга етмаганлар, муртад ва зиндиклар ҳукми кабиларни келтириш мумкин.

Мазкур бобнинг дастлабки фаслида муаллиф бирон кимса жиноят қилиб қамоққа олинса, қамоқда уларга озик-овқат бериладими, агар берилса, унинг тўлови йиғиладиган солиқлар ҳисобиданми ёки бошқа маблағданми, умуман, бу борада нима қилиш керак, деган саволларни ўртага ташлаб, уларга жавоб излаган. Абу Юсуфнинг фикрига кўра, дастлабки қамоқда сақланаётган гумон қилувчи ёки айбланувчиларнинг озик-овқати, унинг динидан қатъи назар, давлат хазинаси ҳисобидан таъминланиши шарт, чунки илгари халифалар ҳам шундай қилганлар.

Китобда жиноят содир этганларни қамоққа олиш ёки озодликдан маҳрум қилиш ислом қозилиқ тарихида биринчи бўлиб хулофои рошидин (динда тўғри йўлдан борган) халифаларнинг тўртинчиси ҳисобланган Али ибн Абу Толиб (р.а.) даврида жорий этилгани келтирилган. Бу ҳақда Али (р.а.): «Жиноятчининг ёмонини мусулмонлардан тўсиб, уларнинг нафақасини давлат хазинасидан тўлаймиз» [3, 312-ҳадис], — деган экан.

Шу ўринда дастлабки қамоқ ёки озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўташ учун мўлжалланган ҳибсхона ёки тарихий манбаларда зиндон деб аталган муассасалар давлатчилигимиз тарихида ҳам мавжуд бўлган, деган фикр юзага чиқади. Ҳар қандай

---

---

жиноят содир этган шахсни эмас, ҳазрати Али (р.а.) айтганидек, «жиноятчининг ёмонини», бугунги жиноят ҳуқуқи тилида айтганда, оғир ва ўта оғир жиноятларни содир этган ёки рецидивист жиноятчиларни жамиятдан ажратган ҳолда озодликдан маҳрум қилиш муассасаларига жойлаштириб, ахлоқан тузатиш шариятдаги қамокда сақлаш қонидаси билан ҳамоҳангдир.

Абу Юсуфнинг таъкидлашича, маҳкумларга кетадиган ойлик сарф-харажат билан боғлиқ ҳисоб-китоблар аниқ, миқдори эса ўн дирҳамга тенг бўлиши зарур. Мазкур маблағ ҳар ойда ҳар бир маҳкумнинг қўлига берилиши, уларга қишки ва ёзги кийим-кечак, маҳкума аёлларга эса, бундан ташқари, ёпинчиқ ҳам ажратилиши лозим.

Асарда давлат раҳбарининг эътиборини қамоқхоналарда учраётган камчиликларга барҳам бериш ва бошқа йўл қўймаслик чораларини кўришга эътибор қаратилган. Абу Юсуф амалда учраётган кўплаб қонун бузилиши ҳолатларини, жумладан, гумон қилинувчи ёки маҳкумларнинг қамоқхоналарда оч сақланиши, қийноққа солиниши, қамоқхона маъмурларининг маҳкумларга ажратилаётган маблағни ўзлаштириши, вафот этган маҳкумларнинг бир неча кунгача дафн этилмай ташлаб қўйилаётгани, бу эса ўша хонада сақланаётган тирик маҳкумларнинг ҳақли эътирозига сабаб бўлаётгани каби ҳолатларни мисол қилиб келтирган.

Қамоқхоналарда гумон қилинувчи ва айбланувчилар кўпайиб кетишига асосий сабаб жиноят ишларининг давлат маҳкамаси томонидан ўз вақтида кўрилмаслигидир. «Жиноятчи ҳибсга олинади, лекин унинг иши кўриб чиқилмайди» [3, 199-б.], деб куйинчаклик билан таъкидлаган муаллиф. У давлат раҳбарига бундай ҳолатларни бартараф этиш учун имом ёки қози имкон қадар ҳар куни жиноят ишларини муҳокама қилиши ҳамда натижасига кўра, айрим айбдорларга қамок билан боғлиқ бўлмаган енгилроқ жазо қўллаб, қамокдан озод қилиши, айбсиз деб топилган кишиларни дарҳол озод қилиши шарт, деган тавсияни билдирган.

Яна бир эътиборли жиҳати: ўша даврда шариятда ҳаднинг энг кўп миқдори 100 дарра бўлишига қарамай, қозилик амалиётида 200 ёки 300 дарра (ҳад) уриш кузатилаётгани қози ул-қузотни таажжублантиргани сабабли «бундай жазо белгилаш шариятга зид ва мумкин эмас», деган фикрни билдириш баробарида ҳукмдордан қозиларнинг қонунга қатъий риоя қилишга эришиш чорасини кўриши ҳақидаги тавсияси ҳам катта аҳамиятга эга бўлган.

Абу Юсуф жазо турини танлашда шариятда белгиланган тартиб-таомилларга сўзсиз итоат қилиш, яъни жазони адолат қонидаси асосида тайинлаш, бунда ҳар бир жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ва хусусиятидан келиб чиқиш тарафдори бўлган. У «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам намоз ўқийдиганларни ҳад уришдан қайтардилар», деган ҳадисни куйидагича шарҳлаган: «...Бу қайтариклар дарра урилмайдиган жазо турларига нисбатан айтилган. Лекин менга (Абу Юсуфга. — М.Р.) етиб келган маълумотларга кўра, сенинг (Ҳорун ар-Рашиднинг. — М.Р.) волийларинг (бунда имом ёки қози назарда тутилган. — М.Р.) бу ишни ҳеч қандай ҳукмсиз ва жиноятга қандай жазо белгиланганига қарамасдан қилаверадилар. Жиноят катта ёки кичиклигидан қатъи назар, жиноятчига нисбатан бундай қилиш мумкин эмас. Маҳбуслардан ким қасос, ҳад ёки таъзир каби жазо турлари белгиланган жиноят қилган бўлса, ўша жазо тури билан жазоланади» [3, 199-б.].

Бу сўзлар жиноятларни тавсифлашда алоҳида ёндашув қонидасига риоя қилиш зарурлигидан дарак беради.

Шариятда ҳад (Аллоҳнинг ҳақи ҳам дейилади) белгилашга жуда эҳтиёткорлик билан ёндашиш талаб этилади. Чунки бу жазони қўллашда «...белгиланган ва аниқ бўлган ҳадни бекор қилишни сўраш мумкин эмас» [3, 200-б.]. Аммо «шубҳали

---

---

ўринларда қўлингиздан келганча ҳадларни бекор қилинг. Зеро, саҳобалар ва тобеъинлар: «Кечиришда хатога йўл қўйиш жазо беришда хатога йўл қўйишдан яхшидир» [3, 200-б.], деган. Мазкур қоида, аслида, айбсизлик презумпциясининг илк кўринишидир.

Абу Юсуф ислом жиноят ҳуқуқида «...иш имомга етиб бормаган бўлса, аксарият фақиҳлар шафоатга, яъни кечиришга рухсат берганлар», деб таъкидлайди. Бунда у ҳазрати Али (р.а.)нинг «ҳа, у ҳали имомнинг олдига олиб борилмади. Имомнинг олдига олиб борилгандан кейин имом ўғрини кечирса, Аллоҳ имомни кечирмайди» [3, 317-ҳадис], деган ривоятни далил сифатида келтирган.

Абу Юсуф кўпгина фақиҳлар ҳад жазосини енгиллатиш ёки ундан воз кечиш борасида шафоат қилиш, яъни кечиришни қатъий қоралаганликлари ва бундай қилишдан эҳтиёт бўлганликларини қайд этган. У, хусусан, ўғрилик қилиб қўлга тушган қурайшлик аёлнинг қўлини кесилишдан сақлаб қолишга уриниш билан боғлиқ қуйидаги воқеани келтирган.

Ораларида қўли кесилган гуноҳкор бўлишини ор билган одамлар Расулуллоҳ (с.а.в.)дан у зотнинг уйларида ипакдан тўқилган матони ўғирлаган аёлнинг қўлини кесмай, гуноҳи эвазига товон тўлашга рухсат сўраб мурожаат қилганларида пайғамбаримиз (с.а.в.) ушбу жазо гуноҳкор аёлнинг ўзи учун яхшилигини ётиқлик билан тушунтириб, буни қатъиян рад этганлар. Аммо пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг юмшоқ муомаласи боис одамлар саҳоба Усомадан мана шу масалада у зотдан яна бир бор илтимос қилиб кўришни сўрашган. Бироқ Пайғамбаримиз (с.а.в.) Усомадан ғазабланиб: «Муҳаммаднинг қизи Фотима у аёл қилган ишни қилганида, Муҳаммад, албатта, унинг қўлини кесган бўларди», деб қатъий жавоб берганлар [3, 320-ҳадис].

Ҳад туридаги жазоларни белгилаш билан боғлиқ жиноят ишлари султон томонидан кўрилиши худди ҳозирги вақтда ўта оғир турдаги жиноят ишларининг туман (шаҳар) босқичидаги эмас, балки юқори босқичдаги (вилоят ва унга тенглаштирилган судлар ёки Олий) судлар томонидан ҳал этилиши кабидир.

«Хирож» асарида келтирилган яна бир қоида жиноят содир этганликда гумон қилинган шахснинг айбини исботлаш чораларини кўришдир. Унга қўра, жиноят содир этишда гумон қилинган шахсни калтаклаб, дўқ-пўписа билан кўрқитиб, ўғрилик ёки ҳад қўлланадиган жиноят ёхуд қотиллик қилгани бўйнига қўйилса, бу иқроор қабул қилинмайди, бинобарин, унинг қўлини кесиш, унга иқроор бўлган жиноятига яраша жазо бериш мумкин эмас. Зеро, Умар ибн Ҳаттоб (р.а.): «Агар сен бир кишини оч қолдирсанг, кўрқитсанг ва қамаб қўйсанг, у ўзи қилмаган ишни бўйнига олишдан ўзини ҳимоя қила олмайди» [3, 418-ҳадис], деган. Яна бир ривоятда Ибн Умар: «Унинг қўлини кесмаймиз, чунки у ўғрилик қилганига сенинг калтаклашингдан сўнг иқроор бўлган» [3, 418-ҳадис], деб ҳадни қўлламагани баён қилинган.

Абу Юсуфнинг халифа Ҳорун ар-Рашидга қарата айтган «Эй, мўминлар амири, сен волийларингга одамларни биргина гумон билан жазоламасликларини буюр» [3, 235-б.], деган сўзларидан ҳар қандай жиноят учун жазо тайинлашдан олдин жиноят содир этилганини далиллар билан тўлиқ исботлаш шарт, деган хулоса келиб чиқади. Масалага ойдинлик киритиш учун муаллиф қуйидагиларни таъкидлайди: «Айбловчи билан айбланаётган одам юзлаштирилади ва айбловчининг айбловини исботловчи далили бўлса, ўша асосда ҳукм чиқарилади. Акс ҳолда айбланувчидан кафил талаб қилиниб, қўйиб юборилади. Агар шундан сўнг айбловчи айбланувчига қарши бирор далил топса, жараён давом этади, ундай бўлмаса, айбланувчи ўз ҳолига қўйилади.



---

---

Шунингдек, гумон билан қамалган маҳбуслар ва уларни айблаётганлар билан ҳам шундай йўл тутилади» [3, 235-б.] .

Мазкур масалада у далил сифатида пайғамбаримиз (с.а.в.) ҳузурларида ўғрилик қилган кишини олиб келганларида у зот (с.а.в.) «уни ўғри деб ўйлашнинг сабаби нима?» [3, 419-ҳадис] деб сўраб-суриштирганларига оид ҳадис келтирилган. Бундан ташқари, Абу Юсуф яна бир ривоятни, яъни «Али (р.а.) ўғирлик ҳақида ёлғон гувоҳлик берган икки кишини «мана бундай ва мана бундай жазолайман» [3, 421-ҳадис] деганлари, лекин ёлғон гувоҳлик берган гувоҳлар қочиб кетиб топилмагани учун гумон қилинувчини қўйиб юборганларига оид ривоят ҳам баён қилинган.

Мусулмон киши зиммийнинг нарсасини ёки зиммий мусулмонга тегишли мол-мулкни ўғирласа, шариатда кўрсатилгани каби, бир хил жазо қўлланилади, деб ҳисобланган.

Ислом ҳуқуқи (фикҳ) фан сифатида тармоқларга ажратилмасдан, универсал хусусиятга эга бўлса-да, уни ички тузилишидан «қозилик ва исбот этиш услубларига боғлиқ ҳукмларнинг (қонун-қоидаларнинг. — М.Р.) муурофаот — судга бериш қонуни деб» [4] аталиши далилларни тўплаш ва исботлашга алоҳида эътибор қаратилганидан далолат беради.

Хулоса ўрнида қайд этиш жоизки, Абу Юсуфнинг жиноят, жиноят-процессуал ва жиноят-ижроия ҳуқуқига оид кўплаб масалалар кўриб чиқилган мазкур асари ҳуқуқшунос олимлар томонидан алоҳида тадқиқот объекти ҳамда бирламчи ҳуқуқий манба сифатида янада чуқур ўрганилиши мақсадга мувофиқ. Зеро, «Хирож» ислом ҳуқуқи (шариат)да ундан кейин ёзилган ҳар бир манбанинг, шунингдек улар асосида қабул қилинган ўша даврдаги қонунларнинг яратилишида асосий таянч вазифасини ўтагани шубҳасиз.

## Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ислом ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазирлари кенгаши 43-сессиясининг очилиш маросимидаги нутқи // Халқ сўзи. — 2016. — 19 окт.
2. *Аминов Ҳ.* Ҳанафий фикҳи тарихи, манбалари ва истилоҳлари / Ҳ. Аминов, С. Примов. — Т.: Мовароуннаҳр, 2017. — 400 б.
3. *Абу Юсуф.* Китаб ал-Харож / Нашрга тайёрловчи Муҳаммад Иброҳим Ал-Банно. — Қоҳира: Дор-ус-салом, 2017. — 380 б.
4. Катта фикҳ энциклопедияси. Биринчи жуз / Лойиҳа раҳбари Мубашшир Аҳмад. — Т.: Азон китоблари, 2020. — 44 б.



## ИСЛОМ ҲУҚУҚИДА ОЛДИ-СОТДИ ҚОИДАЛАРИ. РИБО (СУДХЎРЛИК) ҲАМДА ҚАРЗ МАЖБУРИЯТИ

**Аннотация.** Мақолада ислом ҳуқуқида «савдо-сотик», «судхўрлик» ва «қарз мажбурияти» тушунчалари кўриб чиқилган. Ислום ҳуқуқи таълимотига асосан, савдо муносабатларининг барча иштирокчилари адолатли алмашув қондасига риоя қилишлари шарт. Рибо (судхўрлик), яъни фойда эвазига пул қарз бериш, мутлақо ман этилган. Ислוםда қарз беришга рухсат этилган. Қарз мажбуриятга айлангач, ислом адабиётларида «дайн» деган сўз билан ифодаланади.

**Таянч сўзлар:** ислом ҳуқуқ, урф-одат, рибо, қарз, дайн, савдо-сотик, мужтахид, факих, сунна, акд, шариат.

### ПРАВИЛА СДЕЛОК В ИСЛАМСКОМ ПРАВЕ. РИБА (РОСТОВЩИЧЕСТВО) И ОБЯЗАТЕЛЬНОСТЬ ДОЛГА

**Аннотация.** В статье рассмотрены понятия торговли, ростовщичества и долговых обязательств в исламском праве, в соответствии с которым все участники торговых отношений должны придерживаться принципа честного обмена. Ростовщичество (риба), т.е. ссуда денег с целью получения прибыли, абсолютно запрещено. В исламе разрешено давать деньги в долг. Долг, после того, как он становится обязательством, называется в исламской литературе словом «дайн».

**Ключевые слова:** исламское право, урф-адат, рибо, долг, дайн, сделка, мужтахид, факих, сунна, акд, шариат.

### RULES OF TRANSACTIONS IN ISLAMIC LAW. RIBA (USURY) AND DEBT OBLIGATIONS

**Annotation.** The article examines trade, usury and debt obligations, which are the traditional norms of Islamic law in our country. according to the teaching of Islamic law, all participants in market relations must adhere to the principle of fair exchange in their actions. Usury, that is, lending money for profit in order to obtain wealth from the proverty of others, is absolutely prohibited. In Islam it is allowed to give debt. In fact, debt is an Arabic word, but after it becomes an obligation, it is expressed in Islamic literature by the word «dain». Dain is money lent to a person or property donated to the Aryans.

**Keywords:** customs, riba, debt, dain, deal, mujtaxid, fakix, sunna, aqd, sharia.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев БМТ минбарида туриб сўзлаган нутқида бутун жаҳон жамоатчилигига ислом динининг асл инсонпарварлик моҳиятини етказишни Ўзбекистоннинг энг муҳим вазифаси деб ҳисоблашини айтган эди. Шу билан бирга, ўз чиқишларидан бирида: «Ислום динини тўғри ташвиқот қила олсак, халққа етказа олсак, бошқа давлатларда Ислום динини ўзига ниқоб қилиб, бошқа йўлларга юраётган болалар, шу терроризм, диний ақидапарастлик каби нарсалар бизга ёт бўлиши керак» [5], деган эди.

Мамлакатимизда урф-одат сифатида сакланиб қолган ислом ҳуқуқи нормаларини тадқиқ этиш, ўрганиш муҳим деб ўйлаймиз. Зеро, аҳолисининг аксарияти ислом динига эътиқод қилаётган халқимиз бу нормаларни билиши лозим.

---

\**Рахманов Абдумухтор Режжаббаевич, Тошкент давлат юридик университети халқаро ҳуқуқ ва инсон ҳуқуқлари кафедраси доценти, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори.*

---

---

Ислом таълимотига мувофиқ, бозор муносабатларининг барча иштирокчилари ўз хатти-ҳаракатларида адолатли айирбошлаш принципига риоя қилишлари шарт. Ушбу принцип битим тузишнинг ихтиёрийлиги, шартнома талабларини бажаришнинг мажбурийлиги, шартлашувчи тарафларнинг ҳамкорлик қилишга тайёрлиги, бозордан сотувчиларнинг ҳам, харидорларнинг ҳам эркин фойдаланиши, савдода ҳалол бўлиш, молнинг сифати, миқдори ва нархи ҳақида тўлиқ ахборотга эга бўлишни билдиради.

Адолатли айирбошлаш принципи бозор муносабатларида фирибгарлик, алдов, монополия, демпинг, олибсотарлик, нархни ҳаддан ташқари кўтариб юбориш кабиларнинг тақиқланишини билдиради. Бундай шартларга риоя қилиш учун тенг ҳуқуқли, барча маълумотлардан хабардор, эркин ва масъулиятли шахслар иштирок этиши лозим.

Савдо ишлари билан шуғулланувчи шахслардан ислом ҳуқуқи қуйидагиларни талаб қилади:

савдо қоидаларини билиш;  
харидорлар ичида мусулмонларни ажратмаслик;  
молнинг нархи масаласида қаттиққўллик қилмаслик;  
агар савдо битими тузган шахс фикридан қайтиб, битимни бекор қилишни илтимос қилса рози бўлиш [8; 246-б.].

Ислом ҳуқуқида савдо билан шуғулланишга қарор қилган шахсга қуйидаги шартлар қўйилади:

вояга етган, ақли расо бўлиш;  
бойлигини аҳмоқона ишларга сарф этмаслик ва савдо иши билан шуғулланишни жиддий мақсад қилиб олиш [3; 84-б.].

Савдо ишида ҳазиллашиш (масалан, ўз мулкани сотганлиги ҳақида ҳазиллашиб айтиш) мумкин эмас. Ислом ҳуқуқи инсонни савдо билан шуғулланишга зўрлик билан мажбурлашни ҳам қоралайди. Исломда ҳатто ота-онаси розилигини билдирган тақдирда ҳам вояга етмаган болалар билан савдо ишлари юритиш тақиқланади. Айни пайтда, вояга етмаган шахс харидор ва сотувчи ўртасида воситачи бўлиб қолса (пулни сотувчига берса, ундан молни олиб, харидорга топширса), ислом ҳуқуқида бунга қаршилиқ кўрсатилмайди. Бироқ вояга етмаган шахс бу ишни бажара олишига ишончи комил бўлиши керак, чунки пул ёки мол йўқолган тақдирда вояга етмаган шахс ва унинг ота-онаси бунинг учун жавобгар бўлмайди.

Бозор муносабатлари катта аҳамият касб этаётган ҳозирги кунда ёш йигит-қизлар савдо ишларида борган сари фаолроқ иштирок этмоқдалар. Савдогарлик касби кўпинча мерос бўлиб ўтади ва айрим оилаларнинг деярли барча аъзолари савдо билан шуғулланадилар. Замон талабига кўра у билан ҳисоблашиш керак.

Ислом ҳуқуқининг савдо муносабатларини тартибга солувчи қоидалари мол айирбошлашга йўл қўяди. Бунда ҳар иккала тараф қуйидаги бешта асосий қоидага риоя қилиши лозим:

- 1) молнинг ҳажми, миқдори, оғирлиги ёки ўлчови маълум бўлиши керак;
- 2) айирбошлашда молни бевосита сотувчининг қўлига бериш зарур (масалан, агар айирбошланаётган от қочиб кетса, битим ҳақиқий эмас деб ҳисобланади);
- 3) бошқа нарса эвазига таклиф қилинган мол ўша нарсадан фарқ қилиши керак (бир хил молни айирбошлаш бемаънилик ҳисобланади);

---

---

4) гаров сифатида қолдирилган ва бошқа молга айирбошлаш учун мўлжалланмаган молни эгасининг рухсатисиз сотиш тақиқланади;

5) турли хизматлар учун ҳисоб-китоб бўйича қарзларни қошлаш мақсадида молни беришга рухсат этилади (масалан, ижарада яшаётган шахс ижара ҳақи сифатида уй эгасига гилам бериши мумкин) [6; 84-б.].

Таъкидлаш жоизки, ислом ҳуқуқи ижара учун топширилган мулкни сотишга тўсқинлик қилмайди, аммо ижарачи ушбу мулкни ижара муддати тугамагунча сақлаб туриш ҳуқуқига эга. Янги мулкдор, ижара муддати уни қониқтирмаса, савдо битимини бекор қилиши мумкин.

Олди-сотди жараёни муайян сўзларни айтиш билан яқунланади. Яъни сотувчи: «Молни фалон сўмга сотдим», — дейди. Харидор эса: «Молни фалон сўмга олдим», — деб жавоб беради [9; 246-б.].

Олди-сотди пул ёки мол эвазига ёхуд насияга амалга оширилиши мумкин. Мол насияга олинадиган бўлса, қарзни қайтариш муддати кўрсатилиши зарур. Агар қарздор қарз тўланадиган пайт келгунича вафот этган бўлса, марҳумнинг меросхўрлари қарздор бўладилар. Агар қарздор белгиланган муддатда қарзини қайтаришга қодир бўлмаса, ушбу муддатни узайтириш, қарздорга қарзини узиш учун имкон бериш таклиф қилинади.

Ислом ҳуқуқи бўйича молни ёки хизматни нарх белгиламай туриб насияга сотиш тақиқланган. Молни насияга юқори баҳоларда сотишга ҳам рухсат этилмайди. Аммо сотувчининг ўзи молни юқори баҳода сотаётганлигини айтса ва бунда муайян нарх белгиласа, сотувчи эса бундай шарт асосида молни сотиб олишга розилигини билдирса, битим қонуний ҳисобланади. Яна бир муҳим жиҳат шундаки, бировнинг молини эгасининг рухсатисиз сотиш ҳақиқий ҳисобланмайди.

Энди рибо, яъни судхўрлик масаласига келсак. Рибо, яъни фойда эвазига пул қарз бериш ўзгаларнинг ночорлиги ва кулфатидан бойлик орттириш мақсадида амалга ошириладиган қабих иш ҳисобланади ва Қуръони каримда мутлақо тақиқланган. Фоиз олишнинг тақиқланиши Қуръоннинг кўпгина оятларида келган. Фоиз олиш бой одамларни янада бойроқ, камбағалларни эса, қарз олиш-бериш билан боғлиқ хийла-найранглар билан кўрқитиб, янада камбағалроқ ва мутероқ қилади.

Қуръони каримдаги «...Сизлардан бойларингиз орасида айланадиган нарса бўлиб қолмаслиги учун, Пайғамбар сизга нимани берса, ўшани олинглар ва нимадан қайтарса, ўшандан қайтинглар. Аллоҳдан кўрқинглар. Албатта, Аллоҳ азоби шиддатли зотдир» (Ҳашр сураси, 7-оят) деган қоидадан келиб чиқилса, рибони ман қилишнинг асосий мақсади бойликнинг бир гуруҳ шахслар ёки алоҳида шахс кўлида жамланишига олиб келадиган йўллارни тўсиш эканлиги маълум бўлади. Инсонлар учун рибони ман этиш — оддий диний тоат-ибодат масаласи. Қуръондаги 15 та оятда рибо ман қилинади. Шунинг учун у ман этилган иш сифатида қабул қилиниши лозим ва ақл-идроққа асосланган далилларни келтиришга ҳеч қандай зарурат йўқ.

Ҳадислардан бирида бу борада шундай дейилади: «Судхўрликка йўл қўйган шахсга ҳам, унинг учун фойда тўлаган ҳам, гувоҳлик қилган ҳам, буни ёзиб борган ҳам лаънатга учрасин» [2; 302-б.].

Рибо савдо ишларида олинган ҳар қандай ноҳақ фойдани билдиради, кўп маъноларга эга бўлиб, фойда олиш мақсадида банкка пул қўйиш билангина чекланмайди. Исломда пулга товар сифатида эмас, балки восита сифатида

---

---

муносабатда бўлиш керак, акс ҳолда катта пул маблағларининг эгалари саноатчилар ва савдогарларга қараганда ноҳақ устунликка эга бўлиб қоладилар. Хўш, ноҳақ имтиёзнинг моҳияти нимада? Ушбу моҳият шундаки, катта пул маблағларининг эгалари молнинг (масалан, қандайдир қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ёки бошқа тез бузилувчи товар) нархи тушгунича кутиб туришлари ва савдогарларни ўз молини таннархидан ҳам паст баҳода сотишга мажбур қилишлари мумкин. Ислом ҳуқуқида турли молларни сотиб олиш ва нархи кўтарилмагунча сақлаб туриш тақиқланган.

Рибога доир айрим бошқа жиҳатлар ҳақида қуйидагиларни айтиш мумкин. Фоизли устама олишнинг тақиқланиши ҳақидаги масала кўплаб ҳозирги замон халқаро ислом анжуманларининг бош муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда, чунки ҳозирги кунда мусулмон бўлмаган давлатлар билан кредит операцияларини амалга оширмайдиган бирорта ҳам ислом мамлакати йўқ [4; 214-б.].

Исломдаги ушбу тақиқ кредит муносабатлари ва умуман иқтисодий муносабатлар ривожланишига ва ислом мамлакатларида миллий банклар ташкил қилинишига тўсқинлик қилгани аниқ. Рибо ҳақидаги масала сиёсий мустақилликни қўлга киритган ислом давлатлари иқтисодиёти ривожланишида асосий масалалардан бири эди.

Ислом ҳуқуқи қоидалари асосида амалга ошириладиган банк ишлари, қарз бериш ва олиш хусусида бир қанча назариялар ишлаб чиқилган. Уларнинг деярли барчасида берилган капитал учун рибо олиш инсоннинг инсонни эксплуатация қилишининг кўриниши сифатида қораланган. Бироқ уларда капиталнинг ўзини эксплуатация қилиш (ундан фойдаланиш) имкониятлари ҳар томонлама кўриб чиқилган.

Тарихга назар ташлаб, манбалар асосида Мисрнинг машҳур ислом ислоҳотчиси шайх Муҳаммад Абду ХХ асрнинг бошларидаёқ хорижий банклар тўғрисидаги фатвосида капиталдан фоиз олиш мумкинлигини ҳуқуқий жиҳатдан асослаб берган. Муҳаммад Абдунинг фатвоси шубҳасиз, Мисрда ва бошқа ислом мамлакатларида миллий банкларни ташкил қилишга ёрдам берган [9; 112-б.].

Шундай қилиб, барча ислом мамлакатларидаги илоҳиётшунослар ва фақиҳлар фоиз олиш хусусида ҳамон баҳс-мунозара юритмоқдалар. Айни вақтда ислом мамлакатларининг ишбилармон доиралари (ўзаро ва хорижий банклар билан) кредит операцияларини амалга оширмоқдалар.

Форс кўрфази мамлакатларининг ва бошқа ислом давлатларининг нефть «қироллари» ўз капиталларини Европа ва Американинг энг йирик банкларида сақлаб, устама олмақдалар. Улар капиталнинг ўзидан фойдаланиш мумкин ва ислом ҳуқуқи мусулмонларга пул маблағларини банкларга қўйиб, даромад олишларини тақиқламайди, бундай операция судхўрлик эмас, деб ҳисоблашади.

Инсонлар ўртасида энг кўп тарқалган одатлардан бири қарз олди-бердидир. Барча ҳуқуқ тизимларида мавжуд бўлганидек ислом ҳуқуқида ҳам қарз мажбурияти муайян қоидалар билан тартибга солинган. Исломда қарз бериш мустаҳаб, яъни руҳсат этилган амал саналади. Ислом ҳуқуқининг иккинчи манбаи Суннада қарз беришнинг фазилати ҳақида кўплаб ҳадислар келтирилган. Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) улардан бирида — *«Қайси бир мусулмон бир мусулмонга икки марта қарз берса, у гўё бир марта садақа қилибди»*, бошқасида эса *«Кимки қийналиб*

---

---

қолган бир инсонга енгиллик қилиб берса, Оллоҳ таоло унга дунё ва охирада енгиллик қилиб беради» [3; 84-б.], деган.

Қарз, аслида, араб тилидаги сўз, лекин у мажбуриятга айланганидан сўнг ислом ҳуқуқида «**дайн**» деган сўз билан ифодаланади.

Дайн — бирор шахсга қарзга берилган пул ёки орийатга, яъни вақтинча ишлатиб туриш учун берилган мулк бўлиб, уни ўз вақтида, берилган миқдори ва қиймати билан, устига ҳеч қандай мукофотсиз қайтариш талаб қилинади.

Ислом мужтаҳидлари томонидан дайнга тааллуқли қуйидаги қоидалар ишлаб чиқилган:

*биринчидан*, мажбурият эгалари ушбу битимга ўз ихтиёрлари билан рози бўлишлари, мазкур битим гувоҳлар иштирокида ёзма ёки оғзаки шаклда тузилиши лозим;

*иккинчидан*, қарзни қайтариш муддати аниқ белгиланиши керак;

*учинчидан*, мажбурият фақат қарзга берилган пул ёки мулк қарз олувчининг кўлига ўтганидан кейин пайдо бўлади;

*тўртинчидан*, қарздорга берилган муддат охирига етиши шарт.

Ислом ҳуқуқшунослари қарздор муддатидан олдинроқ қарзини тўлайдиган бўлса, қарз эгаси олижаноблик нуқтаи назаридан қарзнинг маълум қисмидан ўз хоҳишига кўра кечиши мумкинлигини ҳам келтиришган. Исломда зарурат бўлмаса қарз сўраш танқид қилинадиган амаллардан саналади. Барча мазҳабларда ҳам қарз эгасининг берган қарзи эвазига бирон орттирма мукофот ёки ашё талаб қилиши қатъиян ман қилинган. Қарз олинган вақтидагига тенг миқдорда қайтарилади [1; 411-б.].

Аммо ислом ҳуқуқида қарздорнинг қарзни қайтариш чоғида ўз ташаббуси билан бирон мукофот ё ашё беришига рухсат этилган. Бу фикрнинг далили сифатида пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.)нинг «*Яхшиларингиз қарзини чиройли тарзда адо этадиганингиз*» деган ҳадислари ҳамда Имом Бухорий ва Муслимнинг Муҳаммад (с.а.в.) Жобир исмли саҳобага ўз зиммаларидаги қарзларини зиёда ҳолда қайтарганлари ҳақидаги ривоятлари келтирилади. Лекин қарз олди-берди шартномаси вақтида бу ҳақда шарт қилинган бўлса, шартнома нотўғри (ботил) ҳисобланади. Бундай мазмунда шартнома тузишга исломда йўл қўйилмайди. Мужтаҳидлардан бири Муҳаммад Шовконий «қарз берган бўлса, унинг (қарздорнинг) берган ҳадясини ҳам олмасин» (яъни ҳали қарзини тўлиқ узмаган вақт мобайнида) деганлар» [7; 302-б.].

Қарз берган шахс қарздорга мурувват тариқасида ёки қарз муддати чўзилиб кетмаслигини назарда тутиб, берган нақд пуллари эвазига худди шу қийматга эга буюмларни ҳам олиши мумкин. Исломдаги «ла зарара ва ла зирора фил ислом», яъни бировга зарар етказмаслик ва ўзи ҳам зарар кўрмаслик қоидадан келиб чиқиб, қайтариб берилган қарз берилган вақтидаги қийматидан кам бўлмаслиги шарт. Чунки қарздорнинг совуққонлиги натижасида муддат чўзилиб, пул инфляцияси туфайли берилган маблағнинг қадри аввалгисидан сезиларли даражада камайиб, бунинг оқибатида қарз берган шахс зарар кўриши мумкин.

Келишилган муддат ўтиб кетганидан сўнг қарздор шахс ўзига тегишли барча (жумладан, шерикликдаги) мол-мулки билан қарз берган шахс олдида жавобгар саналади. Қарз ўз вақтида қайтарилмай юрган ҳолларда қози қарздорнинг мулки устидан назорат ўрнатади.



---

---

Ҳанафий мазҳабига кўра, агар қарз предмети шариатда тақиқланган ашё бўлса, мажбуриятнинг ижросини таъминлаш учун шариат судлари ҳеч қандай қарор қабул қилмайди [7; 218-б.]. Агар қарз шартномаси юзасидан томонлар ўртасида низо чиқса, яъни қарз берган шахс қарздор шартнома шартларини бажармаганлигини, қарздор эса қарзни ўз вақтида тўлаганлигини даъво қилса, суд ҳар иккисига кўрсатма берганларидан кейин сўзларининг тасдиғи сифатида қасам ичиради.

Қарздор қарзини тўлашдан очикдан-очик бош тортган ҳолларда маъмурий органлар уни куч билан тўлашга мажбур этади.

Қарз шартномаси **ақд** (ўзгармас мажбурият)га мансуб бўлганлиги учун ҳам фақат икки томоннинг хоҳиши билан тугатилади. Қарз шартномаси, аслида, қарзнинг узилиши билан бекор қилинади [3; 166-б.].

Дайн шартномаси юқоридаги қоидаларга амал қилинмасдан тузилган, яъни ҳар икки томоннинг розилиги олинмаган, тўлов муддати аниқ белгиланмаган, қарзга фоиз бериш талаб қилинган, қарз келишувидан сўнг қарз бериладиган пул қарздорнинг қўлига ўтмаган, қарз предмети шариат тақиқлаган нарсалар бўлган тақдирда шартнома бекор қилинади.

Хулоса сифатида шуни таъкидлаш лозимки, ҳозирги вақтда кишилар ўртасида савдо-сотик, айниқса қарз масаласида талайгина муаммолар бор. Ушбу муаммоларнинг ечимини топишда урф-одатимизга айланган ислом меъёрларини билиш ва уларга амал қилиш мақсадга мувофиқдир.

#### ФҲЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. *Аляутдинов Ш.* Мусулманское право. — СПб., 2009. — 496 с.
2. *Бурҳонуддин Маргиноний.* Ҳидоя / Масъул муҳаррир А. Саидов. — Т.: Адолат, 2000.
3. *Исхаков С.* Ислон фуқаролик ҳуқуқи асослари. — Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2005.
4. *Керимов Г.* Шариат: Закон жизни мусулман. Ответы Шариата на проблемы современности. — СПб.: Изд-во «Диля», 2009. — 408 с.
5. *Шавкат Мирзиёев:* «Ислон динини халққа етказиш керак». — URL: <https://azon.uz/content/views/shavkat-mirziyoev-islom-dinini-halqqa-et>
6. *Сюкияйнен Л.* Основы теории исламского права. — СПб., 2019. — 163 с.
7. *Ҳасиб Сарват.* Диросат фи қонун аттижора аддавлиа. — Қоҳира: Матбуъот жомийъат ал-Қоҳира, 2005. — 433 б. (араб тилида)
8. *Islamic Commercial Law Saleem M Wiley, 2013. — 224 p.*
9. *Islamic Natural Law Theories Emon Anver Oxford University Press, 2010. — 286 p.*

## **ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК СОҲАСИДА ҚОНУНЧИЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**Аннотация.** Мақолада интеллектуал мулк соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштириш масалалари кўриб чиқилган. Хусусан, муаллиф интеллектуал мулк соҳасида давлат стратегиясини ишлаб чиқиш, унда интеллектуал мулк объектларини рўйхатдан ўтказиш муддатларини сезиларли даражада қисқартириш, муаллифлик ҳуқуқини таъминлаш, қонун ҳужжатларига контрафакт маҳсулотлар ишлаб чиқарилишининг олдини олишга қаратилган тузатишлар киритиш юзасидан таклифлар берган.

**Таянч сўзлар:** интеллектуал мулк, қонунчилик, такомиллаштириш, стратегия, контрафакт маҳсулот, товар белгилари, халқаро шартномалар, муаллифлик ҳуқуқи, инновациялар.

## **СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА В СФЕРЕ ИНТЕЛЛЕКТУАЛЬНОЙ СОБСТВЕННОСТИ**

**Аннотация.** В статье рассматриваются вопросы совершенствования законодательства в сфере интеллектуальной собственности. В частности, автор предлагает разработать государственную стратегию в области интеллектуальной собственности, значительно сократить срок регистрации интеллектуальной собственности, обеспечить авторское право, внести поправки в законодательство для предотвращения производства контрафактной продукции.

**Ключевые слова:** интеллектуальная собственность, законодательство, совершенствование, стратегия, контрафактная продукция, товарные знаки, международные соглашения, авторское право, инновации.

## **IMPROVING THE LEGISLATION IN THE FIELD OF INTELLECTUAL PROPERTY**

**Annotation.** The article reflects the importance of intellectual property in the development of the state and society as well as the issues of improving legislation in this area. In particular, the author has developed a state strategy in the field of intellectual property, which significantly reduces the time for registration of intellectual property, to ensure the rights of authors, proposals to amend and supplement the legislation aimed at preventing the development of counterfeit products.

**Keywords:** intellectual property, legislation, improvement, strategy counterfeit products, trademarks, international agreements, copyright, innovation.

Брендлар яратилиши, муаллифлик ҳуқуқларининг таъминланиши, ихтироларнинг тижоратлашуви илм-фан ривожига, мамлакат иқтисодий тараққиётига, қолаверса, аҳолининг турмуш даражаси ошишига хизмат қилади. Бугун ривожланган давлатларда интеллектуал мулк соҳасига катта эътибор берилмоқда. Америка Қўшма Штатларида ялпи ички маҳсулотнинг 38 %ини (6,5 трлн долларини), Европа Иттифоқида эса 42 %ини (5,4 трлн долларини) бевосита интеллектуал мулк ташкил этиши бежиз эмас.

---

*\*Абдусаттаров Тўлқин Сайфуллаевич, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг мустақил изланувчиси.*

---

---

Бренд маҳсулотларнинг яратилиши ва жаҳон бозорида ўз ўрнига эга бўлиши мамлакат ишлаб чиқариш салоҳияти ва иқтисодий нуфузининг ошишига таъсир кўрсатади. Қолаверса, интеллектуал фаолият натижаларидан фойдаланиш маҳсулотга қўшимча қиймат қўшиш, уни ишлаб чиқариш ва сотишда катта даромад олиш имконини беради.

Сўнгги икки йилда интеллектуал мулк соҳасини ривожлантиришга доир кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Жумладан, интеллектуал мулк объектларининг ҳуқуқий муҳофазасини янада кучайтириш мақсадида интеллектуал мулк соҳасида содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун белгиланган маъмурий жарималар миқдори 3-4 баравар оширилди, Кодексга муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларнинг ҳамда ихтиро, фойдали модель ва саноат намунасига бўлган ҳуқуқларнинг бузилиши юзасидан янги қоидалар киритилди.

Шунингдек, давлатимиз ушбу соҳага доир қуйидаги учта халқаро ҳужжатга қўшилди:

Фонограмма тайёрловчиларнинг манфаатларини уларнинг фонограммалари ноқонуний такрорланишидан муҳофаза қилиш тўғрисидаги конвенция (1971 йил 29 октябрь куни Женевада қабул қилинган, Ўзбекистон Республикаси унга 2018 йил 26 декабрда қўшилган);

Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг ижролар ва фонограммалар бўйича шартномаси (1996 йил 20 декабрь куни Женевада қабул қилинган, Ўзбекистон Республикаси унга 2019 йил 16 февралда қўшилган);

Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг муаллифлик ҳуқуқи бўйича шартномаси (1996 йил 20 декабрь куни Женевада қабул қилинган, Ўзбекистон Республикаси унга 2019 йил 16 февралда қўшилган).

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикасининг Интеллектуал мулк агентлиги 2019 йилда Адлия вазирлиги тизимига ўтказилди. Натижада, интеллектуал мулк ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жараёнига илк бор 200 дан зиёд ҳудудий адлия органлари жалб қилинди, шунингдек очиклик ва шаффофлик принципини таъминлаш мақсадида интеллектуал мулкни давлат рўйхатидан ўтказишда талабномаларни қабул қилиш жараёни тўлиғича электрон шаклга ўтказилди. Брендрейдинг ҳолатларини аниқлаш мақсадида 20 мингдан ортиқ товар белгилари инвентаризация қилинди. Интеллектуал мулк агентлигининг Апелляция кенгаши фаолиятида холисликни таъминлаш мақсадида ушбу кенгаш Адлия вазирлигига ўтказилди. Унга аъзо сифатида бошқа давлат идоралари, нодавлат ташкилотларининг вакиллари танлаб олинди. Ўтган бир йил давомида Апелляция кенгаши томонидан кўриб чиқилган 60 дан зиёд ишларнинг ярмидан кўпида агентлик қарорлари бекор қилинди.

Сўнгги уч йилда амалга оширилган ушбу ислохотлар натижасида Ўзбекистоннинг АҚШга бож тўловларисиз товарлар олиб кириш борасидаги имтиёзи сақлаб қолинди.

Интеллектуал мулкни тан олмаслик, нафақат оддий фуқаролар, балки шу соҳага масъул мансабдор шахсларнинг ҳам интеллектуал мулк бўйича етарли билимга

---

---

эга эмаслиги ҳозирги вақтда жамиятимизда мавжуд энг асосий муаммолардан биридир. Хусусан, давлат органларининг контрафакт маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва уларнинг муомалада бўлишига, интеллектуал мулк ҳуқуқларининг бузилишига қарши курашишда, шунингдек ушбу соҳада ҳуқуқни муҳофаза қилиш масалаларида идоралараро ҳамкорликни амалга ошириш ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш соҳасидаги вазифалари аниқ тартибга солинмаганлиги каби камчилик ва муаммоларни бартараф этиш мақсадида интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқларини ишончли ва таъсирчан ҳимоя қилиш бўйича масъул тузилма белгилаш ва вертикал тизим ташкил этиш зарур.

Шунингдек, муаллифлик ҳуқуқларининг бузилиши Ўзбекистонда долзарб масалага айланиб бормоқда. Ёзувчиларнинг асарлари муаллифлик ҳақи тўланмасдан, оммавий ижтимоий тармоқларда асосан Telegram канали орқали, ҳамда «қароқчи» сайтларда тезкорлик билан тарқалиб кетяпти. Бу эса муаллифнинг ўз асари учун қонуний даромад олишига катта тўсиқ бўлмоқда. Муаллифларнинг ўз асарларидан қонуний даромад олмаслиги бу соҳани ривожлантириш йўлида катта тўсиқ бўлади. Демак, бу каби ҳолатлар муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларнинг Интернет тармоғидаги ҳимоясини тўлиқ таъминлаш механизмини ишлаб чиқиш ҳамда ушбу соҳада жавобгарликни кучайтириш зарурлигини кўрсатмоқда. Бунда «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига тегишли ўзгартишлар киритилиши, муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар эгаларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича бешта мулкий ҳуқуқни жамоавий асосда бошқарувчи ташкилотлар билан тизимли ва самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш талаб этилади.

Аввало, интеллектуал мулк соҳасида малакали мутахассислар, яъни патентшунослар, патент бўйича ишончли вакиллар ва агентларни кескин кўпайтириш керак. Ҳозирги вақтда республикада бундай мутахассислар тақчиллиги сезилмоқда. Бу ҳол иқтисодиёт эҳтиёжларига мос келмайди ва Ўзбекистондаги инновация жараёнларининг янада ривожланишига тўсқинлик қилади. Қолаверса, Ўзбекистонда интеллектуал мулк ҳуқуқларини муҳофаза қилишнинг турли жиҳатлари бўйича ихтисослашган судьялар тайёрлашни бошлаш муҳим. Мазкур вазифаларнинг муваффақиятли бажарилиши интеллектуал мулк бозори ҳамда Ўзбекистон саноати ва иқтисодиётини ривожлантиришга кучли туртки беради.

Бугун интеллектуал мулк соҳасини тубдан ислоҳ қилиш бўйича истиқболли режаларни амалга ошириш керак. Тадбиркорлик субъектларига янада қулайлик яратиш учун интеллектуал мулк объектларини давлат рўйхатига олиш муддатларини кескин қисқартиришга имкон берувчи тезкор экспертиза тартибини жорий этиш лозим. Бугунги энг катта вазифалардан яна бири қишлоқ хўжалик маданияти ва анъанавий ҳунармандчилик соҳаларида миллий брендни ривожлантириш учун «Географик кўрсаткичлар тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқишдир.

2020 йил 12 октябрда давлатимиз раҳбари бошчилигида бўлиб ўтган йиғилишда интеллектуал мулк соҳасидаги муаммоларга батафсил тўхталиб ўтилиши баробарида бажарилиши лозим бўлган топшириқлар берилди. Жумладан, Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти кўмагида интеллектуал

---

---

мулк объектларини баҳоловчи мутахассислар тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш, ихтиролар, фойдали моделлар, саноат намуналари ва селекция ютуқларининг «электрон ярмаркаси»ни ташкил этиш, патент эгаларини тадбиркорлар билан боғлаш, тадбиркорларнинг маҳсулотларини «бренд»га айлантириш дастури ва «электрон майдончаси»ни яратиш, ҳар бир ҳудудда йилига камида тўрт марта брендлар ярмаркаси ва кўргазмалар ўтказишни амалиётга жорий этиш вазифалари белгиланди.

Шу билан бирга, интеллектуал мулк объектлари яратувчиларига харажатларни қоплаш, патент эгаларини мукофотлаш каби имтиёзлар тизимини жорий этиш, «Саноат мулки объектлари платформаси»ни яратиш, тадбиркорларга интеллектуал мулк яратиш ва уни ҳимоя қилиш асосларини ўргатиш бўйича мунтазам фаолият юритадиган қўшма дастур ишлаб чиқиш кераклиги таъкидланди. «Интеллектуал мулкни ривожлантириш соҳасида Ўзбекистон Республикасининг миллий стратегияси»ни яратиш, интеллектуал мулк соҳасида ҳуқуқий ҳимояни янада кучайтириш мақсадида ҳудудларда Интеллектуал мулкни муҳофаза қилиш марказлари ташкил қилиш, шунингдек қонунчиликда юзага келиши мумкин бўлган коллизияларнинг олдини олиш ҳамда ягона ҳуқуқ амалиётини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг Интеллектуал мулк кодексини ишлаб чиқиш режалаштирилган.

Юқорида қайд этилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши тадбиркорлик ва инновацион фаолиятни ривожлантириш учун зарур шарт-шароитлар яратилишига, интеллектуал мулкнинг ишончли ҳуқуқий ҳимояси таъминланишига хизмат қилади. Бу эса мамлакатнинг инвестициявий жозибадорлиги ошишига, иқтисодиётнинг ривожланишига, аҳолининг даромадлари ва турмуш даражаси ошиб, ҳаёти фаровонлашувига олиб келади.



## СИЁСИЙ PR ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИНГ ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИДАГИ ЎРНИ

**Аннотация.** Мақолада сайлов кампанияларида коммуникатив жараёнлар, шахслараро муносабатларни кузатишда сиёсий «PR»нинг ўрни тадқиқ этилган. PR-технологиялар ва оммавий ахборот коммуникацияларининг энг муҳим вазифаси жамиятнинг сиёсий маданиятини юксалтириш эканлиги аниқланган ва мисоллар асосида кўрсатиб берилган.

**Таянч сўзлар:** сиёсий PR, оммавий коммуникация, электрон ҳукумат, цензура, сиёсий менежмент, PR-технология, манипуляция, сиёсий менталитет, сиёсий маркетинг, сиёсий қарор.

### МЕСТО ПОЛИТИЧЕСКОГО PR И ОБЩЕСТВЕННЫХ ИНФОРМАЦИОННЫХ КОММУНИКАЦИЙ В РАЗВИТИИ ОБЩЕСТВА

**Аннотация.** В статье исследуется роль политического пиара в наблюдении за коммуникативными процессами, межличностными отношениями в избирательных кампаниях. На основе конкретных примеров выявлено и показано, что важнейшая функция PR-технологий и общественно-информационных коммуникаций в социально-политической жизни общества — это повышение политической культуры общества.

**Ключевые слова:** политический PR, общественная коммуникация, электронное правительство, цензура, политический менеджмент, PR-технология, манипуляция, политический менталитет, политический маркетинг, политическое решение.

### THE ROLE OF POLITICAL PR AND PUBLIC INFORMATION COMMUNICATION IN THE DEVELOPMENT OF COMMUNITY

**Annotation.** The article researches the role of political PR in observation of communicative processes, interpersonal attitudes in election campaigns. It was revealed that one of the most important functions of PR technologies and public information communications is to increase the political culture of society. On the basis of specific examples, the author reveals the role of the media in the socio-political life of society.

**Keywords:** political PR, public communication, e-government, censorship, political management, PR technology, manipulation, political mentality, political marketing, political decree.

Бугун Ўзбекистонда олиб борилаётган кенг миқёсли ислохотлар жамият тараққиётига хизмат қилмоқда. Бу борада Президент Ш. М. Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасидаги қуйидаги сўзларини келтириш ўринли: «Биз янги Ўзбекистонни халқимиз билан биргаликда барпо этамиз, деган улугвор мақсадни ўз олдимизга қўйганмиз. Бу борада «Жамият — ислохотлар ташаббускори» деган янги гоя кундалик фаолиятимизга тобора чуқур кириб бормоқда.

Ислохотларнинг амалий натижадорлигини оширишда, жойларда янги ташаббусларни илгари суришда аҳолимизнинг янада фаолроқ, янада ташаббускор бўлишига эришмоғимиз лозим» [1].

Албатта, жамиятда аҳолининг ҳуқуқий саводхонлиги ва сиёсий маданияти юксалишига турли омиллар таъсир кўрсатади. Ҳозирги вақтда эса сиёсий PR, яъни

---

\*Дехканов Наримон Бурхонжонович, Наманган давлат университети ижтимоий фанлар факультети декани, тарих фанлари номзоди, доцент.

---

---

жамоатчилик билан алоқа аҳоли онгига таъсир этувчи энг кучли ва қулай воситага айланмоқда. PR сиёсий жараёнларда, оммавий онг фаолиятида стратегик ўрин тутати. Сиёсий PR оммавий онгни бошқаради, унинг йўналишини белгилайди.

Ўзбекистонда сиёсий PR ҳодисасининг кенг оммалашуви 1996 йилда бошланган. Ўша йилнинг май ойида мамлакатимиз жаҳоннинг энг йирик компьютер алоқа тизими бўлган «Интернет» билан расмий алоқа ўрнатди [2, 10-б.]. Эндиликда мамлакатимиз аҳолисининг интернет орқали жаҳон ахборот оламига кириши, кундалик воқеалардан тезкор хабардор бўлиши таъминланди. Бугун ҳаётимизни интернетсиз тасаввур қилиш қийин бўлиб қолди.

Интернет кириб келиши билан, табиийки, давлатнинг ахборот соҳасидаги монополияси барҳам топди, аста-секин ахборот истеъмоли соҳасида бозор иқтисодиёти элементлари шаклланди. Цензура ёки «норасмий цензура» деган давлат институтларига ўрин қолмади.

Аммо бу жараёнларнинг ижобий томонлари билан бирга, салбий жиҳатлари ҳам бор. Ижобий жиҳати — инсоннинг объектив, холис ахборотга бўлган эҳтиёжини таъминлаш учун шароит ва имконият яратилиши бўлса, салбий жиҳати — интернет орқали миллий мустақиллигимизга, халқимиз менталитети ва тарихий тараққиётига, миллий ўзлигига хавф солувчи ёт ғоялар, маълумотлар экспансияси, интервенциясидир.

Инсоният XXI асрга келиб ахборотлашган жамият босқичига ўтди. Буни халқаро ташкилотлар ҳам эътироф этмоқда. Масалан, 2006 йилда БМТ Бош Ассамблеяси томонидан «17 май — Халқаро ахборотлашган жамият куни» деб эълон қилинди. Жамият ҳаёти деярли барча соҳаларининг компьютерлашуви ва ахборотлашуви ҳозирги вақтда ахборот инқилоби юз бераётгани ҳамда ахборотлашган жамиятнинг сифат жиҳатлари ва мезонлари ҳақида сўз юритишга имкон бермоқда.

Ахборотлашган жамият ўз функцияларини технологик, ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва маданий табиатга эга қатор омиллар таъсирида амалга оширади. Фикримизча, улар ичида энг асосийси иқтисодий омилдир.

Иқтисодий омил ҳал қилувчи куч бўлиб, иқтисодиётнинг товарлар яратилиши, хизматлар кўрсатилиши, кўшимча қиймат яратилишини ҳамда аҳолининг иш билан бандлигини белгиловчи асосий манбаидир. PR-технология пировард натижада иқтисодий омилга бориб тақалади, яъни у билан гоҳида бевосита, гоҳида билвосита алоқада бўлади.

Ижтимоий омил PR-технология таъсирида инсоннинг «ахборотга оид онги»ни, унинг сифатини, турмуш даражасини белгилаш кўрсаткичидир. У нафақат ижтимоий онг ривожланишининг индекси ва индикатори, балки унинг фаоллашуви учун «катализатор» вазифасини ҳам бажаради [3, 65–69-б.].

Сиёсий PR сайлов кампанияларида электоратнинг онгини забт этишда айниқса кўл келади. Оммавий коммуникация жараёнларида, сайловолди кампанияларида одатда сиёсий партиялар томонидан кўрсатиладиган номзодлар электоратга у ёки бу партиянинг мафқурасини таклиф этади ва шу орқали кўпчилик аҳоли овозини олишга ҳаракат қилади. Бу анъанавий сайлов жараёнларига хос жиҳатдир.

Бугун аҳвол бутунлай ўзгарган, сиёсий рақобат майдонида имижмейкинг технологиялари, сиёсий PR, мутлақо янги усул ва воситалар, замонавий сиёсий технологиялар ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда. Ҳозирги замон сайлов

---

---

технологиялари ва сиёсий PR бўйича кўзга кўринган мутахассис Ж. Сегелла бу борада: «Партияни эмас — инсонни, ғоя ёки мафқуранни эмас — келажакни, ўтмишни, дастурни эмас — лойиҳани реклама қилиш керак» [4, 540-б.], дейди. Бу сўзларда жон бор, албатта. Аслида, сиёсий соҳа иқтисод, маданият, ҳуқуқ, таълим ва тарбия соҳаларининг асосидир. Сиёсий бошқарув бўлмаса, у ёки бу соҳада яхши натижа, унум бўлмайди.

PR-технологиялар жамият ҳаётини бошқариш, назорат қилиш ва муайян мақсадлар томон йўналтиришнинг замонавий усул ва воситасига айланди. Ҳозирги вақтда сиёсий бошқарув оммавий ахборот воситалари орқали амалга оширилади. Бирок бутун жамиятни бошқариш учун оммавий ахборот воситалари сиёсийлашиши лозим. Бу эса — мутлақо мумкин бўлмайдиган, амалга ошмайдиган иш, чунки сиёсат билан жамиятнинг фақат муайян қатламларигина шуғулланади.

Маълумотларга қараганда, ҳатто ривожланган мамлакатларда ҳам сиёсатга аҳолининг атиги учдан бир қисми қизиқади. Америкаликлар буни аллақачон англаб етиб, «ижтимоий журналистика»ни ривожлантира бошладилар. АҚШнинг Виржиния штатидаги матбуот органларидан бири бўлмиш «Virginion-Pilot»нинг таъкидлашича, «сиёсий иштирок» атамасининг аввалги маъносини қайтариш лозим [5, 20-б.].

Оммавий коммуникация воситалари асосан оммавий аудитория ва унинг эҳтиёжларига хизмат қилади. Шу боис Ўзбекистон шароитида сиёсий PR бир қатор муаммолар, биринчи навбатда, инсон руҳияти, психологиясида ўтмиш қолдирган «чандиқ»лардан халос бўлиш, сиёсатга, давлатга ишонч ҳиссини шакллантириш билан боғлиқ.

Президент Ш. М. Мирзиёевнинг 2017 йилда бошланган халқ билан мулоқот сиёсати айнан сиёсий «PR»ни шакллантиришга, давлат инсонга бегона эмас, балки, аксинча, унинг таянчи, ҳаёти, ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли кафолати эканлигини нафақат уқтириш, халқнинг ишончини қозониш, ишончни амалда қарор топтиришга қаратилган сиёсатдир.

Шу ўринда Д. Муитовнинг «ахборот асри ўзбекларнинг тафаккур тарзи, миллат характери ни ислоҳ қилиш... лозимлигини яна бир бор кўрсатмоқда» [6, 92-б.] деган фикрига тўлиқ қўшилиш мумкин. Бугунги ўзбек менталитети, аниқроғи, унинг сиёсий менталитетини шакллантиришда сиёсий PR-технологияларнинг «спин-технология», «спин-мастер», «спин-доктор» каби усулларидан фойдаланишнинг аҳамият катта. Бунда PR-технологияни сиёсий менежмент ва сиёсий маркетинг ҳодисаларини ҳисобга олган ҳолда қўллаш самарали бўлади.

Шу ўринда немис мутафаккири Ф. Ницшенинг қадимги юнон фани ва маданиятига, оламни билиш даражасига берган баҳосини эслаш жоиз: «Юнонлар моҳиятни теран англасалар-да, сиртда қолишни афзал кўрардилар» (Эти греки были поверхностными — *из глубины!*) [7, 496-б.]. Бу билан Ф. Ницше юнонларнинг кўпроқ иллюзия, афсона ва мазмунга эмас, балки шакл, белгига мойиллигини таъкидламоқчи бўлади, ҳар қандай ташқи ҳодисанинг ички, ҳали идрок этилмаган моҳият билан узвийлигига шама қилади. Юзаки қараганда, Ницшенинг ушбу парадигмаси юқорида ифодаланган муаммо ва саволга алоқасиздек кўринади. Аслида эса, ахборот жамиятида, ахборотнинг глобаллашуви шароитида муаммога илмий ёндашувсиз миллий ўзликни, миллий мустақилликни таъминлаш мушкул.

---

---

Мамлакатимизда XX асрнинг 90-йилларидан эътиборан турли соҳаларда туб ўзгаришлар, илмий тилда ифодалаганда, модернизация, либераллашув ва демократлашув жараёнлари кузатилмоқда. Айрим мутахассислар «ўтиш даври» хусусида ҳам сўз юритадилар. Дарҳақиқат, маъмурий буйруқбозликка асосланган тоталитар жамиятдан янги демократик жамиятга ўтиш тез кечадиган жараён эмас. Ижтимоий онгда, бинобарин, индивидуал онг даражасида ҳам, эски сиёсат ва мафкура, эски бошқарув усулининг таъсири узоқ сақланиб қолади. Ўтмишдаги одатларни, эски сиёсий маданият ва сиёсий психология турли даъват, шиор ва буйруқлар билан ислох қилиш мушкул иш эканлиги, улар жамиятда узоқ вақт сақланиб қолиши, уларни ўзгартириш учун таълим-тарбия соҳаларини тубдан янгилаш зарурлиги маълум.

Демак, эски сиёсий онг ва сиёсий маданият ўртасида ўта муҳим ҳодиса, яъни сиёсий жараён мавжудлиги маълум бўлади. Сиёсий жараёнга сиёсий маданият орқали қараш ва ёндашишнинг афзаллиги шундаки, биз таклиф этмоқчи бўлган сиёсий PR-технологиялар сиёсий жараённи нафақат қайд этиш, балки муайян мақсад томон йўналтириш имкониятини ҳам яратади. Таниқли сиёсий технолог К. Феннернинг таъбирича, бундай ёндашув фуқароларнинг асосий қадриятлари, билим ва эмоционал алоқаларини, шу билан бирга, ҳокимият ва сиёсий тизимга муносабатларини аниқлашда ёрдам беради [8, 70-б.]. Бунинг боиси сиёсий PR-технологиялар ва оммавий коммуникация жараёнлари бир-биридан алоҳида мавжуд эмаслиги, бири бошқасини сиёсий маданият унсурлари орқали ҳаракатга келтириши ва муайян мақсадлар томон йўналтира олишидадир.

Методологик жиҳатдан қараганда, сиёсий PR-технологиялар ва оммавий ахборот коммуникацияларининг ўзаро муносабати диалектик хусусиятга эга. Буни сиёсий PR-технологиялар бўйича таниқли мутахассислар — украиналик Д. К. Ольшанский ва В. Ф. Пеньков: «Сиёсий PR ижтимоий-сиёсий коммуникация соҳасида амал қилади» [9, 105-б.], деб аниқ-равшан қайд этганлар. Шунинг учун сиёсий PR-технологиялардан эзгулик мақсадларида ҳам, ёвузлик мақсадларида ҳам фойдаланиш мумкин. Бу эса «сиёсий маркетинг технологиялари» деган терминни муомалага киритишга имкон беради.

Энг хавфлиси — миллий мустақилликка, миллий ривожланишга таҳдидлар шаклланади. Бу жиҳатни таниқли сиёсатшунос Н. Жўраев тўғри баҳолаб, «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси»да бу жиҳат бежиз назарда тутилмаганлигини таъкидлайди. Жумладан, у қуйидаги *талабларнинг* стратегик ва методологик аҳамиятини алоҳида уқтиради: «Биринчидан, демократик давлат бошқарув мезонларини белгиловчи принципларни ҳаётга собитқадамлик ва жадаллик билан жорий этиб бориш. Булар — бошқарувда инсон ҳуқуқ ва манфаатларининг устуворлиги, ҳокимиятлар тақсимланиши (шу жумладан, давлат бошқарувини амалга оширувчи органлар ўртасида ваколатларнинг оқилона тақсимланиши), қонун устуворлиги, давлат бошқарувига халқ оммаси ҳамда фуқаролик жамияти институтларини кенг жалб этиш, давлат бошқаруви органлари фаолиятининг ошқоралиги ва очиқлиги каби тамойиллардир.

Иккинчидан, давлат бошқарув аппарати фаолиятининг қонунчилик, ҳуқуқий базасини замонавий талаблар асосида такомиллаштириб бориш назарда тутилади.

---

---

Учинчидан, ижроия ҳокимияти тизимидаги бошқарув билан шуғулланувчи органларнинг таркибий тузилмаси ва функцияларини рационаллаштириш маъмурий ислохотнинг муҳим вазифаси ҳисобланади. Бунда давлат бошқарувида мувозий тузилмаларнинг бўлиши ва бир-бирининг вазифаларини такрорлашнинг мавжуд бўлишини бартараф этиб бориш талаб этилади.

Тўртинчидан, давлат бошқаруви органлари фаолиятининг очиклигини таъминлаш, уларнинг фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлигини таъминловчи самарали механизмларни яратиш, улар фаолияти устидан жамоатчилик назоратини фаоллаштириш зарур» [9, 51-б.].

Юқоридаги таҳлиллардан сиёсий PR-технологияларнинг асосий функцияларини гносеологик, тарбиявий, аксиологик, назорат қилувчи, манипулятив ва йўналтирувчи функциялар ташкил этади, деган хулосага келиш мумкин. Шу нуқтаи назардан, сиёсий PR-технологиялар давлатнинг, халқнинг танлаган стратегик йўлида бардавомлигини ва фаолиятининг самарадорлигини белгиловчи ишончли омил бўлиб хизмат қилади. Шунинг учун «ким ахборотга эгалик қилса, жамиятга эгалик қилади» деган ибора қанчалик эмоционал бўлса, шунчалик рационал ҳамдир.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси (25.01.2020). — URL: <https://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-25-01-2020>

2. Анализ состояния и перспектив развития Интернет в Республике Узбекистан: Информационно-аналитический отчёт / Узбекское агентство связи и информатизации, Программа развития ООН в Узбекистане. — Т.: ПРООН, 2009. — URL: <http://infocom.uz/wp-content/files/otchet.pdf>

3. Саидходжаев С. Роль информационно-коммуникативных технологий в развитии общества / С. Саидходжаев, А. Кучкаров // Халқаро муносабатлар — Международные отношения. — 2006. — №1.

4. Ольшевский Д.В. Политический PR. — М.: Питер, 2003.

5. Conte Ch. Angels in the Newsroom // Governing. — 1996. — № 11.

6. Муитов Д. ГеоСИЭСат ва журналистика. — Т.: «Turon-Iqbol», 2017.

7. Ницше Ф. Сочинения. Т. 1. — М.: Мысль, 1990.

8. Феннер К. Политическая культура // Политология: Краткий тематический словарь. Вып. 1. — М.: РАУ, 1992.

9. Ольшевский Д.К., Пеньков В.Ф. Политический консалтинг. — СПб.: Питер, 2005.

10. Жўраев Н. Тамаддунга даъват. — Т.: Ўзбекистон, 2018.



## «БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ» ТУШУНЧАСИНИНГ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ МОҲИАТИ

**Аннотация.** Мақолада «барқарорлик», «тараққиёт» ва «барқарор тараққиёт» тушунчаларининг мазмун-моҳияти таҳлил этилган, уларнинг ҳар хил манбалардаги таърифлари ҳамда турли халқаро ташкилотларнинг талқинлари келтирилган.

**Таянч сўзлар:** барқарорлик, тараққиёт ва барқарор тараққиёт.

## СОЦИАЛЬНО-ПОЛИТИЧЕСКОЕ ЗНАЧЕНИЕ КОНЦЕПТА «УСТОЙЧИВОЕ РАЗВИТИЕ»

**Аннотация.** В статье представлен научный анализ содержания понятий «устойчивость», «развитие» и «устойчивое развитие», приведены их определения и толкование в различных научных источниках, а также приведены интерпретации данных терминов различными международными организациями.

**Ключевые слова:** устойчивость, развитие и устойчивое развитие.

## SOCIAL AND POLITICAL MEANING OF THE CONCEPT «SUSTAINABLE DEVELOPMENT»

**Annotation.** The article presents a scientific analysis of the content of the concepts of «sustainability», «development» and «sustainable development», gives their definitions and interpretation in various scientific sources, and gives interpretations of these terms by various international organizations as well.

**Keywords:** sustainable, development and sustainable development.

Инсоният тарихан доимо тинчлик, фаровонлик ва ривожланишга интилган. Бу, ўз навбатида, барқарорликни, тараққиётнинг эволюцион тарзда шаклланишини тақозо этган. Шу боис «*барқарорлик*» ва «*тараққиёт*» тушунчаларининг мазмун-моҳиятини ўрганиш талаб этилади. Хусусан, *барқарорлик* — муайян тизимнинг турли ташқи ва ички таъсирларга бардошлилиги, турли даврларга мослаша олиши бўлса, *тараққиёт* ривожланишнинг оддийдан мураккабга, қуйидан юқорига йўналган шаклидир [13; 677-б.]. Бошқача айтганда, «тараққиёт» сўзи муайян бир жараённинг кейинги босқичга, яъни юксалиш, такомиллашиш, мукамаллашиш босқичига ўтишини англатади.

Тараққиётнинг акси инқироз бўлиб, у «регрессив ривожланиш» деб ҳам юритилади. Айни вақтда, ўрганилган илмий манбаларда «барқарор тараққиёт» ва «барқарор ривожланиш» тушунчалари бир хил маънода қўлланилганини қайд этиш лозим.

Айрим мутахассислар фикрича, «барқарорлик» ва «тараққиёт» бир-бирини инкор қилувчи тушунчалардир. Хусусан, Н. Давидова ва О. Тимофееванинг ёзишича, «амалда барқарор тараққиёт бўлиши мумкин эмас, чунки тараққиёт бор жойда барқарорлик бўлмайди» [6; 18-б.]. Бошқа мутахассислар эса, аксинча, барқарорлик ва тараққиёт бир-бирини тақозо этишини қайд этишади. Жумладан, Т. И. Костина ва Н. М. Мамедов «барқарорлик ривожланишга қарши эмас, хусусан, барқарор жамият ривожланишни тақозо этади» [8], деган фикрни билдиришган.

\**Тургунова Насиба Туйчиевна, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Хизмат фаолияти психологияси кафедраси ўқитувчиси.*

---

---

«Барқарор тараққиёт» тушунчасига берилган таърифларнинг кўплиги ва хилма-хиллиги, фикримизча, унинг мавхумлиги билан эмас, балки унинг замирида келажакни белгилаш, ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқишдек мураккаб жараён ётгани билан боғлиқ. Айни вақтда мазкур тушунча бир қанча (ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, экологик ва ҳ.к.) соҳа ва йўналишларни қамраб олишини ҳам таъкидлаш жоиз. Таърифларнинг кўплиги ушбу тушунчанинг турли таржима ва талқинлари ва унга нисбатан халқаро ташкилотларнинг ёндашувлари билан ҳам боғлиқ [7].

Хусусан, «**барқарор тараққиёт**» тушунчасини Барқарор тараққиёт бўйича халқаро институт (Г. Х. Брундтланд комиссияси) — «Келажак авлод эҳтиёжларини қондириши учун имкониятларнинг сақлаб қолиниши ва бунда бугунги авлоднинг масъуллиги» [4; 50-б.]; Бутунжаҳон табиатни асраш стратегиясида — «Атроф-муҳитга жиддий зарар етказмаган ҳолда одамлар турмуш тарзи сифатининг ошиши» [5; 40–41-б.]; Жаҳон банки — «Инсоният имкониятларини сақлаш ва оширишга қаратилган жамият капиталини бошқариш» [1]; А. Д. Урсул — «Инсон тамаддуни ва табиат мувозанатини таъминлаш» [13]; Н. Давидова, О. Тимофеева — «Инсон яшаши ва фаолиятига жиддий салбий таъсир кўрсатмайдиган тараққиёт модели» [6]; Н. Н. Моисеев — «Табиат ва жамиятнинг оқилона муносабатлари узвийлигини таъминлашга қаратилган стратегия» [10]; А. В. Цвикелевич — «Мавжуд салоҳият ва ресурслардан оқилона / мақсадли фойдаланишга йўналтирилган жараён» [15] сифатида таърифлашган.

«Барқарор тараққиёт» тушунчасига таъриф ва ёндашувлар турлича эканлигига қарамай, уларни асосан «мавжуд имконият ва ресурслардан оқилона фойдаланиш», «келажак авлод олдидаги масъулият», «аҳолига муносиб турмуш тарзини яратиш», «инсон фаолияти натижасида атроф-муҳитга зарар етказилишига йўл қўймаслик» каби узвий жиҳатлар ўзаро яқинлаштириб туради.

«Барқарор тараққиёт» тушунчасининг туб мазмун-моҳиятини *авлодлар ўртасида мувозанатни таъминлаш* ташкил қилади, дейиш мумкин. Бундай мувозанат эса мавжуд ресурсларни бугунги ва келажак авлод ўртасида оқилона тақсимлашга асосланади.

Барқарор тараққиёт концепцияси икки ўзаро боғлиқ тушунчани, яъни ҳаётий муҳим манфаатларни акс эттирувчи «эҳтиёж» тушунчаси ва мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланишни талаб этувчи «чеклов» тушунчасини қамраб олади. Бинобарин, ушбу концепция муайян ҳудуддаги аҳолининг барча қатламлари эҳтиёжларини қамраб олиш ва қондиришга қаратилган. Фикримизча, юқоридагиларга қўшимча равишда «тенглик» ва «ижтимоий адолат» тушунчаларини ҳам қўшиш лозим. Бу барчага ўз ҳаёт фаолиятини яхшилаш учун тенг имкониятлар яратиш ҳамда ижтимоий адолат мезонларига риоя қилиш зарурати билан боғлиқ.

Барқарор тараққиёт бўйича халқаро институтнинг ушбу тушунчага берган таърифига кўра, «барқарор тараққиёт — атроф-муҳит, иқтисодий самарадорлик ва халқ фаровонлигининг яхлитлигини билдиради». «Барқарор тараққиёт» тушунчаси атроф-муҳит ва ривожланиш бўйича Бутунжаҳон комиссияси томонидан таклиф қилинган. Мазкур комиссия «барқарор жамият» тушунчасига ҳам таъриф берган. Унга кўра, барқарор жамият — бугунги авлод эҳтиёжлари қондириладиган, айни вақтда келажак авлод эҳтиёжлари қондирилиши учун тегишли имконият яратилган жамиятдир [4].

Ўзбекистонлик мутахассис А. Азизхонов барқарор тараққиётни демократиянинг вужудга келиши ва шаклланиши билан боғлайди. Унинг фикрича, «демократия кишилиқ жамиятининг бутун тарихий тараққиёти мобайнида давлат ва жамиятни бошқариш борасида қўлга киритилган энг катта ютуғидир. Демократик жамият объектив, тарихий ва зарурий жараён бўлиши билан бирга, ҳар бир мамлакатда, ҳар бир тарихий даврда ўзига хос томонларига ҳам эга. Бинобарин, унинг вужудга келиши ва ривожланиши

---

---

муайян замин ва асослар билан боғлиқ бўлади. Булар жумласига давлат ва жамият қурилиши, сиёсий, иқтисодий ҳаёт борасидаги эркинликлар, миллий-маънавий тикланиш ва юксалишлар киради» [2].

Шу ўринда тараққиётнинг муҳим белгиларидан бири сифатида ижтимоий адолат омилини келтириш лозим. Ўзбекистонлик олим И. Эргашевнинг фикрича, ҳозирги дунёда ижтимоий адолат демократик тараққиётнинг асосий омилларидан биридир. Хусусан, жамият сиёсий ривожланиши жараёнида мавжуд ижтимоий гуруҳлар манфаатларини тўлиқ ҳисобга олиш учун ўзаро мувофиқлаштириб туриш орқали ижтимоий адолатни амалда таъминлаш мумкин бўлади. Шунинг учун ҳам сиёсат ва сиёсий институтлар муносабатида инсон ва умуминсоний тамойиллар унинг мезони бўлса, ижтимоий адолат унинг амалий жиҳатдан таъминлаб турувчи ва кўрсатувчи кўзгуси ҳисобланади. Ҳар бир жамиятнинг сиёсий тизими доимо такомиллашиб, ривожланиб боради. Ҳар бир давр уни янгича мазмун ва моҳият билан бойитиб боради [16].

Ушбу фикрга қисман қўшилган ҳолда айтиш жоизки, демократик жараёнлар ҳар доим ҳам ижтимоий адолатни таъминлашга хизмат қилмаслиги мумкин. Чунки бундай жараёнлар, аввало, танлов эркинлигини, бир қанча имкониятлардан самарали фойдаланиш салоҳиятини шакллантиришга қаратилади. Бу борада А.Холбековнинг фикрлари диққатга сазовор. Жумладан, олимнинг таъкидлашича, жамиятнинг ижтимоий адолатни таъминлаш қобилияти унинг демократлашганлик даражасини кўрсатади. Аммо демократия ва ижтимоий адолат ҳар доим ҳам ўзаро мос келавермайди, чунки демократия адолат қарор топишининг кафолати эмас, балки имкониятидир. Демократик давлат фуқаролар ўз қобилиятини амалга ошириши учун иложи борича кўпроқ имконият яратиб беради [14].

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ҳар бир жамиятнинг қудрати унинг ички барқарорлиги ва хавфсизлигининг таъминланганлик даражасига, яъни сиёсий тизимнинг мустаҳкамлиги ва изчил фаолиятига боғлиқ. Бу борада жамиятда демократик кадриятларнинг шаклланиши ва қарор топишида ёшларнинг ҳиссаси устувор аҳамиятга эга.

Бу борада, Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, «бизнинг ҳавас қилса арзийдиган буюк тарихимиз бор. Ҳавас қилса арзийдиган улуғ аждодларимиз бор. Ҳавас қилса арзийдиган беқиёс бойликларимиз бор. Ва ишонаман, Худо хоҳласа, ҳавас қилса арзийдиган буюк келажагимиз ҳам бўлади. Ана шундай ёруғ келажакни авваламбор сиздек азму шижоатли, жўшқин орзу-интилишлар билан ҳаётга кириб келадиган, ҳеч кимдан кам бўлмайдиган навқирон авлодимиз, бутун Ўзбекистон ёшлари барпо этади» [9].

Маълумки, XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб глобал иқтисодий ривожланиш ва халқаро муносабатлардаги турли ўзгаришлар жаҳон ҳамжамияти олдида узоқ муддатга мўлжалланган стратегик ривожланиш дастурини ишлаб чиқиш заруратини юзага келтирди ва бу, ўз навбатида, барқарор тараққиёт концепциясини ишлаб чиқишни тақозо этди. Мазкур ҳолат дунёда иқлим билан боғлиқ турли салбий ўзгаришлар, экологик муаммоларнинг ривожланишга таъсири натижасида вужудга келди. Ушбу даврда башарият атроф-муҳитни асраш бутун инсоният учун муҳимлигини англаб ета бошлади.

Шу боис дастлаб 1963 йилда инсониятнинг атроф-муҳитга таъсири таҳлилини ўз ичига олган Халқаро биологик дастур ишлаб чиқилди. 1968 йилда Рим клубининг ташкил қилиниши ва фаолият кўрсатиши барқарор тараққиёт концепциясининг шаклланишида алоҳида ўрин тутди. Айниқса, клуб томонидан тайёрланган «Ўсиш меъёрлари» таҳлилий маърузаси бу борада ҳал қилувчи роль ўйнади. Шу ўринда Рим клубининг асосчиси А. Печчеининг куйидаги фикри диққатга сазовордир: «Эндиликда дунёда бир-бирдан алоҳида бўлган иқтисодий, техникавий ёки ижтимоий муаммолар мавжуд эмас» [11].

---

---

Бизнинг назаримизда, А. Печчеи бу билан барқарор тараққиёт учун барча ресурс ва имкониятларни биргаликда сафарбар этиш лозимлигига урғу берганлиги кагта аҳамиятга эга.

XXI асрга келиб «барқарор тараққиёт» тушунча ва концепция сифатида янада кўпроқ қўлланила бошлади. Бу жараён йирик халқаро ташкилотлар амалиётига ҳам жадал кириб келди. Дунё мамлакатлари БМТ томонидан ишлаб чиқилган Минг йиллик ривожланиш мақсадлари (МРМ) дастури доирасида эришилган муваффақиятларни эътироф этган ҳолда, ушбу жараёнда яқунланмай қолган мақсадларга эришиш, жаҳон ҳамжамиятини 2015 йилдан сўнг янги ривожланиш жабҳалари сари етакловчи мақсадларни белгилаб олиш зарурати юзага келганини таъкидлашди. БМТнинг 2012 йилда барқарор ривожланиш мавзусида ўтказилган «Рио+20» конференциясида дунёнинг етакчи мамлакатлари Барқарор Тараққиёт Мақсадларини (БТМ) белгилашга келишиб олдилар.

Шу тариқа 2015 йилда БМТ томонидан «Барқарор тараққиёт» концепцияси ишлаб чиқилди. БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадларига оид концепцияси — келажак авлод эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда ўзаро узвий экологик хавфсизлик ҳамда иқтисодий таъминланган, ижтимоий муҳофазаланган ва институционал бирлашган ҳаёт тарзини шакллантиришга оид ғоялар тизимини, барқарор тараққиёт соҳасида 2015–2030 йилларга мўлжалланган мақсадларни қамраб олган. Бунинг натижасида 2030 йилгача эришилиши лозим бўлган 17 та барқарор ривожланиш мақсади ва уларга боғлиқ 169 та вазифа белгилаб олинди. БМТнинг 2015 йил сентябрь ойида бўлиб ўтган саммитида куйидаги мақсад ва вазифалар расман қабул қилинди.

БМТ томонидан барқарор ривожланиш бўйича ишлаб чиқилган 17 та мақсад куйидагилардир: 1) ўта қашшоқликка барҳам бериш; 2) очликка барҳам бериш; 3) соғлиқ ва фаровонлик; 4) сифатли таълим; 5) гендер тенглиги; 6) тоза сув ва санитария; 7) арзон ва тоза энергия; 8) муносиб иш ўринлари ва иқтисодий ўсиш; 9) саноатлаштириш, инновация ва инфратузилма; 10) тенгсизликни камайтириш; 11) барқарор шаҳарлар ва аҳоли яшаш жойлари; 12) масъулиятли истеъмол ва ишлаб чиқариш; 13) иқлим ўзгаришларига қарши курашиш; 14) денгиз экотизимларини асраш; 15) курукликдаги экотизимларни асраш; 16) тинчлик, адолат ва самарали бошқарув институтлари; 17) барқарор ривожланиш йўлидаги ҳамкорлик [3].

Таъкидлаш жоизки, барқарор ривожланиш мақсадлари глобал миқёсдаги ташаббусдир. Бунда барча давлатлар, шунингдек халқаро ташкилотлар, молия институтлари иштирок этади. Айни вақтда, Глобал экологик фонд, Яшил иқлим фонди, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Осиё тараққиёт банки, Африка тараққиёт банки билан бир қаторда, Жаҳон банки ҳам ушбу мақсадларни амалга оширадиган асосий ташкилотлардан бири сифатида эътироф этилади. Жаҳон банки дунёнинг турли минтақаларидаги ҳар хил (жумладан, камбағаллик, инфратузилмалар даражасининг пастлиги, табиий ресурсларнинг нотенг тақсимланиши каби) муаммоларни ҳал қилишда тегишли лойиҳаларни молиялаштиради.

Шу тариқа, барқарор тараққиётни шахс, жамият ва давлат ҳаётини ташкил этиш ва бошқаришнинг ўзаро мувозанатлашган замонавий модели сифатида эътироф этиш мумкин. Ушбу концепция замирида, аввало, инсон, унинг эҳтиёж ва манфаатлари қондирилиши ҳамда бу жараёнда табиат, атроф-муҳит билан ўзаро муносабатларнинг оқилона ташкил қилиниши ётади.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, барқарор тараққиёт концепцияси ишлаб чиқилишига, аввало, глобал экологик омиллар туртки бўлган бўлса, кейинчалик унинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий аҳамияти ошиб борди. Бу борада ҳар қандай тараққиёт муайян ҳудуддаги замонавий тамойиллар ўзгариб бориши, хусусан, ривожланиш



---

---

босқичлари бевосита демократик қонун-қоидалар билан ҳамоҳанг эканлигини таъкидлаш лозим.

Барқарор тараққиётнинг ижтимоий-сиёсий моҳиятини қуйидаги асосий жиҳат ва омиллар орқали кўрсатиш мумкин:

*биринчидан*, мавжуд ресурсларнинг оқилона тақсимотини таъминловчи сиёсий қарорларнинг қабул қилиниши. Бунда сиёсий тизимнинг демократик қадриятларга таяниши, сиёсий етакчининг иродаси ҳамда муайян мамлакатдаги фуқаролик жамияти институтларининг фаолияти муҳим ўрин тутади;

*иккинчидан*, аҳоли даромадлари асосиз кескин фарқ қилишининг олдини олиш. Бу жамиятда ижтимоий норозиликлар келиб чиқишини бартараф этишни ҳамда ижтимоий адолат принциплари амал қилишини назарда тутади;

*учинчидан*, «барқарор тараққиёт» тушунчаси ва концепциясининг мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб, уни тараққиётнинг «мувозанатлашган модели» деб ҳам аташ мумкин;

*тўртинчидан*, барқарор тараққиёт асосан инсон капиталини ривожлантиришни, бунинг учун тегишли шарт-шароит ва имкониятлар яратишни назарда тутади. Айни вақтда, барқарор тараққиёт доимий, узлуксиз давом этадиган жараёндир;

*бешинчидан*, «барқарор тараққиёт» тушунчаси билан боғлиқ аксарият тадқиқотларда кўпинча иқтисодий омилларга эътибор қаратилган. Буни инкор этмаган ҳолда айтиш жоизки, барқарор тараққиётни таъминлашда сиёсий омиллар, хусусан, муайян ҳудуддаги сиёсий (авторитар, тоталитар, демократик) бошқарув тизими муҳим ҳисобланади.

#### Фойдаланилган адабиётлар

1. URL: [http // www.worldbanl.org](http://www.worldbanl.org).
2. *Азизхонов А.* Ўзбекистонда маънавий юксалиш — демократик жамият қуришнинг муҳим омили. — Т., 2002. — 88 б.
3. Барқарор ривожланиш мақсадлари. — URL: [http // www. www.un.org/uzb/pages/display/sdgs](http://www.un.org/uzb/pages/display/sdgs).
4. *Брундтланд Г. Х.* Наше общее будущее. Доклад Комиссии ООН по окружающей среде и развитию. — М.: Прогресс, 1988.
5. Всемирная стратегия охраны природы // Природа. — 1980. — № 12. — С. 40–41.
6. *Давыдова Н.* Устойчивое развитие города. Вопросы разработки стратегии / Н. Давыдова, О. Тимофеева // Муниципальная экономика. — 2000. — №4. — С. 18–23.
7. *Коваленко Е.Г. и др.* Модернизация механизма устойчивого развития сельских территорий. — М.: Академия естествознания, 2014. — 166 с.
8. *Костина Т.И.* Основания концепции устойчивого роста / Т.И. Костина, Н.М. Мамедов. — URL: [http // www.cawater-info.net/ecoindicators /pdf/kostina\\_mamedov.pdf](http://www.cawater-info.net/ecoindicators/pdf/kostina_mamedov.pdf)
9. *Мирзиёев Ш.М.* Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Т. 1. — Т.: Ўзбекистон, 2017.
10. *Моисеев Н.Н.* «Устойчивое развитие» или «Стратегия переходного периода» // ЭКОС-информ. — 1995. — № 3/4. — С. 45–56.
11. *Печчеи А.* Человеческие качества. — М.: Прогресс, 1985. — С. 119–120.
12. Ўзбек тилининг изоҳли лугати: 5-жилд. — Т.: «ЎМЭ» давлат илмий нашриёти, 2007.
13. *Урсул А.Д.* Безопасность через устойчивое развитие / А. Д. Урсул, А. Л. Романович. — URL: [http // www. spkurdyumov.ru/economy/bezopasnost-cherez-ustojchivoje-razvitiie](http://www.spkurdyumov.ru/economy/bezopasnost-cherez-ustojchivoje-razvitiie).
14. *Холбеков А.Ж.* Ўзбекистонда жамиятнинг демократлашуви жараёнида адолатни амалга ошириш муаммолари (сиёсий-социологик таҳлил): Сиёсий фан. д-ри ... дис. автореф. — Т., 2001. — 19 б.
15. *Цвиклевич А.В.* Совершенствование управления развитием муниципального образования. — М.: Академия естествознания, 2006.
16. *Эргашев И.* Тараққиёт фалсафаси. — Т.: Академия, 2000. — 107 б.



## ЎЗБЕКИСТОНДА ДАВЛАТ ТИЛИНИНГ ҚЎЛЛАНИШИГА ОИД БАЪЗИ МАСАЛАЛАР

**Аннотация.** Мақолада ўзбек тилининг давлат тили сифатида шаклланишининг ҳуқуқий асослари берилган бўлиб, нутқнинг барча шаклларида она тилини адабий тил меъёрлари асосида хатосиз, тўғри ва ўз ўрнида қўллаш ҳақида таҳлиллар, фикр-мулоҳазалар баён этилган. Шунингдек, нутқнинг барча шакллари ижтимоий турмуш тарзида пухта эгаллаш ва амалда саводли қўллаш бўйича тил билиш ва имло мактабларини йўлга қўйиш борасида фикрлар билдирилган.

**Таянч сўзлар:** давлат тили, ҳуқуқий асос, ижтимоий тармок, ижтимоий турмуш тарзи, нутк шакллари, адабий тил меъёрлари, ижтимоий турмуш тарзи, тил билиш ва имло мактаблари.

### НЕКОТОРЫЕ ВОПРОСЫ ПРИМЕНЕНИЯ ГОСУДАРСТВЕННОГО ЯЗЫКА В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН

**Аннотация.** В данной статье рассматриваются правовые основы формирования узбекского языка как государственного, а также представлен анализ о правильном и уместном использовании родного языка на основе критериев литературного языка во всех формах речевых конструкций. В статье высказывается точка зрения о налаживании школы по знанию языка и орфографии, владению и грамотному применению на практике форм речевых конструкций.

**Ключевые слова:** государственный язык, правовая основа, социальная сеть, социальное бытие, речевые формы, критерии литературного языка, школы знания языка и орфографии.

### SOME ISSUES OF USING THE STATE LANGUAGE IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

**Annotation.** This article deal with the legally concerned of formation of the Uzbek language as the State language, and also grants an analysis of the correct and appropriate use of the native language based on the literary language criterion in all forms of speech structures. The article expresses the point of view on the establishment of a school for knowledge of language and orthography, mastery and competent application in practice, forms of speech structures (activities) of social life.

**Keywords:** state language, legally concerned, social net, social life, speech forms, criteria of the literary language, schools for knowledge of language and orthography.

Халқимизнинг маданий-маърифий, илмий ва бадий тафаккури, интеллектуал салоҳиятининг бебаҳо маҳсули ҳамда маънавий хазинаси бўлган ўзбек тили дунёдаги бой ва қадимий тиллардан. Ҳозир ўзбек тили ҳаётимизнинг барча жабҳаларида фаол қўлланилмоқда, халқаро минбарларда баралла янграмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг нуфузли халқаро анжуман — БМТ Бош Ассамблеяси 75-юбилей сессиясининг юксак минбаридан ўзбек тили, «Навоий тили»да маъруза қилгани жаҳон оммавий ахборот воситалари томонидан юксак даражада эътироф этилди. Бу эса она тилимиз давлат тили мақоми олганига 31 йил тўлиши арафасида тилимизга давлат даражасида эътибор берилаётганлигининг ёрқин намунасидир. Зеро, ҳар қандай халқнинг, миллатнинг равнақи, аввало, тилининг мавқеи билан белгиланади.

\* *Холиқов Абдуваҳобжон Ахатович, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси тилларни ўрганиш кафедраси доценти, филология фанлари номзоди.*

---

Таъкидлаш жоизки, 1989 йил 21 октябрда «Давлат тили тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг қабул қилиниши миллий мустақиллик сари қўйилган энг муҳим қадамлардан бири бўлди. Ўтган давр мобайнида она тилимизга эътибор кучайди ва у барча соҳаларда кенг қўламда қўлланиб келмоқда. «Давлат тили тўғрисида»ги қонуннинг 4-моддасида белгиланганидек, Ўзбекистон Республикасида давлат тилини ўрганиш учун барча фуқароларга шарт-шароит яратилди. Икки тилли луғатлар, икки ва ундан кўп тилли сўзлашгичлар, ўзбек тилининг имло қоидаларини мустақил ўрганувчилар учун қўлланмалар нашр этилди. Нутқнинг барча шакллари ўзбек адабий тили меъёрлари асосида бўлиши учун кенг қўламли чоралар амалга оширилмоқда. Она тилининг буюк аҳамияти шундаки, у маънавийат белгиси сифатида инсонларни жипслаштиради [1]. Албатта, буларнинг барчаси республика ҳудудида яшовчи турли миллат ва элатлар тилларига иззат-ҳурмат билан муносабатда бўлиш ва бу тилларни ривожлантириш учун шарт-шароит яратиш орқали амалга оширилди.

1993 йил 2 сентябрда ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн учинчи сессиясида «Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида»ги қонун қабул қилинди. Ушбу Қонун Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига асосланган бўлиб, 1929 йилдан 1940 йилнинг май ойига қадар амалда бўлган лотин ёзувидаги ўзбек алифбосининг амалий тажрибасидан келиб чиқиб, кенг жамоатчилик вакилларининг хоҳиш-истакларини инобатга олган ҳолда республиканинг ҳар томонлама камол топиши ва жаҳон коммуникация тизимига қиришини жадаллаштирувчи қулай шароит яратишга хизмат қилиши назарда тутилган. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг «Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида»ги 1995 йил 6 май қонуни эълон қилинган кунидан бошлаб кучга кирган ҳамда янги алифбога босқичма-босқич ўтилиши назарда тутилган. Шу билан бирга, 1995 йил 29 августда Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбек тилининг асосий имло қоидаларини тасдиқлаш ҳақида»ги қарори қабул қилинди. Юқоридаги қонун ва қарорларни амалга ошириш мақсадида барча вазирлик ва идоралар, ташкилот ва муассасалар, мутахассислар ўзбек тилининг нуфузини ошириш учун ўз олдиларига қатор вазифалар, чора-тадбирларни белгилаб олдилар.

Хусусан, дарслик ва ўқув қўлланмалари мутахассислар томонидан ўзбек тилида янги имло қоидалари асосида яратилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 январдаги «Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида»ги фармойиши ҳам зарур ҳужжат бўлиб, жамиятимиз маънавий-маърифий ҳаётида туб бурилиш ясади.

Фармойишда бадий, маърифий, илмий-оммабоп, тарбиявий, ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини оширишга қаратилган адабиётларни чоп этиш, улар билан таълим муассасаларини таъминлаш, миллий ва жаҳон адабиёти намояндаларининг етук асарларини саралаш, таржима қилиш каби ишларни жадаллаштириш назарда тутилган. Ҳозирги кунда янги кутубхоналар ва ахборот-ресурс марказлари, маънавийат ва маърифат масканлари барпо этилмоқда. Бугунги янгича тараққиёт, юксак бунёдкорлик сари интилаётган ватанимизда кенг қўламли ислохотлар жараёнида Она тилининг ижтимоий ҳаётимиздаги обрўси кун сайин ошиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–6084-сон (2019.20.10) фармони ўзбек тилининг халқимиз ижтимоий ҳаётида ва халқаро миқёсдаги обрў-эътиборини тубдан ошириш, униб-ўсиб келаётган ёшларимизни ватанпарварлик, миллий анъана ва қадриятларга садоқат, улуғ аждодларимизнинг бой меросига ворислик

---

---

руҳида тарбиялаш, мамлакатимизда давлат тилини тўлақонли жорий этишни назарда тутган бўлиб, «Тараққиёт стратегияси» маркази ва кенг жамоатчиликнинг ўзбек тилига давлат тили мақоми берилган кун — 21 октябрь санасини «Ўзбек тили байрами куни» деб эълон қилиш тўғрисидаги таклифи маъқулланди. Шунингдек, ушбу Фармон билан Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Давлат тилини ривожлантириш департаменти ташкил этилди.

2020 йил 10 апрель куни «Ўзбек тили байрами кунини белгилаш тўғрисида»ги ЎРҚ–615-сон қонуни қабул қилинди. Қонуннинг айнан ўзбек романчилик мактаби асосчиси, халқимиз эрки ва озодлиги йўлида жон фидо қилган буюк адиб Абдулла Қодирий туғилган кунда имзоланишида ҳам катта ҳикмат бор. Шунга кўра «Давлат тили ҳақида»ги қонун қабул қилинган куннинг улкан тарихий ўрни ва аҳамиятидан келиб чиққан ҳолда, ҳар йили 21 октябрь санаси юртимизда «Ўзбек тили байрами куни» сифатида нишонланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 20 январдаги «Мамлакатда давлат тилида иш юритишни самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш бўйича амалий ишларни янада жадаллаштириш назарда тутилган. Зеро, тил бениҳоя муқаддас ва мўътабар неъмат, у инсонни инсон сифатида шакллантирган, тараққиёт босқичларига олиб чиққан, руҳий такомилга бошлаган, тафаккур гулшанининг дарвозаларини очган сеҳрли бир жилодир. Шу боис халқимиз тилга, хусусан, ўзининг она тилига доимо муҳаббат билан қараган, уни эъзозлаб ардоқлаган, ўзбек тилининг мукамаллиги ва бетакрор оҳанглиридан фахру ифтихор туйган [2, 5-б.].

«Давлат тили тўғрисида»ги қонуннинг 20-моддасидаги «лавҳалар, эълонлар, нархномалар ва бошқа кўргазмали ҳамда оғзаки ахборот матнлари давлат тилида расмийлаштирилади ва эълон қилинади ҳамда бошқа тилларда таржимаси берилиши мумкин» деган нормада ўзини ҳурмат қилган инсон она тилини ҳам ҳурмат қилиши кераклиги таъкидланган.

Шу кунларда бино ва иншоотларнинг ташқи ёзувлари (реклама, эълон, пешлавҳалар) да кирилл ёзувидаги матн сўзларининг бири ўзбекча бўлса, иккинчиси русча, лотин ёзувига асосланган алифбода ёзилган сўзларнинг бири ўзбекча бўлса, иккинчиси инглизча, баъзилари эса лотин ёзувида ҳам русча ифода этилган. Бундай реклама ёки эълон нима англатишини ҳам тушуниш қийин. Бу каби мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Ижтимоий ҳаёт, теварак-атрофимиздаги воқеликнинг лисоний ифодаси барчага тушунарли бўлса яхши эмасми? Зеро, ўзбек тили ниҳоятда бой, юксак маъно ва мазмунга, чуқур моҳиятга эга. Демак, ҳар қандай воқеликни ифодалаш учун сўзлар, бирикмалар, ифодалар етарли. Сўзлар — ўзликнинг ифодаси [2, 5-б.]. Тилимизнинг софлиги, нутқимизнинг ёқимли ва бежирим, тушунарли ва аниқ бўлиши эса ўз она тилимизга бўлган ҳурмат-эътибор, унга садоқатдан далолат беради.

Улуғ ўзбек мутафаккир олими, ўрта асрнинг буюк даҳоларидан, ўз замонасининг ҳамма фанларини пухта эгаллаган Абу Райҳон Муҳаммад ибн Аҳмад Беруний (973–1048) сўз — табиат яратган мўъжиза, уни тўғри ёзиш, тўғри талаффуз қилиш ва ундан яхшилик учун фойдаланиш доно инсоннинг иши эканлигини таъкидлаган. Ҳазрат Алишер Навоий эса бундай деганлар:

Сўз келиб аввалу жаҳон сўнгра,  
Не жаҳон, кавн ила макон сўнгра,  
Чунки мавжуд бўлса нуктаи «кун»,  
Бўлди мавжуд тоза, йўкса кукун [4].

---

---

Яъни, аввало Сўз, яъни Аллоҳнинг «бўл» деган нидоси келган ва майда зарралар олампидан янги Олам яралган. Агар шу илоҳий сўз келмаганида олам куқунлигича қолган бўларди [5, 152-б.].

Буюк мутафаккир, форс ва араб тилларини турк тили сингари мукамал билган донишманд, сўз мулкининг султони Алишер Навоий «Муҳокамат ул-луғатайн» асарида туркий (ўзбек) тили сўз қўллаш борасида бошқа тиллардан беқиёс устунлигини кенг ёритиб берган. Она тилига муҳаббат, унинг беқиёс бойлиги ва буюклигини англаш туйғуси ҳам бизнинг онгу шууримиз, юрагимизга энг аввал Навоий асарлари билан кириб келади [6, 176-б.].

«Кимки одамлардан ҳаё қилмаса, у Тангридан ҳам уялмайди» дейилади муқаддас ҳадисларимиздан бирида. Ориятли, андишали, камтар-камсуқум инсонга нисбатан атрофдагиларнинг ҳурмати ўзгача бўлади. Бундай кишилар ўз ахлоқ-одоби, ширин муомаласи билан жамият эътирофини қозонади...

Маълумки, ҳар бир миллат тилида мавжуд сўзлар ўша миллат тилининг луғавий бойлиги саналади, бундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, ҳар бир нутқ иштирокчисининг билган сўзлари унинг шахсий сўз бойлигидир [7, 84-б.]. Нутқ иштирокчиси сўз бойлигининг даражасини (бой ёки чекланган, ночор эканлигини) эса унинг ўз фикрини аниқ ва осон ёки наридан бери билдиргани ёхуд ёзганидан билиш мумкин. Масаланинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, она тилига ҳурмат ҳар бир сўзнинг ўз ўрнида тўғри қўлланишини талаб қилади. «Давлат тили тўғрисида»ги қонун тилга, нутққа, сўзга бефарқ, лоқайд бўлишга, нутқда сўзни нотўғри ёки хато қўллашга йўл қўймайди.

Бугун жамиятимизда, айниқса, айрим «замонавий» ёшларимиз орасида она тилимизнинг ана шундай гўзалликларини илғай олмай, унга беписанд муносабатда бўлиш ҳоллари учраб турибди. Шу боис ижтимоий тармоқларда ҳам тил ва имло мактаблари ташкил қилинса, тилимизнинг қиймати, софлиги, адабийлиги оғзаки суҳбатлашув жараёнларида ҳам ўз ўрнини топган бўларди.

«Афсуски, бугун телевидение орқали берилаётган баъзи клипларни оила, фарзандлар даврасида томоша қилиб бўлмай қолди. Ҳар бир ҳаракатида Ғарбга тақлид сезилиб турадиган, очик-сочик кийинган ёшларни кўриб, наҳотки шулар ҳам бизнинг фарзандларимиз, бизнинг миллатимиз вакиллари бўлса, деб ўйлаб қоласан киши» [8].

Телевидениеда баъзи ёшлар томонидан ашула дейилувчи, тушунарсиз, аралаш (ўзак — ўзбекча, қолгани — бошқа тилга мансуб) сўз ва бирикмаларнинг саёз ифодаланиши ачинарли ва фожиали ҳолдир. Чунки бу миллионлар аудиториясига салбий таъсир қилади.

Нутқнинг барча шаклларида, сўзлашув ва ёзишмаларда тилимизни кўз қорачиғидек асраб-авайлашимиз, унинг имкониятларидан тўғри фойдаланишимиз лозим. Бунинг учун эса нутқ соҳибининг билим савияси, маданияти, маънавияти юксак бўлиши муҳим. Она тилини пухта эгаллаш, унинг луғавий ва услубий имкониятларидан оқилона фойдаланиш оиладан бошланади.

Мулоқот муҳитининг кўп жиҳатлари ота-онанинг оиладаги муомала одоби даражаси билан бевосита боғлиқ. Уларнинг қайси тилдан фойдаланиши, қайси миллатга мансублиги ҳамда лисоний ҳодисаларга муносабатлари ҳам муҳим. Оиладаги мулоқот кўпинча сўзлашув услубига хос бўлади.

Таъкидлаш жоизки, сўзлашув услубига оид сўз ва иборалардан фойдаланиш боланинг сўз бойлигига акс таъсир этиши эҳтимолдан холи эмас. Оилада тил муҳитининг шаклланишида қатор омиллар ва шарт-шароитлар бор. Албатта, улардан тўғри ва оқилона фойдалана олиш масаласи катталарга, уларнинг билим даражаси,



---

---

савияси, иқтидорига боғлиқ. Оила бошлиқларининг қайси газета-журналларни ўқиб бориши ҳам оила аъзоларининг мутолаа даражаси ва турига бевосита таъсир этади. Оила кутубхонаси ҳам тил билиш ва уни тўғри қўллаш даражасини белгилайдиган омиллардан биридир. Кутубхонада мавжуд бадиий адабиёт, луғат ва энциклопедиялар, турли маълумотномалардан фойдаланиш, аввало, билимимиз, дунёқарашимизни, сўз бойлигимизни оширади.

Ҳозирги вақтда кўпгина оилаларда вақтли матбуот нашрларига обуна бўлиш, оилавий газетхонлик масалаларига эътибор берилмаяпти. Аслида, оммавий ахборот воситалари, ён-атрофдагилар нутқ иштирокчисининг тил билиш ва қўллаш даражасига у ёки бу маънода туртки бўлиши мумкин. Тил ижтимоий ҳодиса сифатида доимо ўсиш, ривожланишда бўлади. Бошқа тиллардан сўз ўзлаштириш ҳодисаси кўп учрайди. Шу ўринда тилнинг софлиги масаласидан келиб чиқадиган бўлсак, оила бошлиқлари аввало ўз нутқига, ундан кейин фарзандлари нутқига, унинг софлиги масаласига жиддий эътибор қаратишлари керак. Акс ҳолда, боланинг нутқида лисоний камчиликлар ўз она тилига беписандликни келтириб чиқариши мумкин.

Фикримизча, тил билиш ва сўзлаш қобилияти, лисоний тафаккур, муомала одоби оилада шаклланади. Тилнинг шаклланиши, вужудга келиши минг-минг йиллик тарихга бориб тақалади. Тилнинг тақдири, унинг яшаши ва ривожланиши фақат шу тилда сўзлашувчи жамият ва унинг аъзоларига боғлиқ.

Кейинги босқичда оммавий ахборот воситалари ҳамда ижтимоий тармоқларда тил ва имло масаласига жиддий эътибор қаратилиши муҳим.

Қолаверса, нутқ маданияти ва сўз бойлигининг манбаи бадиий адабиёт эканлигини унутмаган ҳолда нутқнинг барча шакллари пухта эгаллаш ва амалда саводли қўллаш зарур. Шунингдек, фарзандларимизга сўзлашув одоби, китоб мутолааси, луғатлардан фойдаланиш борасида узлуксиз сабоқ бериб, маънавий дунёимизни бойитиб боришимиз давр талабидир.

Маълумки, дунё тилларининг фақат 200 тасигина давлат тили мақомига эришган. Она тилида сўзлашувчи ҳар бир шахс, ким бўлишидан қатъи назар, саводхон бўлиши, илмий атамаларни ишлатишда қонун нормаларига қатъий риоя қилиши лозим. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг халқимиз ижтимоий ҳаётидаги, шунингдек халқаро миқёсдаги обрў-эътиборини, нуфузини ошириш орқали, ёш авлодни ватанпарварлик, миллий анъаналаримиз, урф-одатларимиз ва қадриятларимизга садоқат руҳида тарбиялаш, аждодларимиз мероси орқали уларнинг маънавиятини юксалтиришга барчамиз бирдек масъулмиз.

## Фойдаланилган адабиётлар

1. *Каримов И. А.* Ўзбекистон: Миллий истиклол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т. 1. — Т., 1996.
2. *Маҳмудов Н.* Ўзбек тилида иш юритиш. — Т., 1990.
3. *Тоҳир Малик.* Одамийлик мулки (Ахлоқ китоби). — Т.: Шарқ, 2019.
4. URL: [http://navoi.natlib.uz:8101/uzb/xamsa\\_sabai\\_sayyor\\_uninchi\\_tom/1\\_10/](http://navoi.natlib.uz:8101/uzb/xamsa_sabai_sayyor_uninchi_tom/1_10/)
5. *Эркин Воҳидов.* Сўз латофати. — Т.: Ўзбекистон, 2014.
6. *Каримов И. А.* Юксак маънавият — енгилмас куч. — Т.: Маънавият, 2008.
7. *Маҳмуд Асъад Жўшон.* Ўқув ва ёзув малакаси. — Т., 2010.
8. «Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш — халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир»: Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 3 август куни Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувдаги маърузаси // Халқ сўзи. — 2017. — 4 авг.



*Ш. Қ. Атаев\**

## ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ МАЪМУРИЙ-ХУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ УСУЛЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИХАТЛАРИ

**Аннотация.** Мақолада ҳозирги вақтда тадбиркорлик фаолиятини маъмурий-ҳуқуқий тартибга солиш хусусиятлари, шунингдек тадбиркорлик фаолиятини маъмурий-ҳуқуқий тартибга солиш усулларининг бошқа хусусий-ҳуқуқий тартибга солиш усулларидан фарқли жиҳатлари таҳлил қилинган.

**Таянч сўзлар:** тадбиркорлик фаолияти, тадбиркорлик субъектлари, диспозитив, авторитар, либераллаштириш, антимонопол, глобал инқироз, оммавий ҳуқуқ, бюрократик, лицензия, диспозитив, императив.

## ОСОБЕННОСТИ АДМИНИСТРАТИВНОГО РЕГУЛИРОВАНИЯ ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ

**Аннотация.** В статье анализируются особенности административного регулирования предпринимательской деятельности в современных условиях, а также отличия методов административно-правового регулирования предпринимательской деятельности от других методов частноправового регулирования.

**Ключевые слова:** хозяйственная деятельность, субъекты хозяйствования, диспозитивный, автономный, авторитарный, либерализация, антимонопольный, глобальный кризис, публичное право, бюрократический, лицензионный, диспозитивный, императивный.

## FEATURES OF ADMINISTRATIVE REGULATION OF ENTREPRENEURIAL ACTIVITIES

**Annotation.** The article analyzes the features of administrative regulation of entrepreneurial activity in modern conditions, as well as the differences between methods of administrative and legal regulation of entrepreneurial activity from other methods of private law regulation.

**Keywords:** economic activity, business entities, dispositive, autonomous, authoritarian, liberalization, antimonopoly, global crisis, public law, bureaucratic, licensing, dispositive, imperative.

Маълумки, тадбиркорлик фаолияти давлат томонидан турли воситалар билан тартибга солинади ва бошқарилади. Мазкур ҳолатга умумҳуқуқ назариясига оид адабиётларда — давлатнинг иқтисодий функцияси [9], [14], маъмурий-ҳуқуқий адабиётларда эса ижроия ҳокимият органлари томонидан амалга ошириладиган давлат бошқарувининг предмети [1], [3], иқтисодий адабиётларда эса иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг асосий йўналишларидан бири [4], [20], [23] сифатида қаралади.

Давлатнинг иқтисодий функцияси мамлакатда иқтисодиётни ривожлантириш борасида асосий йўналишларни ишлаб чиқиш, бошқариб туриш ҳамда тартибга

---

\**Атаев Шоқир Қуранбоевич, Урганч давлат университети миллий гоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими кафедраси катта ўқитувчиси.*

---

---

солиш, бундан ташқари, давлат бюджетини шакллантириш, жамиятнинг иқтисодий ривожланиш стратегиясини аниқлаш, турли хил мулк шаклларининг тенг шароитда амал қилишини таъминлаш, тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашдан иборат [13; 14-б.].

Иқтисодий адабиётларда иқтисодиёт давлат томонидан иқтисодий, ҳуқуқий (маъмурий) ва молиявий усуллар орқали тартибга солиниши таъкидланади. Масалан, Қ. Муфтайдинов бозор иқтисодиётининг объектив иқтисодий қонунлар ҳамда мамлакат парламенти томонидан қабул қилинадиган иқтисодий-ҳуқуқий қонунлар билан тартибга солиниши ҳақида тўхталар экан, объектив иқтисодий қонунларга қиймат қонуни, талаб ва таклиф қонуни, пул муомаласи кабиларни мисол келтирса [12, 34-б.], Н. Бекназов бу борада бевосита, яъни иқтисодий усуллар сифатида солиқ сиёсати, даромад ва ресурсларни қайта тақсимлаш, нарх сиёсати, давлатнинг тадбиркорлик фаолияти, молия-кредит механизми, божхона сиёсати ва бошқаларни, билвосита, яъни маъмурий усуллар сифатида айрим соҳалар устидан давлат монополиясини ўрнатиш, сертификатлаш, стандартлаш, метрология, ижтимоий сиёсатларни назарда тутати [4, 387-б.]. С. Н. Шишкин эса иқтисодиётни давлат томонидан тадбиркорлик-ҳуқуқий тартибга солишни ташкилий, ҳуқуқий ва иқтисодий шаклларга ажратади [19, 9 ва 19-бб.]. В. С. Белих ҳам юқоридаги муаллифларга ҳамоҳанг равишда тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш усулларини қуйидаги икки асосий усул: иерархик (маъмурий) ва товар-пул (иқтисодий) усулларига ажратади [5, 9-б.]. С. П. Мороз эса ушбу усулларнинг бевосита ва билвосита турларини фарқлайди [11; 100-б.]. Бироқ, таъкидлаш жоизки, иқтисодий усуллар ҳам, аслида, ҳуқуқ нормалари орқали амалга оширилади. Шу сабабли мазкур усулларни шартли равишда «маъмурий-иқтисодий» усуллар деб аташ мақсадга мувофиқ.

Украина Хўжалик кодексининг 12-моддасида хўжалик фаолиятини (шу жумладан, тадбиркорлик фаолиятини — *А. III.*) давлат томонидан тартибга солишнинг асосий воситалари сифатида маъмурий ва иқтисодий усуллар (давлат бунортмаси, лицензиялаш, патентлаш ва квоталаш, сертификациялаш ва стандартлаштириш, норматив ва лимитлар қўллаш, нарх ва тарифларни тартибга солиш, инвестициявий, солиқ ва бошқа имтиёзлар бериш, дотациялар компенсациялар, мақсадли инновациялар ва субсидиялар) бир-биридан ажратилмаган ҳолда берилган [8]. Мазкур ҳолатни МДҲга аъзо бошқа мамлакатлар қонунчилигида ҳам кузатиш мумкин. Хусусан, Озарбайжон Республикасининг «Тадбиркорлик фаолияти тўғрисида»ги қонунда тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш усуллари сифатида тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, тартибга солиш, тадбиркорлик фаолият соҳасида махсус рухсат бериш (лицензиялаш)ни амалга ошириш, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини давлат томонидан ҳимоя қилиш, тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш ва тадбиркорларнинг жавобгарлиги [8] кабилар назарда тутилган. Қозоғистон Республикаси Тадбиркорлик кодексининг 81-моддасида эса тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш усуллари (шакллари) сифатида тадбиркорлик субъектлари, маҳсулотлар ва тадбиркорлик процессига қонун ҳужжатларига биноан талаблар ўрнатиш, тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, улар фаолиятининг (иш-ҳаракатининг) алоҳида турларини амалга оширишда рухсат бериш ёки хабардор қилиш тартиби, техник жиҳатдан тартибга солиш, нарх ва тарифларни давлат томонидан тартибга солиш, қонун ҳужжатларига биноан тадбиркорлик

---

---

субъектларининг фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш, давлат назорати (контроли), рақобатни ҳимоя қилиш ва монополистик фаолиятни чеклаш, давлат буюртмаси, қонун ҳужжатларига биноан тадбиркорлик субъектлари ва давлат органлари мансабдор шахсларининг жавобгарлигига оид нормалар белгилаб қўйилган [2].

Иқтисодиётни (тадбиркорлик фаолиятини) давлат томонидан императив (маъмурий-ҳуқуқий) тартибга солишнинг норматив шаклда белгилаб қўйилишини ижобий тажриба сифатида қабул қилиш мумкин. Аммо бу тажрибани янада такомиллаштирган ҳолда мазкур усулларни маъмурий ва маъмурий-иқтисодий усулларга ажратиб, белгилаб қўйиш тадбиркорлик фаолиятининг самарали ҳуқуқий тартибга солинишига хизмат қилади.

Давлат томонидан тадбиркорлик фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш ва бошқаришда ҳуқуқий тартибга солишнинг маъмурий-ҳуқуқий усуллари кенг фойдаланилади. Бу борада Ф. А. Примов: «Давлат иқтисодиётни ривожлантиришнинг истикболли стратегиясини белгилаш ва амалга ошириш, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, соғлом рақобатни таъминлаш, жамоат тартиби ва хавфсизлигини сақлаш каби умумий манфаатлардан келиб чиқиб иқтисодиётга оммавий-ҳуқуқий таъсир этади. Шу жараёнда маъмурий-ҳуқуқий тартибга солиш усуллари кенг фойдаланилади» деб таъкидлайди [15, 71-б.].

Давлатнинг юқорида таъкидланган иқтисодий функцияси ҳам маъмурий давлат бошқаруви, маъмурий-ҳуқуқий тартибга солиш усуллари билан тўлиқ рўёбга чиқарилади.

Давлат бозор муносабатлари субъектларига иқтисодий эркинлик бериш билан бирга, улар риоя қилишлари керак бўлган қоидаларни белгилаб қўяди ва зарур ҳолларда ушбу қоидаларнинг бажарилишини таъминлайдиган мажбурий чора-тадбирларни ҳам қўллади [7, 61-б.].

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида «усул» сўзи «бирор нарсани юзага чиқариш, амалга ошириш йўли; ҳаракат тарзи, хили тартиби; йўл» [21; 303-б.] сифатида изоҳланган. Ҳ. Т. Одилқориев ҳуқуқий тартибга солиш усулини жамиятда мавжуд ижтимоий муносабатларга ҳуқуқ воситасида қўлланиладиган усул, восита ва йўллар мажмуи деб таърифлайди [14; 345–346-б.]. Ўзбекистон юридик энциклопедиясида ҳам шу мазмундаги фикр билдирилиб, ҳуқуқий тартибга солиш усули ҳуқуқ нормаларининг ижтимоий муносабатларга таъсир кўрсатиш усули [22; 654-б.] сифатида таърифланган.

Ҳ. Р. Раҳмонқулов методни муайян ижтимоий соҳада қўлланиладиган юридик усуллар йиғиндиси, юридик таъсир воситаларини қўллашни ифодаловчи тартиб ва қоидалар сифатида изоҳлаб, давлат органларининг ижро этувчи ва фармойиш берувчи фаолияти соҳасида ўрнатиладиган, бир тарафнинг иккинчи тарафга бўйсунушига асосланган муносабатлар маъмурий ҳуқуқ методи билан тартибга солинишини таъкидлаган [16; 42–43-б.].

З. М. Исломовнинг фикрича, ҳуқуқий тартибга солиш кишилар хулқ-атворида юридик таъсир кўрсатишнинг узоқ муддат давомида инсоний мулоқот натижасида ишлаб чиқилган усуллари мажмуидир. У амрона буйруқ методи ёки авторитар метод ҳамда диспозитив ёки автоном методлардан иборат бўлиб, авторитар методнинг моҳияти ҳуқуқий муносабатлар иштирокчилари хатти-ҳаракатларининг «қатъий» чегаралаб қўйилишида, улар мақомининг «тенгсизлиги»да, субъектив ҳуқуқ ва юридик мажбуриятлар соҳиблари ўртасидаги алоқалар билан тавсифланадиган ҳокимлик

---

---

ва тобелик муносабатларида намоён бўлади. Тартибга солишнинг мазкур методи маъмурий ҳуқуқ, жиноят ҳуқуқи, давлат ҳуқуқига хосдир [9; 669-б.].

Ҳуқуқий тартибга солиш усулларини оммавий ва хусусий-ҳуқуқий тартибга солиш усулларига ажратиш Рим ҳуқуқидан келиб чиққан бўлиб, анъанавий тарзда ҳозирги вақтда ҳам худди шу маънода эътироф этилади ҳамда ҳуқуқни тегишли соҳаларга ажратишнинг асосий мезонларидан бири сифатида тушунилади. Бу борадаги барча адабиётларда маъмурий-ҳуқуқий тартибга солиш усуллари оммавий (авторитар) тартибга солиниши билан тавсифланади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, *маъмурий-ҳуқуқий тартибга солиш* умумҳуқуқий тартибга солишнинг бир тури бўлиб, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини маъмурий-ҳуқуқий тартибга солиш усуллари тадбиркорлик фаолиятини ижроия ҳокимият органлари томонидан тартибга солиш ва бошқариш учун қўлланиладиган императив ҳуқуқий таъсир этиш усуллари ҳисобланади.

Ф. А. Примовнинг таъкидлашича, тадбиркорлик фаолиятини маъмурий-ҳуқуқий тартибга солиш усулларининг бошқа хусусий-ҳуқуқий тартибга солиш усулларидан фарқли жиҳатлари қуйидагиларда намоён бўлади: 1) бажарилиши мажбурий бўлган маъмурий-ҳуқуқий нормаларда ифодаланади; 2) ҳуқуқий муносабат иштирокчиларига ўз ҳаракатларининг муқобил вариантларини танлаш имконини бермайди; 3) ижроия ҳокимият органларининг бошқарув фаолиятида амалга оширилади; 4) давлат томонидан давлат ва жамиятнинг умум манфаатларини рўёбга чиқариш учун қўлланилади; 5) тадбиркорлик субъектлари томонидан амал қилиши лозим бўлган мажбурий тартибот ва шартлар бажарилмаса, тадбиркорлик субъектларига тегишли чоралар кўрилади ёки уларнинг давлат рўйхатидан ўтказиш ва рухсат беришга оид бошқа муносабатлари рад этилади [15; 71–72-б.]. Бироқ ушбу муаллифнинг фикрига тўлиқ қўшилиб бўлмайди. Чунки тадбиркорлик фаолиятини маъмурий-ҳуқуқий тартибга солиш усулларининг яна бир хусусияти сифатида иқтисодий фаолият (ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва ишларни бажариш)га бевосита ёки билвосита таъсир этишини ҳам келтириб ўтиш жоиз.

Ф. А. Примов тадбиркорлик фаолиятини маъмурий-ҳуқуқий тартибга солиш усуллари сифатида қуйидагиларни кўрсатиб ўтади: 1) давлат рўйхатидан ўтказиш тартибларини белгилаш; 2) лицензиялаш ва рухсат бериш тартибларини белгилаш; 3) муайян мулкларга эгаллик қилиш, хизмат кўрсатиш ва иқтисодий фаолият юритиш учун фақатгина давлатга ёки давлат томонидан белгиланган субъектларга ваколат берилиши; 4) тадбиркорлик субъектлари фаолиятини назорат қилиш; 5) бажарилиши мажбурий бўлган савдо ва хизмат кўрсатиш қоидалари; 6) тақдим этилиши лозим бўлган солиқ, молиявий ва бошқа ҳисоботлар; 7) белгиланган миқдордаги нақд пул тушумининг мажбурий инкассация қилиниши; 8) антимонопол чоралар; 9) мажбурий маъмурий-ҳуқуқий шартномалар [15; 71–76-б.].

Фикримизча, мазкур муаллиф илгари сураётган тақдим этилиши лозим бўлган солиқ, молиявий ва бошқа ҳисоботлар ва белгиланган миқдордаги нақд пул тушумининг мажбурий инкассация қилиниши тадбиркорлик фаолиятини маъмурий-ҳуқуқий тартибга солиш усули ҳисобланмайди. Чунки солиқ, молиявий ва бошқа ҳисоботлар тақдим этиш ва белгиланган миқдордаги нақд пул тушумининг мажбурий инкассация қилиниши молия ҳуқуқининг предметиға киради.

Шунингдек, давлат рўйхатидан ўтказиш тартиблари билан бирга давлат рўйхатидан қайта ўтказиш ёки давлат рўйхатидан чиқаришни ҳамда махсус оммавий-ҳуқуқий



---

---

режимнинг жорий этилишини ҳам тадбиркорлик фаолиятини маъмурий-ҳуқуқий тартибга солиш усули сифатида кўриб чиқиш лозим.

Шундай қилиб, *тадбиркорлик фаолиятини маъмурий-ҳуқуқий тартибга солиш усуллари* қуйидагилардан иборат:

— давлат рўйхатидан ўтказиш (шу жумладан қайта рўйхатдан ўтказиш, давлат рўйхатидан чиқариш);

— лицензиялаш ва рухсат бериш тартибларини белгилаш;

— муайян мулкларга эгалик қилиш, хизмат кўрсатиш ва иқтисодий фаолият юритиш учун фақатгина давлатга ёки давлат томонидан белгиланган субъектларга ваколат берилиши;

— тадбиркорлик субъектлари фаолиятини назорат қилиш;

— бажарилиши мажбурий бўлган савдо ва хизмат кўрсатиш қоидалари;

— антимонопол чоралар;

— мажбурий маъмурий-ҳуқуқий шартномалар;

— махсус оммавий-ҳуқуқий режимнинг жорий этилиши.

Таъкидлаш жоизки, тадбиркорлик фаолиятини маъмурий-ҳуқуқий тартибга солиш усуллари ҳар доим ҳам соф маъмурий-ҳуқуқий хусусиятга эга бўлмайди. Улар муайян ҳолатларда комплекс ҳуқуқий хусусиятга ҳам эга бўлиши мумкин. Масалан, давлат рўйхатидан ўтказиш (шу жумладан қайта рўйхатдан ўтказиш, давлат рўйхатидан чиқариш) айна вақтда фуқаролик ҳуқуқи ва молия ҳуқуқи нормалари билан ҳам тартибга солинади.

***Давлат рўйхатидан ўтказиш тартибларини белгилаш.*** Таъкидлаш жоизки, тадбиркорлик субъектлари фуқаролик ҳуқуқи, хўжалик ҳуқуқи, молия ҳуқуқи, божхона ҳуқуқи, меҳнат ҳуқуқи, маъмурий ҳуқуқ каби ҳуқуқ соҳаларининг субъекти сифатида ижтимоий-иқтисодий муносабатлар тизимида ҳаракат қилади. Бироқ барча ҳолатларда ҳам тадбиркорлик субъекти расмий ҳуқуқ субъекти бўлиши учун белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтиши лозим. Тадбиркорлик субъектларининг давлат рўйхатидан ўтиш жараёни бирмунча мураккаб бўлиб, бунга тадбиркорлик фаолиятининг йўналишлари турли-туманлиги ва рўйхатга олишни амалга ошириш учун рухсат бериш тартиб-таомиллари билан параллел тарзда амалга оширилиши сабаб бўлади.

Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш жараёнида ижроия ҳокимият органи ва бўлғуси тадбиркор ўртасида маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар вужудга келади. Бунда бўлғуси тадбиркор шундай мақомга эга бўлиш учун давлат томонидан белгиланган шарт ва тартибларни рўйхатдан ўтказувчи ижроия ҳокимият органи олдида адо этиши лозим. Ана шундан кейингина у давлат рўйхатидан ўтказилади ва тадбиркор мақомига эга бўлади.

***Лицензиялаш ва рухсат бериш тартибларини белгилаш.*** Лицензиялаш ва рухсат бериш тартиблари тадбиркорлик субъектлари фаолиятини маъмурий-ҳуқуқий тартибга солишда кенг қўлланиладиган усуллардандир. Лицензиялаш, аслида, давлат хавфсизлиги ва мамлакат мудофаасини таъминлаш, фуқароларнинг саломатлиги ва маънавиятини, қонуний манфаатларини ҳамда ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишга йўналтирилган бўлиб, тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан тартибга солишнинг бир тури ҳисобланади [18, 24-б.].

***Муайян мулкларга эгалик қилиш, хизмат кўрсатиш ва иқтисодий фаолият юритиш учун фақат давлатга ёки давлат томонидан белгиланган субъектларга ваколат берилиши.*** Чунончи, Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тасарруфидан



---

---

чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги (1991 йил 19 ноябрь) қонунининг 4-моддасига биноан, хусусийлаштирилиши мумкин бўлмаган объектлар (давлат бюджетининг, валюта захирасининг, давлат мақсадли жамғармаларининг, республика Марказий банкининг маблағлари, шунингдек республиканинг олтин захираси, пул муомаласи бўйича хизмат кўрсатувчи давлат ташкилотлари, радиоактив моддаларни қазиб олиш, ишлаб чиқариш, ташиш, қайта ишлашни, радиоактив чиқиндиларни кўмиш, уран ва бошқа бўлинувчи материалларни, шунингдек улардан ясалган буюмларни реализация қилишни амалга оширувчи корхона ва объектлар, қурол-яроғ ва ўқ-дорилар, химоя воситалари, ҳарбий техника, эҳтиёт қисмлар ва ҳ.к.) белгилаб қўйилган бўлиб, ушбу объектлар тадбиркорлик фаолиятининг мулкӣ асоси бўла олмайди. Бундай ҳуқуқӣ қоидаларнинг белгиланишига сабаб юқорида айтилган объектларни хусусийлаштириш мақсадга мувофиқ эмаслигидир. Чунки давлат ушбу объектларга эгалик қилиш орқали ўзининг стратегик бошқарувини сақлаб қолади ва амалга оширади.

***Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш, табиий муҳитни муҳофаза этиш ва шу каби умум манфаатларини таъминлаш юзасидан бажарилиши ҳамда амал қилиниши лозим бўлган маълум тартиб ва қоидалар.*** Тадбиркорлик субъектлари ўзлари ишлаб чиқарган маҳсулот ва бажарадиган хизматлар ҳамда ишларнинг хавфсизлиги ва мақсадга мувофиқлигини таъминлашлари учун муайян мажбурий қоида ва тартиблар белгиланади. Бундай қоидалар «Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида»ги, «Стандартлаштириш тўғрисида»ги, «Метрология тўғрисида»ги, «Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида»ги, «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисида»ги, «Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида»ги, «Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида» қонунларда ҳам бор.

***Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини назорат қилиш.*** Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини қонунлар ҳамда ўз фаолиятини тартибга солувчи бошқа қонун ҳужжатлари қандай бажарилаётганлигини аниқлаш мақсадида текшириш, шу жумладан, тафтиш, назорат тартибида текшириш, статистик ва бошқа маълумотларни таҳлил қилиш ҳамда идора қарамоғидаги органларни текширувдан ўтказиш шаклида давлат томонидан назорат қилинади. С. В. Дробязко ҳам давлат назорати ва контролини яқка тартибдаги тадбиркорлик фаолиятини маъмурий-ҳуқуқӣ тартибга солиш усули сифатида [6, 19-б.], А. А. Спектор эса тадбиркорликни давлат томонидан контрол (назорат) қилишни иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш шакли ва давлат манфаатларини таъминлаш усули сифатида [17, 23-б.] тушунтиради, уни амалга ошириш предметига кўра товарлар ишлаб чиқариш, иш бажариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларидаги контрол турларига ажратади [17, 28-б.]. Бизнинг фикримизча, назорат қилишни яна бошқа мезонлар асосида (фаолият йўналишлари бўйича, амалга оширувчи субъектлар бўйича) ҳам таснифлаш мумкин.

***Бажарилиши мажбурий бўлган савдо ва хизмат кўрсатиш қоидалари.*** Савдо ва хизмат кўрсатиш қоидалари қуйидаги мезонлар асосида турларга бўлинади:

- 1) савдо ва хизмат ва кўрсатиш объекти;
- 2) савдо ва хизмат кўрсатиш вақти;
- 3) савдо ва хизмат кўрсатиш билан шуғулланувчи субъектлар бўйича.

Шунингдек, савдо ва хизмат кўрсатиш қоидалари бевосита *умумий савдо ва хизмат кўрсатиш қоидалари ҳамда махсус савдо ва хизмат кўрсатиш қоидаларига бўлинади.*

---

---

**Антимонопол чоралар.** Тадбиркорлик субъектларига бир хил имконият ва шарт-шароит яратиш, уларни инсофсиз рақобат, иқтисодий концентрация, камситувчи шартлар ва шу каби тенглигини бузувчи бошқа ҳолатлардан саклаш мақсадида, рақобат соҳасида маъмурий тартиб-қоидалар белгиланади. С. Н. Шишкин ҳам антимонопол тартибга солиш давлат томонидан иқтисодиётни тартибга солишнинг асосий шаклларида бири эканлигини таъкидлайди [19, 21-б.].

Бу борада К. Э. Мансуровнинг куйидаги фикри эътиборли: «Мамлакатимиз иқтисодиётида рақобатнинг ривожланиши уни ҳуқуқий тартибга солиш бугунги куннинг долзарб муаммоларидан биридир. Бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркорликни ривожлантириш ва субъектларнинг самарали фаолият кўрсатиши учун муайян ҳуқуқбузарликлар билан боғлиқ монополистик фаолият, инсофсиз рақобатни амалга оширишнинг олдини олишда иқтисодиётда монополлашув устидан назоратни таъминлашга қаратилган тадбирларнинг ўзи кифоя қилмайди. Шу муносабат билан, тадбиркорларга рақобатга бўлган ҳуқуқни тақдим қилувчи ва кафолатловчи, яъни рақобатчиликни амалга оширувчи қонунлар муҳим аҳамият касб этади» [10, 106-б.].

**Мажбурий маъмурий-ҳуқуқий шартномалар.** Бунда тадбиркорлик субъектлари ижроия ҳокимияти органлари билан қонун ҳужжатларида мажбурий шартномалар тузади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Биржадан ташқари валюта бозорини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2000 йил 24 июндаги 245-сон қарори билан тасдиқланган «Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан хорижий валютадаги тушумни мажбурий сотиш тартиби»га биноан, мулкчилик шаклларида қатъи назар, барча хўжалик юритувчи субъектлар (кейинги ўринларда корхоналар деб аталади) учун хорижий валютадаги тушумни мажбурий сотишнинг маъмурий тартиблари белгиланган. Шунингдек, амалдаги МЖТКнинг 171-моддасида валюта тушумининг бир қисмини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва миқдорларда мажбурий сотишдан бўйин товлаганлик учун маъмурий жавобгарлик белгилаб қўйилган.

**Махсус оммавий-ҳуқуқий режимнинг жорий этилиши.** Фавқулодда ҳолатлар, эпидемиялар, пандемиялар ва шу каби ҳолатларда жамоат тартиби ва хавфсизлиги, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, давлат ва жамият манфаатлари, қулай санитария-эпидемиологик муҳитни таъминлаш ва аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш каби масалалар юзасидан махсус ҳуқуқий режимнинг жорий этилиши ҳам тадбиркорлик фаолиятини маъмурий-ҳуқуқий тартибга солишни назарда тутаяди. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасига коронавируснинг янги тури кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш юзасидан чора-тадбирлар дастурини тайёрлаш бўйича республика махсус комиссиясини ташкил этиш тўғрисида»ги (2020 йил 29 январь) Ф-5537-сон Фармойишига асосан Ўзбекистон Республикасига коронавируснинг кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар дастурини тайёрлаш бўйича республика махсус комиссияси ташкил этилган бўлиб, ушбу комиссия қарорлари асосида республикамизда махсус оммавий-ҳуқуқий режим жорий этилди.

Шундай қилиб, тадбиркорлик фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишда маъмурий-ҳуқуқий тартибга солиш усуллари муҳим ўрин тутаяди ва улар иқтисодиётда оммавий манфаатларни ифодалашга хизмат қилади.

---

---

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. *Odilqoriyev H.T.* Ma'muriy huquq: Darslik / H.T. Odilqoriyev, I. Ismailov, N.T. Ismailov va boshq. — T., 2010. — 639 б.
2. URL: <http://www.zakon.kz>.
3. *Бахрах Д.Н.* Административное право: Учебник / Д. Н. Бахрах, Б. В. Россинский, Ю. Н. Стариков. — 3-е изд., перер. и доп. — М., 2008. — 816 с.
4. *Бекназов Н.* Иктисодиёт назарияси: Дарслик. — Т., 2005. — 460 б.
5. *Белых В.С.* Государственное регулирование предпринимательской деятельности в РФ // Российский юридический журнал. — 2007. — №1. — С. 39–47.
6. *Дробязко В.С.* Административно-правовой статус индивидуального предпринимателя: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. — Саратов, 2006. — 25 с.
7. *Ерназаров С.Е.* Бозор иктисодиётига ўтиш шароитида давлатнинг иктисодий вазифаларининг муаммолари: Иктисод фан. номз. ... дис. — Т., 1995. — 127 б.
8. Законодательство стран СНГ: База данных. — URL: <https://base.spinform.ru>
9. *Исламов З.М.* Давлат ва ҳуқуқ назарияси: Дарслик. — Т., 2007. — 921 б.
10. *Мансуров К.Э.* Рақобатни ҳуқуқий тартибга солиш — тадбиркорлик фаолиятини эркинлаштириш мезони сифатида // Ўзбекистонда тадбиркорлик ҳуқуқининг ривожланиши ва тадбиркорлик фаолиятини эркинлаштиришни ҳуқуқий таъминлаш масалалари: Илмий-амалий анжуман материаллари. — Т., 2008. — Б. 106–108.
11. *Мороз С.П.* Предпринимательское право Республики Казахстан: Курс лекций. — Алматы: КОУ, 2008. — 308 б.
12. *Муфтайдинов Қ.* Иктисодиётни эркинлаштириш шароитида тадбиркорликни ривожлантириш муаммолари: Иктисод фан. д-ри ... дис. — Андижон, 2004.
13. *Нажимов М.* Давлат функциялари: Ўқув қўлланма / М. Нажимов, Ш. Сайдуллаев. — Т., 2002. — 32 б.
14. *Одилқориев Х.Т.* Давлат ва ҳуқуқ назарияси: Дарслик / Х. Т. Одилқориев, И. Т. Тультеев, Н. П. Азизов. — Т., 2009. — 586 б.
15. *Примов Ф.А.* Тадбиркорлик фаолиятини маъмурий-ҳуқуқий тартибга солиш усуллари // Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ахборотномаси. — 2015. — № 2. — Б. 71–76.
16. *Раҳмонқулов Ҳ.Р.* Фуқаролик ҳуқуқи муаммолари (1-қисм): Дарслик. — Т., 2010. — Б. 42–43.
17. *Спектор А.А.* Предпринимательская деятельность как объект государственного контроля (надзора) (правовые аспекты): Автореф. дис. ... д-ра юрид. наук. — М., 2012. — 57 с.
18. *Умаров О.Қ.* Хўжалик ҳуқуқи: Ўқув қўлланма. — Фарғона, 2008. — 148 б.
19. *Шишкин С.Н.* Предпринимательско-правовые основы государственного регулирования экономики: Автореф. дис. ... д-ра юрид. наук. — М., 2012. — 53 с.
20. *Шодмонов Ш.Ш.* Иктисодиёт назарияси: Дарслик / Ш. Ш. Шодмонов, Р. Х. Алимов, Т. Т. Жўраев. — Т., 2002. — 363 б.
21. Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80 000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси / А. Мадвалиев таҳрири остида. — URL: [https://n.ziyouz.com/books/uzbek\\_tilining\\_izohli\\_lugati/O'zbek%20tilining%20izohli%20lug'ati%20-%20U.pdf](https://n.ziyouz.com/books/uzbek_tilining_izohli_lugati/O'zbek%20tilining%20izohli%20lug'ati%20-%20U.pdf)
22. Ўзбекистон юридик энциклопедияси / Нашр учун масъул Р.А. Муҳиддинов ва бошқ.; масъул муҳаррир Н. Тойчиев. — Т.: Адолат, 2009. — 704 б.
23. *Ўлмасов А.* Иктисодиёт назарияси: Дарслик / А. Ўлмасов, А. Ваҳобов. — Т., 2006.

## ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИНИ БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

**Аннотация.** Мақолада ички ишлар органлари ходимлари фаолиятини баҳолаш мезонларини такомиллаштириш масалалари ёритилиб, бу борада мавжуд муаммолар қайд этилган, илмий асосланган таклиф ва тавсиялар илгари сурилган.

**Таянч сўзлар:** ички ишлар органлари ходимлари, мезон, статистика, жиноят, жиноятни ҳисобдан яшириш, шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари, суриштирувчи, жамоатчилик.

## СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ КРИТЕРИЕВ ОЦЕНКИ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ СОТРУДНИКОВ ОРГАНОВ ВНУТРЕННИХ ДЕЛ

**Аннотация.** В статье освещены вопросы совершенствования критериев оценки деятельности сотрудников органов внутренних дел, отмечены существующие в связи с этим проблемы, выдвинуты научно обоснованные предложения и рекомендации.

**Ключевые слова:** сотрудники органов внутренних дел, критерий, статистика, преступление, сокрытие преступления от учета, права и свободы личности, дознаватель, общественность.

## IMPROVEMENT OF THE CRITERIA FOR EVALUATION OF THE ACTIVITIES OF OFFICERS OF THE ORGANS OF INTERNAL AFFAIRS

**Annotation.** The article highlights the issues of improving the criteria for evaluation the activities of employees of internal affairs bodies, notes the problems existing in this regard, put forward scientifically grounded proposals and recommendations

**Keywords:** officers of the internal affairs bodies, criterion, statistics, crime, concealment of crime from registration, rights and freedoms of the individual, interrogator, the public.

Маълумки, мамлакатдаги криминоген вазиятни ўта аниқликда белгилаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича амалдаги механизмларнинг долзарб муаммо ва камчиликларини аниқлаш, шунингдек уларни такомиллаштиришнинг ҳар томонлама ўйланган истиқболли йўналишларини ишлаб чиқиш имконини берувчи жиноят-ҳуқуқий статистикани юритиш ва жиноятларни таҳлил қилиш алоҳида аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жиноят-ҳуқуқий статистика тизимини тубдан такомиллаштириш ва жиноятларни тизимли таҳлил қилиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида[1], жиноятчилик ҳолати статистикасини юритиш соҳасида амалга оширилаётган ишларни ўрганиш натижасида тизимли таҳлил ва сифатли назоратни йўлга қўйиш, прокурор назоратини амалга оширишда маълумотларнинг аниқлиги, ишончлилиги ва янада малакали қайта ишлашни таъминловчи замонавий ахборот технологияларини жорий этиш орқали маълумотларни йиғиш ва қайта ишлаш бўйича амалдаги механизмларни такомиллаштириш зарурлиги қайд этилган.

\*Саидов Баҳром Анварович, ИИВ Академияси Илмий кенгаши котиби, юридик фанлар доктори, доцент.

---

---

Жиноят-ҳуқуқий статистика тизимини такомиллаштириш, жиноятлар ҳисобини юритишнинг шаффофлигини таъминлаш, шунингдек уларнинг содир этилиш сабабларини мақсадли таҳлил қилиш орқали жиноятчиликка қарши курашиш самарадорлигини ошириш мақсадида, 2018 йил 1 декабрдан бошлаб жиноятлар, уларни содир этган шахслар ва жиноят ишлари ҳаракатланишининг ягона ҳисоби Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси томонидан амалга оширилиши белгиланди.

Жиноят процессида одил судлов жиноятни рўйхатга олишдан эмас, балки уни содир этиш пайтидан бошланади, деган назария мавжуд. Сўнгги вақтларда ҳуқуқшунос олим ва амалиётчилар томонидан адолатли таъкидланаётганидек, айти вақтда жиноятчиликнинг ҳолати тўғрисидаги ҳақиқий статистикани шакллантириш муаммосининг долзарблиги сезиларли даражада ошди.

Чунончи, ҳозирги вақтда жиноят статистикасининг ягона ва шаффоф тизимини яратиш зарурати юзага келмоқда. Мазкур тизимнинг объектив шаклланиши учун, энг аввало, ички ишлар органларидаги жиноят ишини юритишга масъул бўлган мансабдор шахсларнинг ишига фақат статистикага асосланган ҳолда баҳо беришдек эски сарқитдан халос бўлиш керак. Зотан, жиноят ишлари бўйича юритилаётган амалдаги статистика бир ёқлама бўлиб, уни ўзгартиришнинг иложи бўлмайдиган тизим ҳозирча мавжуд эмас.

Шу боис ҳар томонлама илмий тавсиялар ва математик методга асосланган, кенг қамровли, таҳлил қилиниши осон бўлган янги шаффоф электрон статистика шакли яратилиши лозим.

Математик метод воқеа ва ҳодисаларнинг белги, хусусият ва қонуниятларини аниқлаш ҳамда баҳолаш усули ҳисобланади. Бунда рақамли ҳисоб-китоб юритиш асосида маълумотлар тўпланани, таҳлил қилинади, баҳоланади ва мантиқий-илмий хулоса чиқарилади. Рақамли маълумотлар ҳуқуқбузарликларнинг ҳолати, динамикаси ҳамда ўсиш тенденцияларини объектив ифодалайди [2, 15-б.].

Чунончи, жиноят тўғрисидаги хабарни дастлабки текшириш босқичидаёқ шахсларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига риоя қилиш ҳамда уларни амалда таъминлаш мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотларининг муҳим шартларидан биридир.

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг «Ички ишлар органларида жиноят ва ҳодисаларга оид аризалар, хабарлар ҳамда бошқа маълумотларни қабул қилиш, рўйхатга олиш, кўриб чиқиш ва ҳисобини юритиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги (2016 йил 12 ноябрь) 180-сон буйруғи талабларига мувофиқ, ИИБда қуйидаги рўйхатга олиш ҳужжатлари: а) жиноятлар тўғрисидаги ариза ва хабарларни ҳисобга олиш 1-шакл китоби; б) ички ишлар органларига келиб тушган телефон, телефакс, телефонограмма, телеграмма, радиogramма шаклида ҳамда кўриқлаш ва ёнғин сигнализация ускуналарининг ишлаб кетиши ҳамда ҳодисалар ҳақидаги бошқа сигналларга оид маълумотларни ҳисобга олиш 2-шакл журнали; в) жиноят ва ҳодисалар рўйхатга олинганлиги тўғрисидаги билдирув-талони китобчаси; г) жиноят иши кўзғатишни рад қилиш қарори тўғрисидаги материалларни ҳисобга олиш журнали бўлиши лозим.

Лекин тадқиқот иши юзасидан ИИБлар фаолиятини ўрганиш давомида ҳозирги кунда жиноят ва ҳодисаларнинг рўйхатга олинганлиги тўғрисидаги билдирув-талони китобчаси юритилмаётгани маълум бўлди. Бу эса жиноятлар тўғрисида ариза билан мурожаат этган жабрланувчиларда аризаси ўрнатилган тартибда расмийлаштирилганлиги бўйича ишонч ҳосил қилинмаслигига ва уларнинг худди



---

---

шу мазмундаги ариза билан юқори инстанцияларга мурожаат этишига сабаб бўлмоқда.

«Ўрганишлар, жинойтлар амалда камаймаганлиги, аксинча, турли усуллар орқали ҳисобдан яшириб келинаётганлигини кўрсатди. Ички ишлар вазирлиги тизимида ҳозирга қадар жинойт ҳақидаги ариза ва хабарларни рўйхатга олиш бўйича ягона амалиёт шаклланмаган. Айрим ҳудудларда барча ариза ва хабарлар фақат «1-шакл» китобидан ўтказилаётган бўлса, баъзи ички ишлар органларида ушбу китоб билан бирга «2-шакл» китоби, ҳатто юритилиши бекор қилинган «Алфавит» китоби юритилиб келинмоқда» [3, 16-б.].

Маълумки, ички ишлар органларининг асосий вазифалари фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкани, конституциявий тузумни ҳимоя қилишдан, қонун устуворлигини, шахс, жамият ва давлатнинг ҳавфсизлигини таъминлашдан, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикасидан иборат [4].

Кейинги ўринларда эса жинойтларни фoш этиш, жинойт содир этган шахснинг айбини исботлаш, жабрланувчиларга етказилган зарарни қоплаш чораларини кўриш ва бошқалар ташкил этади. Шу боис ҳозирги кунда жинойтчиликнинг кўпайиши ёки камайиши ички ишлар органлари фаолиятига баҳо беришда асосий мезон бўлиб қолмоқда. Ўрганишлар шуни кўрсатдики, мазкур мезон юртимизда суд-ҳуқуқ тизимида олиб борилаётган кенг кўламли ислохотлар ҳамда ҳукуматимиз томонидан ички ишлар органлари фаолиятини янада самарали ташкил этиш бўйича белгилаб берилаётган талабларга мос келмайди.

Масалан, ички ишлар органи ходими ўз хизмат вазифасини тегишли даражада бажариб, ташаббус кўрсатиши натижасида очилган жинойт бевосита статистикада акс этиб, шу туман ёки шаҳарда содир этилган жинойтларнинг умумий кўрсаткичига таъсир этмоқда.

«Қайсики ҳудудда жинойтчилик даражаси катта бўлса, ўша ҳудуддаги раҳбарларга чора кўрилмоқда ва ёки аксинча. Айрим ҳудудларда бир йилда бирорта жинойт рўй бермагани ҳақида маълумотлар ҳам матбуотда кўз-кўз қилинмоқда. Аслида ҳам вазият чиндан ҳам яхши томонга ўзгарганми? Ундай дейиш жуда қийин. «Тоза» статистика ортидан кувиш — майда жинойт ва ҳуқуқбузарликларнинг қасддан қайд этилмаслигига олиб келмоқда. Ички ишлар идораларида ишловчи дўстларимизнинг айтишича, вазият шу даражага етганки, ўғирлик қилган, енгил ва оғир тан жароҳати етказилган ҳолатларда ушбу жинойтни қайд этиш, экспертизадан ўтиш учун йўлланма бериш ўрнига, ички ишлар органлари низолашаётган томонларни яраштириб қўйишга мажбур бўлишмоқда. Албатта, сих ҳам, кабоб ҳам куймайдиган бу шароитда коррупция учун ҳам кенг йўл очилади.

Бу билан кўзланган самарага эришиш мумкинми? Албатта, йўқ. Чунки жазо муқаррарлиги йўқолмоқда. Кичик жинойтлар учун ҳеч қандай жазога лойиқ кўрилмаслигини кўрган, сезган инсонлар ўша қилмишларини такрорламайди деб ўйлайсизми? Бундай адолатсизлик жамиятда норозилик уйғотади, ички ишлар органлари ходимларига нисбатан ишончсизликни вужудга келтиради, уларнинг обрўси пасайишига олиб келади.

Бинобарин, ҳар бир ножўя қилмиш учун қонунчиликда белгиланган тарзда суриштирув ўтказиб, жазо тайинлабгина адолат ўрнатиш, ички ишлар, прокуратура ва суд органлари обрўсини ҳам юксалтириш мумкин.

Бу ҳолни қуруқ статистикадан қочиб, фуқароларнинг ариза ва телефон орқали мурожаатларни фақат шаффоф равишда онлайн регистрация қилиб, прокуратура

---

---

назоратига олиб баргараф этиш керак. Бироқ, қонунчиликка риоя этилишини назорат қилиши лозим бўлган, жинойт ва ҳуқуқбузарликни қайд этишни яширганлик учун чора кўриши шарт бўлган прокуратура органлари ҳам жинойтчилик даражаси учун жавобгар этиб белгиланиши вазиятни янада оғирлаштиради» [5].

Ички ишлар органлари амалиётини ўрганиш жараёнида, шунингдек ходимлар билан ўтказилган кўплаб суҳбат, учрашув ва семинарларда иштирок этган ходимларда қуйидаги мазмундаги табиий савол туғилмоқда: «Мен ички ишлар органи ходими сифатида ташаббус кўрсатиб, хизмат вазифаларимга виждонан ёндашиб, ҳаётимни хавф остига қўйиб, қонунга хилоф равишда қуроли сақлаш, гиёҳвандлик, пора олиш ва бошқа шу каби хуфиёна жинойтларни фош этсам-да, лекин менинг бу ташаббусим, қўлга киритган бу натижага ўзим хизмат олиб бораётган туман ёки вилоят ички ишлар органи раҳбариятининг фаолияти салбий баҳолалишига «хизмат қилса», бу қанчалик тўғри бўлиб ҳисобланади?».

Мазкур ҳолатдан кўриниб турибдики, ички ишлар органлари ходимлари фаолиятини баҳолашнинг амалдаги мезонлари ходимнинг ташаббус кўрсатишига, унинг раҳбарият томонидан рағбатлантирилишига эмас, балки раҳбар-ходим ўртасидаги муносабатларнинг бузилишига сабаб бўлмоқда.

Шу боис ҳам, фикримизча, ходимлар меҳнатини баҳолашда ЖКда мавжуд 200дан ортиқ жинойт турларини, уларнинг мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб шартли равишда қуйидаги икки гуруҳга бўлиш мақсадга мувофиқ:

*биринчи гуруҳга* жабрланувчиларнинг аризаси орқали аниқланадиган жинойтлар (*ўғирлик, фирибгарлик, қасддан одам ўлдириш, жинсий эркинликка қарши жинойтлар, баданга оғир, ўртача оғир ёки енгил шикаст етказиш, безорилик ва ҳ.к.*);

*иккинчи гуруҳга*, бевосита ички ишлар органларининг ташаббуси билан аниқланадиган ва махсус тадбирлар ўтказиш орқали фош этиладиган жинойтлар (*пора бериш, пора олиш, ўқотар қуролларни қонунга хилоф равишда сақлаш, уларга эғалик қилиш, ҳужжатларни қалбакилаштириш ёки қалбаки ҳужжатлардан фойдаланиш, гиёҳвандлик ва ҳ.к.*).

Иккинчи гуруҳга киритилган жинойтни аниқлаган ва фош этган ходимнинг меҳнати рағбатлантирилиши лозим.

Фикримизча, *жинойт ишини юритишга масъул бўлган давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг фаолиятини баҳолашда жинойтчиликнинг кўпайиши ёки камайишига, яъни статистикага қараб баҳо беришдек эски мезонлардан воз кечиш мақсадга мувофиқ*. Мазкур иллат, ҳозирги вақтда жинойтдан жабр кўрган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари поймол этилишининг асосий сабабларидан бири бўлиб қолмоқда. Бундан ташқари, жинойтларни ҳисобга қўйишдан яшириш, шунингдек суриштирув ва тергов органлари фаолиятига оид аҳоли ўртасида шов-шувга сабаб бўлаётган воқеаларнинг асл негизида ҳам айнан ички ишлар органлари ходимларининг меҳнатига жинойтчилик статистикасига қараб баҳо беришдек эскича ёндашув ётибди.

Ушбу муаммога ўз вақтида етарли эътибор қаратилмаса, жинойт ишларини юритишда шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини поймол этиш ҳоллари давом этиши, шунингдек ички ишлар органлари ходимларида, айниқса профилактика, тезкор қидирув ва тергов органлари ходимларида жинойтчиликнинг олдини олиш ва фош этиш бўйича ташаббускорликнинг пасайиб кетишига олиб келиши мумкин.

Шу боис ходимлар фаолиятини баҳолашда мазкур эскича ёндашув тизимидан воз кечиш вақти келди. Янги Ўзбекистон учун жамиятнинг барча соҳалари сингари,

---

---

суриштирув ва тергов органлари фаолияти самарадорлигига баҳо бериш бўйича ҳам янги, замонавий мезонлар ишлаб чиқиш давр талабидир.

Фикримизча, бу борада энг тўғри ва адолатли баҳони халқ, жамоатчилик бера олади. Бунинг учун, аввало, жиноят содир этилишига йўл қўймаслик, содир этилган жиноятларни тез ва тўлиқ очиш, жабрланувчига етказилган зарарни ўз вақтида қоплаш, процесс иштирокчиларининг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, процессуал ҳаракатларни ривожланган демократик давлатлардаги сингари замонавий техник восита ва усуллар ёрдамида ўтказиш каби ижобий натижалар билан кенг жамоатчиликнинг ишончини оқлаш, эътирофига сазовор бўлиш мумкин.

Бу жараёнда оммавий ахборот воситалари ҳам муҳим роль ўйнайди. Шу боис ички ишлар органларининг раҳбар ходимлари ўзларининг йўналишлари бўйича амалга оширган ишлари ҳақида журналистлар билан матбуот анжуманлари, брифинглар ташкил этиб туришлари лозим. Айниқса, содир этилган оғир жиноятлар аҳоли ўртасида шов-шувга сабаб бўлиб, бу ҳақида ҳар-хил нотўғри маълумотлар, «миш-мишлар» тарқалиб бўлгач, ҳаммадан кейин эмас, балки матбуот хизматлари орқали тезкор маълумотларни, ҳодисаларнинг асл сабаб ва шароитлари ҳақидаги хабарларни ўз вақтида бериб бориш зарур.

Маълумки, ҳозирги вақтда ички ишлар органлари раҳбар ходимларининг ҳисоботларини уларнинг юқори турувчи органларида ҳар ярим йилда муҳокама қилиб бориш амалиёти мавжуд. Лекин бундай ҳисобот йиғилишлари одатда ёпик ҳолда ўтказилганлиги боис ҳар доим ҳам қутилган натижани бермайди.

Фикримизча, ички ишлар органларининг кичик ва ўрта таркибдаги раҳбар ходимлари юқори турувчи органлар билан бирга, халқ депутатлари туман (шаҳар) кенгашларида, кенг жамоатчилик олдида, оммавий ахборот воситалари иштирокида хизмат сири ҳисобланмаган маълумотлар бўйича баёнотлар бериб бориш тизимини жорий этиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бундан ташқари, ички ишлар органларидаги суриштирувчи ва терговчининг хизмат фаолиятига баҳо беришда ушбу ҳудудда фаолият юритаётган судьяларнинг фикри ҳам инобатга олиниши лозим.

Шу билан бирга, ҳудуддаги аҳоли ўртасида интернет орқали сўровнома ўтказиб, ички ишлар органлари фаолиятига баҳо беришда уларнинг фикрларини ҳам инобатга олиш ижобий натижа бериши мумкин. Бунинг учун уяли алоқа воситаси учун махсус илова ишлаб чиқиш ва ишга туширишнинг ўзи етарли бўлади.

Бу эса ички ишлар органларининг фаолияти устидан кенг жамоатчилик назорати ўрнатилишига хизмат қилади. Зеро, прокурорнинг мазкур органларда фаолият юритаётган кўп сонли ходимлар хатти-ҳаракатларини тўлиқ ва самарали назорат этиб бориши қийин. Баъзи ходимларнинг назоратсизлиги, билимсизлиги, масъулиятсизлиги, ҳаракатсизлиги ёки ғаразгўйлиги боис улардан жабр кўрган шахс кўпинча ана шундай ходимнинг ўзидангина эмас, балки бутун давлатдан норози бўлади, бундай шахсларда жамиятда амалга оширилаётган ислохотларга ишончсизлик пайдо бўлади. Натижада бундай ходимлар ички ишлар органларида кам сонли бўлса-да, уларнинг қилмиши кўпчилик инсонлар назарида барча пок ходимларнинг машаққатли меҳнатини пучга чиқаради.

Шу боис мазкур жараёнларга кенг жамоатчиликни жалб қилиш, бунинг учун эса Конституциянинг 121-моддаси асосида қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ёрдам бераётган шахсларнинг хавфсизлигини таъминлаш, керак бўлса, уларни рағбатлантириш йўллари излаб топиш мақсадга мувофиқ бўлади.

---

---

Конституция — бу Асосий қонун, бош қомус бўлиб, барча қонун ва қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар унга мос бўлиши шарт. Конституция нормаларининг мазмун-моҳияти ўзгартирилмаган ҳолда қонунчиликка сингдирилиши мумкин. Лекин давлат ва ҳуқуқ назариясининг бундай муҳим қондаси барча қонунларга ҳам тўғри татбиқ этилмаётганини кузатсак бўлади. Масалан, Конституциянинг 121-моддасида: *«Қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга жамоат ташкилотлари ва фуқаролар ёрдам кўрсатишлари мумкин»*, деб белгиланган. Асосий қонуннинг мазкур нормасини ЖПКнинг 21-моддаси (жиноят ишларини юритишда жамоатчиликнинг иштироки)га сингдиришда, *«Жиноят иши бўйича тергов олиб бориш ва ишни судда кўриш чоғида суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд жиноят содир этилган ҳолатларни аниқлаб олиш, айбдорларни қидириш ва фош этиш, адолатли ҳукм чиқариш, шунингдек жиноятнинг содир этилиши сабаблари ва унга имкон берган шароитларни аниқлаш учун ўз ваколатлари доирасида жамоатчилик ёрдамидан фойдаланишга ҳақлидир»*, деб қайд этилган. Бу ўринда ЖПКда мазкур норма белгиланишига асос бўлган Конституциянинг 121-моддасида белгилаб қўйилган норманинг мақсади ўзгариб кетган.

Фикримизча, ЖПКнинг 21-моддаси *«Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхона, муассаса ва ташкилотлар ушбу Кодексда белгиланган тартибда, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, шунингдек айбдорларни фош этиш, жиноятнинг сабаблари ва содир этилишига имкон берган шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этишда кўмаклашиш мақсадида жиноят ишини юритишда қатнашишига ҳақлидир»*, деб белгиланиши лозим.

## Фойдаланилган адабиётлар

1. «Жиноий-ҳуқуқий статистика тизимини тубдан такомиллаштириш ва жиноятларни тизимли таҳлил қилиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»: Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони. 2018 йил 31 октябрь, ПФ–5566-сон. — URL: <https://lex.uz>

2. *Турсунов А. С.* Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси: Дарслик. — Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2020.

3. *Мирахмедов Ж. М.* Ички ишлар органларида қонунлар ижроси устидан прокурор назорати // Ички ишлар органларида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини таъминлаш механизми: бугунги ҳолати ва истиқболлари: Респ. илмий-амалий конф. мат-ри (2020 йил 4 март). — Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2020.

4. «Ички ишлар органлари тўғрисида»: Ўзбекистон Республикасининг қонуни. 2016 йил 16 сентябрь, ЎРҚ–407-сон // Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўплам. — 2016. — № 38. — 438-модда.

5. «Тоза» статистика кетидан қувиш: бу жиноятчилик ва ажримлар сонини камайтиришда наф берадими? — URL: <https://kun.uz>. 31.12.2019.



## ИЧКИ ИШЛАР (ПОЛИЦИЯ) ОРГАНЛАРИДА ҲАҚ ЭВАЗИГА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ БЎЙИЧА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА

**Аннотация.** Мақолада бир қатор хорижий давлатларнинг ички ишлар органлари (полиция)нинг ҳуқуқни қўллаш амалиётида пулли хизмат кўрсатиш соҳасидаги иш тажрибаси, шунингдек цивилист олимларнинг ушбу соҳада шаклланган амалиётга доир қарашлари таҳлил этилган. Шу муносабат билан миллий қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш юзасидан таклифлар берилган.

**Таянч сўзлар:** хорижий давлатлар ички ишлар органлари, полиция, хизмат, пулли хизмат, пулли хизмат турлари, полиция, миллий қонунчиликка жорий этиш.

## ЗАРУБЕЖНЫЙ ОПЫТ ОКАЗАНИЯ ПЛАТНЫХ УСЛУГ ОРГАНАМИ ВНУТРЕННИХ ДЕЛ (ПОЛИЦИЕЙ)

**Аннотация.** В статье анализируется опыт ряда зарубежных стран по оказанию органами внутренних дел платных услуг в правоприменительной деятельности, а также различные точки зрения ученых-цивилистов на сложившуюся практику в данной сфере. В этой связи вносятся предложения по совершенствованию норм национального законодательства и правоприменительной практики.

**Ключевые слова:** органы внутренних дел, полиция зарубежных стран, услуга, платная услуга, виды платных услуг, имплементация в национальное законодательство.

## FOREIGN EXPERIENCE IN PROVIDING PAID SERVICES BY THE INTERNAL AFFAIRS (POLICE)

**Annotation.** The article analyzes the experience of developed countries in the participation of internal affairs bodies in the provision of paid services and law enforcement practice, as well as the views of civilist scientists, makes proposals for improving the norms of national legislation and law enforcement practice.

**Keywords:** service, paid service, types of paid services, police department, police of foreign countries.

Мамлакатимизнинг барча соҳаларида ижтимоий-иқтисодий ислохотлар амалга оширилаётган ҳозирги шароитда республикаимизнинг ўзига хос миллий хусусиятлари, халқимизнинг муносиб турмуш тарзи, ибратли урф-одатлари билан бир қаторда, иқтисодий жиҳатдан ривожланган давлатлар орттирган илғор тажрибаларни ўрганиш ҳам анъана тусига кирмоқда. Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. М. Мирзиёев таъкидлаганидек, «давлатимизнинг ташқи сиёсат соҳасидаги ёндашув ва позицияси жаҳондаги илғор тажрибаларни чуқур ўрганиш ва амалда жорий этиш олдимизда турган кенг кўламли вазифаларни муваффақиятли амалга оширишнинг муҳим шартларидан биридир» [4, 27-б.].

Зеро, ҳозирги кунда ҳар қандай давлатнинг миллий қонунчилигига халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этган нормаларини имплементация қилиш, халқаро доирада турли давлатлар ҳуқуқий тизимларини яқинлаштириш зарурлиги ҳақидаги масалани ҳам ўртага ташлайди [5, 20-б.]. Шу боис хизмат кўрсатиш соҳасида ривожланган давлатларнинг ички ишлар органлари (полиция) томонидан ҳақ эвазига

\*Маҳмудходжаева Умида Мўминовна, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси фуқаролик ҳуқуқи кафедраси ўқитувачиси.



---

---

кўрсатиладиган хизматларни фуқаролик-ҳуқуқий жиҳатдан таҳлил қилиш, уларда бу борада тўпланган ижобий тажрибаларни мамлакатимиз ички ишлар органлари қонунчилиги ва амалиётида ифодалаш орқали мазкур соҳанинг норматив-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш долзарб аҳамият касб этади.

Хусусан, **Канада** давлатида полиция томонидан аҳолига пулли хизмат кўрсатиш тизими Канада Полиция маълумотларини текшириш бўлими (Edmonton Police Service) томонидан амалга оширилади (*Изоҳ*: Эдмонтон полиция хизмати (ЭПХ) ҳаёт ва мулкни ҳимоя қилишни, жамоат хавфсизлигини таъминлашни жиноятларнинг олдини олиш ва аниқлашни, қонунга кўра жиноий бўлмаган хатти-ҳаракатларни тартибга солиш, жамоатчилик назорати, жабрланувчиларни қўллаб-қувватлаш, йўл ҳаракати хавфсизлиги, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва бошқа хизматларни тақдим этади) [11] ва бу борада қуйидагиларга оид аризаларни кўриб чиқади:

- Канада давлати ёки бошқа давлатдан бола асраб олиш;
- чегарани кесиб ўтиш, саёҳат, виза олиш;
- хусусий бизнес фаолиятини йўлга қўйиш ёки ишга кириш;
- иш визаси рухсатномасини олиш;
- исмни ўзгартириш;
- бошқа давлатга чиқиш учун тақиқни олиб ташлаш;
- талабаларни яшаш учун жойлаштириш;
- шахснинг ўз оила аъзоларини Канадага олиб келиши учун ҳомийлик қилиш;
- шахснинг судланганлиги ёки судланмаганлиги;
- хавфсизлик соқчилари, хусусий терговчи, чилангар олиш [7].

Шунингдек, Эдмонтон полиция хизмати турли мақсадлар учун фуқароларнинг бармоқ изларини олишга қаратилган хизматларни амалга оширади. Бунда маълумотларни текшириш бўлими рақамли ва сиёҳ излари хизматларини тақдим этади.

Рақамли бармоқ излари ариза берувчи, одатда, бирор мақсад учун жиноятга оид ёзувларни текширишни талаб этган тақдирда, мазкур хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга. Рақамли бармоқ излари Канада ташқарисидаги агентликларга юборилмайди. Сиёҳли бармоқ изларини текшириш хизматидан шахснинг чет давлатда судланганлигини текшириш учун фойдаланилади. Эдмонон полициясининг бармоқ излари билан боғлиқ хизматларида бир бармоқ изи учун 50 доллар миқдорда ҳақ тўлаш талаб этилади [7].

Мазкур маълумотлардан Канада давлати полиция хизматида аҳолига пулли хизмат кўрсатиш учун алоҳида тизим ташкил этилганлигини кўриш мумкин. Полиция тизимида пулли хизматларни ташкил этиш бир неча унсурлар билан боғлиқ. Буни С. С. Конюхов қуйидагича ифодалайди: «Ҳозирги шароитда ички ишлар идоралари олдида турган муаммоларни ҳал қилиш Ички ишлар вазирлиги муассасаларининг шартнома муносабатларига асосланган иқтисодий фаолиятда, шу жумладан даромад келтирадиган ишларда тобора фаол иштирок этишини тақозо этмоқда. Қонуний рухсат этилган бундай фаолият тизимга моддий ва техник таъминот, шунингдек бюджетдан ташқари қўшимча молиялаштириш масалаларини ҳал қилиш имконини беради [3, 15-б.]. Дарҳақиқат, бозор муносабатларининг ривожланиши шароитида ҳар қандай субъектлар каби ички ишлар органларининг ҳам молиявий-иқтисодий фаолиятини ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш соҳасида бир қатор янги муаммолар пайдо бўлиши табиий.

*Таъкидлаш жоизки, Канаданинг Оттава полицияси ҳам аҳолига сифатли хизмат кўрсатади. Бунинг учун у ходимларнинг воқеа пайтида иштирок этишларини*

---

---

*таъминлаш учун ишчи-хизматчиларни шартнома асосида вазифаларга жалб этади. Бундан ташқари, аҳолига ижтимоий тадбирларни ўтказишда ҳам пулли хизматлар тақдим этилади. Жумладан, Оттава шаҳрида фестиваль ва концертлар, фильмлар намойиши, тўй ва маросим, намойиш ва спорт тадбирларини ўтказиш, юкларни кузатиб боришда хавфсизликни шартнома асосида таъминлаш билан боғлиқ хизматлар кўрсатилади.*

Эътиборли жиҳати шундаки, агар мижоз воқеадан кейин 24 соат ичида тўловни бекор қилса, режалаштирилган барча ишларнинг камида 4 соати учун Оттава полицияси томонидан ҳақ олинади. Қолаверса, спиртли ичимликлар билан боғлиқ барча тадбирларда сержант иштироқи талаб қилинади. Полиция ходимларининг тадбирда тўловни қабул қилиши тақиқланади. Тўловни мижозлар олдиндан тўлаши ва бу, албатта, шаҳарнинг дебиторлик бошқармаси билан келишилган бўлиши керак. Иш вақтини узайтириш натижасида келиб чиқадиган ҳар қандай қўшимча тўлов ҳисоблаб чиқилганидан кейин мижоздан олинади. Полициянинг бир қатор функцияларни бажаришини таъминлаш учун дала полицияси ходимлари ҳам ёлланиши мумкин [12].

Таъкидлаш жоизки, ички ишлар органларининг бўлинмалари шартнома муносабатларида бошқарув органлари эмас, балки фуқаролик ҳуқуқининг субъектлари — юридик шахслар сифатида қатнашадилар. Томонларнинг тенглиги улар ўртасида ҳуқуқ ва мажбуриятларни икки томонлама тақсимлаш, битим тузиш ва унинг шартларини белгилаш учун тенг имкониятларда намоеън бўлади [12]. В. В. Ковязин таъкидлаганидек, жамиятни тижоратлаштириш жараёни, мамлакатда мулкни хусусий мулк фойдасига қайта тақсимлаш нафақат ички ишлар органларининг юридик шахс сифатидаги фаолиятига, балки қурол, махсус ва ҳарбий техника, истеъмол товарлари ва бошқа моддий бойликларга бўлган эҳтиёжларни тўлақонли таъминлашга ҳам таъсир кўрсатади. Шу муносабат билан ички ишлар органларининг эҳтиёжларини қондириш учун ички захира ва молиялаштириш манбаларини излаш зарурати пайдо бўлади [2, 18-б.].

Назаримизда, ушбу муаммони ҳал қилиш кўп жиҳатдан Ички ишлар вазирлигининг соҳавий йўналишлар бўйича тузилмалари фаолиятида бозор механизмларини, хусусан хизматлар кўрсатиш доирасини босқичма-босқич кенгайтиришга боғлиқ. Албатта, бу борада ички ишлар органлари томонидан пулли хизматлар тақдим этишнинг ҳажми ва мазмуни асосий фаолият мақсадига мувофиқ ҳамда унга эришишга қаратилган бўлиши лозим. Қолаверса, «60-йилларнинг охирида полиция фаолияти самарадорлигини ошириш билан шуғулланган юрист ва социологлар полиция асосан аҳолидан ажралганлиги ва бу ҳолат улар фаолиятининг самарадорлигига жуда салбий таъсир кўрсатади, деган хулосага келганлигини» [10] таъкидлаш ўринлидир.

70-йиллар охирига келиб **Америка Қўшма Штатларида** ҳам полиция фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган ислохотлар бошланган. Шу даврга қадар асосий мақсади жиноятчиликка қарши кураш ва қонунийликни таъминлаш бўлган полиция хизматининг иш усуллари қайта кўриб чиқилиши белгиланди. Бунда олим ва амалиётчиларнинг самарали ҳамкорлигида асосий эътибор Америка полициясининг жамоавий фаолиятини таъминлашга қаратилди.

Жумладан, сўнгги 10–15 йил ичида АҚШ полицияси фаолиятидаги янги стратегик йўналишлар сифатида «жамоат полициясининг фаолияти», «полициянинг профилактика ва маърифий фаолияти», «полиция томонидан давлат хизматларини кўрсатиш» кабиларнинг қабул қилинганлиги ва амалиётга татбиқ этилганлигини

---

---

эътироф этиш жоиз [6, 175-б.]. АҚШ полицияси тизимида турли хизматлар кўрсатиш билан шуғулланадиган тузилмалар ҳам мавжуд. Шу боис мазкур давлатда полицияга жиноятчиликнинг олдини олиш масалаларини ҳал қилиш билан бирга, жамоатчиликка хизмат кўрсатадиган давлат хизмати сифатида қаралади.

Жумладан, полиция шаҳар атрофида ишлайдиган бир неча давлат хизматларидан бири ҳисобланади. Шунинг учун АҚШ полицияси фаолиятининг хизмат кўрсатиш йўналиши энг истикболли соҳадир. Бевосита полиция фаолиятининг бу соҳасига жабрланувчига биринчи ёрдам кўрсатиш, йўқолган одамлар ва уй ҳайвонларини қидириш, ҳайдовчи ва пиёдаларга ёрдам бериш кабилар киради. Полиция мазкур хизматлар билан бирга, бир қатор пулли хизматларни ҳам тақдим этади. Улар орасида турли лицензиялар бериш, шартнома асосида объектларни кўриқлаш, хусусий соқчилик ва бошқаларни ажратиб кўрсатиш мумкин [6, 175-б.].

Шунингдек, улар ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномалари асосида саноат объектлари, тижорат муассасалари, офис бинолари, транспорт иншоотлари, дам олиш мажмуалари, савдо майдончалари, турар жой бинолари, электр станциялари ва қамоқхоналарни кўриқлашади.

Масалан, 16 ёшдан катта бўлган АҚШ фуқароси ўқотар қуролга лицензия олиш учун ариза билан полицияга мурожаат этиш ҳуқуқига эга. Агар шахс ўқотар қурол учун биринчи марта лицензия олаётган бўлса, 126,5 АҚШ доллари тўлаши лозим. Лицензиянинг амал қилиш муддати тугаганидан кейинги тўлов эса 241,5 АҚШ долларини ташкил этади [13].

Европа давлатлари, шу жумладан **Германия, Франция, Италия, Буюк Британия, Испания, Бельгия** ва бошқа кўплаб давлатларнинг полиция соҳасига эътибор қаратсак, аҳолига полиция томонидан пулли хизматлар кўрсатиш суръати ошиб бораётганлигини кўриш мумкин. Европа давлатларида полиция ўз харажатларини қоплаш учун қуйидаги хизматларни тақдим этади:

1) махсус тадбирлар бўйича хизматлар. Бунда пиёда ва йўл ҳаракати назорати ҳамда жамоат тартибини сақлаш юзасидан хизматлар кўрсатилиши мумкин. Бу каби махсус тадбирлар сирасига яна спорт ва кўнгилочар ўйинлар, ярмаркалар ташкил этиш, кино ва сахна билан боғлиқ жараёнлар, премьералар, фестиваллар, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари кўргазмалари, очик майдондаги концертлар, велосипед пойгалари кабиларни келтириш мумкин;

2) судланганлик ҳолатини текшириш хизмати. Бу ходимлар ва мурожаат этувчилар ишга жойлашиши учун давлат ва нодавлат ташкилотларига кўрсатиладиган хизмат тури;

3) транспорт воситалари ва пиёдаларнинг ҳаракатланишини бошқариш хизмати. Хизматнинг бу тури полиция ваколати берилган жойларда йўлларни, қурилиш майдонларини ёпиш, йўл сигналларига техник хизмат кўрсатиш, юкларни етказиб беришда хавфсизликни таъминлаш, кран операцияларини амалга ошириш кабиларни ўз ичига олади;

4) полициянинг қўшимча хизматлари. Бундай хизматлар миқдор талаб қиладиган тадбир (масалан, бозорлар, савдо дўконлари) учун белгиланган жойда кўрсатилиши мумкин;

5) техник ва суд-тиббий хизматлари. Полиция бу турдаги хизматларни фотография, фотограмметрия, суд-тиббий далилларни текшириш орқали тақдим этади;

6) суғурта ва бошқа тижорат мақсадлари учун маълумот ва ҳисоботлар тақдим этиш хизмати. Полиция суғурта текшируви ва баҳолаш хизмати учун маълумот ва ҳисоботлар тақдим этиши мумкин;

---

---

7) интеллектуал мулк, таълим ва маслаҳат бериш хизмати, яъни муайян эҳтиёж мавжуд бўлган жойда полиция таълим ёки маслаҳат хизматлари кўрсатиш учун тижорат шартномалари тузиши мумкин;

8) сохта сигналларни қабул қилишда қатнашиш. Бунда бино ёки нотураржой биноларидан бир ой давомида бир неча марта сохта сигналлар берилган бўлса, шахс қўриқлаш сигнализация воситалари орқали сохта сигнал берганлиги учун полиция айбловни босқичма-босқич талаб этишга ҳақли ҳисобланади;

9) полиция ресурсларидан фойдаланиш хизмати — полиция ходимлари ва ресурслари реклама, телевизион кўрсатувлар, кино учун ва бошқа оммавий ахборот воситаларига тақдим этилиши мумкин;

10) бошқа хизматлар — полициянинг бошқа хизматлари, хусусан сув полицияси, авиация полицияси, итлар бўлими, ўқотар қуролларни рўйхатга олиш, хавфсизликни лицензиялаш хизмати кўрсатиладиган хизматлар ҳисобланади;

11) бахтсиз ҳодисалар тўғрисидаги ҳисоботларни тақдим этиш хизмати — йўл-транспорт ҳодисалари тўғрисидаги ҳисоботлар, эскизлар, топографиялар, ёзиб олинган суҳбатлар ёзувларини бериши мумкин;

12) бармоқ изларини олиш, қидирувга эълон бериш хизмати [9].

Мазкур хизмат турларидан кўриниб турибдики, Европа давлатларининг полицияси томонидан кўрсатиладиган пулли хизмат ва ушбу хизматлар билан боғлиқ қонунчилик миллий қонунчилигимизда белгиланган мавжуд хизматлардан тубдан фарқ қилади. Чунки полиция томонидан кўрсатилаётган аксарият хизматлар бевосита бозор муносабатларидан ҳамда давлатнинг ривожланиш стратегиясидан келиб чиқади.

**Хитой** ҳозир дунёдаги энг тез ривожланаётган давлатлардан биридир. Ушбу ҳолат кўп жиҳатдан мамлакат раҳбариятининг таълим тизимига қаратаётган эътибори билан чамбарчас боғлиқ. Хитойда олий таълим, айниқса, нуфузли университетларда, шу жумладан Жамоат хавфсизлиги вазирлиги тизимида ўқиш ёш авлоднинг эзгу орзусидир, чунки бундай университетда ўқиш келажакда катта маошли иш ва яхши мартабага эга бўлишни кафолатлайди.

Хитойда полиция таълими тизими умумий олий таълим тизимига асосланади. Мазкур тизимда нафақат ўқиш, балки ётоқхонада яшаш, овқатланиш, кийим-кечак ва бошқалар ҳам пулли хизматга асосланган. Жумладан, А. Г. Калугиннинг таъкидлашича, барча курсантлар давлат стипендиясига эга бўлиб, ошхонада овқатланиш, ётоқхонада яшаш, чўмилиш, кир ювиш хизматлари ва бошқалар учун ҳақ тўлайдилар. Ягона форма нархининг бир қисми ҳам стипендиядан чегириб ташланади [1, 96-б.].

Айни вақтда, Хитой Халқ Республикасининг жамоат хавфсизлиги университетида ҳақ эвазига қуйидаги хизматлар кўрсатилади:

а) жамоат хавфсизлиги, тергов, ижтимоий хавфсизлик, криминология, жамоат хавфсизлиги, ташқи сиёсат, полиция бўлими ва тактика, ички хавфсизлик каби саккизта мутахассислик йўналиши бўйича таълим стандартлари асосида ўқитиш.

Таълимнинг ушбу тури учун йилига 4200 юань (1 USD = 6,9843 юань) ҳақ тўланади. Шунингдек, йилига 4600 юань ҳақ тўланадиган бешта ихтисослик ҳам мавжуд: муҳандислик, транспортни бошқариш дизайни, тармоқ хавфсизлиги, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва жамоат хавфсизлиги учун аудиовизуал ускуналар;

б) яшаш шароитини яратиш бериш йилига 900 юанни [8] ташкил этади.

Албатта, Ички ишлар вазирлиги тизимидаги олий ўқув юрлари томонидан пулли хизматларни тақдим этиш имкониятларини кенгайтириш, назаримизда, таълим сиёсатида «замонавий ўқитувчи» методикасини такомиллаштиришни тақозо этади. Шу билан бирга, таълим олувчиларнинг мафкуравий, сиёсий ва касбий-ахлоқий

---

---

савиясини ошириш ҳамда сифатли таълим тизимини ривожлантиришга хизмат қилади.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органларининг қонунчилик базасини такомиллаштириш жараёнида замонавий фуқаролик ҳуқуқи нормалари асосида соҳада ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш тизимини ривожлантириш объектив зарурат бўлиб, бу эса аҳолига қулай давлат хизматлари кўрсатишда, уларнинг эҳтиёжларини қондиришда долзарб аҳамият касб этади.

Бу борада, фикримизча, Ички ишлар вазирлигининг таркибий тузилмалари томонидан аҳолига ижтимоий тадбирларни ўтказишда ҳақ эвазига хизматлар тақдим этиш, шартнома асосида объектларни ҳимоя қилиш, транспорт воситалари ва пиёдаларнинг ҳаракатланишини бошқариш, техник ва суд-тиббий хизматлар, қидирувга эълон бериш, суғурта ва бошқа тижорат мақсадлари учун маълумот ва ҳисоботлар тақдим этиш, таълим ва маслаҳат бериш, мавжуд ресурслардан фойдаланиш, ахборот хизматлари кўрсатиш кабиларни ривожлантириш мақсадга мувофиқдир.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. *Калугин А.Г.* Организация подготовки полицейских кадров в Китае // Вестник Сибирского юридического института ФСКН России. — 2013. — № 2(13).
2. *Ковязин В.В.* Предпринимательская деятельность некоммерческих организаций системы МВД России: Правовые и организационные аспекты: Дис. ... канд. юрид. наук. — М., 2000.
3. *Конюхов С.С.* Гражданско-правовые аспекты финансово-хозяйственной деятельности учреждений МВД России: Дис. ... канд. юрид. наук. — М., 2000.
4. *Мирзиёев Ш.М.* Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. — Т., 2016.
5. *Туунов О.И.* Влияние международно-правовых норм на законодательство стран СНГ // Закон: стабильность и динамика: Мат-лы заседания Международной школы-практикума молодых ученых-юристов (Москва, 1-3 июня 2006 г.) / Отв. ред. Т. Я. Хабриева. — М., 2007.
6. *Шалаягин Д.Д.* Полиция США — организационные и правовые основы деятельности: Дис. ... канд. юрид. наук. — М., 1998.
7. *Fingerprint@edmontonpolice.ca* URL: <http://www.mps.gov.cn/>
8. URL: <https://www.dpc.nsw.gov.au/programs-and-services/events/user-charges-policy>
9. International Association of Chiefs of Police, Division of State and Provincial olice. Comparative Data Report. — St. Louis: IACP, 1993.
10. *Steven H. Gifis.* Law dictionary. — N.Y.: Barron's, 1991.
11. URL: [www.edmontonpolice.ca](http://www.edmontonpolice.ca).
12. URL: [www.ottawapolice.ca](http://www.ottawapolice.ca)
13. URL: [www.uscp.gov](http://www.uscp.gov)



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING КОНСТИТУЦИЯСИ —  
ХАР БИР ШАХСНИНГ ДАВЛАТ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА  
МАНСАБДОР ШАХСЛАРГА МУРОЖААТ ҚИЛИШ ҲУҚУҚИ  
АМАЛГА ОШИШИНING КАФОЛАТИ**

**Аннотация.** Мақолада ҳар бир шахснинг давлат органлари, муассасалари, давлат иштирокидаги ташкилотлар ва мансабдор шахсларга мурожаат қилишдан иборат конституциявий ҳуқуқнинг моҳияти кўриб чиқилган, мурожаатлар билан ишлашда кузатилаётган муаммолар таҳлил қилинган, уларни ҳал қилиш йўллари ва шакллари тақлиф этилган.

**Таянч сўзлар:** Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, сиёсий ҳуқуқлар, аҳолининг мурожаатлари, уларнинг турлари, шакллари, халқ билан мулоқот, давлат органлари ва муассасалари, давлат иштирокидаги ташкилотлар, мансабдор шахслар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал ва Халқ қабулхоналари.

**КОНСТИТУЦИЯ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН – ГАРАНТИЯ РЕАЛИЗАЦИИ  
ПРАВА НА ОБРАЩЕНИЕ КАЖДОГО ЛИЦА В ГОСУДАРСТВЕННЫЕ  
ОРГАНЫ И К ДОЛЖНОСТНЫМ ЛИЦАМ**

**Аннотация.** В статье рассматривается сущность конституционного права каждого человека на обращение в государственные органы, учреждения, организации и к должностным лицам, анализируются существующие проблемы при рассмотрении обращений, а также предлагаются пути и формы их решения.

**Ключевые слова:** Конституция Республики Узбекистан, политические права, обращения населения, виды, формы, диалог с народом, государственные органы и учреждения, организации с государственным участием, должностные лица, Виртуальная и Народная приёмные Президента Республики Узбекистан.

**THE CONSTITUTION OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN IS A GUARANTEE  
OF THE APPEAL OF EACH PERSON TO STATE BODIES AND OFFICIALS**

**Annotation.** The article examines the importance of ensuring the right of every person to appeal to state bodies, institutions, organizations and officials, envisaged in the Constitution of the Republic of Uzbekistan, discusses existing problems when considering appeals and offers proposals for their solution.

**Keywords:** Constitution of the Republic of Uzbekistan, appeals of the people, types, forms, dialogue with the people, state bodies and institutions, organizations with state participation, officials, Virtual and People's Reception of the President of the Republic of Uzbekistan, political rights.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси мамлакатимизда асосий ҳуқуқлар ва эркинликлар белгиланган муҳим расмий ҳужжат ҳисобланади. Унинг 35-моддасига асосан, ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, тақлиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Ариза, тақлиф ва шикоятлар қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқилиши шарт.

\**Файзиев Олим Раимқулович, Тошкент давлат юридик университети мустақил изланувчиси, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)*

---

---

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида белгилаб кўйилган бошқа сиёсий ҳуқуқлардан (*масалан, сиёсий партияларга уюшиш ҳуқуқидан*) фарқли ўлароқ, мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлганлар доираси нисбатан кенгрокдир. Унга кўра, **умумий субъектлар** – бир томонда *мурожаат қилувчилар* – ҳар қандай жисмоний ва юридик шахс (*Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 16-моддасига асосан, фуқаролар (жисмоний шахслар) деганда Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари, бошқа давлатларнинг фуқаролари, шунингдек фуқаролиги бўлмаган шахслар тушунилади, 39-моддасига асосан эса, ўз мулкида, хўжалик юритишида ёки оператив бошқарувида алоҳида мол-мулкка эга бўлган ҳамда ўз мажбуриятлари юзасидан ушбу мол-мулк билан жавоб берадиган, ўз номидан мулкий ёки шахсий номулкий ҳуқуқларга эга бўла оладиган ва уларни амалга ошира оладиган, мажбуриятларни бажара оладиган, судда даъвогар ва жавобгар бўла оладиган ташкилот юридик шахс ҳисобланади*), бошқа томонда *мурожаатларни кўриб чиқишига масъуллар* – давлат органлари, муассасалари, давлат иштирокидаги ташкилотлар, мансабдор шахслар; **мурожаат қилиш усули** – бевосита (якка тартибда) ва биргаликда (икки ёки ундан ортиқ шахслар томонидан); **мурожаат турлари** – ариза, таклиф ва шикоят. Бунда мурожаатлар оғзаки, ёзма ёхуд электрон шаклда бўлиши мумкин. Албатта, кимдир ўзининг шахсий масаласида, кимдир жамоатчилик эътиборидан четда қолаётган масала бўйича мурожаат қилади.

Демак, Асосий қонунимиз давлатнинг инсон ҳуқуқларини таъминлашдаги муҳим вазифаси бўлган, ҳар доим ва ҳар қандай шароитда ҳар бир шахснинг давлат билан бевосита ва билвосита алоқага (муносабатга) киришиши учун давлат ташкилотларига (мансабдор шахсларга) мурожаат қилиш ҳуқуқини кафолатлайди.

Мурожаат қилиш ҳуқуқи таъминланишининг ҳолати ҳақида сўз юритганда, мазкур ҳуқуқ ҳар бир шахснинг қонунчиликда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари амалга оширилишини, ўз навбатида, бурч ва мажбуриятлари бажарилишини таъминлашда улкан аҳамият касб этади. Яъни, бирон-бир шахсий, ижтимоий-иқтисодий ёки сиёсий ҳуқуқи бузилган ёки ҳуқуқлари амалга оширилиши учун тўсиқ, реал хавф мавжуд бўлган, қонуний манфаатларига зиён етган ёхуд давлат зиммасидаги масала ечимини истаган ҳар қандай шахс ўзининг ваколатли давлат ташкилотлари ва мансабдор шахсларга мурожаат қилиш ҳуқуқидан фойдаланиб, кўрсатган муаммолари, эҳтиёжлари ҳал этилишига эришиши ёки мурожаатига батафсил расмий тушунтириш олиши мумкин.

Демак, мурожаат қилиш ҳуқуқининг Конституцияда белгиланиши демократик тамойилларга тўла мос келишини таъкидлаган ҳолда ҳар бир шахснинг ушбу ҳуқуқдан фойдаланиш орқали ўз қонуний мақсад-муддаосига етишиши қонунан кафолатланади, бунда ҳар бир мурожаат қилувчига бошқа мурожаат қилувчилар билан бир хил мажбурият юкланади ва эркинликлар берилиши эътибордан четда қолмаслиги лозим. Ҳар бир шахснинг ҳуқуқлари ҳимоя (муҳофаза) қилинишини таъминлаш демократик давлат олдидаги асосий бурчлардан бири ҳисобланади.

Аҳоли мурожаатларида кўтарилган масалалар мазмунини ўрганиш ва таҳлил қилиш асосида шаклланган хулосаларимиз ҳамда кузатувларимиздан келиб чиқиб сўз юритадиган бўлсак, ҳал этилиши (ечими) давлат зиммасида бўлган, шунингдек давлат хизматчилари (давлат органлари)нинг фаолияти, қабул қилган қарорлари, хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) каби масалалар бўйича муносабатлар акс эттирилишини (талаб қилинишини, таклифлар берилишини) инобатга олиб, мурожаат қилиш

---

---

ҳуқуқини кенг маънода фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита иштирок этиши, деб ҳисоблаш мумкин. Бироқ жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита иштирок этиш ҳуқуқи фақат Ўзбекистон Республикаси фуқароларига тегишлилигини ҳам таъкидлаш лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан мунтазам ва қатъий равишда илгари сурилаётган **«Халқ давлат органларига эмас, балки давлат органлари халққа хизмат қилиши керак»** деган халқчил принцип замирида мазкур қоидалар ижросини амалда тўлиқ таъминлашга қаратилган сиёсий ирода мужассам, десак муболаға бўлмайди.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йилда Олий Мажлисга Мурожаатномасида *«...халқ билан яқиндан мулоқот қилиш, унинг дарду ташвишлари, ҳаётий муаммоларини самарали ҳал этиш бўйича янги тизим яратилди. Бу тизимнинг асоси бўлган Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари ва Виртуал қабулхонаси фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлашнинг ўзига хос демократик институти сифатида амалда ўзини оқламоқда. Қисқа муддатда ана шу қабулхоналарга бир ярим миллиондан зиёд фуқаро мурожаат қилгани ва қанча-қанча одамнинг йиллар давомида ҳал этилмаган муаммолари ижобий ечилгани Ўзбекистонда халқ ҳокимияти номига эмас, амалда жорий этилаётганини кўрсатмоқда. Жойларда раҳбарларнинг йўл қўйилган хато ва камчиликларни тезлик билан бартараф этиш юзасидан шахсий жавобгарлиги кучайгани мазкур тизимнинг муҳим натижаси бўлди»* [6, 73-б.] дея таъкидлаганига эътибор қаратиш лозим.

Юқоридаги фикрлар ва янги демократик институтларни ташкил этишнинг моҳиятидан ҳам кўринадики, жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари билан ишлаш масаласи бугун мамлакатимизда муҳим стратегик йўналишлардан бири сифатида белгиланган бўлиб, бу борада мунтазам равишда улкан ва салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, халқ билан доимий, яқин ва очиқ мулоқот тизими йўлга қўйилиб, муаммоларни ҳал этишнинг самарали механизм, усул ва воситалари жорий этилгани, муҳим миллий демократик институтлар – Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси, шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида, ҳар бир туман ва шаҳарда (туманга бўйсунувчи шаҳарлардан ташқари) Халқ қабулхоналари — тузилиб, аҳоли мурожаатлари билан ишлаш борасида самарали иш олиб борилаётгани, Президент Администрацияси таркибида бевосита фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва мурожаатлар билан ишлаш бўйича алоҳида тузилма фаолияти самарали йўлга қўйилгани [7], мурожаатларнинг ваколатли давлат органлари ва мансабдор шахслар томонидан қонунда белгиланган тартиб ва муддатда кўриб чиқилиши таъминланаётгани, мансабдор шахслар мунтазам равишда жойларга чиққан ҳолда шахсан мурожаат қилиш истагида бўлганлар билан учрашиб, мулоқот қилиб, уларнинг муаммоларини тинглаётгани шулар жумласидандир.

Таъкидлаш жоизки, давлат органлари, ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан мурожаатларнинг самарали кўриб чиқилишини ташкил этиш ҳамда кўтарилган муаммоларни тезкорлик билан ижобий ҳал қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Виртуал қабулхона ташкил этилиши ва қисқа муддатда унинг фаолияти тўлиқ йўлга қўйилиши 2016 йилги Ўзбекистон Республикаси президентлигига сайловда ғолиб бўлишида улкан аҳамият касб этди.

---

---

Тарихдан маълумки, ислоҳотлар объектив ва субъектив сабабларга кўра тез, осон ва бир текисда амалга ошмайди, натижага эришиш муайян вақтни олиши табиий. Бу борада давлат хизматчилари ва жамият аъзоларининг ислоҳотларни амалга оширишга ёндашуви, жипслиги, кадрлар таркиби ва салоҳияти, халқнинг давлатга нисбатан ишончи каби омиллар муҳим ўрин тутди. Шу боис айрим вақтларда бирор соҳада бошланган ислоҳотлар бир қарашда тўхтаб қолгандек, «оқсаётгандек», ривожланмаётгандек кўриниши мумкин. Бироқ чуқур таҳлилларга асосланмай, бировларнинг шахсий мулоҳазаси асосида хулоса чиқариш кўпинча ўзини оқламайди.

Айрим хорижий оммавий ахборот воситаларидаги чиқишлар [8], ижтимоий тармоқлардаги муҳокамалардан [9] мамлакатимизда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш масаласига гўё давлат органлари томонидан жиддий эътибор қаратилмаётгандек фикр шаклланиши мумкин. Айтиш жоизки, масалалар мурожаат қилувчилар манфаатидан келиб чиқиб имкон қадар ҳал қилинмоқда, ушбу фикр тасдиғини чиқишлардаги ва улар остида ёзилган шарҳлардаги ижобий муносабатлардан кузатиш мумкин.

Таъкидлаш жоизки, асоссиз танқидлар билдирилган, давлат органи томонидан бериладиган жавоб хатларини кутмай, уни олмай ёки уларнинг мазмунини тўлиқ тушунмай (тушунишни ҳам истамай) қайта эътирозлар билдирилган, қонунчиликка асосан ҳал қилиш имкони бўлмаган талаблар қўйилган ёки нореал масалалар ечими сўралган мурожаатларнинг такрор ва такрор келиб тушаётгани, айрим мурожаат қилувчиларда турли сабабларга кўра шаклланиб қолган тажовузкор кайфият, улар томонидан мурожаат қилиш ахлоқи ва маданиятига риоя қилинмаётгани каби омиллар ваколатли давлат органлари ва мансабдор шахслар томонидан аҳолининг бундай мурожаатларига салбий феномен сифатида қаралишига сабаб бўлмоқда.

Мурожаатларда кўтарилаётган масалалар (муаммолар) давлатнинг аксарият ҳолларда ички, айрим ҳолларда эса ташқи (*масалан, қуда-андачилик муносабатлари, савдо алоқалари туфайли фуқароларнинг қўшини давлатлар ҳудудига эркин кириб-чиқишларини таъминлаш бўйича икки томонлама музокаралар олиб бориш орқали мавжуд муаммоларни ҳал қилиш*) сиёсатининг асосий йўналишларини белгилаб олиш ва улар юзасидан қарорлар қабул қилишда муҳим ўрин тутди.

Шу ўринда ҳозир амалиётда кузатилаётган бир тенденция хусусида тўхталиб ўтиш жоиз. Аксарият инсонларда қуйи бўғинларда ҳал бўлиши мумкин бўлган масалаларда ҳам юқори турувчи давлат ташкилотлари ва мансабдор шахсларга, жумладан тўғридан-тўғри Давлат раҳбарига мурожаат қилиш кайфияти юқори. Бу борада, фикримизча, ваколатли давлат органларига мурожаат қилмай, бирданига Президент номига мурожаат қилишнинг қуйидаги ўзига хос сабаблари ва асослари мавжуд:

— давлатчилигимизнинг тарихан шаклланган анъаналаридан келиб чиқиб, фуқароларда фақат Давлат раҳбарига мурожаат қилишга оид менталитет ва онгнинг шаклланганлиги;

— айрим шахсларда Президентга мурожаат қилинса, қонунчилик талабларига зид ёки айни вақтда ҳал қилиб беришнинг реал имкони бўлмаган масалалар ҳам ечилиши, истиснолар қилинишига оид кайфиятнинг мавжудлиги. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, амалиётда кўпроқ олий таълим муассасасига ўқишга кира олмаганлар, доимий даромад манбаига эга бўлмаганлиги ёки гаров нарсаси тақдим қилмаганлиги сабабли, кредит олиш бўйича масаласи ечилмаётганлар ёки фоизлари юқорилиги сабабли, кредит олиш имконига эга бўлмаганлар, коммунал тўлов ва солиқлардан



---

---

қарзи борлар истисно тариқасида ёрдам сўраб мурожаат қилади. Таъкидлаш жоизки, қонунчиликдаги бўшлиқлар ва берилган ваколатлардан келиб чиқиб, истиснолар бўлиши лозим ва табиий. Хусусан, *Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев топиригига биноан, Сардоба тоиқини оқибатида илмий қўлғезмаларини йўқотган Тошкент давлат педагогика университетининг 3-курс таянч докторанти Камола Аброрхоновага докторлик даражаси истисно тариқасида берилди [10];*

— Давлат раҳбарига мурожаат қилиш имкони таъминланган шароитда бошқа даражадаги мансабдор шахс ёки давлат органига мурожаат қилиш эҳтимолининг анча пастлиги, яъни инсон психологиясининг тўғридан-тўғри «юқори»га мурожаат қилишга мойиллиги;

— хуудлардаги ташкилотлар, жумладан шартномавий муносабатлар асосида фуқаролар билан муносабатга киришадиган коммунал хизмат кўрсатувчи ташкилотларга мурожаат қилишдан кўра, Давлат раҳбарига мурожаат қилишнинг қулай ва осонлиги, шунингдек виртуал шаклда ўз шахсий муаммосини айтиб мурожаат қилиш имкони таъминланганлиги;

— фуқароларда бевосита ваколатли давлат органларига мурожаат қилиш орқали ўз муаммоларини (масалаларини) ҳал қилиши зарурлиги бўйича ҳуқуқий саводхонлик даражасини, ҳуқуқий онг ва маданиятни оширишга доир ишларнинг етарли ва самарали эмаслиги;

— аҳолида, айниқса, мурожаатларнинг асосий қисмининг ҳал этилишига масъул бўлган қуйи ва ўрта бўғиндаги ваколатли давлат органлари ва уларнинг раҳбарларига нисбатан ишончнинг сустлиги (йўқолганлиги), уларга тўғридан-тўғри қилинаётган мурожаатларда кўтарилган муаммолар ечими топилмаётгани, мурожаатларга вақтида етарли ва қониқарли жавоб олиш имкони таъминланмаётганлиги;

— айрим ваколатли давлат органлари ходимлари ва раҳбарларининг ҳанузгача аҳоли мурожаатлари билан ишлашга жиддий қарамаётгани, қуйи ва ўрта бўғиндаги масъулларнинг мурожаатларга беписанд муносабатда бўлаётгани, ҳатто мурожаатларни қабул қилишни рад этиш ҳолатлари учраётгани;

— айрим ҳолларда бир муаммонинг ҳал этилиши икки ёки ундан ортиқ давлат органлари (мансабдор шахслар) ваколатига тааллуқли бўлиши, масалан, 2018 йил 7 июнда ҳар бир оиланинг тадбиркорлик билан шуғулланиши ва барқарор даромад манбаига эга бўлиши учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қабул қилинган «Ҳар бир оила – тадбиркор» дастурини амалга ошириш тўғрисида»ги қарор ижроси бўйича юзага келган мурожаатларни чуқур ва ҳар томонлама ўрганиш учун ҳокимликлар, тегишли банклар, хуудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар раҳбарлари, маҳалла фуқаролар йиғинлари масъул ҳисобланади, бунда фуқаронинг барча ташкилотларга алоҳида-алоҳида бориб (почта орқали) мурожаат юборишидан кўра, Давлат раҳбарига мурожаат қилиш механизмлари қулайлиги ва мурожаатлар бўйича уларда кўтарилган барча масалалар юзасидан батафсил жавоб олиш мумкинлиги;

— қуйи тизимларда фуқароларни қизиқтирадиган маълумотларнинг очиқ ва шаффоф эмаслиги (масалан, *ер ажратишига, муайян турдаги кредит олишга оид муносабатларда*) ҳамда зарур маълумотларнинг аҳоли эътиборига етказилиши тизимли йўлга қўйилмаганлиги ва ҳ.к.

Таҳлиллар ва келтирилган сабаблардан кўринадики, мурожаатлар билан ишлашда муаммоларнинг асл илдизи, фикримизча, қуйи ва ўрта бўғинлардаги давлат органлари



---

---

фаолиятида, шу сабабли, аниқ таҳлиллар асосида тегишли соҳаларда чуқур маъмурий ислохотлар ўтказилиши мақсадга мувофиқ.

Юқоридагиларга асосан, қуйидаги масалаларни кўриб чиқиш таклиф этилади:

— аҳоли мурожаатларида кўтарилаётган муаммоларни таҳлил қилиб бориш ва натижалари асосида ваколатли давлат органлари ва мансабдор шахслар томонидан тегишли қарорлар қабул қилиш, фаолият йўналишларини белгилаб олиш ҳамда муайян соҳага оид зарур чоралар кўриб борилишини таъминлаш мақсадида Тизимли тадқиқотлар институти фаолиятини ташкил этиш, унинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаш, шунингдек, мазкур муассасада давлат органларининг мурожаатлар билан ишлаш масалалари бўйича масъул ходимларни мунтазам ўқитиб бориш тизимини йўлга қўйиш;

— барча давлат органларида аҳоли мурожаатлари билан ишлашни тизимли йўлга қўйиш ва давлат хизматчиларининг масъулиятини кучайтириш мақсадида чуқур таҳлилларга асосланган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президентига тўғридан-тўғри мурожаат қилиш мумкин бўлган ҳолатлар ва асосларни, бундай мурожаатлар билан ишлашнинг ўзига хос хусусиятларини қонунчиликда аниқ белгилаш ва босқичма-босқич амалиётга жорий этиш;

— аҳоли мурожаатлари билан ишлаш ҳар бир давлат органининг асосий вазифаларидан бири эканлигини, муаммоларни ҳал қилиш учун ушбу йўналишда давлат бюджетидан катта миқдорда маблағ сарфлаш талаб қилинишини инobatга олиб, давлат органларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашда ортиқча сарф-харажатларнинг олдини олиш ва мақсадли ишлатилишини таъминлашнинг шаффоф механизмлари ва ҳуқуқий асосларини яратиш;

— амалиётда жисмоний ва юридик шахслардан қонунлардаги айрим нормаларнинг Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси нормаларига мувофиқлиги бўйича хулоса сўраб мурожаатлар келиб тушаётганлигини инobatга олиб, уларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судига тўғридан-тўғри мурожаат қилиш ҳуқуқини таъминлаш (*бу борада оммавий ахборот воситаларида эълон қилинаётган хабарларга таяниб айтадиган бўлсак, «Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида»ги Қонунга киритилиши режаслаштирилаётган ўзгартишларга мувофиқ, фуқаролар ва юридик шахслар ўзларининг конституциявий ҳуқуқларини тиклаш мақсадида муайян ишда қўлланилган қонуннинг конституциявийлигини аниқлаб беришни сўраб, Конституциявий судга шикоят билан мурожаат қилишлари мумкин [11]);*

— республикада аҳолининг мурожаатлари билан ишлашда бир хил амалиётни йўлга қўйиш, такрорий мурожаатлар сонини қисқартириш, ҳар бир мурожаат тарихини тезкор ва сифатли ўрганиш, ортиқча моддий ва молиявий ресурслар сарфланишининг олдини олиш;

— ҳар бир шахснинг ҳар қандай давлат органи ва мансабдор шахсга қилган мурожаатларини қабул қилиш, тўплаш, таснифлаш ва тизимлаштириш, шунингдек уларнинг тўлиқ, ўз вақтида ҳамда сифатли кўриб чиқилиши устидан мониторинг ва назоратни амалга ошириш имконини берувчи ягона миллий виртуал ахборот тизимини жорий этиш;

— айрим давлат органларидаги ишонч телефонларини бирлаштириш орқали кеча-кундуз ишлайдиган ягона ситуацион марказ фаолиятини ташкил этиш, уларнинг ҳуқуқий асосларини яратиш;

---

---

— ҳар бир шахснинг давлат органлари ва мансабдор шахсларга мурожаат қилиш маданиятини янада юксалтириш бўйича алоҳида стратегия лойиҳасини ишлаб чиқиш масаласи кўриб чиқилиши, шу билан бирга, амалиётда ўз жонига қасд қилишларнинг, мурожаат қилиш вақтида агрессив кайфиятда бўлишнинг олдини олиш мақсадида, тегишли соҳадаги олимлар томонидан мурожаат қилувчиларнинг психологияси ва руҳияти илмий ўрганилиши, тадқиқот натижалари амалиётга жорий этилиши мақсадга мувофиқ.

Хулоса қилиб айтганда, ҳар бир шахснинг мурожаат қилиш ҳуқуқини амалга оширишига ҳуқуқий макон ва самарали тизим яратилиши жамиятда қонунийликни мустаҳкамлашга, адолатни, давлат органлари фаолиятида тартиб-интизомни таъминлашга, қонунчиликни янада такомиллаштиришга, халқчил қарорлар қабул қилишга, коррупциянинг камайишига, тадбиркорликни ривожлантиришга, энг асосийси, давлат идораларининг халқимиз олдидаги масъулияти ошиб боришига хизмат қилади.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»: Ўзбекистон Республикасининг қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. — 1994. — № 5. — 140-модда. — URL: <https://lex.uz/docs/75892>

2. «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»: Ўзбекистон Республикасининг қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. — 2003. — № 1. — 7-модда. — URL: <https://lex.uz/docs/76412>.

3. «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»: Ўзбекистон Республикасининг қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 49-сон, 578-модда. — URL: <https://lex.uz/docs/2509996>.

4. «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»: Ўзбекистон Республикасининг қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 37-сон, 977-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 30.01.2018 й., 03/18/463/0634-сон; 11.03.2020 й., 03/20/608/0278-сон. — URL: <https://lex.uz/docs/3336169>.

5. *Мирзиёев Ш.М.* Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. – Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2018. — URL: <https://president.uz/uz/lists/view/1371> «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»: Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони. ПФ-4904-сон, 28.12.2016. — URL: <https://lex.uz/docs/3089924>.

6. URL: <https://www.youtube.com/watch?v=GD3gJhU6jKA&list=WL&index=4>

7. URL: [https://m.facebook.com/groups/649483048588031/permalink/1590365787833081/?fs=2&focus\\_composer=0&ref=bookmarks](https://m.facebook.com/groups/649483048588031/permalink/1590365787833081/?fs=2&focus_composer=0&ref=bookmarks) Сув тошқинида илмий ёзмалари йўқолган тадқиқотчига докторлик даражаси берилди. — URL: <https://www.gazeta.uz/uz/2020/05/21/phd/>

8. Конституциявий судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлган ташкилотлар сафи ортиши мумкин. — URL: <https://kun.uz/26846417>

*М. Х. Абдурахимов\**

## ЖИНОЯТЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ВА УЛАРНИ ФОШ ЭТИШДА ГЕНОМ БЎЙИЧА ДАВЛАТ РЎЙХАТИГА ОЛИШНИНГ РОЛИ

**Аннотация.** Мақолада «одам геноми» тушунчасининг моҳияти ёритилган, геном бўйича давлат рўйхатига олишнинг мазмуни, мақсади, вазифалари ва тартиби таҳлил қилинган. Инсон геномига оид ахборотдан фойдаланиш хавфсизлигини таъминлаш масалалари, хорижий давлатларнинг бу соҳадаги тажрибаси батафсил кўриб чиқилган. Геном бўйича давлат рўйхатига олиш жиноятларнинг олдини олиш ва уларни фош этишда алоҳида ўрин тутиши таъкидланган.

**Таянч сўзлар:** геном, одам геноми, биологик материал, геном бўйича давлат рўйхатига олиш, геномга оид ахборот, одам ДНКси суд-биологик экспертизаси.

## РОЛЬ ГОСУДАРСТВЕННОЙ ГЕНОМНОЙ РЕГИСТРАЦИИ В ПРЕДУПРЕЖДЕНИИ И РАСКРЫТИИ ПРЕСТУПЛЕНИЙ

**Аннотация.** В статье раскрывается понятие генома человека, анализируются содержание, цели, функции и порядок государственной геномной регистрации. Подробно рассматриваются вопросы обеспечения безопасности использования информации о геноме человека, опыте зарубежных стран в этой сфере. Подчеркивается важная роль государственной геномной регистрации в предупреждении и раскрытии преступлений.

**Ключевые слова:** геном, геном человека, биологический материал, государственная геномная регистрация, геномная информация, судебно-биологическая экспертиза ДНК человека.

## ROLE OF STATE GENOMIC REGISTRATION IN THE PREVENTION AND DISCLOSURE OF CRIMES

**Annotation.** The article reveals the concept of the human genome, analyzes the content, goals, functions and procedure for state genomic registration. The issues of ensuring the safety of using information about the human genome, the experience of foreign countries in this area are discussed in detail. The important role of state genomic registration in preventing and solving crimes is emphasized.

**Keywords:** genome, human genome, biological material, genomic information, forensic biological examination of human DNA, state genomic registration.

Маълумки, ҳаёт ривожлангани сари жиноятчилик турлари ҳам ўзгариб, такомиллашиб боради. Бу эса жиноятчиликка қарши курашиш тизимини ҳам шунга мос равишда такомиллаштириб боришни, жиноятларни фош этишнинг янги услубларини жорий этишни тақозо этади.

Инсоният тарихида ҳар бир соҳани ривожлантиришга илм-фан ютуқларини кенг қўллаган ҳолда эришилган. Бугунги мақолада дунё олимлари томонидан ХХ асрнинг 80-йилларида бошланиб, ХХI аср тамаддунида илм-фанга кенг жорий этила бошлаган

---

*\*Абдурахимов Мухтор Ходжиакбарович, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ташкилий департаменти юридик таъминлаш бошқармаси бошлигининг ўринбосари.*

---

---

одам геномининг таҳлили, унинг аҳамияти, мамлакатимизда геном бўйича давлат рўйхатига олиш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳамда геномга оид ахборотнинг жинойтларни фош этишдаги ўрни масаласига атрофлича тўхталиб ўтилади.

Одам геноми ахборотининг аҳамиятини ёритишда, авваламбор, одам геномининг ўзи нима эканлиги, уни олиш нима учун зарурлиги ҳамда жинойтларни фош этишда унинг қандай вазифа бажаришини билиш муҳим. Одам геноми — унинг хужайрасида мавжуд бўлган мерос материаллар мажмуи, яъни ҳар бир одамнинг ўзигагина хос хусусиятлари ҳамда унинг ирсияти ҳақидаги кодлаштирилган ахборотдир. Одам геноми ядро ичида жойлашган 23 жуфт хромосома ва митохондриял ДНКдан иборат бўлиб, шундан 22 жуфти аутосомалар, бир жуфти жинсий хромосома (X — аёл, Y — эркак) ҳисобланади. Одамнинг нормал ривожланган диплоид соматик хужайраси 46 та (23 жуфт) хромосомадан иборат бўлади. Одамнинг эркак жинсига мансублиги гетероген бўлиб, унда Y-хромосома мавжудлиги билан аниқланади.

Одам геномини таҳлил (расшифровка) қилиш борасида олимлар 1980 йиллардан бошлаб бош қотира бошлаганлар. Бунда АҚШ етакчи давлат ҳисобланади. Айнан АҚШда Одам геномини тадқиқ этиш маркази ташкил этилиб, 1988 йилда марказга Жеймс Уотсон раҳбар этиб тайинланган. Марказ томонидан 1990 йилда АҚШнинг Соғлиқни сақлаш миллий ташкилоти шафелигида «Одам геноми» лойиҳаси бошланган. Бунинг учун ҳукумат томонидан 3 млрд АҚШ доллари миқдоридан маблағ ажратилган. Дастлаб одам геноми лойиҳасининг давомийлиги 2005 йилгача (15 йил) этиб белгиланган бўлиб, ушбу лойиҳага Хитой, Франция, Германия, Япония ва Буюк Британиянинг генетика соҳасидаги олимлари жалб этилган. 1992 йилда Жеймс Уотсон истеъфога чиққанидан сўнг унинг ўрнига Фрэнсис Коллинз тайинланган ҳамда 1997 йилда Одам геномини тадқиқ этиш маркази Одам геномини тадқиқ этиш институти сифатида қайта ташкил қилинган. Олиб борилган машаққатли тадқиқотлардан сўнг 2000 йилда одам геноми тузилишининг дастлабки қораламаси аниқланганини АҚШнинг ўша вақтдаги президенти Билл Клинтон эълон қилган. Лойиҳани амалга оширишга генетика соҳасида халқаро даражадаги олимларнинг кўшилиши ҳамда электрон ҳисоблаш машиналарининг тараққий этиши натижасида муддатидан аввал, яъни 2003 йилда одам геномининг тўлиқ таркиби аниқлангани тўғрисида кенг оммага эълон қилинган [1].

Одам геномининг таркиби ва тузилиши тўлиқ аниқланиши натижасида инсоният олдида жуда кўп имкониятлар очилди. Жумладан, одамнинг геном ахбороти (кейинги ўринларда — геном ахбороти) қараб, унинг жинси, ирқи, ирсий касалликлари ва уларга мойиллиги кабилар юзасидан маълумотлар олиш ва тегишли чоралар белгилаш имкони юзага келди. Одам геноми ёрдамида жинойтларни фош этиш бу борада алоҳида ўрин тутди. Хусусан, жинойт содир этилган жойдан олинган одамга тааллуқли ажралмалар (қон, сўлак, тер ҳамда одамдан ажралиб чиқадиган бошқа суюқликлар) ва тана тўқималаридан (тана, тери, соч ва бошқаларнинг қолдиқлари) одам ДНКси суд-биологик экспертизасини ўтказган ҳолда геном ахборотини олиб, уни бошқа геном ахбороти билан таққослаган ҳолда жинойт содир этилган жойда бўлган шахсни идентификация қилиш имконияти юзага келди.

Ана шу имкониятдан фойдаланиш мақсадида хорижий давлатларда геном бўйича бир қатор қонунлар қабул қилинди. Мазкур қонунларда геном ахбороти маълумотлар базаларига (кейинги ўринларда — маълумотлар базаси) геном ахбороти мажбурий тарзда киритиладиган шахсларнинг тоифалари аниқ белгиланиб, маълумотлар базаси шакллантирилади бошланган.



---

---

Бу борада биринчилардан бўлиб 1994 йилда АҚШда ДНК бўйича идентификация қилиш тўғрисидаги қонун асосида CODIS (Combined DNA Index System) маълумотлар тизими ташкил этилган. Мазкур тизим локал тармоқдан иборат бўлиб, федерал ҳамда маҳаллий даражадаги барча ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг локал тармоқда мавжуд ДНК профилларини олиб, солиштиришига рухсат берилган.

Бироқ тўлақонли маълумотлар базаси (айрим давлатларда ДНК маълумотлари базаси деб юритилади) 1995 йилда Буюк Британияда яратилган. 1997–1998 йилларда маълумотлар базалари бошқа Европа давлатларида (Австрия, Германия, Нидерландия, Норвегия, Бельгияда) ҳам яратилган. Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, 2009 йилдан бошлаб Европа Иттифоқи давлатлари ҳудудига кирмоқчи бўлган ҳар қандай шахснинг биометрик рўйхатдан ўтиши мажбурий ҳисобланади. Ушбу лойиҳа расман 2010 йилдан бошлаб амалга оширила бошланган ҳамда Aadhaar номини олиб, дунёдаги энг катта биометрик ташаббуслардан бири ҳисобланади [2].

АҚШ ва Европа давлатлари томонидан жорий этилган маълумотлар базалари кейинчалик ҳамдўстлик мамлакатларида ҳам бирин-кетин жорий этила бошланди. Хусусан, 2008 йилда Россия Федерациясида геном бўйича давлат рўйхатига олиш тўғрисида қонун қабул қилиниб, Россия Федерацияси Геном ахбороти федерал маълумотлар базаси яратилди. Шу каби қонунлар 2016 йилда Қозоғистон Республикасида, 2018 йилда эса Озарбайжонда қабул қилинди.

Ушбу қонунларнинг мазмун-моҳияти бир-бирига яқин бўлиб, геном бўйича давлат рўйхатига олиниши мажбурий бўлган шахслар тоифалари деярли бир хил. Масалан, Россия Федерацияси ва Қозоғистон Республикасида оғир ва ўта оғир жиноят содир этганлиги учун судланган шахслар, жиноят содир этилган жойдан олинган номаълум шахслар томонидан қолдирилган биологик материаллар ҳамда шахси номаълум мурдаларнинг геном ахбороти мажбурий тарзда геном ахбороти маълумотлари базасига киритилади. Озарбайжонда ушбу тоифадаги шахслардан ташқари, бедарак йўқолган шахсларнинг яқин қариндошларидан ҳам геном ахбороти олиниб, маълумотлар базасига киритилиши мажбурий эканлиги белгиланган. Ихтиёрий геном бўйича давлат рўйхатига олиш эса хоҳиш билдирган шахсларнинг аризасига кўра пулли асосда амалга оширилиши қайд этилган.

Бу борада мамлакатимизда ҳам геном бўйича шахсни идентификация қилиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ҳозир Адлия вазирлиги ҳузуридаги Х. Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси маркази томонидан одам ДНКси суд-биологик экспертизаси ўтказиб келинмоқда. Ушбу муассасага асосан фуқаролик ишлари бўйича оталикни аниқлаш, жиноят ишлари бўйича гумон қилинувчи, айбланувчининг ҳодиса жойидан олинган биологик материалларини тадқиқ этиш учун мурожаат қилинмоқда. Бироқ ушбу муассасада маълумотлар базасини шакллантиришга ҳуқуқий асос мавжуд бўлмаганлиги сабабли, геном ахборотидан экспертиза тадқиқоти ўтказиш учунгина фойдаланиб келинмоқда. Хорижий давлатларда эса геном ахборотидан самарали фойдаланган ҳолда энг мураккаб жиноятлар фош этилаётгани ҳамда шахсни идентификация қилишда геном ахборотининг аниқлиги деярли 100 фоизни ташкил этаётгани сабабли, мамлакатимизда маълумотлар базасини шакллантиришга ҳуқуқий асос бўлувчи қонун қабул қилиш зарурати юзага келди.

Шу боис Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. М. Мирзиёевнинг «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида»ги



---

---

ПФ-5953-сон (2020 йил 2 март) Фармони билан тасдиқланган давлат дастурининг 58-бандига асосан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикасининг «Геном бўйича давлат рўйхатига олиш тўғрисида»ги қонуни лойиҳаси ишлаб чиқилган ҳамда ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилиниб, Сенат томонидан маъқулланган.

Қонун ўз мазмунига кўра Ўзбекистон Республикасида геном бўйича давлат рўйхатига олиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат бўлиб, бешта боб ва 36 та моддадан иборат. Қонунда геном бўйича давлат рўйхатига олиш **мажбурий** ва **ихтиёрий** равишда амалга оширилиши белгиланди ҳамда мажбурий равишда геном бўйича давлат рўйхатига олинадиган шахслар тоифасига қуйидагилар киритилди:

**биринчидан**, оғир ва ўта оғир, шунингдек жинсий эркинликка қарши жиноятлар содир этганлиги, 16 ёшга тўлмаган шахсга нисбатан уятсиз-бузуқ ҳаракатлар содир этганлиги, 16 ёшга тўлмаган шахс билан жинсий алоқа қилганлиги учун судланган шахслар;

**иккинчидан**, оғир ва ўта оғир жиноят содир этишда гумон қилинувчи ва айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилинган шахслар;

**учинчидан**, жиноят содир этилган жойдан олинган номаълум шахсларга тегишли биологик материаллар ҳамда шахси аниқланмаган мурдалар.

Ихтиёрий равишда геном бўйича давлат рўйхатига олиш эса шахсларнинг аризаларига кўра пулли асосда амалга оширилиши қайд этилди.

Қонуннинг мазмун-моҳияти геном ахбороти (ДНК маълумотлари)дан фойдаланган ҳолда шахсни **идентификация қилиш**, жиноят содир этишга мойил бўлган шахсларнинг геном ахборотини ўзида мужассамлаштирган маълумотлар базасини яратган ҳолда жиноятларнинг олдини олиш ва содир этилганларини фош этиш, шахси аниқланмаган мурдаларнинг шахсига аниқлик киритиш, бедарак йўқолган шахсларни аниқлашдан иборат. Қонуннинг кучга кириши мамлакатимизда геном бўйича маълумотлар базасини шакллантириш учун ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади ва келгусида жиноятларнинг олдини олиш, айниқса уларни фош этишда, шубҳасиз, энг самарали усуллардан бирига айланади.

Юқорида айтиб ўтилганидек, геном бўйича давлат рўйхатига олиш тўғрисидаги қонуннинг қабул қилиниши натижасида шахсни идентификация қилиш орқали жиноят, фуқаролик ва бошқа ишларни қонуний ҳал этиш имкони юзага келади.

Ҳозирги даврда жиноятларни фош этишда шахсни идентификация қилишнинг турли усуллари қўлланилмоқда. Масалан, шахс унинг бармоқ излари орқали, видеотасвири орқали ёки геном ахбороти асосида идентификация қилинмоқда. Аммо ушбу усуллардан энг ишончлиси ҳамда эҳтимоли юқори бўлган идентификация усули одамни геном ахбороти асосида идентификация қилишдир, чунки жиноят содир этган шахс бармоқ изларини қолдирмаслик учун қўлларига қўлқоп кийишининг ўзи кифоя қилади. Видеотасвир орқали идентификация қилиш учун жиноятчи сифатли видеокамерада тасвирга тушган бўлиши шарт. Агар у юзига ниқоб тақиб олган бўлса, бу усул ҳам уни идентификация қилишда самара бермайди. Тажрибали жиноятчи бу ҳолатларни албатта эътиборга олади.

Бироқ жиноят содир этилган жойда жиноятчининг ҳар қандай ажралмаси (соч толаси, жанжал вақтида чиққан қон изи, сигарет қолдиғида лабидаги сўлак излари ва ҳоказо) қолиб кетиши эҳтимоли юқори бўлиб, бунини жиноятчи олдиндан кўриши ва назорат қилиши қийин. Натижада жиноят жойида қолдирилган биологик материал орқали уни 100 фоиз аниқлик билан идентификация қилиш имкони пайдо бўлади. Бу

---

---

ҳолда шахс жиноят содир этган жойда бўлганлигини инкор эта олмайди, чунки бир шахснинг геном ахбороти ҳеч қачон бошқа шахснинг геном ахбороти билан бир хил бўлмаслиги илмий асосланган.

Ёки жиноят жойидан топилган (ёниб кетган, куйган, бўлакларга бўлинган) тана қолдиқларидан ушбу шахсни таниб олиш имкони жуда кам. Буткул ёниб кетган ёхуд одам танасининг бир қисми топилган жиноят ишлари бўйича геном ахборотидан фойдаланган ҳолда ушбу шахсни 100 фоиз аниқликда идентификация қилиш имкони бор. Албатта, бунда мазкур шахснинг яқин қариндошларини аниқлаш ва уларнинг геном ахборотини ўзаро солиштириш керак бўлади. Бунинг учун эса бедарак йўқолган шахсларни маълумотлар базасига олдиндан киритиб қўйилган яқин қариндошларига тегишли геном ахбороти асосида аниқлаш имконияти юзага келади.

Ёхуд жинсий эркинликка қарши жиноятлар бўйича айбланувчи томонидан жабрланувчининг ўзида ва кийимида қолдирилган биологик ажралмаларнинг тадқиқот натижасида айбланувчига тегишли эканлиги аниқланиши айбланувчининг жабрланувчи билан жинсий алоқа қилганлиги (жинсий эҳтиёжини ғайритабiiй усулда қондирганлиги)ни тасдиқлайди ва инкор этиб бўлмас далил ҳисобланади.

Яна бир мисол. Бедарак йўқолган шахсларнинг қаердалигини аниқлаш ишлари ҳозирги вақтда фақат тезкор-қидирув тадбирлари ўтказган ҳолда амалга оширилмоқда. Аммо бедарак йўқолган шахслар кўп ҳолларда шахси аниқланмаган мурдалар бўлиб чиқиш эҳтимоли ҳам мавжуд бўлиб, буни текшириш учун эса бедарак йўқолган шахснинг яқин қариндошлари, яъни ота-онаси ёки турмуш ўртоғи ва фарзандининг геном ахбороти олиниши ҳамда шахси аниқланмаган мурдаларнинг геном ахбороти билан таққосланиши лозим. Шахси аниқланмаган мурдалардан бирортасининг геном ахбороти ушбу шахсларнинг геном ахбороти билан мос келиши эса айни вақтда мурдани идентификация қилиш ва бедарак йўқолган шахснинг вафот этганлигини тасдиқлаш имконини беради ёки, аксинча, мос келмаса, шахси аниқланмаган мурдалар орасида бу шахс йўқлигини тасдиқлайди. Кўришиб турганидек, геном ахбороти асосида бу йўналишда ҳам каттагина ижобий натижаларга эришиш мумкин.

Геном ахбороти жиноятларни фош қилишда ижобий натижа бериши билан бир қаторда фуқаролик ишларини ҳал қилишда ҳам самарали усул ҳисобланади. Шулардан бири оталикни аниқлаш масаласидир. Масалан, вояга етмаган шахсни моддий таъминлаш бўйича алимент тўловчига мажбурият юклашда, кўп ҳолларда унинг оталигини аниқлаш масаласи кўндаланг туради. Алимент билан боғлиқ фуқаролик ишларида боланинг биологик отасини аниқлашнинг ягона усули одам ДНКси суд-биологик экспертизасини ўтказишдир. Бу усул фарзанднинг мазкур отанинг биологик фарзанди ёки аксинча эканлигини 100 фоиз аниқликда тасдиқлаб беради. Бунинг учун алимент тўланиши лозим бўлган фарзанднинг отаси ва онасидан биологик материал олиб, фарзанднинг геном ахбороти билан солиштириш кифоя қилади.

Албатта, жинсий масалаларнинг ечимини топишда геном ахбороти маълумотлар базасини яратиш ҳамда уни имкони борича кўпроқ шахсларнинг геном ахбороти билан тўлдириш муҳим. Бу борада хорижий давлатларнинг тажрибаси ўрганилганида геном ахбороти маълумотлар базасини шакллантириш ҳисобига жиноятларни фош этишда етакчи ўринлардан бирини эгаллаб турган давлатлардан бири Буюк Британия эканлиги маълум бўлди. Буюк Британиянинг ДНК маълумотлари (геном ахбороти) Миллий базасида (National DNA Database) 2016 йил 31 март ҳолатига 5 860 642 нафар шахснинг генетик профили ҳамда жиноят жойидан олинган 519 678 нафар номаълум шахсларнинг генетик профили мавжуд. Буюк Британия аҳолиси 63 млн кишини ташкил қилишини ҳисобга олсак, бу рақам аҳолининг деярли 9 фоизига оид

---

---

геном ахбороти миллий базага киритилганини англатади. Солиштириш учун Россия Федерацияси Геном ахбороти Федерал маълумотлар базасида Россия аҳолиси (145 млн)нинг бор-йўғи 0,14 фоизининг геном ахбороти сақланади [3].

Хорижий давлатларда геном ахбороти базаси, энг аввало, хавфсизликни таъминлаш мақсадида яратилганлиги ҳеч кимга сир эмас. Жиноят содир этган ёки жиноят содир этишга мойил бўлган шахснинг геном ахбороти олиниб, маълумотлар базасига киритилиши ҳамда буни нима мақсадда қилинаётганлигининг унга тушунтирилиши натижасида унда жиноят содир этган тақдирда фош этилиши муқаррарлиги ҳақида тушунча пайдо қилади ҳамда ушбу шахс жиноят содир этишдан тийилади. Шунингдек, геном ахбороти маълумотлар базасида қанчалик кўп шахсларнинг геном ахбороти мавжуд бўлса, ушбу шахсларнинг фош этилмаган жиноятларга алоқадорлигини текшириш имконияти шунчалик катта бўлади. Маълумотлар базасининг жиноятларни фош этишдаги яна бир жиҳати шундаки, ҳодиса жойида қолган номаълум шахсга тегишли биологик материаллардан олинган геном ахборотини маълумотлар базасидаги мавжуд бошқа геном ахбороти билан таққослаш орқали бир неча жиноятнинг бир шахс томонидан содир этилганлигини аниқлаш ҳамда шу орқали жиноят ишларини бирлаштириш ва фош этиш имкони пайдо бўлади.

Геном ахбороти асосида жиноятларни фош этиш билан бир қаторда шахсларнинг айбсизлигини исботлаш имконияти ҳам бир неча баробар ортади. Масалан, биргина АҚШда «Айбсизлик» лойиҳаси давомида ўтказилган одам ДНКси суд-биологик экспертизаси натижалари асосида 245 нафар судланган шахс оқланган. Улардан бири бўлган Жеймс Бэйн 1974 йилда 9 ёшли болани зўрлаганлиги айблови билан 35 йил давомида қамокда жазо ўтаган [4]. Юқоридаги мисол геном ахборотининг айбсизлик презумпциясини таъминлашда муҳим аҳамият касб этишини кўрсатади ва айбсиз шахслар жазоланишининг олдини олишга хизмат қилади.

Юқорида айтиб ўтилганидек, геном ахборотидан шахсни идентификация қилиб, жиноятларни фош этишдагина эмас, балки ғараз мақсадларда ҳам фойдаланилиши мумкин. Геном ахбороти ёрдамида шахснинг қайси миллатга мансублиги, унинг қонида қайси миллатларнинг генлари қандай нисбатда мавжудлиги, кўзининг ранги, суяк тўқималарининг тузилиши, ирсий касалликлари, қайси касалликларга мойиллиги каби ўта муҳим маълумотларга ҳам эга бўлиш ҳамда келгусида ушбу маълумотлардан унинг ўзига қарши фойдаланилиши мумкин.

Масалан, бирор шахс ишга кирмоқчи ёки узоқ муддатли кредит маблағлари олмоқчи бўлса, геном ахбороти асосида унинг оғир касалликларга мойиллигини аввалдан билган иш берувчи уни ишга қабул қилмайди ёки банк ходими унга кредит беришни турли баҳоналар билан рад этади. Бу эса шахснинг конституциявий ҳуқуқларини тўғридан-тўғри бузиш ҳисобланади. Шу сабабли геном бўйича давлат рўйхатига олиш тўғрисидаги қонун лойиҳасида геном ахборотидан фойдаланиш доирасини қонун лойиҳасининг мақсадларидан келиб чиққан ҳолда қисқартирилди.

Бу — масаланинг ҳуқуқий томони, холос. Унинг бошқа томонлари ҳам бор. Ҳозир кўпгина мамлакатларда биологик лабораториялар фаолият кўрсатмоқда. Уларда кўплаб миллат вакилларининг геном ахбороти тўпланган. Йиғилган геном ахбороти таққосланиб, айрим миллат ва элатларнинг геноми тўлиқ тадқиқ этилмоқда. Бундан эса шахснинг ўзига ёки унинг миллати вакилларига қарши ҳам фойдаланиш мумкин бўлиб, бу ҳол миллат вакилларига нисбатан биологик қурол ишлаб чиқиш эҳтимолини оширади. Бугунги илм-фан ютуқлари эса геном ахборотидан фойдаланган ҳолда биологик қурол ясаш имкони мавжудлигини инкор қилмайди. Шу боис қон таҳлилини амалга оширувчи лабораторияларда олинган қон намуналаридан

---

---

кейинчалик геном ахбороти олинмаслигига ҳеч ким кафолат бера олмайди. Чунки бу борада қонунчиликда бўшлиқ мавжуд бўлиб, лабораториялар устидан етарли назорат ўрнатилмаган ва тегишли жавобгарлик белгиланмаган.

Мамлакатимизда ҳам қон таҳлилини амалга оширувчи кўплаб лабораториялар мавжуд бўлиб, уларнинг аксарияти хусусий сектор ҳиссасига тўғри келади. Айрим лабораториялар эса чет эл инвестициялари асосида ташкил этилган. Ушбу муассасаларга мурожаат қилган мижозлар таҳлил учун қон намуналарини топширадilar. Кейинчалик ана шу қон намуналаридан нима мақсадларда фойдаланилиши номаълум. Бунда қон билан бир қаторда инсон ўзининг бошқа шахсий маълумотлари, яъни паспорт маълумотларини ҳам тақдим этади. Натижада бу масала дастлаб шахснинг, кейинчалик кўплаб одамларнинг биологик материаллари йиғилганлиги сабабли, давлат хавфсизлигига ҳам таҳдид солиши мумкин.

Шуни инобатга олган ҳолда мамлакатимизда ҳам қонунчилик базасини такомиллаштириш зарурати юзага келмоқда. Шундай экан, қон таҳлили билан шуғулланувчи биологик лабораторияларда олинаётган қондан фақат шахснинг қон таҳлилини амалга ошириш мақсадида фойдаланилишини қонун билан қўшимча тартибга солиш кечиктириб бўлмас чорадир. Бунда асосий урғу қон таҳлили билан шуғулланувчи лабораторияларда ушбу қоидага амал қилинаётганлигини назорат қилиш механизмини ишлаб чиқишга қаратилиши лозим.

***Геном ахборотининг шахсга оид маълумотлар сифатида таърифланиши*** долзарб аҳамиятга эга бўлган яна бир масаладир. Геном бўйича давлат рўйхатига олиш тўғрисидаги қонун лойиҳасининг 3-моддасида геном ахбороти шахсга оид ахборот эканлиги қайд этилган. Геном ахбороти шахсий (шахсга оид) маълумот ҳисобланиши кўпгина давлатларнинг қонунчилигида ҳам акс эттирилган. Фикримизча, геном ахборотини шахсий ахборот деб таърифлаш қайсидир маънода тўғри бўлиб, шахснинг ўзигагина хос белгиларни қамраб олади. Бироқ геном ахбороти таркибида шундай маълумотлар ҳам мавжудки, уларни фақат ана шу шахсга тегишли деб айтиш қийин.

Масалан, фарзанднинг геном ахборотида унинг ота-онасига тегишли геном ахборотининг бир қисми мавжуд бўлади. Бу эса геном бўйича давлат рўйхатига олишда шахс ўзининг геном ахбороти маълумотлар базасига киритилишига розилик берган тақдирда, ўз биологик қариндошлари геном ахборотининг бир қисмини ҳам беради. Натижада ушбу масалани ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишда турли қийинчиликлар юзага келиши мумкин.

Шахс давлат органлари ёки бошқа лабораторияларга ўзининг геном ахборотидан фойдаланишлари учун рухсат бериши билан давлат органлари ва лабораторияларда ушбу шахсга оид маълумотлардан фойдаланиш учун ҳуқуқий асос юзага келади. Бироқ геном ахборотида нафақат шахснинг геном маълумотлари, балки, юқорида айтилганидек, унинг қариндош-уруғлари, авлод-аждодларининг геноми ҳақидаги маълумотлар ҳам мавжуд бўлиши инобатга олинса, ушбу маълумотлар ҳуқуқий жиҳатдан шахсга оид маълумотлар доирасидан четга чиқади, яъни шахс ўзининг геном ахборотини бериши натижасида ўз қариндош-уруғлари геном ахборотининг ҳам қайсидир қисмини беради.

Шундай экан, геном ахборотининг мураккаб ахборот эканлигини инобатга олиб, шахсга оид маълумотлар тўғрисидаги қонунга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳамда геном ахборотини нафақат шахсга оид маълумот, балки шахсга ва унинг биологик қариндошларига оид маълумот сифатида қайд этиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Юқорида билдирилган фикрлар геном ахборотининг ниҳоятда муҳимлигини кўрсатибгина қолмай, балки ушбу турдаги маълумотлар базасини шакллантиришда



---

---

унинг ҳимоя қилинганлик даражасини ҳам оширишни тақозо этади. Ҳимоя қилинганлик даражаси ўз мазмунига кўра икки турга бўлинади.

Биринчи турдаги ҳимоя қилинганлик даражасига қонун билан геном ахборотини бошқа органларга бериш масаласининг тартибга солинганлиги хос. Бу масала қонун лойиҳасининг 19-моддасида (биологик материални сақлаш), 20-моддасида (бошқа органларга бериш) тартибга солинган, 21-моддасида эса йўқ қилиш тартиби белгиланган. Шунингдек, қонун лойиҳасининг 25-моддасида — геном ахборотини сақлаш муддатлари, 29-моддасида — геном ахборотини бошқа органларга бериш, 30-моддасида эса уни йўқ қилиш тартиби ифодаланган. Қонунга кўра, биологик материал ва геном ахбороти фақат терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки тергов органларига берилиши мумкин ва агар халқаро шартномаларда кўзда тутилмаган бўлса, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига берилиши ман этилади. Бу биологик материал ва геном ахборотини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий базаси ҳисобланади.

Иккинчи турга кирадиган ҳимоя қилинганлик даражаси ташкилий тадбирларни ўз ичига олади. Буларга бевосита геном ахбороти сақланадиган маълумотлар базаси жойлашган объектнинг ташқи таъсирлардан ҳимояланганлиги, панжара, эшик ва сигнализация воситалари билан жиҳозланганлиги, маълумотлар базасининг киберхужумлардан ҳимояланганлигини таъминлаш каби ташкилий-техник тадбирлар киради. Маълумотлар базаси билан ишловчи ходимлар юқори малакали, махсус текширувлардан муваффақиятли ўтган шахслар орасидан танлаб олиниши лозим. Давлат органлари ушбу маълумотлар билан ишлашда ўта эҳтиёткор бўлишлари, ундан фақат қонунда белгиланган мақсад ва тартибда фойдаланилишини таъминлашлари, базадаги маълумотларнинг бошқа шахсларга тақдим этилишига йўл қўймасликлари ҳамда мавжуд базадаги маълумотларни кўпайтириш ҳисобига жиноятларни фош этиш чораларини кўришлари лозим.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, инсоният келгусида замонавий илм-фан ютуқларини ўзлаштириш баробарида геном ахборотидан юзага келиши мумкин бўлган турли салбий ҳолатларни ҳисобга олиши, жиноятларни фош этишда инсон ҳуқуқларини поймол этмаган ҳолда ундан самарали фойдаланиш йўлида мувозанатни сақлаши ўта муҳим вазифадир.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Проект «Геном человека». — URL: [https://ru.wikipedia.org/wiki/%D0%9F%D1%80%D0%BE%D0%B5%D0%BA%D1%82\\_%C2%AB%D0%93%D0%B5%D0%BD%D0%BE%D0%BC\\_%D1%87%D0%B5%D0%BB%D0%BE%D0%B2%D0%B5%D0%BA%D0%B0%C2%BB](https://ru.wikipedia.org/wiki/%D0%9F%D1%80%D0%BE%D0%B5%D0%BA%D1%82_%C2%AB%D0%93%D0%B5%D0%BD%D0%BE%D0%BC_%D1%87%D0%B5%D0%BB%D0%BE%D0%B2%D0%B5%D0%BA%D0%B0%C2%BB)

2. Ханов Т.А. Геномная регистрация как универсальный идентификатор личности в системе мер предупреждения преступности: исследование и перспективы внедрения / Т.А. Ханов, М.Р. Сихимбаев, Б.К. Биржанов, К.К. Биржанов // Всероссийский криминологический журнал. — 2016. — Т. 10. — № 3. — С. 544–553. — DOI : 10.17150/2500-4255.2016.10(3).544-553.

3. Жога Е.Ю. Роль государственной геномной регистрации в предупреждении, раскрытии и расследовании преступлений / Е.Ю. Жога, А.Ю. Васенин, И.А. Варченко // Гуманитарные, социально-экономические и общественные науки. — 2017. — URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/rol-gosudarstvennoy-genomnoy-registratsii-v-preduprezhdenii-raskrytii-i-rassledovanii-prestupleniy/viewer>

4. Perez E. Femele DNA Foundon Bombin Boston [Electronic resource] / E. Perez A. Cullison, D. Barrett/ /The Wall Street Journal. — 2003. — Apr. 29 -Mode of access| [http://online.wsj.com/article/SB10001424127887323798104578453190708251284.html?mod=WSJ\\_hpp\\_LEFTTopStories/](http://online.wsj.com/article/SB10001424127887323798104578453190708251284.html?mod=WSJ_hpp_LEFTTopStories/)



## ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ БЎЙИЧА ДАВЛАТ СТРАТЕГИЯСИНИНГ МАЗМУН-МОҲИЯТИ

**Аннотация.** Мақолада «хуқуқбузарликлар профилактикаси стратегияси» тушунчасининг мазмуни ҳамда хуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат сиёсатини шакллантиришда ушбу стратегиянинг аҳамияти очиб берилган. Муаллиф хуқуқбузарликлар профилактикаси стратегиясининг назарий ва амалий жиҳатларини ривожлантиришга доир илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиққан.

**Таянч сўзлар:** хуқуқбузарликлар профилактикаси, хуқуқбузарликлар профилактикасининг стратегияси, хуқуқбузарликлар профилактикасининг тактикаси.

## СУТЬ И СОДЕРЖАНИЕ ГОСУДАРСТВЕННОЙ СТРАТЕГИИ ПО ПРОФИЛАКТИКЕ ПРАВОНАРУШЕНИЙ

**Аннотация.** В статье раскрывается содержание понятия «стратегия профилактики правонарушений» и значение данной стратегии в формировании государственной политики по профилактике правонарушений. Автором разработаны научно обоснованные предложения и рекомендации по развитию теоретических и практических аспектов стратегии профилактики правонарушений.

**Ключевые слова:** профилактика правонарушений, стратегия профилактики правонарушений, тактика профилактики правонарушений.

## ESSENCE AND CONTENT OF THE STATE STRATEGY ON CRIME PREVENTION

**Annotation.** The article reveals the content of the concept of “crime prevention strategy” and the significance of this strategy in the formation of state policy for the prevention of offenses. The author has developed scientifically grounded proposals and recommendations for the development of theoretical and practical aspects of the crime prevention strategy.

**Keywords:** crime prevention, crime prevention strategy, crime prevention tactics.

Дунёда тараққиёт ва хавфсизликка хавф-хатар ва таҳдидлар раҳна солаётгани, аввало, трансмиллий жиноятлар ва ёт ғоялар таъсири тобора кучайиб бораётгани уларга барҳам бериш ва ўз вақтида уларнинг олдини олиш бўйича замонавий ва самарали тизим ишлаб чиқишни тақозо этмоқда. Бу эса хуқуқбузарликлар профилактикасини жиноятчиликка қарши курашнинг бош йўналишига айлантириш, қонун бузилишларининг олдини олиш ва уларни бартараф этишнинг ташкилий-хуқуқий механизмларини янада такомиллаштириш бўйича тўғри ва истикболли, пухта ўйланган устувор вазифаларни режалаштириш ва изчил амалга оширилишини таъминлаш заруратини юзага келтирмоқда.

Ушбу жараёнда хуқуқбузарликлар профилактикаси стратегиясининг ўрни ва аҳамияти катта. Ҳозирги вақтда дунё миқёсида хуқуқбузарликлар профилактикасига стратегик жиҳатдан ёндашаётган давлатларда жиноятчилик

\*Хўжақулов Сийёвун Бахтиёрвич, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси докторанти, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент.

---

---

кўрсаткичининг сезиларли даражада камайишига эришилди. Хусусан, БМТнинг 2019 йилдаги статистик маълумотларига қараганда, 100 фоизли кўрсаткичда Қатар (86,7), Япония (86,3), БАА (83,6), Тайвань (82,6), Гонконг (80,6), Грузия (80,1) давлатларида хавфсизлик 80 фоиздан ортиқ даражада таъминланган [5].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги 2833-сон (2017 йил 14 март) қарори асосида Ўзбекистонда ҳам хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш янгича тизим ва ёндашув асосида амалга оширилиши йўлга қўйилди. «Хавфсиз шаҳар», «Хавфсиз туризм», «Хавфсиз хонадон» тизимлари жорий этилиб, умумий жиноятчилик кўрсаткичи олдинги йилга нисбатан 2017 йилда 14 %га, 2018 йилда эса 36 %га камайишига эришилди [8, 3-б.] ва ушбу ижобий кўрсаткич шу давргача сақланиб қолмоқда. 2020 йилнинг олти ойи давомида 9145 та маҳалладан 6061 таси (66,3 %)да биронта ҳам жиноят содир этилмади [1].

Хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида эришилаётган натижаларнинг барчаси хуқуқбузарликлар профилактикасига стратегик ёндашув самарасидир. Бироқ хуқуқбузарликлар профилактикаси назарияси ва амалиётининг таҳлили «хуқуқбузарликлар профилактикаси стратегияси» тушунчасининг назарий ва амалий жиҳатлари етарлича шаклланмаганини кўрсатмоқда.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида «стратегия» тушунчасига «ижтимоий-сиёсий курашга раҳбарлик қилиш санъати, шунингдек умуман, бошқарувни тўғри ва истиқболли режалаштириш санъати» тарзида изоҳ берилган [3].

Бу борада, Т. Алимардонов «Стратегия — бу таълимотни излаш, ифодалаш ва ривожлантириш тизими бўлиб, у изчиллик билан ва тўлиқ амалга оширилганда узоқ муддатли муваффақиятни таъминлайди» [3] деб тушунтиради.

Олимнинг фикрича, «Стратегиянинг моҳияти тактик вазифаларни белгилашдан иборат. Сиёсат, стратегия ва тактика — стратегик раҳбарлик ва бошқарув жиҳатлари билан боғлиқ учта мустақил категориядир. Уларнинг фарқи шундаки, стратегия тасдиқланган ва амалга ошириш учун қабул қилинган бўлса, унинг жорий қилиниши стратегиялаштирилаётган объектнинг маёғига айланади. Тактика эса стратегик вазифаларни амалга ошириш бўйича кундалик, ойлик ва йиллик (жорий) режаларни ва уларнинг ечими бўйича тадбирларни тақозо этади. Сиёсат — бу стратегия ва тактикани ягона самарали амал қилувчи тизимга агрегация ва интеграция қилинишидир» [3].

Олим ўзининг ушбу илмий қарашларида нафақат стратегиянинг мазмуни ва ўзига хос жиҳатларини, балки тактика ва сиёсат билан ўзаро алоқадорлигини ҳам очиқ беришга ҳаракат қилган.

Дарҳақиқат, стратегиянинг аҳамияти ҳақида сўз юритган С. Мирзиёева таъкидлаганидек, «муваффақиятли замонавий давлатнинг изчил ривожланишини жамиятнинг устувор йўналишлари бўйича чуқур ўйланган стратегиясиз тасаввур қилиш мумкин эмас» [9].

В. Чугреевнинг фикрича, стратегияни танлаш муайян йўналишдаги фаолиятнинг муваффақиятли ёки муваффақиятсиз бўлишини олдиндан белгилайди. Стратегия

---

---

ва тактика ўзаро алоқадор бўлиб, стратегия аниқ ҳаракатларсиз (тактикасиз) ўзи мавжуд бўла олмайди ва ҳаётдан ажралиб қолган мавҳумликка ўхшаб қолади. У стратегия ва тактика ўртасида фундаментал фарқ йўқ, мавжуд фарқ улар доирасида амалга ошириладиган тадбирларнинг кўлами ва миқёсига боғлиқ, деб ҳисоблайди [4]. Бошқача айтганда, муайян стратегия учун хизмат қилган тактика, ўз навбатида, мавжуд мақсадга эришишга йўналтирилган вазифалар ижроси юзасидан амалга ошириладиган бошқа тактик ҳаракат (тадбир)лар учун стратегия бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Стратегиянинг мақсади — асосий мақсадга эришиш учун мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиш (стратегия ҳаракат қилиш усули сифатида асосий мақсадга бевосита эришиш учун керакли ресурслар етишмаётган вазиятларда айниқса зарур бўлади) [11].

Америкалик стратег Джон Коллинзнинг фикрича, «миллий стратегия ҳам тинчлик, ҳам уруш пайтида миллий манфаатлар ва миллий мақсадларга эришиш йўлида миллатнинг барча кучини бирлаштиради. Бу борада давлатнинг умумқамровга эга сиёсий стратегияси халқаро ва ички муаммоларни бартараф этишга қаратилган ташқи алоқалар ва ички иқтисодий стратегиясини, миллий ҳарбий стратегияси ва бошқаларни ўз ичига олади. Ҳар бир таркибий қисм миллий хавфсизликка ё бевосита, ёки билвосита таъсир кўрсатади» [7].

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, агар стратегия изчиллик билан ва тўлиқ амалга оширилса, узоқ муддатли муваффақиятни таъминлайди, тактик вазифаларни белгилаб беради, тасдиқланиб, амалга ошириш учун қабул қилинади. Унинг жорий қилиниши стратегиялаштирилаётган объектнинг маъғига айланади.

Миллий стратегия эса ҳам тинчлик, ҳам уруш пайтида миллий манфаат ва мақсадларга эришиш йўлида миллатнинг барча кучларини бирлаштиради, шунингдек ўзининг таркибий қисмлари (давлатнинг ташқи алоқалар стратегияси, иқтисодий стратегияси, миллий ҳарбий стратегияси, жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси стратегияси кабилар)га эга бўлади.

Демак, **ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг стратегияси** деганда давлатнинг ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш ва профилактикасига доир сиёсатини тўғри шакллантириши, аниқ тактик вазифаларни белгилаб олиши ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасини истиқболли режалаштириши тушунилади.

Е. О. Алауханов ва З. С. Зарипов ҳам ушбу хулосага яқин фикр юритишади. Уларнинг таъкидлашича, «жиноятлар профилактикаси стратегияси жамиятда жиноятчиликни, унинг сабаб ва шарт-шароитларини бутунлай йўқ қилишга қаратилади» [2, 87-б.]. Шу билан бирга, улар жиноятчиликнинг олдини олишдан кўзланган стратегик мақсад — энг муҳим ижтимоий кадриятларнинг хавфсизлигини таъминлаш ва уларга тажовуз қилувчи ҳар қандай таъсирларнинг олдини олишдир, деб тушунтиради.

Билдирилган фикрлар ва амалга оширилган хулосага таяниб айтиш мумкинки, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси *стратегияси* ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат сиёсатини шакллантирувчи субъектлар томонидан ишлаб чиқилиб ижрога йўналтирилса, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси

---

---

*тактикаси* эса айнан мазкур стратегияда белгиланган тактик вазифалар ижросини кам куч, восита ва вақт сарфлаб кўзланган натижа ва юқори самарага эришишни кафолатловчи усул ва шакллар йиғиндисиди намоён бўлади.

Т. Алимардонов таъкидлаганидек, «стратегияни амалга ошириш энг масъулиятли жараён. Агар у реал вазиятни тўлиқ қамраб олган яхлит ва бир бутун режа бўлса, унинг муваффақияти таъминланади. Мабодо тескариси бўлса, унда турғунлик юзага келади. Бунга сабаб нотўғри таҳлилий маълумотлар, хулосалар, кутилмаган шароитлар, ресурслардан оқилона фойдалана олмасликдир» [3].

Олимнинг мазкур фикрини қўллаб-қувватлаган ҳолда, фикримизча, юқоридаги каби салбий ҳолатларга йўл қўймаслик ҳамда мамлакатимизда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси стратегиясини аниқ белгилаш учун Ўзбекистонда «Жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича стратегик таҳлил ва истиқболни белгилаш илмий-амалий маркази» ташкил этилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Мазкур марказ фаолиятининг тўғри йўлга қўйилиши нафақат ҳуқуқбузарликлар миқдор ва сифат кўрсаткичининг камайишини, балки мамлакатнинг хавфсизлиги, тинчлиги ва тараққиётини ҳам кафолатлайди. Мазкур масала, сўнгги йилларда давлатлар ўртасидаги урушлар давлат чегараларини бузиб, қуроли ҳужумларни амалга ошириш билан эмас, балки давлатларда ички низоларни келтириб чиқариш орқали юз бераётган шароитда янада долзарб боради.

Бу каби марказларни ташкил этиш таклифини айрим олимларнинг илмий ишларида ҳам кузатиш мумкин [10, 81-б.].

Шу ўринда, В. Л. Квинтнинг «дунё инкилобий ва сифат жиҳатдан ўзгаришлар учун стратегияларга муҳтож, агар бу йўлда ҳаракатсизлик (инерция) билан борилса, унда стратегиянинг кераги бўлмайди» [6] мазмунидаги фикрларини инобатга олиш талаб этилади. Чунки пухта ўйланган стратегиягина кўзланган мақсадга эришишни кафолатлайди.

Бу каби стратегия эса аниқ ишлаб чиқилган тактик вазифалар ҳамда ушбу вазифаларнинг ижросини таъминлашга йўналтирилган тактик ҳаракатлар, усул ва воситаларга таянади. Бунинг учун тактикага нисбатан ҳам муайян талаблар қўйилади.

Масалан, Е. О. Алауханов ва З. С. Зарипов жиноятларнинг олдини олиш тактикасига нисбатан муайян талаблар қўйилишини таъкидлаб, жумладан қуйидагиларни келтириб ўтишади:

- 1) қонунчиликка риоя қилиш ҳамда хато ва камчиликларга йўл қўймаслик;
- 2) дисфункцияни бартараф этиш принциpidан келиб чиқиш. Бу борада режалаштирилган профилактик чоралар ва ушбу тадбирлардан кутилаётган натижалар ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш лозим бўлади;

- 3) профилактик тактиканинг мослашувчанлиги, яъни профилактик таъсир остига тушган объектлардаги вазият ўзгаришига қараб ўз вақтида ўзгарувчанлик имкониятига эга бўлиш;

- 4) жиноятчиликнинг олдини олиш тактикасининг илмийлигини таъминлаш;

- 5) жиноятчиликнинг сабаблари ва келиб чиқишига имкон яратувчи шарт-шароитларнинг кўпқиррали ва хилма-хиллигини инобатга олиш [2, 87-б.].

---

---

Мазкур талабларни бевосита ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг тактикасига ҳам татбиқ этиш мумкин. Бироқ ҳуқуқбузарликни «ҳуқуқбузарлик» [13] тушунчаси доирасида қамраб олинувчи жиноят ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик эканлигига ҳам эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, давлатнинг ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир сиёсатини шакллантиришда ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг стратегияси муҳим ўрин тутди. Ушбу стратегия эса аниқлик, тизимлилик ва асосланганликни талаб этади. Бунинг учун ҳуқуқбузарликлар профилактикаси стратегияси ва тактикасининг назарий, амалий ва ҳуқуқий асосларини яратиш ҳамда бу жараёнда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тактикаси ва унга қўйилган талабларни инобатга олиш зарур.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. 2020 йилда 6061 та маҳаллада жиноят содир этилмагани маълум қилинди. — URL: <https://war.kun.uz/news/2020/07/30/2020-yilda-6061-ta-mahallada-jinoyat-sodir-etilmagani-malum-qilindi>
2. Алауханов Е.О. Профилактика преступлений: Учебник / Е.О. Алауханов, З.С. Зарипов. — Алматы, 2008.
3. Алимардонов Т. Ҳаракатлар стратегияси — Ўзбекистон миллий тараққиётининг янги босқичи. — URL: <http://xs.uz/uzkr/post/harakatlar-strategiyasi-ozbekiston-millij-taraqqiyotining-yangi-bosqichi>.
4. Чугреев В. Стратегия и тактика. В чем отличие и зависимость? — URL: [http://chugreev.ru/st-article/st\\_t.html](http://chugreev.ru/st-article/st_t.html) (04.04.2007).
5. Иванова Е. Уровень преступности в странах мира, рейтинг 2019 года. — URL: <https://basetop.ru/top-10-stran-s-samyim-nizkim-urovнем-prestupnosti>.
6. Квинт В.Л. Стратегия есть философия успеха. — URL: <https://mse.msu.ru/v-l-kvint-strategija-est-filosofija-uspeha-publikacija-na-portale-nauchnaja-rossija/>
7. Квинт В.Л. Стратегиялаш назарияси ва амалиёти: Дайжест. — Т.: Тасвир, 2018.
8. Матлюбов Б.А. Ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг долзарб масалалари: Республика илмий-амалий конференцияси материаллари (Тошкент, 2019 йил 17 апрель). — Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2019.
9. Мирзиёева С. Чуқур ўйланган стратегия — иқтисодий ўсиш ва ҳаёт сифатини ошириш асоси // <http://uza.uz/oz/business/chu-ur-ylangan-strategiya-i-tisodiy-sish-va-ayet-sifatini-osh-15-11-2018>.
10. Ниёзова С.С. Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга доир мулоҳазалар // Ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг долзарб масалалари: Респ. илмий-амалий конф. мат-ри (Тошкент, 2019 йил 17 апрель). — Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2019.
11. Стратегия // Материал из Википедии — свободной энциклопедии. — URL: <https://ru.wikipedia.org/wiki/%D0%A1%D1%82%D1%80%D0%B0%D1%82%D0%B5%D0%B3%D0%B8%D1%8F>
12. Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. Ж. III / Таҳрир хайъати: Т.Мирзаев (раҳбар) ва бошқ. Ўзбекистон Республикаси ФА Тил ва адабиёт ин-ти. — Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2006.
13. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуни. — URL: <https://lex.uz/docs/2387357>.



## ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ ХИЗМАТЛАРИНИНГ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИ БИЛАН ҲАМКОРЛИГИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

**Аннотация.** Мақолада ички ишлар органларининг амалий фаолиятини таҳлил қилиш асосида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматларининг жинойтлар ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда, шунингдек қонун устуворлигини таъминлаш, конституциявий тузумни, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкани ҳимоя қилишда фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлигини ташкил қилиш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ифодаланган.

**Таянч сўзлар:** ички ишлар органлари, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматлари, фуқаролик жамияти институтлари, ҳамкорлик, ҳамкорликни ташкил этиш.

## ОРГАНИЗАЦИЯ ВЗАИМОДЕЙСТВИЯ СЛУЖБ ПРОФИЛАКТИКИ ПРАВОНАРУШЕНИЙ С ИНСТИТУТАМИ ГРАЖДАНСКОГО ОБЩЕСТВА

**Аннотация.** В статье на основе анализа практики деятельности органов внутренних дел формулируются научно обоснованные предложения и рекомендации по организации взаимодействия служб профилактики правонарушений с институтами гражданского общества в деятельности по профилактике преступлений и иных правонарушений, а также по обеспечению верховенства закона, защите конституционного строя, прав, свобод и законных интересов граждан, имущества физических и юридических лиц.

**Ключевые слова:** органы внутренних дел, службы профилактики правонарушений, институты гражданского общества, взаимодействие, организация взаимодействия.

## ORGANIZATION OF INTERACTION OF CRIME PREVENTION SERVICES WITH THE INSTITUTIONS OF CIVIL SOCIETY

**Annotation.** The article analyzes the practical activity of the internal affairs bodies, some proposals and recommendations on organization of interaction of crime prevention services with civil society institutions in the prevention of crimes and other offenses are formulated, as well as on ensuring the rule of law, protecting the constitutional structure, rights, freedoms and legitimate interests of citizens, property of individuals and legal entities scientifically grounded.

**Keywords:** organs of internal affairs, crime prevention service, institutes of civil society, interaction, organization of interaction.

Мамлакатимизда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизими самарадорлигини ошириш, уларнинг сабаблари ва келиб чиқишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш, фуқароларнинг ҳуқуқий маданияти ва онгини юксалтириш ҳамда уларда жамиятда ўрнатилган хулқ-атвор қоидаларига риоя этиш руҳини шакллантириш бугун амалга оширилаётган истикболли ислохотларнинг асосий негизларидан бирини ташкил этади.

---

\**Аманов Абдоржон Абдуллаевич, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси олий ўқув юртидан кейинги таълим факультети докторантура докторанти, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент.*

---

---

Мазкур ислоҳотларга ҳамоҳанг равишда ҳуқуқбузарликларга қарши самарали профилактик ишларни ташкил этишда давлат ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги ҳамкорлик алоҳида аҳамиятга эга. Мазкур ҳамкорликнинг самарали ташкил этилиши эса барчанинг, яъни фуқаролар, жамият ва давлатнинг манфаатлари бирдек рўёбга чиқишига хизмат қиладиган ҳамда мамлакат тараққиётига ижобий таъсир кўрсатадиган омиллардан биридир.

2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ҳам «жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг замонавий шакллари ривожлантириш, ижтимоий шерикликнинг самарасини ошириш, фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш, уларнинг ижтимоий ва сиёсий фаоллигини юксалтириш, маҳалла институтининг жамият бошқарувидаги ўрни ва фаолияти самарадорлигини ошириш, оммавий ахборот воситаларининг ролини кучайтириш..., ...жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизими самарасини ошириш..., аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва онгини юксалтириш, бу борада давлат тузилмаларининг фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари билан ўзаро самарали ҳамкорлигини ташкил этиш» [1] каби вазифалар назарда тутилган.

Таъкидлаш лозимки, бугунги кунда мамлакатимизда 9 мингдан ортиқ нодавлат ноижорат ташкилотлари, 9,5 мингдан ортиқ маҳаллалар, 1,5 мингдан ортиқ оммавий ахборот воситалари каби фуқаролик жамияти институтлари [11] фаолият олиб бормоқда ва уларнинг давлат билан ҳамкорлигини таъминлаш ўта муҳим масалалардан биридир. Зеро, жамият ижтимоий ҳаёти ва сиёсий тизимида энг йирик тузилмалардан ҳисобланган давлат ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик, уларнинг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш, энг олий кадрият ҳисобланган инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қиладиган, орзу-истакларини рўёбга чиқарадиган демократик ташкилотларнинг кўпайиб бориши, уларнинг давлат билан ҳамкорлигининг илмий-назарий асосларини чуқур таҳлил этишга, бошқача айтганда, Ўзбекистонда давлат ва фуқаролик жамияти институтлари ҳамкорлигини таъминлаш, уни тизимли ривожлантириш, аввало, мазкур соҳанинг ҳуқуқий асосларини илмий-назарий ва амалий жиҳатдан чуқур таҳлил этиш ҳамда махсус тадқиқотлар ўтказишни тақозо этади.

Давлат ва фуқаролик жамияти институтларининг ҳамкорлиги хусусида бир қанча олимлар ўз фикрларини билдирган. Хусусан, Х.Т. Маматовнинг таъкидлашича, фуқаролик жамияти институтларининг давлат билан ҳамкорлиги жамиятдаги умумий йўналишлар муштараклигини, аниқ вазифаларни амалга ошириш орқали умумдавлат фаровонлигига хизмат қилади. Умуман, фуқаролик жамияти институтлари давлат билан алоҳида фуқаролар ўртасидаги тўсиқларни бартараф этиб, демократиянинг куйидан ривожланишини таъминлайди [8, 202-б.]. Улар жамият ишларини бошқариш борасида давлат фаолиятини тўлдиради, чунки фуқаролик жамияти институтлари ўз кўлами, оммавийлиги ва мослашувчанлиги туфайли ижтимоий ҳаётда юзага келадиган муаммоларни аниқлаши ҳамда давлат идораларининг имкониятлари чекланган ўринларда, айниқса, маҳаллий даражада таъсирчан ҳаракат қилиши мумкин [9, 187-б.].

Айтиш мумкинки, ўзаро ҳамкорликдан кўзланган мақсад бошқарув тизими олдида турган умумий масалаларни ҳал этишда куч ва воситаларни тўғри тақсимлаш, биргаликда ҳаракат қилишдан иборатдир [5, 57-б.]. Ўзаро ҳамкорликдан фуқаролик жамияти институтлари ҳам, давлат ҳам бирдек манфаатдордир. Давлат органлари ўзаро ҳамкорлик орқали жамият ҳаётидаги долзарб масалалар ечимида қулайликка

---

---

эга бўлса, фуқаролик жамияти институтлари эса ўз дастурий мақсадларини рўёбга чиқаришда, ўз имижини ва сиёсий майдондаги нуфузини юксалтиришга эришади [13, 35-б.]. Ушбу йўналишларда самарали ташкил этилган ҳамкорлик давлат ва жамият ривожидан, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда, айрим ижтимоий-иқтисодий вазифаларни ҳал этишда, ижтимоий ҳаётдаги муаммоларни аниқлаш ва бартараф этишда муҳим ўрин тутди [2].

Ўзбекистонда ҳам шиддатли ислохотлар амалга оширилаётган ҳозирги даврда давлат ва фуқаролик жамияти институтлари ҳамкорлигини самарали ташкил этиш, унинг ҳуқуқий асосларини замонвий ёндашувлар, инновацион ғоялар асосида ривожлантириш долзарб аҳамиятга эга [12, 3-б.]. Айниқса, мазкур субъектлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси йўналишида самарали ҳамкорликни ташкил этиш жамият ижтимоий ҳаётидаги ғоятда муҳим масалалардан биридир.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ҳам қонунийлик ва ҳуқуқий тартиботни, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга жамоат ташкилотлари ва фуқаролар ёрдам кўрсатишлари мумкинлиги қайд этилган.

Мамлакатимизда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларни зарарсизлантириш ҳамда ҳуқуқбузарликларга қарши самарали профилактика ишларини олиб бориш фақат давлатнинг, яъни унинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг вазифаси бўлиб қолмасдан, ушбу ишга барча жамият аъзолари бирдек масъул бўлиши лозим.

Айтиш мумкинки, бугун мамлакатимизда давлат органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириши бўйича ўзига хос ҳуқуқий тизим яратилган. Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи асосий давлат органлари ва муассасаларидан бири ички ишлар органларидир.

Ўзбекистон Республикасининг «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги қонунига биноан, Ўзбекистон Республикасининг ички ишлар вазири ўз мақомига кўра Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таркибига киради. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги бевосита Ўзбекистон Республикаси Президентига, айрим масалалар бўйича эса Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига бўйсунди.

Ички ишлар органлари фаолиятини ўз ваколатлари доирасида фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш, жиноятчилик ва терроризмга, одам савдосига қарши курашиш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, уларнинг сабабларини ва содир этилишига имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш, ҳуқуқбузарликларни содир этишга мойил шахсларни аниқлаш, жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга доир ишларда иштирок этиш ва бошқа асосий йўналишлар бўйича амалга оширади.

Шунингдек, ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш мақсадида, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади. Давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа ташкилотлар фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда, жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлашда, жиноятлар ва маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш, уларга чек қўйиш, уларни фож этишда, жиноят ишларини тергов қилишда, жиноятчиларни қидиришда, бедарак йўқолганларнинг турган жойини аниқлашда, шунингдек ҳуқуқбузарликлар профилактикасида ички ишлар органларига ўз ваколатлари доирасида кўмаклашиши шарт.

---

---

Қайд этиш лозимки, ҳеч бир давлат органи бошқа тузилмалар билан ҳамкорлик қилмай туриб, фақат ички имкониятлари доирасида фаолиятининг самарадорлигини таъминлай олмайди [4, 11-б.]. Ички ишлар органларидаги бошқарувнинг асосий шаклларида бири — ҳамкорлик, ҳамкорликдаги фаолиятнинг асосий шартларидан бири эса ўзаро келишган ҳолда хизматни ташкил этиш ҳисобланади [7, 27-б.]. Жумладан, ички ишлар органлари ҳам зиммасидаги вазифаларни амалга оширишда давлат органлари ва жамоатчилик тузилмалари билан ҳамкорлик қилади. Жамоат тартиби ва хавфсизлиги, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини таъминлашдаги ҳамкорлик — ушбу фаолият билан шуғулланувчи субъектларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ, ўзаро келишилган ҳолда фаолиятнинг шакл ва усулларида, хизмат ваколатларидан самарали фойдаланиши бўлиб [3, 38-б.], бунда икки ёки ундан ортиқ хизмат, яъни бошқарувнинг бир-бирига бўйсунмаган алоҳида иштирокчилари ўз ҳаракатларини мувофиқлаштириб бажарадилар [10, 104-б.].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг (2017 йил 14 март) «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2833-сон қарорида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида давлат идоралари ва ташкилотлари фаолиятининг асосий йўналишлари белгилаб берилди. Ушбу қарорда давлат идоралари аксарият ҳолларда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини фақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг вазифаси сифатида баҳолаб, оқибатда ушбу фаолиятга лозим даражада эътибор қаратмаётгани, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш борасидаги чора-тадбирларнинг аниқ манзилга йўналтирилмаганлиги ва уларга комплекс ёндашилмаётгани, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг тизимли равишда содир этилиши сабаблари ва бунга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш самарадорлиги паст бўлиб, кутилаётган натижа бермаётгани, ваколатли органларнинг етарли даражада ташаббус кўрсатмаётгани, лозим даражадаги идоралараро ҳамкорликнинг мавжуд эмаслиги, амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг ўзаро номутаносиблиги ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштиришни талаб этиши алоҳида қайд этиб ўтилди.

Жамоатчилик назоратини кучайтириш, ижтимоий ва давлат-хусусий шерикчиликни ривожлантириш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан тўғридан-тўғри ҳамкорликни йўлга қўйиш ҳамда ҳуқуқбузарликлар профилактикасига фуқаролар ва жамоат ташкилотларини, шу жумладан уларни моддий ва бошқача тарзда рағбатлантириш орқали жалб этиш механизмларини такомиллаштириш каби бир нечта давлат идоралари ва ташкилотлари фаолиятининг асосий йўналишлари белгилаб берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2017 йил 18 апрель) ПҚ-2896-сон қарорида ҳам профилактика ишини аҳоли, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан яқин ҳамкорликда ташкил этиш, ушбу ишни, биринчи навбатда, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олишни таъминлашга, жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга, фуқароларга қонунга ҳурмат ва қонун бузилишининг ҳар қандай кўринишига муросасизлик муносабатини сингдиришга қаратиш каби ҳуқуқбузарликлар профилактикаси самарадорлигини оширишнинг устувор йўналишлари белгиланди ҳамда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича республика идоралараро



---

---

комиссиясига Ўзбекистон Республикасининг Бош прокуратураси мувофиқлаштирувчи орган этиб белгиланди.

Хуқуқшунос олим И. Исмаилов ўз тадқиқотларида жиноятчиликка қарши кураш тизимидаги ҳамкорликни шартли равишда тўрт йўналишга, яъни а) ички идоравий ҳамкорлик; б) идоралараро ҳамкорлик; в) жамоатчилик билан ҳамкорлик; г) халқаро ҳамкорликка ажратади [6, 30-б.]. Мазкур йўналишлар ичида жамоатчилик билан самарали ҳамкорликни таъминлаш алоҳида аҳамият касб этади. Сабаби, ҳозирги вақтда жамоат ташкилотлари, яъни фуқаролик жамиятлари институтлари демократик кадриятлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим омилига айланиб, уларга ўз салоҳиятларини рўёбга чиқаришида яқиндан ёрдам бермоқда.

Шунингдек, бугунги кунда республикамизда фуқаролик жамияти институтлари билан ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматларининг фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш, жиноятчилик қарши курашиш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, уларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш, ҳуқуқбузарликларни содир этишга мойил шахсларни аниқлаш ҳамда жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга доир ишларда уларнинг ўзаро ҳамкорлиги жамият ижтимоий ҳаётида ижобий самарасини бермоқда. Бироқ ўрганишлар ҳозирги кунда ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматларининг фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлигини ташкил этишда имкониятлардан барча жойларда ҳам тўлиқ фойдаланилмаётганлигини кўрсатмоқда. Шу билан бирга, айрим ҳудудларда мазкур ҳамкорликни самарали ташкил этишга тўсқинлик қилаётган муаммолар ҳам кўзга ташланмоқда. Ушбу муаммоларни мазмуни ва хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, шартли равишда куйидаги гуруҳларга ажратишни лозим топдик:

- ҳамкорликни ҳуқуқий таъминлашга оид;
- ҳамкорликни бошқариш ва мувофиқлаштиришга оид;
- ҳамкорлик иштирокчиларининг касбий тайёргарлигига оид.

Мазкур муаммолар эса ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматларининг фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлигини лозим даражада самарали ташкил этишга тўсқинлик қилиб, бир қатор зиддиятли ҳолатларни келтириб чиқариши табиий.

Шундан келиб чиққан ҳолда, фуқаролик жамияти институтларининг жамият ижтимоий ҳаётида ҳуқуқ-тартиботни таъминлашдаги иштирокини ҳуқуқий тартибга солиш бугунги долзарб масалалардан бири эканлигини инобатга олиб, қолаверса ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматлари негизида ички ишлар идораларининг фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлигини самарали ташкил этиш, бу борадаги муаммоларни бартараф қилиш учун, *«Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва фуқаролик жамияти институтларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишдаги иштироки тўғрисида»*ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ҳамда қабул қилиш мақсадга мувофиқдир. Мазкур қонунда: *биринчидан*, мамлакатимиз фуқаролари ва фуқаролик жамияти институтларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишдаги иштирокини ҳуқуқий тартибга солиш; *иккинчидан*, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишда иштирок этувчи фуқаролар ва фуқаролик жамияти институтларига ижтимоий-ҳуқуқий кафолатлар яратиш; *учинчидан*, фуқаролар ва фуқаролик жамияти институтларининг



---

---

ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорлигининг механизмларини белгилаб бериш лозим.

«Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 21-моддаси фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқароларнинг ҳуқуқбузарликлар профилактикасидаги иштирокига бағишланган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 8 январдаги «Фуқаролар ва жамоат ташкилотларини ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишдаги фаол иштироки учун рағбатлантириш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 15-сон қарорлари мавжуд бўлиб, лекин, назаримизда, мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқароларнинг, бошқача айтадиган бўлсак, фуқаролик жамияти институтларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикасидаги иштирокига ҳуқуқий асос сифатида ушбу соҳадаги муносабатларни тўлиқ қамраб ололмайди.

Мазкур йўналишдаги ҳамкорликни бошқариш ва мувофиқлаштиришга оид муаммолар хусусида тўхталиб, айтишимиз мумкинки, ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматларининг фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлигининг самарадорлиги бевосита уни бошқариш ва мувофиқлаштиришга боғлиқ. Масалан, ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматларининг фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлигини самарали ташкил этишда ушбу йўналишга масъул ҳисобланган ходимларнинг ва хизмат раҳбарларининг ҳамда фуқаролик жамияти институтлари масъул ходимларининг мазкур йўналишда амалга оширилаётган тадбирлар уларнинг тўғридан-тўғри хизмат мажбуриятлари ҳисобланмай, балки қўшимча вазифа сифатида юклатилганлиги учун уларнинг мазкур вазифаларига расмийлик асосида юзаки қараб, ҳамкорликда амалга оширилиши зарур бўлган тадбирларда фаол иштирок этмаётганликлари ҳолатлари ҳам учраётганлигини кўришимиз мумкин.

Ўтказилган тадқиқотлар шунини кўрсатмоқдаки, баъзи ҳолларда ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматларининг фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликни ташкил этиш ва мувофиқлаштириш масалаларига эътиборсизлик билан қаралмоқда. Хусусан, ҳамкорлик бўйича амалга оширилган ишлар ҳақидаги маълумотлар чуқур таҳлил қилинмаганлигининг, ушбу йўналишдаги муаммолар етарли даражада муҳофаза қилинмаганлигини ҳамда қабул қилинган қарорлар реал ҳолатларга асосан эмас, балки юзаки, фақат ҳисобот учун тайёрланаётганлигига гувоҳ бўлишимиз мумкин.

Ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматларининг фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлигини самарали ташкил этишда ҳамкорлик иштирокчиларининг касбий тайёргарлиги ҳам катта аҳамиятга эга, яъни ушбу жараён ташкилотчиларининг, ҳамкорлик учун масъул ходимларнинг касбий тайёргарлигига боғлиқдир.

Айтиш мумкинки, ҳозирги вақтда ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматларининг фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлигини самарали ташкил этиш учун бевосита масъул бўлган ходимларнинг айримларида ташаббускорлик, киришимлилиқ, раҳбарлик, ташкилотчилик, юксак профессионализм каби касбий хислатларнинг етарли даражада эмаслигини асосий сабаблардан бири сифатида эътироф этишимиз мумкин. Масалан, бугунги кунда

---

---

ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматларида фаолият юритаётган ходимларнинг ҳаммаси ҳам олий маълумотли ёки олий маълумотли бўлса-да, олий юридик маълумотга эга эмаслар.

Шунингдек, баъзи ҳолларда амалиётда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизмати инспектори лавозимига ички ишлар органларининг бошқа соҳавий хизматларида интизом бузганлиги, ўз хизмат вазифасини лозим даражада бажара олмаётганлиги ҳамда касбий нолайиклиги туфайли лавозимидан бўшатишган шахслар тайинланаётгани ва натижада ушбу тизимда кадрлар кўнимсизлиги юзага келаётгани ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда. Шу боис мамлакатимиз ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларининг, хусусан ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматларидаги лавозимларга раҳбарлик, ташкилотчилик, ташаббускорлик, киришимлилик, юксак профессионализм каби қобилиятларга эга юксак савияли кадрларни, керак бўлса, шаҳодат комиссиялари қарори асосида тайинлаш амалиётини жорий этиш мақсадга мувофиқдир. Сабаби, жамиятда ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, конституциявий тузумни ҳимоя қилишда, қонун устуворлигини, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлашда, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш, ҳуқуқбузарликларни содир этишга мойил шахсларни аниқлаш, жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматлари ходимларидан юқорида қайд этилган сифатлар талаб этилади.

Ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматларининг фуқаролик жамияти институтлари билан ҳуқуқбузарликларга қарши курашда самарали ҳамкорлигини ташкил этишда фуқаролик жамияти институтлари ходимларининг бундай жараёнларда иштирок этишга тайёр эмасликлари, айримларининг ушбу масалага юзаки ёндашишлари, етарли даражада билим ва тажрибага эга эмасликлари ҳам уларнинг ҳамкорликда фаол иштирок этишларига тўсқинлик қилмоқда, десак муболаға бўлмайди.

Бунга асосий сабаб сифатида ички ишлар органлари билан ҳамкорликда фаолият юритиши белгиланган фуқаролик жамияти институтлари аъзоларини, айниқса ҳамкорлик учун масъул бўлган ходимларини ҳуқуқий жиҳатдан тайёрлаш, уларда жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш, жиноятларнинг олдини олиш бўйича ҳамкорликда фаолият кўрсатиш учун зарур кўникмаларни шакллантириш борасида махсус машғулотлар ташкил этилмаганлиги ҳам ўз салбий таъсирини кўрсатмоқда. Бунинг учун қайд этиш лозимки, ҳуқуқбузарликларга қарши самарали профилактик ишлар олиб борилишидан асосий манфаатдор ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматлари томонидан ҳамкорлик учун масъул бўлган ходимларни ҳуқуқий жиҳатдан тайёрлаш, уларда жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш, ҳуқуқбузарликларни олдини олиш бўйича ҳамкорликда фаолият кўрсатиш учун зарур бўлган кўникмаларни шакллантириш борасида махсус машғулотлар ташкил этилиши мақсадга мувофиқдир.

Шунингдек, юқорида қайд этилган, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 8 январдаги «Фуқаролар ва жамоат ташкилотларини ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишдаги фаол иштироки учун рағбатлантириш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 15-сон қарори бўйича ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматлари билан самарали ҳамкорлик олиб бораётган фуқаролик жамияти институтларининг ҳуқуқбузарликларга қарши курашишдаги фаоллигини

---

---

янада ошириб, улар томонидан амалга оширилаётган ишларни муносиб баҳолаш мақсадида жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда бошқаларга ибрат бўлиб келаётган фуқаролик жамияти институтларини рағбатлантириш амалиётини янада кенгроқ татбиқ этиш лозим.

  - оказание первой помощи и освобождение пострадавшего из-под развалин без нанесения дополнительной травмы;
  - оказание пособия при родах в чрезвычайных ситуациях;
  - наложение повязок, шин при различных видах переломов с навыками укладки и переноски пострадавших.

Этот список может быть расширен, например, действиями при алкогольном отравлении, передозировке наркотическими и психотропными веществами или карантине при массовых вирусных и инфекционных заболеваниях и т.д. А детально прописанный алгоритм действий при перечисленных состояниях четко очертит круг компетенций сотрудника.

Установление конкретных обязанностей медико-правового характера повысит уверенность в благородных действиях и ответственность сотрудника органов внутренних дел перед обществом и государством.

Тщательный анализ причин некачественного выполнения или отказа от выполнения мер по оказанию сотрудниками органов внутренних дел доврачебной помощи позволил констатировать, что в условиях отсутствия практики действия в неординарных ситуациях возникает психологический барьер, вызванный сомнениями в наличии достаточного объема знаний, боязни сделать ошибку и нанести вред пострадавшему.

Принимая во внимание вытекающую ответственность и определенную сложность в овладении приемами первичного неотложного медицинского пособия, 27 мая 1997 года был издан Приказ МВД Республики Узбекистан № 115 «Об организации обучения первой медицинской помощи сотрудников органов внутренних дел и пожарной службы», обязывающий проведение занятий по основам первой медицинской помощи среди сотрудников органов внутренних дел, слушателей и курсантов, обучающихся в военных образовательных учреждениях.

Именно в этот период в Академии МВД была создана кафедра общемедицинской подготовки, где слушателям очного и заочного отделений, курсантам сержантских курсов, а также офицерскому составу курсов по переподготовке и повышению квалификации преподавались основы доврачебной помощи. По введенной профессором М. Н. Ризаевым инновационной на тот период модульной системе обучения с широким использованием наглядных материалов, фантомов, муляжей и других средств обучения (американская модель), позволяющих с той или иной степенью достоверности моделировать жизненные ситуации, было обучено весомое количество сотрудников органов внутренних дел [9].

Постановление Президента Республики Узбекистан «О мерах по коренному совершенствованию системы подготовки, переподготовки и повышения квалификации сотрудников органов внутренних дел» от 16 августа 2017 г. способствовало дальнейшему совершенствованию организации качественно новой системы обучения и специальной профессиональной подготовки

---

---

специалистов органов внутренних дел в Академии МВД по всем направлениям их деятельности.

Анализ международного опыта подготовки кадров и обучения полицейских зарубежных стран свидетельствует, что содержание образования специалистов обусловлено национальными стандартами полицейской деятельности. Однако, несмотря на существенные национальные особенности, профессиональная подготовка полицейских в разных странах мира тесно связана с функциями полиции, а формируемые компетенции соответствуют цели и задачам полицейской деятельности в области пресечения и раскрытия преступлений, социального взаимодействия, совершенствования индивидуальной физической формы и оказания первой доврачебной помощи [11], [3, с. 87], [1, с.62], [7, с.33], [8]. При этом используются методы и формы обучения, необходимые для успешного выполнения служебных обязанностей [4, с.95].

Наиболее приоритетными направлениями являются «широкое внедрение современных методов обучения, новейших педагогических и информационно-коммуникационных технологий, в том числе ситуационных занятий» [5, с.12]. Соглашаясь с высказанным мнением, полагаем, что для более эффективного решения поставленной задачи в условиях профилизации обучения наиболее перспективным для непрофильных дисциплин является практико-ориентированное обучение в условиях, максимально приближенных к реальным.

На наш взгляд, переход на компетентностно-ориентированное обучение слушателей и курсантов при освоении основ первичной доврачебной помощи может быть представлен в следующем виде. Обучение должно включать два этапа.

*Первый этап* включает самостоятельное (с педагогическим консультированием) изучение программного теоретического курса со сдачей тестовых заданий в виде ситуационных задач. Это позволит выработать порядок и последовательность действий при различных неотложных состояниях, требующих незамедлительного вмешательства, а также развить навыки принятия самостоятельных решений. После прохождения этого этапа обучаемые могут допускаться ко второму этапу.

*Второй этап* — глубокое освоение практических навыков. Для повышения эффективности обучения занятия должны проводиться в технически оснащенных, с достаточным количеством табельных (и подручных) средств для оказания доврачебной помощи при различных повреждениях и состояниях (тренажеры для проведения искусственной вентиляции легких и непрямого массажа сердца, фантомы для родовспоможения, кровоостанавливающие жгуты, различные виды шин, носилки, медицинские сумки, аптечки для водителя и др.). После практической демонстрации последовательности действий при конкретном повреждении (повреждениях или состояниях) под наблюдением педагогов обучающиеся могли бы отработать свои практические навыки, скорректировать ошибки и сдать зачеты по стандартным приемам оказания первичной доврачебной помощи. На этом этапе закрепляются знания и совершенствуются практические навыки, развивается осознанная компетентность: «умение делать», доведенное до автоматизма на основе многократного повторения.

---

---

Таким образом, сочетание инновационных и традиционных педагогических технологий и деятельностной позиции обучаемых в ходе обучения, а также соответствующая материально-техническая база для проведения занятий практической направленности позволит сформировать устойчивые компетенции и совершенствовать имеющиеся навыки первичной неотложной доврачебной помощи в рамках учебной и служебно-боевой подготовки.

## ИСПОЛЬЗОВАННАЯ ЛИТЕРАТУРА

1. *Ванюшина И. Н.* Основы организации и содержание профессиональной подготовки полиции Швеции // *Правопорядок: история, теория, практика.* — 2014. — №1 (2).
2. *Воронина Н. В.* Первая медицинская помощь: Учебно-практическое пособие. — Т.: Академия МВД Республики Узбекистан, 2012.
3. *Злоказов К.В.* Современное профессиональное обучение полицейских зарубежных стран: национальные различия // *Правопорядок: история, теория, практика.* — 2019. — №4 (23).
4. *Кузнецова И. И.* Использование активных методов обучения с учетом особенностей категории обучающихся образовательных организаций МВД России // *Правопорядок: история, теория, практика.* — 2019. — №3 (22).
5. *Матлюбов Б. А.* Академия: 25 лет по пути интеграции и прогресса // *Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ахборотномаси.* — 2019. — Махсус сон.
6. *Трофимов Е. Н.* Первая медицинская помощь при решении сотрудниками органов внутренних дел служебных задач: Учебно-практическое пособие / Е. Н. Трофимов, А. С. Крылов. — Волгоград, 2005. — URL: <http://acad.mvd/biblio>.
7. *Погодина Т. Г.* Особенности обучения сотрудника полиции навыкам оказания первой помощи / Т. Г. Погодина, М. В. Соболева // *Юридическая наука и практика: Вестник Нижегородской академии МВД России.* — 2016. — № 1.
8. *Полиция зарубежных стран: система организации и опыт профессиональной подготовки кадров: Учебное пособие / А. С. Якубов, С. В. Асямов, А. А. Таджиев, Д. М. Миразов.* — Т., 2010. — 452 с.
9. *Ризаев М.Н.* Опыт внедрения инновационных педагогических технологий в процесс преподавания медицинских дисциплин в Академии МВД Республики Узбекистан / М.Н. Ризаев, Н.В. Воронина // *Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ахборотномаси.* — 2010. — № 4.
10. *Татур Ю. Г.* Компетентность в структуре модели качества подготовки специалиста // *Высшее образование сегодня.* — 2004. — № 3. — С. 20–26.
11. *Bäck T.* Police students' perceptions of professional competences; a comparative study of Catalonia and Sweden / *T. Bäck, L. Valles, M. Padyab* // *Police Practice and Research.* — 2016. — Vol. 18. — No 1–14. — P. 478–491.

## **ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИДА ЖИСМОНИЙ КУЧ ИШЛАТИШНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ**

**Аннотация.** Мақолада ички ишлар органлари фаолиятида жисмоний куч ишлатишнинг хусусиятлари, ҳуқуқбузарларни қўл жанги усулларини ишлатиш орқали қўлга олишнинг ҳуқуқий асослари таҳлил қилинган. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси касбий тайёргарлик факультетидаги таълим жараёни мисолида ички ишлар органлари ходимларининг касбий фаолиятида қонуний асосда жисмоний куч ишлатиш бўйича тайёргарликнинг самарадорлигини ошириш муаммолари аниқланган.

**Таянч сўзлар:** ички ишлар органлари ходими, касбий фаолият, ҳуқуқбузар, қўлга олиш, ҳуқуқий асослар, жисмоний куч, қўллаш, ўргатиш.

## **ОСОБЕННОСТИ ПРИМЕНЕНИЯ ФИЗИЧЕСКОЙ СИЛЫ В ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ОРГАНОВ ВНУТРЕННИХ ДЕЛ**

**Аннотация.** В статье анализируются особенности применения физической силы в деятельности органов внутренних дел, проанализированы правовые основания задержания правонарушителей путем применения приемов рукопашного боя. На примере учебной деятельности факультета профессиональной подготовки Академии МВД Республики Узбекистан определены проблемы повышения эффективности обучения сотрудников органов внутренних дел относительно правомерного применения ими физической силы в профессиональной деятельности.

**Ключевые слова:** сотрудник органов внутренних дел, профессиональная деятельность, правонарушитель, задержание, правовые основания, физическая сила, применение, обучение.

## **FEATURES OF THE USE OF PHYSICAL FORCE IN THE ACTIVITIES OF INTERNAL AFFAIRS BODIES**

**Annotation.** The article examines the features of the use of physical force in activities of the internal affairs bodies, analyzes the legal grounds through which hand-to-hand fighting techniques are used to detain offenders. On the example of the educational activities of the faculty of professional training of the Academy of the Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan, the problems of the effectiveness of training employees of internal affairs bodies regarding the lawful use of physical force in professional activity are identified.

**Keywords:** physical strength, employee of internal affairs bodies, professional activity, training, offender, detention, legal grounds.

Барча ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга юклатилган вазифаларни самарали бажариш мақсадида жисмоний куч, махсус восита ва ўқотар куролларни қўллаш чоралари уларнинг энг муҳим белгиларидан ҳисобланади. Бундай ҳолатлар назарияда мажбурлов чоралари деб юритилади. Улар бевосита ҳуқуқни қўллашга оид оралиқ ҳужжатлари тузилмасидан аввал қўлланади. Кескин вазиятларда бундай ҳужжатларни тузиш учун вақт бўлмади.

*\*Аташайхов Абдувоҳид Абдушуқурович, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси касбий тайёргарлик факультети, хизмат-жанговар ва жисмоний тайёргарлик цикли катта ўқитувчиси.*

---

---

Мақолада фақат жисмоний куч ишлатиш, яъни жанговар-жисмоний тайёргарлик бўйича қўл жанги тизимидаги — кураш, самбо, дзюдо, карате ва бошқа яккакураш турлари, шунингдек оғритиш, бўғиш усуллари орқали жисмоний куч ишлатиш борасидаги мажбурлов ва зарурий мудофаа чораларининг қонунга мувофиқ қўлланилиши кўриб чиқилган.

Маълумки, ички ишлар органлари ходимлари томонидан жисмоний куч ишлатиш билан боғлиқ мажбурлов чораларининг қўлланиши Ўзбекистон фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига бевосита таъсир этади.

Ҳозирги кунда ички ишлар органлари ходимлари томонидан мажбурлов чораларини қўллаш анча *долзарб муаммолардан бири* бўлиб келмоқда. ИИВ Академиясининг амалиётда ишлаб келган тингловчиларидан жисмоний куч ишлатиш мажбурлов чораларини қўллаш хусусида сўралганида уларнинг аксарияти юқори турувчи органларга фуқаролар томонидан шикоят бўлишидан кўрқишларини айтдилар. Бундан ташқари, миллий менталитетимиз ҳам бунга ўз таъсирини ўтказмай қолмаган.

Ҳуқуқбузар ёки гумон қилинувчига нисбатан жисмоний куч ишлатиб мажбурлов чораларини қўллаш орқали зарар етказиш ходимда ноқулайлик, хижолат бўлиш, айбдорлик ҳиссини вужудга келтиради. Ходимлар ўз ҳуқуқий устунликларини, қонуний ҳимояланганликларини кўп ҳолларда англаб етмайдилар. Уларда жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш бўйича халқ билан мулоқотга киришишда профессионаллик қобилияти, яъни касбий малака етишмайди. Кадрлар кўнимсизлиги ҳам профессионаллик даражасининг сусайишига олиб келади. Бироқ шуни унутмаслик керакки, жисмоний куч ишлатиш мажбурлов чоралари нормаларини билиб, жойида қўллаш, шубҳасиз, кимнингдир ёки ҳамкасбимизнинг ҳаётини сақлаб қолишда ёрдам беради.

Ички ишлар органлари ходимлари томонидан жисмоний куч ишлатиш мажбурлов чоралари қўлланишининг ҳуқуқий асосларини ҳамда жисмоний куч ишлатиш мажбурлов чораларини қўллаш вақтида юзага келадиган муаммоларни кўриб чиқиш мақсадида тадқиқот ишлари амалга оширилди.

*Тадқиқот методлари* сифатида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни таҳлил қилиш, педагогик кузатишлар олиб бориш, социологик сўровлар ўтказиш, математик статистика усуллари қўлланилди, тадқиқот натижалари таҳлил қилинди.

Маълумки, Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида 2017 йил 10 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қабул қилинган ПФ-5005-сон фармон ички ишлар органлари тизимида туб ислохотларнинг янги босқичини бошлаб берди. Ички ишлар органларини аҳолига ўз вақтида ёрдам кўрсатадиган, унинг ҳар бир ходими «Халқ манфаатларига хизмат қилиш»ни ўзининг хизмат бурчи деб биладиган профессионал тузилмага айлантириш давр талабига айланди. Бу борада, ички ишлар органларининг жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жинойатчиликка қарши курашиш бўйича салмоқли ва шарафли ишлари улкан масъулият ва талабчанликни тақозо этади.



---

---

Бу ўринда, аввало, Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёевнинг қуйидаги сўзларини эслаш жоиз: «Ҳозирги вақтда мамлакатимизда юритилаётган давлат сиёсатининг асл моҳияти ва пировард мақсади — халқимизнинг дарду ташвишлари, ҳаётий муаммо ва эҳтиёжларидан доимо хабардор бўлиб, унинг моддий фаровонлигини ошириш, муносиб турмуш даражаси ва сифатини таъминлаш, тинч ҳаётини ҳимоя қилишдир» [1, 312-б.]. Шундай экан, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, жамоат тартибини сақлаш, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш — ички ишлар органлари ходимлари олдида турган биринчи навбатдаги асосий вазифадир.

Шу боис олиб борилаётган ислоҳотлар самарасини янада ошириш, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш, мамлакатимизни модернизация қилиш мақсадида 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси жамият ҳаётининг барча соҳаларидаги, хусусан ички ишлар тизимидаги ислоҳотларнинг «Йўл харитаси»га айланди.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, жумладан Касбий тайёргарлик факультетида ўқитиладиган барча фанлар қатори жанговар-жисмоний тайёргарлик бўйича фан дастурлари, ишчи фан дастурлари давлат таълим стандартлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг хизмат, жанговар, жисмоний ва ахлоқий-психологик тайёргарлик машғулотларини ўтказиш қоидаларини тасдиқловчи буйруқлар талабларига мувофиқ, айниқса, олий ўқув юртларини тамомлаб тўғридан-тўғри танлов асосида ички ишлар органлари профилактика инспекторлари лавозимига тайинланган ходимларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш мақсадида уч ойлик йиғин учун касбий фаолиятлари йўналиши инобатга олинган.

Шунга қарамай, жанговар-жисмоний тайёргарлик фанида ўқитиладиган мавзулар курсант ва тингловчилар орасида, айниқса амалиётда ишлаб келган ходим-тингловчиларда шубҳа уйғотади. Улар ўрганилаётган усулларни гумон қилинувчи шахсга қўллаб, жисмоний куч ишлатишса, жавобгар бўлиб қолишдан хавотирланиб, ўзларининг ҳуқуқий ваколатларидан фойдаланмайдилар. Аммо пировард натижада тажовуз оқибатида қўриқланадиган объектларга, фуқароларга ёки ўзларига зарар етиши мумкин. Албатта, бундай тушунмовчиликларни ходимнинг жамоат тартибини бузувчи шахсларга нисбатан жисмоний куч ишлатиш қоидаларини, кимга ва қайси вазиятда қўллаш мумкинлигини, хизмат вақтидаги ўз ҳуқуқларини тўлиғича тўғри англаб етмаганидан деб билиш мумкин.

Бундай ҳолатнинг асосий сабабларидан бири сифатида, ҳозирги кунда олий ўқув юртларини тамомлаб, ҳуқуқий ва жанговар-жисмоний тайёргарлик фанларини чуқур ўзлаштирмасдан ички ишлар органларига тўғридан-тўғри ишга қабул қилинган ходимларда кўпроқ кузатиш мумкин.

Бу ҳолат бўйича ходимлар шахсий фикрга эга бўлишлари учун, аввало, қуйидаги халқаро стандартларни билишлари тавсия этилади:

— 1979 йил БМТнинг Бош Ассамблеясидаги 34/169 резолюцияси билан қабул қилинган Ҳуқуқ-тартиботни сақлаш бўйича мансабдор шахсларнинг ахлоқ кодекси;

---

---

— Европа Иттифоқининг 1979 йилда қабул қилинган 690-сон резолюцияси билан қабул қилинган Полиция хизмати этикаси асосий принциплари;

— 1990 йилда БМТнинг VIII Конгрессида қабул қилинган жиноятчиликнинг олдини олиш ва ҳуқуқбузарларга нисбатан муносабат бўйича «Хуқуқий тартиботни сақлаш бўйича мансабдор шахслар томонидан куч ва ўқотар қурол ишлатишнинг асосий принциплари» тўғрисидаги дастурида ҳамда ҳар бир давлатнинг миллий қонун ҳужжатларида белгиланган қоидалар [2, 3-б.].

Ички ишлар органлари ходимлари вазиятдан келиб чиқиб, жиноят содир этганликда гумон қилинувчи шахсларга енгил ёки оғир даражада оғрик беришлари ёки жароҳат етказишлари мумкин. Масалан, шахсни қўлга олиш вақтида унга зарар етказиш билан боғлиқ қоидалар ички ишлар органлари ходимларининг ижтимоий хавfli қилмиш содир этган шахсни ушлаш вақтида зарар етказишига оид норматив-хуқуқий ҳужжат — 2016 йил 16 сентябрда қабул қилинган «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунида аниқ белгилаб қўйилган.

Мазкур ҳужжатларда мустаҳкамланган қоидаларга кўра, жисмоний кучни қуйидаги принциплар асосида қўллаш мумкин:

1) қонунийлик принципи, яъни ҳуқуқ-тартиботни сақлаш бўйича мансабдор шахслар томонидан мамлакатнинг ички қонунчилигига кўра жисмоний куч ишлатиш чоралари бўйича талабларни тўлиқ ва ҳар томонлама тартибга солиб, бошқариб боришнинг шартлиги;

2) ҳуқуқ-тартиботни сақлаш бўйича мансабдор шахсларнинг ҳуқуқий ҳимояланганлигини таъминлаш;

3) жисмоний куч ишлатиш мажбурлов чораларини аниқ вазиятдан келиб чиқиб, қўлланилган бошқа воситалар самарасиз бўлган ва унинг оқибатида кутилган натижага эришилмай қолган тақдирда, уринишлар ходим зиммасига юклатилган вазифани бажариш имконини бермаганида охириги чора сифатида ва, албатта, инсон ҳуқуқларини поймол қилмасдан қўлланилиши;

4) жисмоний куч ишлатиш мажбурлов чораларини қўллашда босиқлик, етказиладиган жароҳатнинг имкон қадар камроқ бўлишига интилиш;

5) жисмоний куч ишлатиш мажбурлов чораларини қўллаш натижасида жабрланганларга тезкор тиббий ва бошқа зарурий ёрдам кўрсатилишини таъминлаш.

Юқорида келтирилган принциплар Ўзбекистон Республикасининг «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги қонунида ўз аксини топган бўлиб, қонунда мустаҳкамлаб қўйилган жисмоний куч ишлатиш халқаро стандартларига мос келади.

Шундай экан, ички ишлар органлари ходимлари қонунларда кўрсатилган моддалар асосида вазиятни тўлиқ инобатга олиб, мазкур принципларга амал қилган ҳолда жиноятчиликнинг олдини олиш, жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш мақсадида жисмоний куч ишлатиш мажбурлов чораларини қўллаши мумкин.

Масалан, Қонуннинг 22-моддасига мувофиқ, агар куч ишлатилмайдиган усуллар ички ишлар органлари ходимининг зиммасига юклатилган мажбуриятлар бажарилишини таъминламаса, у қуйидаги ҳолларда шахсан ўзи ёки бўлинма

---

---

(гуруҳ) таркибида жисмоний куч ишлатиш, шу жумладан курашнинг жанговар усулларини қўллаш ҳуқуқига эга бўлади:

— жинойтларга ва маъмурий ҳуқуқбузарликларга чек қўйиш учун;

— жинойтлар ёки маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этган шахсларни энг яқин жойдаги ички ишлар органига ёхуд ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга олиб бориш ва бу шахсларни ушлаб туриш учун;

— ички ишлар органи ходимининг қонуний талабларига қаршилик кўрсатилишини бартараф этиш учун.

Ички ишлар органи ходими шу нормаларга амал қилган ҳолда ҳаракатни амалга оширган тақдирда, ҳеч қандай жавобгарлик унга таҳдид қила олмайди.

Қандай ҳолларда гумон қилинувчи ёки жинойт содир этган шахсга нисбатан зарурий мудофаа сифатида зарар етказмасдан жисмоний куч ишлатиб ёки танага енгил жароҳат етказилиб қўлга олинадими?

Ички ишлар органлари ходими хавфли ҳаракат содир этган шахсни ушлаш вақтида зарар етказиш, ушланаётган шахснинг бўйин товлаш хатти-ҳаракатларига чек қўйиш ва уни зарар етказмасдан ушлашнинг бошқа чораси бўлмайдими қолиши каби зарурий вазиятларни кўра билиши шарт.

Бу муаммони ўрганиш, таҳлил қилиш, таклифлар киритиш бўйича З. Қ. Жабборов бир қатор фикрлар билдирган. Унинг таъкидлашича, ходим ушланаётган шахсни содир этган қилмишининг ижтимоий хавфлилик даражасини аниқлаши ҳамда унга мос тарзда зарар етказиб ушлаш чегараларини белгилаб олиши, қуролланган ёки қуролланмаган шахсларни ушлаш вақтида зарар етказиш тартиби ва чегараларини ҳам олдиндан аниқ билиши ва тегишли чора кўриши талаб этилади.

Барча ҳолатларда қуролланган шахсни қуролсизлантириш ва қўлга олиш чораси, аввало, қулай вазиятдан келиб чиқиб, фуқароларнинг ҳамда ички ишлар органлари ходимларининг ҳаёти ва соғлиғига таҳдидларнинг олдини олиш, шунингдек ҳуқуқбузар қочиш кетиши ёки яшириниши мумкинлигини ҳисобга олган ҳолда белгиланади. Айрим ҳолларда ушланаётган шахс томонидан қуролли қаршилик кўрсатилишининг олдини олиш мақсадида унга қўлга олишнинг сабаби ва мақсадини маълум қилмаган ҳолда баданига енгил, ўртача оғир ёки оғир шикаст етказиб қўлга олиш чоралари кўрилади.

Қуйидаги ҳолларда шахсга қасддан зарар етказиб қўлга олиш тақиқланмоғи лозим: хавфли қилмиш содир этган шахс уни ушлаш чораларини кўраётган шахснинг қонуний талабларига бўйсунган, қаршилик кўрсатмаган, қочиш ёки яширинишга уринмаган бўлса; зарар етказмасдан ушлашнинг бошқа чоралари мавжуд бўлса; аёлнинг ҳомиладорлиги, шахснинг ногиронлиги, вояга етмаган шахснинг ёши аниқ билиниб турган бўлса (улар қуролли қаршилик кўрсатган, фуқароларнинг ёхуд ички ишлар органи ходимининг ҳаёти ва соғлиғи учун хавфли тарзда ҳужум қилган ҳоллар бундан мустасно) [2, 52-б.].

Хавфли қилмиш содир этган шахс қонунга зид ҳолда қўлга олинишидан бўйин тортиб, ушлаш чораларини кўраётган ходимнинг ҳаёти ёки соғлиғи учун хавфли бўлса, қаршилик кўрсатса, бўйсунмаса, қочиш ёки яширинишга уринган ҳолатларда хавфли ҳаракат содир этган шахсни ушлаш вақтида зарар етказиш ҳуқуқий чораси қўлланилади; ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш вақтида ушланаётган шахс ушлаш чораларини кўраётган шахснинг ёки

---

---

бошқа фуқароларнинг ҳаёти ёки соғлиғига, ҳуқуқларига, давлат ёки жамият манфаатларига ижтимоий хавфли тажовуз қилганида зарурий ҳимоя чоралари қўлланилади.

***Юқоридагиларга асосланиб, қуйидаги тавсияларни таклиф этиш мақсадга мувофиқ:***

— профилактика хизмати, патруль-пост, йўл-патруль хизматлари инспекторлари иш фаолияти жараёнида жамоат жойларида, транспортда, одамлар кўп тўпланадиган жой (бозорлар, тўй маросимлари, оммавий байрам тадбирлари ўтказилаётган жойлар ва ҳ.к.)ларда гумон қилинувчи ёки жамоат тартибини бузувчи, маъмурий ҳуқуқбузарларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2018 йил 17 январда қабул қилган буйруғи, 5-бобининг 349–357-бандларида кўрсатилган «Тик турган ҳолатда қўлга олиш усуллари»дан: олдиндан келганда «силташ», «шўнғиш», «қулф» ва орқадан келганда қўлини орқасига қайириб қўлга олишнинг «туртиш» усуллари, шу билан бирга гумон қилинувчининг орқа томонидан келиб, кафт-билак бўғинига «қўлтиқлаб олиш», ён томондан келиб, қўлни тирсакдан ёки елкалардан ўтказиб тирсак бўғинига оғриқ бериш усуллари қўллаш мақсадга мувофиқдир. Ходим ушбу усулларни қўллаганида ён-атрофдаги аҳолини ўзига жалб қилиш ҳолатлари камроқ юз беради;

— ходимга совуқ қурол ёки ўқотар қуроллар билан хавф солинганида қуролсизлантириш усуллари қўллаган ҳолда, тартиббузарни унга тан жароҳати етказмасдан вазиятдан келиб чиқиб, «ричаг ичкарига», «ричаг ташқарига» усуллари ишлатиб, оғриқ таъсирида қўлга олиш мумкин;

— ходимнинг қонуний талабларига бўйсунмасдан, қаршилик кўрсатиб қўлоёқ зарбалари билан ҳужумга ўтса, гумон қилинувчига нисбатан ИИВнинг 17-сон буйруғида кўрсатилган (5-боб, 24-машқ), қўл жанги усуллари баданга енгил жароҳат етказиб қўлланилади;

— юқорида айтиб ўтилган вазиятларда жиноятчи, ҳуқуқбузар, тартиббузар шахсларга нисбатан усуллар қўллаш мумкин бўлган ҳолларда ИИВ 17-сон буйруғининг 358-бандида келтирилган «тик турган ҳолатда кураш усуллари» қўлланилади. Булар — «бўксдан ошириб ташлаш», «елкадан ошириб ташлаш», «олдиндан, орқадан чалиб йиқитиш» ва бошқа усуллар. Бунда жиноятчини тез қўлга олиш учун уни ерга йиқитиб, енгил тан жароҳати етказиб қўлга олиш мақсадга мувофиқ бўлади;

— ходимни жамоат тартибини бузувчи, жиноятчи олдиндан, орқа томондан кучиб олганда, қўлларидан, сочидан, кийимидан, оёқларидан ушлаб олганида ИИВ 17-сон буйруғининг 358-бандида келтирилган усулларни қўллаб, ноқулай вазиятдан қутулиб чиқиб, уни қўлга олиш мумкин.

Ҳуқуқбузарларга ички ишлар органи ходимининг қонуний талабларини бажариши учун қонунда қанча вақт берилиши белгиланмаган. Вазиятдан келиб чиқиб, бу вақт оралиғи ҳар хил — бир сониядан бир неча кунгача бўлиши мумкин (масалан, гаровга олинганларни қутқаришда).

***Огоҳлантирилмайдиган ва вақт берилмайдиган ҳолатлар:***

— вақтни ўтказиш фуқаронинг ёки ходимнинг соғлиғи ва ҳаётига бевосита хавф туғдирса, масалан, баланд жойлардан ташлаб, итариб юбориш, бўғиш, чўктириш, оғир буюмлар билан зарба бериш ёки чопиш ва ҳоказо;

---

---

— вақтни кечиктириш янада оғирроқ оқибатга олиб келадиган — портлатиш, темир йўлда қасддан содир этиладиган ҳодисалар — поездни издан чиқариш, захарли моддаларни чиқариб юбориш ва шу кабилар;

— жиноятчини қўлга олиш вақтида ички ишлар ходими пана жойдан яшириниб туриб ташланганида.

**Россия Федерациясининг Полиция ҳақидаги** қонуни (20-моддаси)да таъкидланишича, «полиция ходими шахсан ёхуд гуруҳ таркибида жисмоний куч ишлатиш, шу жумладан курашнинг жанговар усулларини, агар куч ишлатмаслик йўллари билан полиция зиммасига юклатилган мажбуриятини бажариш имконияти бўлмаса:

1) жиноий ва маъмурий ҳуқуқбузарликларни тўхтатиш учун;

2) жиноий ва маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларни ҳудудий орган ёки полиция бўлинмаси, муниципал органлар хизмати ва бошқа хизмат хоналарига етказиб келишда;

3) полиция ходимининг қонуний талабларига қарши ҳаракатлар содир этиб бўйсунмаганида қўллаш ҳуқуқига эгадир» [3].

Жисмоний кучни қўллаш чоралари қуйидаги шаклларда намоён бўлиши мумкин:

**1. Курашнинг жанговар усуллари**, қўл жангининг хоҳлаган тизимига кирувчи — бокс, дзюдо, самбо, карате ва шу каби ёки умуман, бошқа кураш усулларидан олинган, шу жумладан, оғритиш ва бўғиш усулларини ҳам қўллашга рухсат этилади. Алоҳида ҳолларда, масалан, полиция ходими зарурий мудофаа ҳолатида мажбурий вазиятга тушиб қолган тақдирда ўлимга ёки жиддий жароҳатланишга йўналтирилган усул ва зарбалар ҳам қўлланилиши мумкин.

**2. Фақат мушак кучи билан таъсир ўтказишга** маст одамни махсус автоуловга чиқаришда, жиноятчи қочиб яширинишга уринган, автоулов калитини олиб қўйган ҳолларида куч ишлатиш, жиноятчини қўлга олиш мақсадида эшикни оёқ, елка билан бузиб кириш ва бошқалар мисол бўла олади.

Кўриниб турибдики, бундай шаклдаги жисмоний куч ишлатиш оддий фуқароларга нисбатан ҳам (масалан, жиноят содир этилган ёки махсус операция ўтказиш жойларидан қизиқувчи одамларни кузатиб олиб чиқиб кетишда) қўлланилиши мумкин.

Полиция ходими ҳар қандай ҳолда ҳам жисмоний куч ишлатишига тўғри келадими, деган саволга мутахассислар шундай жавоб берадилар. Қуйидаги ҳолларда шахс (ёки фуқаро) полиция ходимининг қуйидаги қонуний талабларини бажаришдан бош тортса, ҳуқуқбузарга нисбатан жисмоний куч ишлатиш чораларини кўриши мумкин:

1) кўрсатилган жойга боришдан, турган жойида қолишдан бош тортиш ёки қочиш;

2) кириш лозим бўлган бирор-бир хонага, ҳудудга, транспорт воситасига ёки яна бошқа керакли объектларга кириш йўлини тўсиш ҳолларида;

3) кимлигидан қатъи назар, керакли шахслар олдида киритиш, буюм ёки ҳужжатларни кўздан кечириш имкониятини таъминлашда [4].

Хулоса қилиб айтганда, шуни эсдан чиқармаслик керакки, ички ишлар органлари ходими амалга оширган ҳаракатларнинг қонунийлигига тинч хоналарда туриб баҳо берилади. Ваҳоланки, жисмоний куч ишлатиш мажбурлов чоралари



---

---

одатда мураккаб рухий зўриқиш шароитида, жиноятчи билан юзма-юз тўқнашув вазиятларида рўй беради, имконият чекланган, юз бераётган ҳолатни атрофлича баҳолашга вақт бўлмаган, кўрқув онг имкониятларини қисқартирган, иродани сусайтирган ҳолларда юз беради. Шу боис ходим жисмоний куч билан мажбурлов чораларини, аввало, «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги қонун нормаларига, ҳукумат қарорларига, идоравий буйруқларга асосланган ҳолда, босиқлик билан энг кам (минимум) зарар етказган ҳолда қўллаши лозим. Агар ходим ички ишлар органлари қонунларига амал қилган ҳолда ваколати доирасида жисмоний куч ишлатиш орқали мажбурлов чораларини қўлласа, унинг ҳаракатлари қонуний ҳисобланиб, қўлга олиш чоғида етказган зарари қандай бўлишидан қатъи назар, у жавобгарликка тортилмайди.

Жисмоний куч ишлатиш чораларини қўллашдан олдин жараёнга аниқлик киритишга тўғри келади: куч ишлатиш чоралари ёрдамида фақат ҳаракат фаолияти билан амалга ошириладиган жиноят ва маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўхтатилади. Қонунга хилоф равишда яшаш жойидан рўйхатдан ўтмаган, давлат томонидан карантин вақти эълон қилинишига қарамай, ниқоб тақмаган ҳолларда, тегишли ҳужжатларсиз юриш кабиларда ходимга қарши ҳаракат фаолияти амалга оширилмаяпти, бундай ҳолларда жисмоний куч ишлатиш йўли билан мажбурлов чоралари қўлланилмайди.

Ҳомиладорлик белгилари маълум бўлиб қолган аёлларга, вояга етмаганларга, ақли норасо, ногиронларга нисбатан жисмоний куч ишлатиш мажбурлов чораларини айниқса, қўл жанги усулларини қўллаш **тақиқланади**. Қуролли қаршилиқ кўрсатилган, кўпчилик бўлиб ёки шахсан ўзи фуқаролар ёхуд ходимнинг соғлиғига, ҳаётига тажовуз қилиш ҳоллари бундан мустасно.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. *Мирзиёев Ш.М.* Инсон манфаатларини таъминлаш учун аввало унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ишончли ҳимоя қилинмоғи зарур // Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. — Т., 2017.

2. *Жабборов З.Қ.* Ижтимоий хавfli қилмиш содир этган шахсни ушлаш вақтида зарар етказишга оид жиноят-ҳуқуқий нормаларни қўллаш амалиётини такомиллаштириш (Ички ишлар органлари фаолияти мисолида): Юрид. фан. бўйича фалсафа д-ри (PhD) ... дис. автореф. — Т., 2019.

3. О полиции: Федеральный закон Российской Федерации от 7 февраля 2011 г. — URL: <http://www.kremlin.ru/acts/bank/32615>

4. *Соловей Ю.П.* Комментарий к Закону Российской Федерации «О милиции» / Ю. П. Соловей, В. В. Черников. — М.: «Проспект», 2000.

5. URL: <https://kun.uz/news/2020/08/07/vazir-ichki-ishlar-xodimlari-tomonidan-kuch-ishlatish-holatlari-boyicha-izoh-berdi>

## ОЛИЙ ТАЪЛИМНИ СИФАТ ЖИҲАТИДАН ЯНГИ БОСҚИЧГА ОЛИБ ЧИҚИШДА ПРОКУРОР НАЗОРАТИНИНГ ЎРНИ

**Аннотация.** Мақолада олий таълимни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш муаммолари ва бу жараёнда прокурор назоратининг ўрни тадқиқ этилган. Муаллиф академик ҳаракатчанликни, меҳнат бозорида иш берувчи сифатида иштирок этадиган барча субъектларнинг сифатли ва рақобатбардош кадрлар тайёрлаш жараёнидаги иштирокини жадаллаштиришга оид масалаларни кўтарган, шу асосда қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш юзасидан илмий асосланган таклифлар берган.

**Таянч сўзлар:** олий таълим, меҳнат бозори, прокурор назорати, субъект, академик ҳаракатчанлик, инновацион ёндашув, масофавий таълим, рақобатбардош кадрлар.

## РОЛЬ ПРОКУРОРСКОГО НАДЗОРА В ВЫВЕДЕНИИ ВЫСШЕГО ОБРАЗОВАНИЯ НА КАЧЕСТВЕННО НОВЫЙ УРОВЕНЬ

**Аннотация.** В статье исследуются проблемы выведения высшего образования на качественно новый уровень и специфических особенностей прокурорского надзора в этом процессе. Автор поднимает вопросы повышения академической мобильности, активного участия всех субъектов рынка труда в качестве работодателей в процессе подготовки качественных и конкурентоспособных кадров и выдвигает ряд научно обоснованных предложений по совершенствованию законодательства и правоприменительной практики в этой сфере.

**Ключевые слова:** высшее образование, рынок труда, прокурорский надзор, субъект, академическая мобильность, инновационный подход, дистанционное обучение, конкурентоспособные кадры.

## THE ROLE OF PROSECUTOR'S SUPERVISION IN BRINGING HIGHER EDUCATION TO A QUALITATIVELY NEW LEVEL

**Annotation.** The article examines the problems of bringing higher education to a qualitatively new level and the specific features of prosecutorial supervision in this process. The author raises the issues of increasing academic mobility, active participation of all labor market actors as employers in the process of training high-quality and competitive personnel and, on the basis, puts forward a number of scientifically substantiated proposals for improving legislation and law enforcement practice in this area.

**Keywords:** higher education, labor market, prosecutor's supervision, subject, academic mobility, innovative approach, distance learning, competitive personnel.

Республикамизда ўқитиш тизимига, шу жумладан олий таълимга муносабатни тубдан ўзгартириш, инновацион ёндашув ва илғор хорижий тажриба таҳлили асосида таълим сифатини тубдан оширишга қаратилган самарали ислохотлар амалга оширилмоқда. Таълим сифатини таъминлаш жараёнида олий таълим муассасаларидан ташқари, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, прокуратура, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, хўжалик юритувчи субъектлар ва бошқа идораларнинг ҳам фаол иштирок этиши алоҳида аҳамият касб этади.

\**Джураев Ихтиёр Бахтиёрович, ТДЮУ Ихтисослаштирилган филиали директори ўринбосари, юридик фанлар номзоди.*

---

---

Президент Ш. Мирзиёев таъкидлаганидек, «мамлакатимиз учун илм-фан соҳасидаги устувор йўналишларни аниқ белгилаб олишимиз керак. Ҳеч бир давлат илм-фаннинг барча соҳаларини бир йўла тараққий эттира олмайди. Шунинг учун биз ҳам ҳар йили илм-фаннинг бир нечта устувор йўналишларини ривожлантириш тарафдоримиз» [1].

Олий таълимни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш, олий таълим муассасалари халқаро рейтингда муносиб ўринга эга бўлиш, кадрлар сифати ва рақобатбардошлигига эришиш давлат ва унинг органлари томонидан сезиларли даражада моддий ва ташкилий саъй-ҳаракатларни, шунингдек кенг жамоатчилик ёрдамни талаб қилади.

Олий таълимни ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари таълим соҳасининг инвестициявий жозибадорлигини ошириш ва сифатли олий маълумот олишни таъминлаш, шунингдек жон бошига молиялаштириш принципларига ўтиш ва таълим хизматлари учун самарали бозорни шакллантириш билан боғлиқ [12].

Таълим — бу инсон ҳаёти сифатининг зарурий элементи бўлиб, уни нафақат моддий манфаатлар, балки соғлиқ, жамият ҳаётида иштирок этиши учун ҳам катта аҳамиятга эга. Таълим ҳар бир уюшган жамиятнинг асосидир [8].

Таълим — билим бериш, малака ва кўникмалар ҳосил қилиш жараёни, кишини ҳаётга ва меҳнатга тайёрлашнинг асосий воситаси. Таълимнинг мазмуни ва моҳияти жамиятнинг моддий ва маданий тараққиёти даражаси билан белгиланади [17, 307-б.].

Тарбия — шахсда муайян жисмоний, руҳий, ахлоқий маънавий сифатларни шакллантиришга қаратилган амалий педагогик жараён; инсоннинг жамиятда яшashi учун зарур бўлган хусусиятларга эга бўлишини таъминлаш йўлида кўриладиган чора-тадбирлар йиғиндиси [17, 270-б.].

Тарбия — ўзига хос хусусиятга ва бошқа педагогик тоифалар ва жараёнлардан нисбий мустақилликка эга бўлган мураккаб педагогик ҳодисадир. У қуйидаги муҳим таркибий қисмларни ўз ичига олади: мазмуни, ташкил этилиши, методикаси, педагогик раҳбарлик ва бошқалар. Уларнинг барчаси бир-бири билан чамбарчас боғлиқдир [13].

Юқорида қайд этилган тушунчалар мазмуни ва моҳиятидан маълумки, таълим бериб, тарбияга эътибор берилмаса ёки яхши тарбиялаб, сифатли таълим бериш, ўқитиш ташкил этилмаса, кадрлар тайёрлашдан кўзланган натижага эришиб бўлмайди. Прокуратура назорат фаолиятини амалга ошириши жараёнида бу масалага эътиборни янада кучайтириши керак. Чунки мазкур муҳим масала бевосита республикамизнинг турли соҳалар бўйича янада ривожланиши, халқаро майдонда эса ҳар бир соҳанинг танилиши ва ўз ўрнига эга бўлишида асосий роль ўйнайди.

Ўзбекистон Республикасининг «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги қонунида ёшларга оид давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири этиб ёшларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш, уларнинг маънавий, интеллектуал, жисмоний ва ахлоқий жиҳатдан камол топишига кўмаклашиш кўрсатиб ўтилган [4].

Олий таълим муассасаларида қонунчиликка риоя этилишини ўрганиш жараёнида хорижий олий таълим муассасалари билан тузилган меморандумлар,

---

---

хамкорликда ташкил этилган қўшма факультетларда таълим фаолиятининг қонунчилик талабларига мувофиқ объектив, шаффоф йўлга қўйилганлиги, олий таълим муассасасининг академик ҳаракатчанлиги ва бу йўналишда режалаштирилган ишларнинг қай даражада ижро этилиши ва сифат жиҳати таҳлил қилиниши мумкин. Мазкур йўналишда амалга ошириладиган назорат олий таълим муассасаларида қонунийликни мустаҳкамлашга, қонун устуворлигини таъминлашга, ҳуқуқбузарликлар келиб чиқишининг олдини олишга ва таълим сифатига эришишга хизмат қилади.

Академик ҳаракатчанлик таълим сифатини ошириш воситаларидан биридир. Сўнгги йилларда олий таълим муассасаси ёшларининг миграцияси Европа минтақасининг олий таълим бўйича асосий мавзусига айланди. Болония декларациясининг тавсияларига биноан, ҳар бир талабага семестрни бошқа олий таълим муассасасида, яхшиси чет элда ўтказиш тавсия этилади [7].

Академик ҳаракатчанлик — чет элда ўқиш, дарс бериш, илмий изланишлардан иборат бўлиб, шундан сўнг талаба (ўқитувчи) тадқиқотчи асосий ўқув ёки илмий муассасасига қайтади. Академик ҳаракатчанлик ҳукумат келишувлари, олий таълим муассасалари ёки олий таълим муассасалари ассоциациялари, шунингдек талабалар (ўқитувчилар) тадқиқотчилар томонидан олий таълим муассасалари ёки илмий-тадқиқот ташкилотлари билан тузилган шартномалар доирасида махсус алмашинув дастурлари орқали амалга оширилади [6].

Академик ҳаракатчанлик — таълим олувчилар ёки тадқиқотчи-ўқитувчиларнинг маълум бир академик даврга (шу жумладан, ўқув ёки ишлаб чиқариш амалиётини ўтиши), одатда, семестр ёки ўқув йилида бошқа олий ўқув юртига (ўз юртида ёки чет элга) ўқиш ёки илмий изланиш учун бориши, кредитлар шаклида ўзлаштирилган ўқув дастурларини белгиланган тартибда мажбурий равишда ўтказиши [3].

Академик ҳаракатчанлик — маълум бир академик даврда талабалар ёки ўқитувчиларни мамлакат ичидаги ёки хориждаги бошқа олий ўқув юртига ўқиш ёки илмий изланиш учун ўтказиш қобилятидир [5].

Коронавирус пандемияси шароитида барча олий таълим муассасалари ўқув жараёнини масофавий таълим шаклида ташкил этди. Бунда ҳар бир таълим муассасаси масофавий таълим платформаси орқали талабаларга электрон ўқув материалларини етказиш ва назорат турлари бўйича уларнинг билимини баҳолаш чораларини кўришга ҳаракат қилади.

Б. Х. Пўлатовнинг таъкидлашича, «масофавий ўқитиш — ўқувчиларга асосий ўрганиладиган материаллар ҳажмини етказиб беришни, ўқувчи ва ўқитувчиларнинг (тьюторларнинг) ўқув жараёнида интерфаол ҳамкорлигини, ўқувчиларга ўрганиладиган материалларни ўзлаштириш бўйича ҳамда ўқув жараёнида мустақил ишлаш учун шароит яратиб беришни таъминлайдиган технологиялар жамланмасидир» [10].

Б. Д. Абдуллаев: «Масофавий таълимда ўқитувчи йўналтиради, талаба ўз устида кўпроқ ишлаши керак бўлади. Мақсад эса ҳар қандай шароитда, замонавий кадрлар тайёрлаш сифатига путур етказмай, таълим беришнинг самарали жиҳатларини жараёнда қўллаш орқали асосий мақсадга етишдир. Зеро, мамлакат келажаги билимли, салоҳияти юксак кадрларга боғлиқ эканлигини теран англаш ҳам Ватан олдидаги энг олий бурчимиздир» [2], — деб таъкидлаган эди.

---

---

Бундан кўриниб турибдики, олий таълим муассасаси ўқув жараёнини ташкил этишда қандай ўқитиш шаклини танлашидан қатъи назар талаба учун қулай, унинг ўз устида мустақил ишлаши, мустақил қарор қабул қилиш кўникмасини ривожлантиришига хизмат қилиши керак.

Таъкидлаш жоизки, прокуратура органлари томонидан олий таълим муассасаларида қонунчиликка риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш жараёнида мазкур таълим шаклининг олий таълим муассасасида жорий этилганлиги ва талабалар билимининг объектив, шаффоф ва холис баҳоланганлигига ҳам алоҳида эътибор берилади.

Прокуратура органлари томонидан олий таълим муассасаларида қонунчилик ижроси устидан назоратни амалга ошириш жараёнида иш берувчиларнинг таълим фаолиятидаги иштироки, уларнинг таълим сифатини таъминлаш бўйича кўрсатмалар бериб бориши муҳимдир. Амалиёт муаммолари, хорижий тажриба ва келгуси истиқбол режалардан келиб чиққан ҳолда фанлар, мавзулар ва бошқа шу каби масалалар бўйича асосий буюртмачи сифатида ўрнининг таҳлил қилиниши ҳамда бу борада юқори турувчи ваколатли Ҳукумат идорасига таклифлар киритиб борилиши сифатли ва рақобатбардош кадрлар тайёрлаш жараёнида катта аҳамиятга эга.

Меҳнат бозорини сифатли кадрлар билан таъминлашга фақат олий таълим муассасасининг вазифаси сифатида қаралмаслиги керак. Бу фаолият давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, прокуратура, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, хўжалик юритувчи субъектлар ва бошқа идораларнинг доимий эътибор марказида бўлиши лозим. Олий таълим сифатини таъминлашга муносиб ҳисса қўшиш мақсадида уларнинг хорижий ижобий тажриба ва амалиёт муаммоларини инobatга олиб, таклиф, тавсия ва амалий кўмак билан бу жараёнда фаол иштирок этиши сифатли ва рақобатбардош кадрлар тайёрлаш борасида янада самарали натижаларга етаклайди. Шундан келиб чиққан ҳолда меҳнат бозорида иш берувчи сифатида иштирок этадиган барча субъектлар Устави қуйидаги қоида билан тўлдирилиши таклиф этилади:

«олий таълим сифатини таъминлашга муносиб ҳисса қўшиш мақсадида илғор хорижий тажриба ва амалиёт муаммоларини инobatга олиб таклиф, тавсия ва амалий кўмак билан сифатли ва рақобатбардош кадрлар тайёрлаш жараёнида фаол иштирок этиш».

Таълимни модернизация қилиш мураккаб ва тадрижий жараёндир. Шунинг учун таълим жараёнининг чуқур ўйлаб босқичма-босқич ислоҳ қилиниши жамиятда ҳуқуқий маданиятни оширишга имкон беради. Шубҳасиз, таълим соҳасида инновацион ислоҳотларни амалга ошириш демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятининг объектив эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда юқори малакали кадрларнинг янги авлодини тарбиялашнинг ғоятда муҳим ва ҳал қилувчи омили бўлиб хизмат қилади [15].

Таълим инсон омилига сарфланувчи сармоядир. Умуман, жамият бундан манфаатдор. Зеро, таълим даражаси ва сифатининг юксалиши иқтисодий ўсишни таъминлайди, меҳнат унумдорлигини оширади, ижтимоий муаммоларнинг оқилона ечимларини топиб, пировард натижада мамлакатнинг халқаро ҳамжамиятдаги ўрнини белгилайди [11].



---

---

Таълим сифатини ошириш бир қанча мезонларга боғлиқ бўлиб, талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш шулардан биридир. Баҳолаш тизимини оқилона ташкил этиш, юзага келиши мумкин бўлган муаммо ва камчиликларнинг олдини олиш, уларни бартараф этиш, ушбу жараённинг самарадорлигини ошириш, яъни ҳар бир талабанинг мавжуд фан юзасидан белгиланган талаб асосида ўзлаштирганини қайд этиш ёки ўз устида ишлаш кўникмаларини ривожлантириш олий таълим тизимининг услубий аҳамиятга эга бўлган вазифаларидан бири ҳисобланади [9].

Инновацион педагогик технологияларнинг таълим соҳасига кенг жалб қилиниши аудитория машғулотларига ажратилган соатлар сонининг қисқариб бориши шароитларида бериладиган маълумотларни самарали шаклда талабаларга тақдим этиш, уларни мустақил фикр юритиш, жамоа бўлиб ишлаш, қарор қабул қилиш, ўз фикр ва қарашларини омма олдида ҳимоя қилишга туртки бериш орқали фанни мукамал ўзлаштиришига эришиш ҳисобланади. Шу боис таълим жараёнида ўқитишнинг илғор технологияларини қўллаш орқали талабаларда шакллантириладиган билим ва кўникмаларни баҳолашнинг ўрни ва аҳамияти ошиб бораверади [16].

Таълим сифати, энг аввало, таълим жараёнининг асосий бўғини, унинг ҳам объекти, ҳам субъектининг ўқув материални ўзлаштириш сифатига (даражасига) боғлиқ [14].

М. З. Шарипованинг фикрига кўра, «таълимнинг сифат тизимини таъминлаш принципларидан бири ўқув материални ўзлаштиришнинг жорий ва якуний натижаларини ҳисобга олиш ва назорат қилишдир. Талабалар билимини назорат қилишнинг асосий шакли — билимни баҳолашнинг рейтинг тизими, яъни жорий ўқув натижалари ва ўқув йилидаги иш натижалари бўйича якуний баҳо олиш» [18].

Олий таълим муассасалари фаолиятида талабалар билимини баҳолаш тизими алоҳида аҳамият касб этишини қайд этган ҳолда бу жараёнга ахборот-коммуникация технологияларини, шу жумладан замонавий компьютер дастурларини кенг жорий этиш орқали талаба билимини тўғридан-тўғри баҳолаш билан боғлиқ профессор-ўқитувчи ва талаба ўртасидаги визуал алоқани қисқартириш имконияти яратилади.

Олий таълим муассасаларида жорий этилган компьютер дастурлари натижалари асосида ўқув йилининг ҳар бир семестри бўйича энг юқори натижа қайд этган талабаларни ва гуруҳни аниқлаш ҳамда эълон қилиб бориш талабалар ўртасида ўқиш ва ўзлаштиришга бўлган қизиқишнинг ортишига, сифатли кадрлар тайёрлаш йўналишида соғлом рақобат муҳити шаклланишига хизмат қилади.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Халқ сўзи. — 2020. — 25 янв.
2. URL: <http://uza.uz/oz/society/masofaviy-talim-tekhnologiyalaridan-llanilayetgani-anday-sam-23-04-2020>
3. URL: <https://kuef.kz/ru/cooperation/mobility/>
4. URL: <https://lex.uz/docs/3026246>
5. URL: <https://miras.edu.kz/university/index.php/ru/struktura/international-ru/akademicheskaya-mobilnost>

- 
- 
6. URL: <https://www.spbstu.ru/international-cooperation/expert-center-international-cooperation/education/academic-mobility/>
7. *Девятова И.Е.* Академическая мобильность студентов: уровень вуза // Высшее образование в России. — 2012. — № 6. — URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/akademicheskaya-mobilnost-studentov-uroven-vuza>
8. *Макеев Н.Н.* Прокурорский надзор за исполнением законов о высшем профессиональном образовании в Российской Федерации: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. — М., 2005.
9. *Назарова Ф.У.* Олий таълимда баҳолаш тизимини такомиллаштириш хусусиятлари / Замонавий таълим / Современное образование. — 2017. — № 4. — URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/oliy-talimda-ba-olash-tizimini-takomillashitirish-hususiyatlari/viewer>
10. *Пулатов Б.Х.* Масофавий таълим тизимининг замонавий ўқитиш технологиялари // Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси ахборотномаси. — 2019. — №1 (37). — URL: [http://proacademy.uz/uploads/q2/ViF0krjuWome\\_4ga8X7q9vvVUPfQ3hcSb5d6nxCz52U-Ww5w.pdf](http://proacademy.uz/uploads/q2/ViF0krjuWome_4ga8X7q9vvVUPfQ3hcSb5d6nxCz52U-Ww5w.pdf)
11. *Рустамова Д.Д.* Ўзбекистон олий таълим тизими ва ундаги айрим муаммолар / Замонавий таълим / Современное образование. — 2014. — № 7. — URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/zbekiston-oliy-talim-tizimi-va-undagi-ayrim-muammolar/viewer>
12. *Серегина С.С.* Конституционное право на высшее образование в Российской Федерации: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. — Саратов, 2006. — С. 3. — URL: [https://static.freereferats.ru/\\_avtoreferats/01002870374.pdf](https://static.freereferats.ru/_avtoreferats/01002870374.pdf)
13. *Старостин В.Г.* Задачи и уровни организации воспитательной работы в вузе МВД РФ // Вестник Московского университета МВД России. — 2015. — № 1. — URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/zadachi-i-urovni-organizatsii-vospitatelnoy-raboty-v-vuze-mvd-rf/viewer>
14. *Тожибоева Д.* Таълимга ёндашувлар ва модуль асосида ўқитишнинг тутган ўрни / Замонавий таълим / Современное образование 2018. — № 3. — URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/talimga-yondashuvlar-va-modul-asosida-itishning-tutgan-rni/viewer>
15. *Топилдиев В.Р.* Модулли ўқитиш технологиялари хусусида айрим мулоҳазалар // Олий таълим муассасаларининг ўқув жараёнида илгор педагогик ва замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг жорий этилиши: амалиёт ва истикболлар: Илмий-амалий конф. мат-ри (2018 йил 25 октябрь). — Т.: Университет, 2018. — URL: [https://www.researchgate.net/profile/Solikhha\\_Allayarova/publication/336196975](https://www.researchgate.net/profile/Solikhha_Allayarova/publication/336196975)
16. *Тўраев Б.З.* Case-study технологиясини қўллаш асосида бўлажак мутахассис кадрлар касбий компетентлигини баҳолашнинг интерфаол усули / Замонавий таълим / Современное образование. — 2015. — № 1. — URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/case-study-tehnologiyasini-llash-asosida-b-lazhak-mutahassis-kadrlar-kasbiy-kom-petentligini-ba-olashning-interfaol-usuli/viewer>
17. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 8-жилд. Солнома — Тўйтепа / Таҳрир ҳайъати А. Азизхўжаев, М. Аминов, Т. Даминов ва б. — Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2004.
18. *Шарипова М.З.* Рейтинг как важная оценка знаний студентов // Наука и образование сегодня. — 2019. — № 1 (36). — URL: <https://publikacija.ru/images/PDF/2019/36/Science-and-education-today-1-36.pdf>

## ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ БОШҚАРУВ ТИЗИМИГА ИННОВАЦИОН ЛОЙИҲАЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИШ

**Аннотация.** Мақолада ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларини бошқариш тизимида инновацион лойиҳаларни жорий этишнинг муҳимлиги ёритилган. Хусусан, муаллиф ички ишлар органларининг фаолиятига инновацион лойиҳаларни жорий этишнинг истиқболли стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, унинг ҳуқуқий, институционал ҳамда илмий-амалий методологик асосларини яратиш юзасидан таклифлар берган.

**Таянч сўзлар:** тараққиёт, инновация, инновацион лойиҳа, стратегия, бошқарув, ички ишлар органлари, тизим.

## ВНЕДРЕНИЕ ИННОВАЦИОННЫХ ПРОЕКТОВ В СИСТЕМУ УПРАВЛЕНИЯ ОРГАНАМИ ВНУТРЕННИХ ДЕЛ

**Аннотация.** В статье раскрывается важность внедрения инноваций в систему управления правоохранительными органами. В частности, автор выдвигает предложения по разработке и реализации перспективной стратегии внедрения инновационных проектов в деятельность органов внутренних дел, созданию правовой, институциональной и научно-практической методологической базы для этого.

**Ключевые слова:** развитие, инновация, инновационный проект, стратегия, управление, правоохранительная деятельность, система.

## IMPLEMENTATION OF INNOVATIVE PROJECTS IN THE GOVERNANCE SYSTEM OF THE INTERNAL AFFAIRS

**Annotation.** The article reveals the importance of introducing innovations into the management system of law enforcement agencies. In particular, the author puts forward proposals for the development and implementation of a promising strategy for the introduction of innovative projects in the activities of internal affairs bodies, the creation of a legal, institutional and scientific-practical methodological base for this.

**Keywords:** development, innovation, innovative project, strategy of management, law enforcement, system.

Бугун инсоният фан-техника имкониятларидан янада кенгроқ фойдаланиш, ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг долзарб муаммоларини ўз вақтида ҳал этиш, унинг аҳамиятини ошириш мақсадида барча соҳаларда инновацион ютуқларни қўллаган ҳолда муҳим тадқиқотларни амалга оширмақда. Ҳақиқатан ҳам, келажакда дунё ҳамжамияти орасида муносиб ўринга эга бўлиш ва ривожланиш учун жамият турмушининг, ҳаётнинг барча жабҳаларига инновацион лойиҳаларни жорий этиш тақозо этилади.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев ўз маърузаларидан бирида таъкидлаганидек, «ҳозирги кунда дунё миқёсида шафқатсиз рақобат тобора кескин тус олмақда. Бундай

\* *Жўраев Муҳиддин Ўткирович, Тошкент шаҳар ички ишлар бошқармаси бошлигининг биринчи ўринбосари, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси мустақил изланувчиси.*

---

---

мураккаб шароитда замонавий илм-фан ва инновация ютуқларини кенг жорий этиш бўйича биз узлуксиз иш олиб боришимиз керак.

Нега деганда, бу масала ҳозирги вақтда аҳоли фаровонлигини юксалтириш, давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини барқарор ривожлантириш, Ватанимизнинг ёруғ келажагини бунёд этишнинг ҳал қилувчи омилига айланмоқда» [1].

Адабиётларда муаллифлар томонидан «инновация» тушунчаси турлича таърифланган. Хусусан, уни Б. Брайан ва Б. Санто — жараён сифатида, Н. Лапин — тизим сифатида, Ф. Валента ва И. Волдачек — ўзгариш сифатида, А. Левинсон ва Л. Гохберг — натижа сифатида таърифлашган [6]. Шунингдек, инновацияни айрим муаллифлар иқтисодий категория сифатида тадқиқ этишса [3], [4], [6], бошқалари ҳуқуқий [2] ёки фалсафий [5] категория сифатида ўрганишган.

Умуман, бугун давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини ривожлантиришни инновациясиз тасаввур этиш жуда қийин. Шу боис «инновация» тушунчасига ҳар бир соҳа ва фан тармоғи нуқтаи назаридан турлича ёндашувлар мавжуд. Бошқа давлат органлари сингари ички ишлар органлари (ИИО) олдида ҳам бугун инновацион лойиҳаларни кенг жорий этиш масаласи турибди.

Сўнгги йилларда ИИО фаолиятига бир қатор инновацион лойиҳа ва ишланмалар жорий этилди. Хусусан, «Хавфсиз шаҳар», «Хавфсиз пойтахт», «Хавфсиз туризмни таъминлаш», «Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш», «Хавфсиз хонадон» каби ўзига хос янги концепциялар ҳаётга жорий этилмоқда. Шунингдек, ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасида инвестициявий лойиҳани амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2018 йил 30 октябрь) ПҚ–3989-сон қарорига асосан Андижон, Наманган, Тошкент ва Фарғона вилоятлари ҳудудида Германиянинг нуфузли «ATLAS International» компаниялар гуруҳи билан ҳамкорликда «Ўзбекистон Республикасида йўл ҳаракати қоидалари бузилишини фото-видео фиксация қилишнинг автоматлаштирилган тизими» инвестициявий лойиҳаси татбиқ этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бош бошқармаси таркибида Электрон ахборот тизимлари бошқармаси ташкил этилди ва ҳозирги кунда ушбу бошқарма қуйидаги вазифаларни инновацион шаклда амалга оширмоқда:

давлат хизматлари, шу жумладан биометрик ҳужжатларни бериш, хорижга чиқиш учун ҳужжатларни кўриб чиқиш ва расмийлаштириш, яшаб турган жойи бўйича доимий ёки вақтинча пропискага қўйиш, шунингдек манзил-маълумот ахборотини тақдим этиш бўйича хизматлар кўрсатишнинг электрон тизимларини жорий этиш ва ривожлантириш;

турган жойи бўйича доимий ва вақтинча пропискага қўйиш, Ўзбекистон Республикасидан чиқиш, унга кириш ва унда бўлиш, фуқароликни қабул қилиш, йўқотиш ва ундан чиқиш, сиёсий бошпана бериш соҳасида интеграциялашган маълумотлар базасини шакллантириш ва юритиш, шунингдек ахборот тизимларининг хавфсизлиги ва узлуксиз ишлашини таъминлаш;

миграция жараёнлари ва фуқароликни расмийлаштириш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, жиноятларни аниқлаш ва фош этиш, қидирув ишларини олиб боришда кўмаклашиш масалаларида идоралараро электрон ҳамкорликни амалга ошириш.

Таҳлиллар ИИО бошқарув тизимига инновацион лойиҳаларни жорий этиш бир тизимга солинмаганлигини кўрсатмоқда. ИИОнинг тегишли хизматлари, бўлинмалари ва ҳудудий тузилмалари фаолиятига кўплаб инновацион ишланма ва лойиҳалар жорий этилган бўлса-да, бироқ бу борада ягона ёндашув, истикболли стратегия мавжуд эмас.

---

---

Фикримизча, ИИО бошқарув тизимига инновацион лойиҳаларни янада кенгрок жорий этиш мақсадида қуйидаги вазифаларни амалга ошириш лозим:

1) ИИО фаолиятига инновацион лойиҳаларни жорий этишнинг истиқболли стратегиясини ишлаб чиқиш ва изчиллик билан амалга ошириш;

2) ИИО фаолиятига инновацион лойиҳаларни жорий этишнинг аниқ йўналишларини ишлаб чиқиш;

3) ИИО фаолиятига инновацион лойиҳаларни жорий этишнинг ҳуқуқий асосларини яратиш;

4) ИИО фаолиятига инновацион лойиҳаларни жорий этишнинг институционал ҳамда илмий-амалий методик асосларини шакллантириш;

5) ИИО фаолиятига инновацион лойиҳаларни жорий этишнинг институционал асосларини яратиш.

Ушбу вазифаларга батафсилроқ тўхталиб ўтамиз.

ИИО фаолиятига инновацион лойиҳаларни жорий этишнинг истиқболли стратегиясини ишлаб чиқиш ва изчиллик билан амалга оширишда қуйидагиларга эътибор қаратиш лозим:

ИИО фаолиятига инновацион лойиҳаларни жорий этишнинг истиқболли стратегияси дунё илм-фанининг замонавий ютуқлари, инновацион ишланмалар ва технологиялар асосида инсон капиталини, ИИО бошқарув тизимини жадал ривожлантириш, инновацион фаолият соҳасида ИИВнинг сиёсатини, ИИОнинг давлат ва жамият олдида турган тегишли даврга мўлжалланган комплекс мақсад ва вазифаларини, шунингдек уларни амалга ошириш бўйича ҳаракатлар режаларини белгилаб бериши керак.

ИИО фаолиятига инновацион лойиҳаларни жорий этишнинг истиқболли стратегияси ўрға муддатли ва узоқ муддатли даврлар учун қабул қилиниши мақсадга мувофиқ.

ИИО фаолиятига инновацион лойиҳаларни жорий этишнинг истиқболли стратегиясида қуйидаги вазифалар кўрсатилиши керак:

— ИИО фаолиятига инновацион лойиҳаларни жорий этишнинг ҳозирги аҳволи ва келгусида самара берадиган аниқ натижалари;

— ИИО фаолиятига инновацион лойиҳаларни жорий этишнинг ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинишини таъминлаш;

— ИИОда технологик тараққиётни прогнозлаш;

— ИИОда инновацион фаолиятни амалга ошириш учун зарур шарт-шароит ва инфратузилмани яратиш;

— ИИО фаолиятига инновацион лойиҳаларни жорий этишни рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш;

— ИИО фаолиятига инновацион лойиҳаларни жорий этишнинг тармоқ ва ҳудудий дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш;

— ИИО фаолиятига инновацион лойиҳаларни жорий этишда давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш;

— ИИО фаолиятига инновацион лойиҳаларни жорий этиш бўйича кадрлар тайёрлаш, уларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш;

— ИИО фаолиятига инновацион лойиҳаларни жорий этиш бўйича бошқа давлат тузилмалари билан ҳамкорликни амалга ошириш;

— ИИО фаолиятига инновацион лойиҳаларни жорий этиш босқичларини ишлаб чиқиш;

— ИИО фаолиятига инновацион лойиҳаларни жорий этишнинг устувор йўналишларини белгилаш;

— ИИО фаолиятига инновацион лойиҳаларни жорий этиш бўйича масъул субъектларни тайинлаш;



---

---

— ИИО фаолиятига инновацион лойиҳаларни жорий этиш стратегиясини амалга ошириш дастурини ишлаб чиқиш (Дастурда амалга ошириладиган аниқ тадбирлар, уларни бажариш муддати, ижро учун масъуллар, сарф-харажатлар, молиялаштириш манбалари кўрсатилади).

ИИО фаолиятига инновацион лойиҳаларни жорий этишнинг аниқ йўналишлари сифатида қуйидагилар белгиланиши лозим:

1) фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари, жисмоний ва юридик шахсларнинг мол-мулки, конституциявий тузум ҳимоя қилинишини, қонун устуворлиги, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлаш;

2) халқ билан изчил манзилли мулоқот ўрнатиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш;

3) ИИОнинг ички тизими бўйича, шунингдек давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан яқин ҳамкорлик ўрнатиш;

4) ИИОда бошқарувни ташкил этиш;

5) жисмоний ва юридик шахсларга давлат хизматлари кўрсатиш;

6) ИИОнинг барча даражалардаги бўлинмалари зиммасига юклатилган вазифаларни бажариши бўйича, авваламбор, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва уларнинг олдини олиш, жиноятчиликка қарши кураш, тезкор-қидирув ва эксперт-криминалистика фаолияти, терговга қадар текширув ва дастлабки терговни амалга ошириш соҳасидаги фаолиятини назорат қилиш, мувофиқлаштириш ва самарадорлигини таъминлаш;

7) жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш, муомалада бўлиши тақиқланган ёки қонун билан чекланган нарса ва моддаларни сотиб олиш, қайд этиш, сақлаш ва улардан фойдаланиш қоидаларига риоя этилишини назорат қилишни ташкил этиш;

8) йўл ҳаракати хавфсизлиги ва ёнғин хавфсизлигини таъминлаш, аҳоли миграцияси ва паспорт тизими соҳасидаги қонунчиликка риоя этилиши устидан назоратни ташкил этиш;

9) жиноий жазолар ва бошқа жиноят-ҳуқуқий таъсир чоралари ижросини, маҳкумларни тузатиш ва қайта тарбиялаш, шунингдек шахсларни қидириш ишларини ташкил этиш;

10) ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон яратувчи шарт-шароитларни тизимли таҳлил қилиш ва бартараф этиш чораларини кўриш, қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштиришга доир таклифлар ишлаб чиқиш;

11) жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, фуқароларда қонун бузилишига нисбатан муросасизлик муҳитини шакллантириш, уларга қонунга итоаткорлик ҳулқ-атворини ҳамда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қилиш ҳиссини сингдириш;

12) ИИО кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини ошириш, танлаш ва жой-жойига қўйиш, шунингдек ходимларни ҳуқуқий ҳамда ижтимоий ҳимоя қилишнинг самарали тизимини ташкил этиш;

13) хавфсиз туризмни таъминлаш.

ИИО фаолиятига инновацион лойиҳаларни жорий этишнинг ҳуқуқий асосларини яратиш. Таъкидлаш жоизки, ИИО фаолиятига инновацион лойиҳаларни жорий этишнинг яхлит ҳуқуқий асослари мавжуд эмас. Амалдаги қонунлар ва ИИВнинг тегишли буйруқларида ИИО фаолиятига инновацион лойиҳаларнинг айрим масалаларини жорий этишга оид муайян нормалар бор. Масалан, 2016 йил 16 сентябрда қабул қилинган «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси

---

---

қонунининг 12-моддасида ички ишлар органлари ўз фаолиятида фан-техника ютуқларида фойдаланишлари мумкинлиги назарда тутилган. Аммо ушбу нормалар ички ишлар органларининг инновацион ривожланишини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш учун етарли эмас.

Шу сабабли ИИВнинг ИИО фаолиятига инновацион лойиҳаларни жорий этишни тубдан такомиллаштириш бўйича махсус буйруғи чиқарилиши лозим. Унда ИИВ инновацион фаолиятининг асосий принциплари, инновацион фаолият соҳасидаги сиёсатининг асосий йўналишлари, ваколатлари, уни ИИОда жорий этишни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, инновацион ривожланиш стратегияси, инновацияларни яратишга доир давлат буюртмасини шакллантириш ва тасдиқлашда ИИВнинг иштироки, технологиялар трансферининг устувор йўналиши, усул ва механизмлари, ИИВнинг инновацион инфратузилмалари кабилар белгилаб қўйилиши лозим.

ИИО фаолиятига инновацион лойиҳаларни жорий этишнинг институционал ҳамда илмий-амалий методик асосларини яратиш. Инновацион лойиҳаларни амалга оширишда инновацион фаолиятни моддий-техник, молиявий, ташкилий-услубий, ахборот, консултатив ва бошқа жиҳатлардан таъминлайдиган инфратузилмалар муҳим ўрин тутди.

Шу боис ИИОни бошқариш тизимига инновацион лойиҳаларни жорий этишнинг институционал асосларини яратиш, бунда ИИВнинг тегишли бош бошқармасини ташкил этиш лозим. У инновацион технологик парк, технологиялар трансфери маркази, инновацион кластер, венчур ташкилоти, инновация марказини ўз ичига олиши керак.

Шундай қилиб, тараққиётнинг ҳозирги босқичида ИИОнинг фаолиятини ривожлантириш, тизим зиммасига юкланаётган вазифаларнинг бажарилишини таъминлашни инновациясиз тасаввур этиб бўлмайди. Чунки ҳуқуқ-тартиботни, жамоат тартиби ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, жиноятчиликка қарши кураш ҳамда ҳуқуқбузарликлар профилактикасига оид ишларнинг самарадорлиги, бошқа барча соҳалар сингари, инновациянинг қай даражада жорий этилишига боғлиқ.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. *Мирзиёев Ш.М.* Конституция — эркин ва фаровон ҳаётимиз, мамлакатимизни янада тараққий эттиришнинг мустаҳкам пойдеворидир: Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 25 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза // Халқ сўзи. — 2017. — 8 дек. — URL: <http://xs.uz>.

2. *Ахмедов А.Д.* Инновацион фаолиятни ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш: Юрид. фан. д-ри (DSc) ... дис. автореф. — Т., 2017. — 58 б.

3. *Ёзиев Ф.Л.* Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг мамлакат инновацион ривождаги салоҳиятини оширишнинг асосий йўналишлари (Осиё—Тинч океани минтақаси мамлакатлари тажрибаси мисолида): Иқт. фан. бўй. фалсафа д-ри (PhD) ... дис. автореф. — Т., 2019. — 51 б.

4. *Отажонов Ш.И.* Инновация фаолияти инфратузилмасини бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизмлари самарадорлигини ошириш: Иқт. фан. д-ри (DSc) ... дис. автореф. — Т., 2018. — 94 б.

5. *Султанова Г.С.* Постноклассик илмий тафаккур тарзида ғоявий ворислик ва инновация муаммолари: Фалсафа фан. бўй. фалсафа д-ри (PhD) ... дис. автореф. — Самарқанд, 2018. — 42 б.

6. *Шакирова Ф.Б.* Инновациялар асосида барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашнинг айрим назарий жиҳатлари // Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар илмий электрон журнали. — 2018. — № 5.

## ТЕРРОРИЗМ ВА ЭКСТРЕМИЗМГА ҚАРШИ КУРАШДА ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМНИНГ ЎРНИ

**Аннотация.** Мақолада хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибасини таҳлил қилиш асосида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, терроризм ҳамда экстремизм билан боғлиқ жиноятларга қарши кураш бўйича илғор тажрибани ва таълим беришнинг янги усулларини ўрганишлари бўйича бир қатор ташкилий чоралар кўриш зарурлиги юзасидан таклифлар берилган.

**Таянч сўзлар:** терроризм, терроризмни молиялаштириш, экстремизм, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликлар, терроризм ва экстремизмга қарши кураш, таълимнинг замонавий усуллари, илғор тажриба.

## РОЛЬ СОВРЕМЕННОГО ОБРАЗОВАНИЯ В БОРЬБЕ С ТЕРРОРИЗМОМ И ЭКСТРЕМИЗМОМ

**Аннотация.** В статье на основе анализа передового опыта зарубежных стран выдвигаются предложения о необходимости принятия ряда организационных мер по повышению уровня правовой грамотности сотрудников правоохранительных органов и изучения ими передового опыта и новых методов борьбы с терроризмом и преступлениями, связанными с экстремизмом.

**Ключевые слова:** терроризм, финансирование терроризма, экстремизм, преступность и правонарушения, борьба с терроризмом и экстремизмом, современные методы обучения, передовой опыт.

## THE ROLE OF MODERN EDUCATION IN THE FIGHT AGAINST TERRORISM AND EXTREMISM

**Annotation.** The article analyzes the best practices of foreign countries, proposals on the necessity to take a number of organizational measures to increase the level of legal literacy of law enforcement officials and study them best practices and new methods of combating terrorism and crimes related to extremism.

**Keywords:** terrorism, financing of terrorism, extremism, crime and delinquency, combating terrorism and extremism, modern teaching methods, best practices.

Дарҳақиқат, бугунги тез ўзгараётган дунё инсоният олдида янгидан-янги, буюк имкониятлар очмоқда. Шу билан бирга, уларни илгари кўрилмаган турли ёвуз хавф-хатарларга ҳам дучор қилмоқда. Терроризм билан боғлиқ жиноятлар трансмиллий ва трансчегаравий хусусият касб этиб, ижтимоий хавфлилик даражаси кескин ошиб бормоқда. Терроризм ва экстремизм билан боғлиқ жиноятларга қарши курашиш борасида дунё мамлакатлари томонидан кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилаётган бўлса-да, мазкур турдаги жиноятларнинг ғоявий шакллари интернет тармоқлари орқали кенг тарқалмоқда. Терроризм — бу сиёсий кураш методларидан бири бўлиб, ички ишлар органлари тизимида терроризм ва экстремизмга қарши курашда янги амалий тажрибалар,

*\*Саидов Миёнфарух Рабуллаевич, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Терроризм ва одам савдосига қарши курашиш кафедраси катта ўқитувчиси.*

---

---

билимлар, ривожланган давлатларнинг терроризм ва экстремизмга қарши кураш борасидаги амалий иш тажрибаларини ўрганишни тақозо этади. Дунё олимлари томонидан бу борада бир қанча асосланган илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Ҳозирги пайтда дунёнинг бирорта мамлакати йўқки, терроризм, хусусан халқаро терроризм хавфидан ўзини тўлиқ муҳофазаланган деб билса.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ички ишлар органлари ва уларнинг қуйи тизимидаги чегара олди қишлоқ ва овулларда хизмат олиб бораётган ходимларни терроризм ва экстремизм билан боғлиқ жиноятчиликка қарши курашда илмий ҳуқуқий адабиётлар ва техник жиҳозлар билан таъминлаш ҳамда ривожланган давлатларнинг илғор амалий иш тажрибаларини ўргатиш бўйича давлатимиз томонидан алоҳида эътибор қаратилиши мақсадга мувофиқдир.

Ҳозирги кунда терроризм умумбашарий халқаро глобал муаммолардан бирига айланганлиги муносабати билан ички ишлар органларида терроризм ва экстремизмга қарши курашишни янада такомиллаштиришга эҳтиёж ортиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ички ишлар органлари ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3216-сон (2017 йил 16 август) қароридан, «ўқитишнинг замонавий шакл ва усулларини, энг янги педагогик ва ахборот-коммуникацион технологияларни, шу жумладан ситуацион машғулотларни, масофадан ўқитиш тизимини кенг жорий этиш, таълим олувчилар ва ўқитувчиларни глобал ахборот-ҳуқуқий ва таълим ресурсларидан фойдаланиш имкониятларини таъминлаш» нечоғлик муҳимлиги таъкидлаб ўтилган.

Бу борада давлатимиз раҳбари 2020 йил 24 январь куни парламентга мурожаатномасидаги нутқида ички ишлар органлари фаолияти ҳақида қуйидаги танқидий фикрларни баён қилди. «Ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш соҳасидаги ислохотларни янги босқичга кўтариш зарур. Биз ички ишлар идоралари фаолиятини такомиллаштириш бўйича жиддий ислохотларни амалга оширмоқдамиз. Бироқ, очиқ тан олиш керак, ушбу идоралар ҳали халқчил тузилмага, фуқароларнинг чинакам ҳимоячисига айлангани йўқ. Тизимда жамоат тартибини сақлаш, жиноятларга қарши курашиш ва давлат хизматларини кўрсатиш фаолиятига доир аниқ мезонлар белгиланмаган. Шу сабабли, ислохотларни давом эттириб, ички ишлар идораларини одамларимиз оғирини енгил қиладиган тузилмага айлантириш зарурлигини яна бир бор такрорлаш ўринли деб биламан. Бу масала янги парламент, хусусан, Сенат олдидаги беш йиллик вазифа бўлиб, бунинг учун барча ташкилий-ҳуқуқий асосларни яратиш ва амалий чоралар кўриш лозим. Ички ишлар органлари учун барча даражадаги раҳбарларнинг малакасини ошириш ва мақсадли тайёрлаш тизимини ташкил этиш зарур»[4]. Бу таклифлар ҳақли талаб бўлиб, ички ишлар органлари ходимларини терроризм ва экстремизмга қарши курашда ўқитишнинг замонавий усулларида фойдаланиш заруратини давр тақозо этмоқда.

Шу муносабат билан, Ўзбекистонда глобаллашув ва ахборот-коммуникация технологиялари жадал ривожланиб бораётган ҳозирги кунда ички ишлар

---

---

органлари тизимида ўқитишнинг умумий жиноятчилик ва терроризмга қарши кураш йўналишида дунёнинг етакчи мамлакатлари амалий иш тажрибаларини ўрганиб, жиноятчиликка қарши курашишни янги босқичга кўтариш лозим.

Демак, мамлакатимизда терроризм ва экстремизм билан боғлиқ жиноятларга қарши кураш йўналишида, агар олис ҳудудлардаги чегара олди қишлоқ ва овулларда хизмат олиб бораётган ички ишлар органлари ходимларини умумий жиноятчилик, шу жумладан терроризм ва экстремизмга қарши кураш амалиётида ўқитишнинг илғор технологияларидан тўлиқ фойдаланиши учун уларни керакли адабиётлар, махсус техник анжомлар, интернет тармоқлари, проектор, планшет ва янги компьютер жиҳозлари билан таъминлаш мақсадида, жойлардаги маҳаллий ҳокимият, тегишли вазирлик ва идораларга тегишли таклифлар юборилса, иш самарадорлиги яхшиланиши билан бир қаторда, ходимларга нафақат ҳуқуқий, балки бошқа билимларни ҳам ўрганиб, таҳлил қилиш имконияти яратилади.

Ҳозирги вақтда ички ишлар органлари ходимларини ўқитишда Ўзбекистон Республикасининг «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги (2000 йил 15 декабрь), «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши кураш тўғрисида»ги (2004 йил 26 август), «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги (2012 йил 25 декабрь), «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги (2014 йил 14 май), «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги (2016 йил 16 сентябрь) ҳамда «Экстремизмга қарши кураш тўғрисида»ги (2018 йил 30 июль) қонунлари бўйича ўқув машғулотлари ўтказишда тизимнинг жойлардаги бўлим ва бўлинмаларини керакли адабиётлар билан тўлиқ таъминлаш зарур.

Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Бош котиби Владимир Норовнинг айтишича, «Экстремизм ва терроризм таҳдидларига қарши курашиш бўйича «ўзбек модели» кўплаб хорижлик мутахассислар эътиборини ўзига тортмоқда, хусусан, одамлар, биринчи навбатда ёшлар ўртасида ҳуқуқий маданият, диний-ахлоқий маърифатни юксалтириш йўли билан «тафаккур учун кураш»га алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Бундан ташқари, ижтимоий реабилитация, экстремистик ғоялар таъсирига тушиб қолган ва ўз хатосини англаганларни нормал ҳаётга қайтариш бўйича тизимли ишлар олиб бориляпти» [5].

Терроризм ва экстремизмга қарши кураш йўналишида замонавий инновацион таълимни кенг жорий этиш мақсадида, назаримизда, қуйидаги ишларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

**биринчидан**, ички ишлар органлари ходимлари, шу жумладан терроризм ва экстремизмга қарши курашиш ходимлари, айниқса тоғли ҳудуд, овуллардаги тезкор ходимларни ижтимоий ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратилиши лозим. Уларнинг оилавий турмуш тарзи, соғлиғи, дам олиши, иш вақтининг белгиланган меъёрларда бўлишини назоратга олиш бўйича жойлардаги раҳбарлар масъулиятни зиммасига олиши керак. Шундан сўнг ички ишлар органлари ходимларининг билимини оширишда ўқитишнинг инновацион педагогик технологияларидан фойдаланиш амалиётини тўғридан-тўғри жорий этиш зарур;



---

---

**иккинчидан**, ўқитиш соатлари «Маънавият ва маърифат ҳамда жанговар, жисмоний тайёргарлик» бўйича ўқув амалий машғулотлар учун Вазирликнинг алоҳида буйруқлари асосида ташкил этилган. Ички ишлар органлари тизимида терроризм ва экстремизмга қарши курашиш йўналишидаги соҳа ходимларини ўқитиш учун машғулотлар Ички ишлар вазирлиги Академиясида махсус ўқитилади. Бунда бой амалий тажрибага эга профессор-ўқитувчилар ва амалиётчи ходимлар томонидан таълимнинг замонавий шакл ва усулларини, энг янги педагогик ва ахборот-коммуникацион технологияларни, шу жумладан ситуацион машғулотларни, масофадан ўқитиш тизими кенг жорий этилган. Таълим олувчилар ва ўқитувчилар глобал ахборот-ҳуқуқий ва таълим ресурслари имкониятларидан кенг фойдаланмоқда. Бироқ жойлардаги шаҳар, туман ИИО ФМБ (ИИБ)ларда алоҳида ўқув машғулоти соатлари бўйича Вазирлик томонидан умумий жиноятчилик, шу жумладан терроризм ва экстремизмга қарши курашиш йўналишларида ўқув машғулотлари соатларини кўпайтириш, намуна сифатида Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академиясидаги каби таълимни кўпроқ назарияда эмас, балки тўғридан-тўғри жойлардаги раҳбар ходимлар бошчилигида махсус тажрибага эга мутахассисларни жалб қилган ҳолда тўғри тартибга солиш тақозо этилади;

**учинчидан**, ички ишлар органлари ва уларнинг қуйи тизимидаги чегара олди қишлоқ ва овулларда хизмат қилаётган ходимларнинг билими ва ҳуқуқий саводхонлигини оширишда дунёнинг етакчи давлатлари бўлган АҚШ, Туркия, Россия, Хитой, Англия, Германия, Франция ва Ҳиндистоннинг амалий иш тажрибаларидан фойдаланиш зарур. Бунда терроризм ва экстремизмга қарши курашнинг янги усулларини такомиллаштириш борасида бажарилган ишлари ва амалий бой тажрибалари таҳлилидан келиб чиқиб, янги методик қўлланмалар яратиш лозим;

**тўртинчидан**, ушбу тизимнинг жойлардаги шахсий таркибини янги педагогик усуллар билан ўқитиш ва ўргатишда керакли адабиётлар етарли даражада эмас. Ички ишлар органлари ходимларини ўқитиш бўйича жойлардаги шаҳар, туман ИИО ФМБ (ИИБ)ларда ҳафтанинг ҳар шанба куни ички ишлар органлари ходимлари учун янги адабиётлар ва етакчи мамлакатларнинг амалий иш тажрибаларини ўргатиш лозим.

Бунда раҳбар ходимлар томонидан соҳавий мутахассислар иштирокида ўқув машғулотларини тўғри ташкил қилиш ва соатларини режалаштиришда ички ишлар органлари тизими ва тузилмаларидаги соҳалар (ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, тергов, жиноят-қидирув) жиноятчилик, шу жумладан терроризм ва экстремизмга қарши курашиш йўналишида ҳам ўқув машғулотларининг вақти оширилса, ходимларнинг билим даражалари билан бир қаторда иш натижаларида ҳам сифат кўрсаткичлари яхшиланишига эришиш мумкин;

**бешинчидан**, ички ишлар органлари ходимларини ўқитишнинг янги услуби сифатида масофадан туриб илғор ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда таълим бериш лозим. Жойлардаги шаҳар, туман ИИО ФМБ (ИИБ)ларда ҳафтанинг ҳар шанба кунига «**Ўқитишнинг илғор педагогик технологиялари усули**» ўқув-машғулоти куни деб ном бериш ҳамда ички ишлар органлари

---

---

тизими ва тузилмаларидаги соҳаларга умумий жиноятчилик, шу жумладан терроризм ва экстремизмга қарши курашиш йўналишида берилган вақтдан тўғри фойдаланиш лозим. Бунда ўқитишнинг янгича педагогик технология ва усуллари қўллашда қўшимча маълумот (тарқатма материал, тест, топширик ва жиноят фабуласи ва х.к.)лар асосий мавзуни қамраб олиши керак.

Хулоса сифатида айтиш жоизки, терроризм ва экстремизмга қарши курашиш самарадорлигини оширишда ички ишлар органларининг янги хизматга қабул қилинган ёш офицер ходимларини ўқитишнинг янгича усулини такомиллаштириш зарур. Бунда замонавий ахборот технологияларининг имкониятларидан келиб чиқиб, уларга дунё мамлакатларининг амалий иш тажрибаларини ўргатиш ва таълимнинг инновацион технологияларидан кенг фойдаланиш зарур.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари. — Т.: Тошкент ислом университети, 2005.
2. *Ляхов Е.Г.* Терроризм и межгосударственные отношения. — М.: Международные отношения, 1991.
3. URL: <https://sputniknews-uz.com/video/20170920/6348548.html>
4. «Бу идоралар халқчил эмас» — Президент ички ишлар органлари ҳақида. — URL: <https://kun.uz/news/2020/01/24/bu-idoralar-xalqchil-emas-prezident-ichki-ishlar-organlari-haqida>
5. Экстремизм ва терроризм таҳдидларига қарши курашиш бўйича «ўзбек модели» қандай самара берапти? — URL: <http://xs.uz/uzkr/post/ekstremizm-va-terrorizm-tahdidlariga-qarshi-kurashish-bojicha-ozbek-modeli-qandaj-samara-beraypti>

## КОММУНИКАТИВНАЯ ФУНКЦИЯ ОБЩЕНИЯ В ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ СЛЕДОВАТЕЛЯ ОРГАНОВ ВНУТРЕННИХ ДЕЛ

**Аннотация.** В статье рассматриваются коммуникативные компетенции общения следователя органов внутренних дел, влияние уровня коммуникативных способностей на эффективность его служебной деятельности.

**Ключевые слова:** общение, коммуникативное общение, компетенция, обмен информацией, коммуникабельность, функция общения.

## ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ТЕРГОВЧИСИ КАСБИЙ ФАОЛИЯТИДА МУЛОҚОТНИНГ КОММУНИКАТИВ ФУНКЦИЯСИ

**Аннотация.** Мақолада ички ишлар органлари терговчисининг мулоқот жараёнидаги коммуникатив компетентлиги, коммуникатив қобилиятлари даражасининг хизмат фаолияти самарадорлигига таъсири кўриб чиқилган.

**Таянч сўзлар:** мулоқот, коммуникатив мулоқот, компетентлик, ахборот алмашиш, киришимлилик, мулоқот функцияси.

## COMMUNICATIVE FUNCTION OF COMMUNICATION IN THE PROFESSIONAL ACTIVITY OF THE INVESTIGATOR OF THE INTERNAL AFFAIRS

**Annotation.** The article deals with the communicative competence of communication of an investigator of internal affairs bodies and the influence of the level of communication skills on the efficiency of his official activity.

**Keywords:** communication, communicative communication, competence, information exchange, communication skills, communication function.

«Одним из важных направлений реализуемых в Республике Узбекистан реформ является последовательная демократизация, либерализация судебно-правовой системы, обеспечение ее подлинной независимости и укрепление гарантий надежной защиты прав, свобод и законных интересов граждан. Данное направление Стратегии действий связано с обеспечением верховенства закона и дальнейшим реформированием судебно-правовой системы. Обозначенные задачи в рамках указанного направления, прежде всего, нацелены на укрепление подлинной независимости судебной власти и гарантий надежной защиты прав и свобод граждан, повышение уровня доступа граждан к правосудию, совершенствование системы противодействия преступности и профилактики правонарушений, реализацию принципа состязательности в судебном процессе, совершенствование системы оказания юридической помощи и правовых услуг» [1]. Из этого можно сделать вывод, что общество не может не беспокоить уровень общей и правовой подготовки специалистов, в частности, следователей органов внутренних дел.

Нельзя не заметить, что при кажущейся многоаспектностью и обширности исследований некоторые свойства и механизмы коммуникативной функции общения еще требуют дополнительного рассмотрения. Поэтому без знания коммуникативных

---

*\*Ковеев Руслан Рустамович, преподаватель кафедры психологии служебной деятельности Академии МВД Республики Узбекистан.*

---

---

функций общения невозможно налаживать благоприятный контакт с людьми. Исходя из этого, среди других взаимосвязанных аспектов, оказывающих помощь следователю в служебной деятельности в системе ОВД, немаловажную роль играет профессиональное общение. Знание навыков коммуникативных функций общения и применение в системе деятельности ОВД в современных условиях облегчает труд и службу следователя. Помогает ему корректировать и налаживать контакт с гражданами в уголовном процессе, а также значительно понимать побуждения людей, грамотно устанавливать и использовать результаты знания эффективной коммуникации в деятельности следователей ОВД.

Общение является сложным многогранным процессом установления и развития контактов между людьми. Оно включает в себя восприятие и понимание человека человеком, а также их взаимодействие [3].

В своей книге «Основы психологии» А. А. Серебрякова, Е. А. Овсянникова определяют общение как специфическую форму взаимодействия человека с другими людьми как членами общества; в общении реализуются социальные отношения людей [4].

Информационно-коммуникативная функция общения следователя ОВД заключается непосредственно в установлении взаимопонимания, взаимосвязи между субъектами уголовного процесса.

Коммуникация — это активное взаимодействие, во время которого происходит обмен информацией. Коммуникативная функция общения выполняет роль регулятора взаимоотношений между следователями и гражданами в уголовном процессе. Психологический контакт, устанавливаемый следователем с гражданами в ходе решения оперативно-следственных задач, выступает важным параметром в служебной деятельности и существенно отличен от психологических контактов, устанавливаемых между людьми в обыденной жизни [2].

Главное же его отличие отмечено в ряде нормативных документов:

— Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан №727 от 15 сентября 2017 г. «О мерах по повышению эффективности расследования и раскрытия преступлений сотрудниками следственных подразделений органов внутренних дел»;

— Постановление Президента Республики Узбекистан №ПП-2898 от 18 апреля 2017 г. «О мерах по коренному совершенствованию деятельности органов внутренних дел в сфере расследования преступлений»;

— Постановление Президента Республики Узбекистан №ПП-6041 от 10 августа 2020 г. «О мерах по дальнейшему усилению гарантий защиты прав и свобод личности в судебно-следственной деятельности»;

— Уголовно-процессуальный кодекс Республики Узбекистан (утвержден Законом Республики Узбекистан от 22 сентября 1994 года № 2013-ХП) (с изменениями и дополнениями по состоянию на 14.05.2020 г.).

Глубокое и всестороннее рассмотрение различных аспектов теории и практики содержится в трудах Батаршева А.В., Безносова С.П., Васильева В.Л., Иваницкого А.Т., Кикотя В.Я., Столяренко А.М., Филонова Л.Б., Шаранова Ю.А., Шестакова А.Г., Цветкова В.Л., Шевченко В.М., Андреева Г.М., Родина В.Ф., Гэри Чепмена, Роберта Чалдани и др., где дается научное обоснование коммуникативной функции общения.

Главная особенность состоит в том, что успешное достижение психологического контакта следователями органов внутренних дел неразрывно связано в конечном итоге с получением значимой информации и изменением линии поведения граждан в диапазоне от противодействия — к содействию и сотрудничеству [2].

---

---

Из этого можно сделать вывод, что информационно-коммуникативная функция профессионального общения заключается в установлении взаимопонимания, взаимосвязи между субъектами совместной деятельности.

Профессиональное общение является неотъемлемой составной частью деятельности следователя — его коммуникативной деятельностью.

Результативность выполнения служебных задач возрастает, если следователь ОВД:

— учитывает психологические особенности человека или группы, с которыми он работает и создает благоприятные для себя условия;

— обеспечивает свою деятельность психологически грамотными приемами и средствами воздействия;

— понимает и контролирует свое психологическое влияние на ситуацию.

*Взаимодействие (и воздействие) требуют от следователя ОВД уверенного владения приемами, средствами и методами профессионального общения с различными категориями граждан и групп граждан, в т.ч. при нарушении с их стороны требований законодательства, возникновении конфликтных и иных опасных ситуаций в процессе уголовного судопроизводства. Поэтому ключевым элементом получения информации о личности в процессе уголовного дела является коммуникативная сторона общения.*

В общении традиционно принято выделять три стороны: коммуникативную, интерактивную и перцептивную [5].

Коммуникативная сторона общения основана на процессе обмена информацией. Интерактивная сторона общения представляет собой сформировавшееся взаимодействие его участников. Перцептивная сторона общения в процессе допроса участников уголовного процесса будет ориентирована на взаимное изучение.

Кроме этого, необходимо учитывать то, что коммуникативная деятельность следователей довольно своеобразна. Она имеет ряд психологических особенностей. Эти особенности предусматривают высокий уровень коммуникативной культуры следователей органов внутренних дел, составляющими которой является определенная совокупность знаний и умений, обеспечивающих эффективное протекание коммуникативного процесса общения. Способность следователя устанавливать, поддерживать и развивать необходимые контакты с другими людьми, плодотворно сотрудничать с ними, умело вести себя в конфликтных ситуациях — это их профессиональный навык [6].

Уровень коммуникативной компетенции следователей ОВД находится в прямой зависимости от их общего развития, культуры, широты мировоззрения, наличия разносторонних знаний, сформированности определенных моральных принципов. На последнее следует обратить особое внимание, потому что, находясь на переднем крае борьбы с преступностью, следователи должны выполнять роль морального эталона, быть образцом для подражания в соблюдении правовых, социальных и этических норм.

Специалисты в области общения считают, что одним из наиболее важных качеств, которые способствуют повышению эффективности процесса общения, является умение выслушивать других. Когда человек внимательно слушает своего собеседника, он таким образом демонстрирует свою заинтересованность в том, что тот говорит, проявляет уважение к нему, облегчает установление психологического контакта. Обращаясь к стражу порядка, человек ожидает, что его внимательно выслушают и помогут в решении его проблем [6].

Умение выслушивать участника уголовного процесса позволяет следователю расположить его к себе, снять психологическое напряжение.



---

---

Для следователя важно не только правильно общаться с людьми, но и уметь осуществлять психологическое воздействие: склонять их к своей точке зрения, убеждать, стимулировать, давать правдивую информацию и пр. Необходимо помнить, что следователь общается не только потому, что его интересует этот человек, а для того, чтобы в некоторых случаях изменить его позицию и взгляды. И именно психологическое воздействие в процессе общения с ним позволяет этого добиться. Все это и объясняет необходимость коммуникативной подготовки следователей ОВД. Необходимо, чтобы следователь во время коммуникативной подготовки получал представление о наиболее значимых психологических закономерностях профессионального общения.

Владея общей коммуникативной функцией общения, можно адаптировать ее к каждому конкретному случаю.

Прием комплексной психологичности общения. Некоторым общение представляется весьма упрощенно — как обмен словами и стоящей за ними информацией. В действительности общение протекает как контакт:

— ситуационно-деловой, осуществляемый для решения определенной юридической задачи. Цели, задачи, обстановка оказывают психологическое влияние на его протекание и результат;

— юридический, в ходе которого возникают правоотношения, определяющие порядок реализации своих прав и обязанностей. Со стороны сотрудника оно протекает строго в режиме соблюдения установленных норм, что понимает и его партнер по общению, и это тоже сказывается на их психологии и общении;

— познавательно-оценочный. Вступившие в контакт люди внимательно присматриваются друг к другу и в зависимости от его результатов решают, что и как говорить, а что не говорить;

— межличностный, во многом индивидуализированный. Разговаривают не звуковые устройства, а личности, определенным образом относящиеся друг к другу, подверженные симпатиям и антипатиям, взаимопониманию и вражде, пытающиеся повлиять друг на друга и использующие для этого все средства общения.

По роду службы следователю ОВД приходится иметь дело с наиболее трудным в социальном отношении контингентом, для которого характерно наличие асоциальных установок, неуправляемость, агрессивность, скрытый характер преступной деятельности, сопротивление и враждебное отношение к представителям власти. Выполняя свои повседневные обязанности, следователь ОВД также общается с различными категориями должностных лиц, руководителями различного ранга, гражданами, правонарушителями. Анализ профессиональной деятельности показывает, что все действия следователя характеризуются высоким разнообразием, сопровождаются множеством деловых и межличностных контактов с людьми как внутри, так и вне организационной системы, характеризуются быстрой сменой событий, многообразием выполняемых действий.

В этих условиях такие качества и умения, как:

- способность располагать к себе людей, вызывать у них чувство доверия;
- способность к быстрому установлению контактов с новыми людьми;
- умение быстро найти нужный тон, целесообразную формулу общения в зависимости от психологического состояния и индивидуальных особенностей собеседника;
- умение отстаивать свою точку зрения, умение вживаться в роль, способность к перевоплощению;
- умение слушать и тактически грамотно переводить разговор на значимые темы;
- умение применять психологические приемы с целью выявления значимой информации — в деятельности каждого следователя ОВД приобретают важное значение.

---

---

Коммуникативная компетентность обеспечивает эффективное общение, реализуя гибкие коммуникативные стратегии за счет вербальных и невербальных действий. Эффективное построение коммуникационного процесса зависит от некоторой совокупности знаний, умений и навыков, т.е. коммуникативных способностей. Хорошо развитые коммуникативные способности положительно влияют на социальное взаимодействие в целом, т.е. на общение [7].

В заключение хотелось бы добавить некоторые практические рекомендации для улучшения взаимодействия в работе следователя с людьми в системе ОВД:

- 1) развивать умение слушать каждого внимательно;
- 2) развивать умение не настаивать;
- 3) развивать умение «прикусить язык». Комментарии в таких случаях могут привести к тому, что собеседник займет оборонительную или агрессивную позицию, или вовсе может замолчать. В любом случае с этого момента Вы не получите больше полезной информации;
- 4) развивать умение использовать язык тела. При общении обратить внимание на свою позу. Стараться смотреть прямо на собеседника и при разговоре избегать привычки поглядывать на свои часы.

Также для развития коммуникативных способностей можно использовать специальный «тренинг коммуникативной компетентности» и другие подобные этому тренинги, которые позволяют развить навыки профессионального общения и коммуникативной компетентности следователей органов внутренних дел. Коммуникативный тренинг заключается в овладении навыками установления психологического контакта и доверительных отношений, осуществления психологического воздействия на лиц, представляющих оперативно-следственный интерес.

Таким образом, практические возможности психологии за счет целенаправленных мероприятий по психологическому обеспечению позволяют повысить коммуникативную функцию общения следователей и улучшить эффективность их деятельности.

## ИСПОЛЬЗОВАННАЯ ЛИТЕРАТУРА

1. *Мирзиёв Ш.М.* Выступление на 72-й сессии Генеральной Ассамблеи Организации Объединенных Наций 19 сентября 2017 года. — URL: <http://narodnoeslovo.uz>
2. *Асямов С.В.* Профессионально-психологический тренинг сотрудников органов внутренних дел: Учебное пособие / С. В. Асямов, Ю. С. Пулатов. — Ташкент: Академия МВД Республики Узбекистан, 2000. — 141 с.
3. *Лебедев И.Б.* Юридическая психология / И.Б. Лебедев, В.Ф. Родин, В.Л. Цветков, В.Я. Кикоть, Н.Д. Эриашвили. — М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2014. — 479 с.
4. *Овсянникова Е.А.* Основы психологии [Электронный ресурс]: Учеб. пособие. 2-е изд., перераб. / Е.А. Овсянникова, А.А. Серебрякова. — М., 2015. — URL: [http://www.litres.ru/pages/biblio\\_book/?art=10265929](http://www.litres.ru/pages/biblio_book/?art=10265929)
5. Психология для студентов вузов / Под ред. *Е. И. Рогова*. — М.: ИКЦ «МарТ», 2005. — 560 с.
6. *Родин В.Ф.* Психология / В. Ф. Родин, И. В. Groшев, И. А. Калиниченко, Н. Д. Эриашвили и др. — М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2016. — 303 с.
7. *Родомская И.П.* Особенности коммуникативной подготовки в подразделениях МВД // Честь и закон. — 2005. — № 4.